

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ  
ОЛИЙ ВА ЎРТА МАХСУС ТАЪЛИМ ВАЗИРЛИГИ**

**ОЛИЙ ТАЪЛИМ ТИЗИМИ ПЕДАГОГ ВА РАҲБАР КАДРЛАРИНИ  
ҶАЙТА ТАЙЁРЛАШ ВА УЛАРНИНГ МАЛАКАСИНИ ОШИРИШНИ  
ТАШКИЛ ЭТИШ БОШ ИЛМИЙ - МЕТОДИК МАРКАЗИ**

**ЎЗБЕКИСТОН МИЛЛИЙ УНИВЕРСИТЕТИ ҲУЗУРИДАГИ ПЕДАГОГ  
КАДРЛАРНИ ҶАЙТА ТАЙЁРЛАШ ВА УЛАРНИНГ МАЛАКАСИНИ  
ОШИРИШ ТАРМОҚ (МИНТАҚАВИЙ) МАРКАЗИ**

**“Ўзбекистон миллий тараққиётининг янги босқичида фуқаролик  
жамиятининг шаклланиши ва ривожланиши”  
модули бўйича  
ЎҚУВ –УСЛУБИЙ МАЖМУА**

**Мазкур ўқув-услубий мажмуа Олий ва ўрта махсус таълим вазирлигининг 2020 йил 7 декабрдаги 648-сонли буйруғи билан тасдиқланган ўқув режа ва дастур асосида тайёрланди.**

Тузувчи:                   ЎзМУ “Фуқаролик жамияти ва хуқук таълими” кафедраси мудири, профессор А.Утамурадов

Тақризчилар:              ЎзМУ “Фуқаролик жамияти ва хуқук таълими” кафедраси с.ф.д., проф. И.Эргашев,

ТДШУ, профессори, с.ф.д., У.Идиров

## **МУНДАРИЖА:**

<b>I. ИШЧИ ДАСТУР</b> .....	3
<b>II. МОДУЛНИ ЎҚИТИШДА ФОЙДАЛАНИЛАДИГАН ИНТРЕФАОЛ ТАЪЛИМ МЕТОДЛАРИ</b> .....	14
<b>III. НАЗАРИЙ МАШГУЛОТ МАТЕРИАЛЛАРИ</b> .....	19
<b>IV. АМАЛИЙ МАШГУЛОТ МАТЕРИАЛЛАРИ</b> .....	63
<b>V. ГЛОССАРИЙ</b> .....	103
<b>VI. АДАБИЁТЛАР РЎЙХАТИ</b> .....	120

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ  
ОЛИЙ ВА ЎРТА МАХСУС ТАЪЛИМ ВАЗИРЛИГИ**

**ЎЗБЕКИСТОН МИЛЛИЙ УНИВЕРСИТЕТИ ҲУЗУРИДАГИ ПЕДАГОГ  
КАДРЛАРНИ ҚАЙТА ТАЙЁРЛАШ ВА УЛАРНИНГ МАЛАКАСИНИ  
ОШИРИШ ТАРМОҚ (МИНТАҚАВИЙ) МАРКАЗИ**

**«Тасдиқлайман»  
Тармоқ (мintaқavий) маркази  
директори И.Хамиджонов**

**“\_\_\_” 2021 йил**

Ўзбекистон миллий тараққиётининг янги босқичида фуқаролик жамиятининг шаклланиши ва ривожланиши.1 модули бўйича

**ИШЧИ ЎҚУВ ДАСТУРИ**

**“Фуқоролик жамияти”**  
таълим йўналишлари ва мутахассисликлари профессор-ўқитувчилари учун

**Тошкент – 2021**

Модулнинг ишчи ўқув дастури Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта маҳсус таълим вазирлигининг 2021 йил \_\_\_\_\_даги \_\_\_\_-сонли буйруғи билан тасдиқланган намунавий ўқув режа ва дастурлар асосида ишлаб чиқилган.

Тузувчи: ЎзМУ “Фуқаролик жамияти ва ҳуқук таълими” кафедраси мудири, профессор А.Утамурадов

Тақризчилар: ЎзМУ “Фуқаролик жамияти ва ҳуқуқ таълими” кафедраси с.ф.д., проф. И.Эргашев,

ТДШУ, профессори, с.ф.д., У.Идиров

Ишчи ўқув дастури Мирзо Улугбек номидаги Ўзбекистон Миллий университети Кенгашининг 2021 йил \_\_ \_\_даги \_\_\_\_-сонли баённомаси билан маъкулланган.

## I. ИШЧИ ДАСТУР

### Кириш

Дастур Ўзбекистон Республикасининг 2020 йил 23 сентябрда тасдиқланган “Таълим тўғрисида”ги Қонуни, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги “Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида”ги ПФ-4947-сон, 2019 йил 27 августдаги “Олий таълим муассасалари раҳбар ва педагог кадрларининг узлуксиз малакасини ошириш тизимини жорий этиш тўғрисида”ги ПФ-5789-сон, 2019 йил 8 октябрдаги “Ўзбекистон Республикаси олий таълим тизимини 2030 йилгача ривожлантириш концепциясини тасдиқлаш тўғрисида”ги ПФ-5847-сонли Фармонлари ҳамда Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2019 йил 23 сентябрдаги “Олий таълим муассасалари раҳбар ва педагог кадрларининг малакасини ошириш тизимини янада такомиллаштириш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги 797-сонли Қарорларида белгиланган устувор вазифалар мазмунидан келиб чиқкан ҳолда тузилган бўлиб, у олий таълим муассасалари педагог кадрларининг касб маҳорати ҳамда инновацион компетентлигини ривожлантириш, соҳага оид илғор хорижий тажрибалар, янги билим ва малакаларни ўзлаштириш, шунингдек амалиётга жорий этиш қўнималарини такомиллаштиришни мақсад қиласди.

Дастур доирасида мамлакатимизни ривожлантириш стратегияси, фуқаролик жамиятининг шаклланиши ва ривожланишига оид қонуниятлар, тамойиллар, устувор йўналишлар, ислоҳотларни амалга ошириш механизmlари ва унга доир замонавий концепциялар очиб берилган. Модернизацион ўзгаришларнинг ижтимоий, иқтисодий, маънавий, маданий, сиёсий соҳолар орқали амалга оширилиши, ҳар бир соҳанинг миқдорий, мазмунли, структуравий ҳолатининг алмашинуви натижасида давлат ва жамият тизимида олиб борилаётган ислоҳотларнинг сифат қўрсатгичларини ўзлаштириб бориш долзарб вазифалардан ҳисобланади.

**Модулининг мақсади:** тингловчиларга Фуқаролик жамияти, Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантиришнинг Ҳаракатлар стратегиясининг мақсад ва вазифалари, асосий йўналишлари, Ўзбекистон миллий тараққиётининг янги босқичида фуқаролик жамиятининг шаклланиши ва ривожланиши жараёнида олиб борилаётган ислоҳотлар, фуқаролик жамиятини шакллантириш ва ривожлантиришда Ўзбекистоннинг ўзига хос хусусиятлари тўғрисида чуқур билим бериш орқали уларда фаол фуқаролик позицияси, танқидий таҳлил ва шахсий масъулиятини шакллантиришдан иборат.

**Модулнинг вазифалари:** Ўзбекистон миллий тараққиётининг янги босқичида амалга оширилаётган ислоҳотларнинг мазмун моҳиятини, Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича “Ҳаракатлар стратегияси”нинг

асосий йўналишларини, уларни амалга ошириш механизмларини тушунтириш; фуқаролик жамиятини барпо этишининг ижтимоий-сиёсий, хуқукий ва маънавий асослари тўғрисидаги тасаввурларини бойитиш ҳисобланади.

Мутахассислик фанлари бўйича тингловчилар қуидаги янги билим, кўникма, малака ҳамда компетенцияларга эга бўлишлари талаб этилади:

**Тингловчи:**

- фуқаролик жамияти тўғрисидаги фоя ва назарияларнинг шаклланишини;
- Ўрта Осиёда фуқаролик жамиятини шакллантириш тўғрисидаги фоялар, қарашлар, концепцияларни;
- Фуқаролик жамиятини ривожлантириш тўғрисидаги замонавий қарашлар;
- Ривожланган ғарб мамлакатларида фуқаролик жамияти шаклланиши ва ривожланишининг ўзига хос хусусиятларини;
- ривожланган Шарқ мамлакатларининг илғор тажрибаси. Сингапур мўжизаси: назария ва амалиёт. Жанубий Корея моделининг хаётийлиги. Япон моделининг ўзига хослигини;
- Янги тараққиёт босқичида Ўзбекистонда фуқаролик жамияти институтларининг такомиллашув жараёни хусусиятларини **билиши** керак.

**Тингловчи:**

- Ўзбекистонни ривожлантириш стратегияси ва Фуқаролик жамияти фанларини ўқитиш бўйича янги технологияларни амалиётда қўллаш;
- фуқаролик жамиятининг илмий-назарий методологияси, Ўрта Осиё мутафаккирларининг фуқаролик жамияти тўғрисидаги қарашлари, Ўзбекистонда фуқаролик жамияти институтларини ривожлантириш амалиёти бўйича маъруза, амалий машғулот ва назорат ишларини ташкил этиш;
- Ўзбекистонда фуқаролик жамиятининг шаклланиши, ривожланиши ва амалий жараёнларни баҳолаш, ташвиқот-тарғибот қилиш;
- педагогик жараёнда мулоқот услубларини тўғри қўллай олиш **кўникмаларига** эга бўлиши лозим.

**Тингловчи:**

- ахборот коммуникацион технологиялари ва уларни қўллашнинг илмий-назарий ва амалий аҳамиятини билиш;
- фуқаролик жамиятининг илмий-назарий методологияси, Ўрта Осиё мутафаккирларининг фуқаролик жамияти тўғрисидаги қарашлари, Ўзбекистонда фуқаролик жамияти институтларини ривожлантириш амалиёти

пакетлар фанларининг замонавий йўналишларини ишлаб чиқиш ва оммалаштириш;

– Ўзбекистонни ривожлантириш стратегияси ва Фуқаролик жамияти фанларини турли соҳаларга татбиқ қилиш;

– Ўзбекистонни ривожлантириш стратегияси ва Фуқаролик жамияти фанларни дастурлар пакети ёрдамида ечишнинг замонавий усулларини қўллаш **малакаларига** эга бўлиши лозим.

### **Тингловчи:**

– Ўзбекистонни ривожлантириш стратегияси ва Фуқаролик жамияти фанларнинг дастурлар пакетини ўқув жараёнига татбиқ этиш;

– Ўзбекистонни ривожлантириш стратегияси ва Фуқаролик жамияти фанларни дастурлар пакети ёрдамида ечишнинг замонавий масалаларини таҳлил қила олиш;

– фуқаролик жамиятини ривожлантиришда илмий-назарий масалаларни ечишда замонавий технологиялар ва усуллардан фойдалана олиш;

– Ўзбекистонни ривожлантириш стратегияси ва Фуқаролик жамияти фанлар соҳасида касбий фаолият юритиш учун зарур бўлган билим, кўникма, малака ва шахсий сифатларга эга бўлиш;

– илфор ахборот-технологияларида ишлаш;

– видеодарсларни тайёрлаш;

– эгалланган тажрибани танқидий кўриб чиқиш қобилияти, зарур бўлгандан ўз касбий фаолиятининг тури ва характеристини ўзгартира олиш;

– Ўзбекистонни ривожлантириш стратегияси ва Фуқаролик жамияти фанларда тизимли таҳлил усулидан фойдаланиш йўлларини ишлаб чиқиш;

– фуқаролик жамиятининг илмий-назарий методологияси, Ўрта Осиё мутафаккирларининг фуқаролик жамияти тўғрисидаги қарашлари, фуқаролик жамияти ва демократик институтларни ривожлантиришнинг илфор хорижий тажриба, Ўзбекистонда фуқаролик жамияти институтларини ривожлантириш амалиёти каби фуқаролик жамияти пакетлар фанларининг долзарб масалаларига оид замонавий манбалардан фойдалана олиш **компетенцияларига** эга бўлиши лозим.

### **III. МУТАХАССИСЛИК ФАНЛАРИ**

#### **3.1. Ўзбекистон миллий тараққиётининг янги босқичида фуқаролик жамиятининг шаклланиши ва ривожланиши.**

##### **1 мавзу: Фуқаролик жамияти фанининг предмети, объекти ва мақсади. (2 соат).**

Фуқаролик жамияти фан сифатида. Фуқаролик жамияти фанининг предмети ва объекти. Фуқаролик жамияти фанининг мақсади, ўкув, илмий, амалий ва тарбиявий вазифалари, функциялари. Фуқаролик жамияти фанининг тушунчалари, қонуниятлари ва унинг бошқа иштимоий фанлар билан ўзаро боғлиқлиги, ўзига ҳос хусусиятлари.

##### **2 мавзу: Фуқаролик жамияти қуриш мамлакатимизнинг асосий стратегик пировард мақсади. (2 соат)**

Ижтимоий хаётнинг турли соҳаларида олиб борилаётган ислохотлардан кўзланган асосий мақсад - адолатли фуқаролик жамиятини шакллантиришdir. Биринчи Президент И.Каримов ва Ўзбекистон Республикаси Президенти Ш.Мирзиёевнинг фуқаролик жамиятини қуриш пировард мақсад сифатида белгиланганлиги тўғрисидаги концептуал ғоялар.

##### **3 мавзу: Фуқаролик жамияти ғоялар эволюцияси. (2 соат)**

Фуқаролик жамияти тушунчасининг тарихий илдизлари ва уларнинг тавсифлари. Шарқ ва Ғарб цивилизациярида фуқаролик жамияти тушунчасига оид ўзига ҳос ёндошувлар. Фуқаролик жамиятининг антик парадигмаси. Шарқ мамлакатларида фуқаролик жамияти ҳақидаги илк қарашлар. Ўрта асрларда фуқаролик жамияти ғояларининг ривожланиши. Янги даврда фуқаролик жамиятининг парадигмалари. Фуқаролик жамиятининг замонавий концепциялари ва ёндошувлар.

##### **4 мавзу: Фуқаролик жамиятининг шаклланиш ва ривожланиш босқичлари. (2 соат)**

Ғарб мамлакатларида фуқаролик жамиятиниг шаклланиши ва ривожланиш босқичлари. Биринчи босқичда фуқаролик жамиятининг иқтисодий, сиёсий, хуқуқий ва мафкуравий асосларининг яратилиши. Иккинчи босқичда умумий юридик тенглик, эркинлик, тадбиркорлик, шаҳсий ташаббусга асосланган вертикал муносабатларнинг шаклланиши. Учинчи босқич фуқароларнинг хуқуқий тенглиги ва ўзаро битимларга асосланган горизонтал муносабатларнинг шаклланиши.

##### **5 мавзу: Фуқаролик жамияти инсоният тараққиётининг - юқори босқичи. (2 соат)**

Фуқаролик жамияти ўз-ўзини ривожлантирувчи, ўзини-ўзи бошқарувчи тизим. Иқтисодий ва сиёсий ҳокимиятнинг ажралиши – фуқаролик

жамиятининг юзага келиши ва қарор топишининг асосий мезони. Илмий адабиётларда “фуқаролик жамияти” ва “хуқуқий давлат” тушунчаларининг ўзаро нисбати, умумий ҳамда ўзига ҳос жиҳатлари, унга турли хил ёндошувлар.

**6 мавзу: Ўзбекистон миллий тараққиётининг янги босқичида фуқаролик жамиятининг шаклланиши ва ривожлантириш стратегияси. (2 соат).**

Фуқаролик жамиятининг шакллантириш ва ривожлантиришда демократик институтларнинг тутган ўрни. Кўппартиявийлик – фуқаролик жамият барпо этишнинг муҳим шарти. Фуқаролик жамияти институтларини ривожлантириш истиқболлари. “Кучли давлатдан - кучли фуқаролик жамият сари” концепцияси. Жамоатчилик назорати тушунчаси, тизими, субъектлари, шакллари ва турли қўринишлари. Жамоатчилик назорати тўғрисидаги қонуннинг (2018) қабул қилиниши ва унинг такомиллаштирилиши. Ижтимоий шериклик тушунчаси, ва унинг талқинлари. Ижтимоий шерикликнинг ривожланишининг назарий-хуқуқий асослар. Ўзаро манфаатли ҳамкорликнинг самарасии оширишга қаратилаган давлат – хусусий шерикликиннинг замонавий механизмларини жорий этиш.

**7 мавзу: “Миллий тикланишдан миллий юксалишга” концептуал ғояси. Ўзбекистонда 2021-2025 йилларда фуқаролик жамиятини ривожлантириш концепцияси (4.03.2021). (2 соат)**

“Миллий тикланишдан миллий юксалишга” концептуал ғоясининг мазмун моҳияти. Ўзбекистонда 2021-2025 йилларда фуқаролик жамиятини ривожлантириш концепциясининг қабул қилиниши, Концепцияда белгиланган устувор йўналишлар ва “Йўл харитаси”. Фуқаролик жамиятини ривожлантиришнинг мақсадли кўрсаткичлари. Давлат субсидиялари, грантлар ва ижтимоий буюртмалар бериш тартиби. Жамоатчилик палатасининг такомиллаштирилиши ва унинг асосий вазифалари.

## Модул бўйича соатлар тақсимоти

№	Модуль мавзулари	Аудитория уқув юкламаси			
		Жами	жумладан		
			Назарий	Амайи машгулот	Кўчма машгулоти
1.	Фуқаролик жамияти фанининг предмети, обьекти ва мақсади.	4	2	2	
2.	Фуқаролик жамияти қуриш мамлакатимизнинг асосий стратегик пировард мақсади	2	2		
3	Фуқаролик жамияти ғоялар эволюцияси.	4	2	2	
4	Фуқаролик жамиятининг шаклланиш ва ривожланиш босқичлари.	4	2	2	
5	Фуқаролик жамияти инсоният тараққиётининг - юқори босқичи.	4	2	2	
6	Ўзбекистон миллий тараққиётининг янги босқичида фуқаролик жамиятининг шаклланиши ва ривожлантириш стратегияси.	4	2	2	
7	“Миллий тикланишдан миллий юксалишга” концептуал ғояси. Ўзбекистонда 2021-2025 йилларда фуқаролик жамиятини ривожлантириш концепцияси.	4	2	2	
	<b>Жами:</b>	<b>26</b>	<b>14</b>	<b>12</b>	

## **АДАБИЁТЛАР РЎЙХАТИ**

### **I. Ўзбекистон Республикаси Президентининг асарлари**

1. Мирзиёев Ш.М. Буюк келажагимизни мард ва олижаноб халқимиз билан бирга қурамиз. – Т.: “Ўзбекистон”, 2017. – 488 б.
2. Мирзиёев Ш.М. Миллий таракқиёт йўлимизни қатъият билан давом эттириб, янги босқичга кўтарамиз. 1-жилд. – Т.: “Ўзбекистон”, 2017. – 592 б.
3. Мирзиёев Ш.М. Халқимизнинг розилиги бизнинг фаолиятимизга берилган энг олий баҳодир. 2-жилд. Т.: “Ўзбекистон”, 2018. – 507 б.
4. Мирзиёев Ш.М. Нияти улуғ халқнинг иши ҳам улуғ, ҳаёти ёруғ ва келажаги фаровон бўлади. 3-жилд.– Т.: “Ўзбекистон”, 2019. – 400 б.
5. Мирзиёев Ш.М. Миллий тикланишдан – миллий юксалиш сари. 4-жилд.– Т.: “Ўзбекистон”, 2020. – 400 б.

### **II. Норматив-хукуқий хужжатлар**

6. Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси. – Т.: Ўзбекистон, 2018.
7. Ўзбекистон Республикасининг 2020 йил 23 сентябрда қабул қилинган “Таълим тўғрисида”ги ЎРҚ-637-сонли Қонуни.
8. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2015 йил 12 июнь “Олий таълим муасасаларининг раҳбар ва педагог кадрларини қайта тайёрлаш ва малакасини ошириш тизимини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПФ-4732-сонли Фармони.
9. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февраль “Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида”ги 4947-сонли Фармони.
10. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 20 апрель “Олий таълим тизимини янада ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПҚ-2909-сонли Қарори.
11. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 21 сентябрь “2019-2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини инновацион ривожлантириш стратегиясини тасдиқлаш тўғрисида”ги ПФ-5544-сонли Фармони.
12. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 27 май “Ўзбекистон Республикасида коррупцияга қарши курашиш тизимини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПФ-5729-сон Фармони.
13. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 17 июнь “2019-2023 йилларда Мирзо Улуғбек номидаги Ўзбекистон Миллий университетида талаб юқори бўлган малакали кадрлар тайёрлаш тизимини тубдан такомиллаштириш ва илмий салоҳиятини ривожлантири чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПҚ-4358-сонли Қарори.
14. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 27 август

“Олий таълим муассасалари раҳбар ва педагог кадрларининг узлуксиз малакасини ошириш тизимини жорий этиш тўғрисида”ги ПФ-5789-сонли Фармони.

15. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2019 йил 23 сентябрь “Олий таълим муассасалари раҳбар ва педагог кадрларининг малакасини ошириш тизимини янада такомиллаштириш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги 797-сонли Қарори.

16. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 8 октябрь “Ўзбекистон Республикаси олий таълим тизимини 2030 йилгacha ривожлантириш концепциясини тасдиқлаш тўғрисида”ги ПФ-5847-сонли Фармони.

17. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2020 йил 29 октябрь “Илм-фанни 2030 йилгacha ривожлантириш концепциясини тасдиқлаш тўғрисида”ги ПФ-6097-сонли Фармони.

18. Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг 2020 йил 25 январдаги Олий Мажлисга Мурожаатномаси.

19. Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг 2020 йил 29 декабрдаги Олий Мажлисга Мурожаатномаси.

20. 2021-2025 йилларда Фуқаролик жамиятини ривожлантириш концепциясини тасдиқлаш тўғрисида Ўзбекистон Республикаси Президентининг фармони Тошкент, 2021 йил 4 март.

21. Маънавий-маърифий ишлар тизимини тубдан такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида Ўзбекистон Республикаси Президентининг қарори Тошкент, 2021 йил 26 март.

### **Ш. Махсус адабиётлар**

1. Мохаммад Хотами Ислам, диалог и гражданское общество. – М.: “РОССПЭН”. 2001. – 242 с.
2. Джон Кин Демократия и гражданское общество. – М.: “Прогресс - Традиция”, 2001. – 400 с.
3. Шарифхўжаев М. Ўзбекистонда очик фуқаролик жамиятининг шаклланиши. –Т.: Шарқ, 2003.
4. Д.Дж.Грин Возвращение в гражданское общество: социальное обеспечение без участия государства. – М.: “Новое издательство”. 2008, – 220 с.
5. Қирғизбоев М. Фуқаролик жамияти: генезиси, шаклланиши ва ривожланиши. – Т.: Ўзбекистон, 2010
6. Джим Л. Коэн, Эндрю Арато Гражданское общество и политическая теория. – М.: “Весь мир”, 2011. – 784 с.
7. Жалилов А. ва бошқ. Фуқаролик жамияти асослари. – Т.: Baktriya press, 2015.
8. Р.Хасанов, А.Утамуродов Фуқаролик жамияти: назария ва амалиёт (Услубий қўлланма) – Т.: 2016. 14 б.т.
9. А.Утамуродов ва бошқ. Фуқаролик жамияти фанидан тушунча ва

- атамалар лугати. Лотин ёзувида. – Т.: “Турон-Замин-Зиё”. 2017. 23 б.т.
10. М.Бекмуродов ва бошқ. Ҳаракатлар стратегияси асосида жадал тараққиёт ва янгиланиш сари, – Т .: “Фофор Ғулом НМИУ”. 2017, - 236 б.
11. Ж.Мавлонов Коммуникативные основы деятельности институтов гражданского общества: тенденции и инновации (Монография) - Т.: “Адабиёт учқунлари”, 2018. 12 б.т.
12. А.Утамурадов Фуқаролик жамияти гоялари эволюцияси Т.: “Адабиёт учқунлари” 2018. 12 б.т.
13. A.Utamuradov va boshq. Fuqarolik jamiyati (O‘quv qo‘llanma) – Т.: “Mumtoz so‘z”, 2018. 24,75 b.t.
14. А.Утамурадов ва бошқ. Фуқаролик жамияти: Фоялар эволюцияси (Шарқ ва Farb мутафаккирлари талқинида). Лотин ёзувида. – Т.: “Адабиёт учқунлари”, 2018. 6 б.т.
15. Муаллифлар жамоаси. А.Утамурадов таҳририда Ўзбекистонни ривожлантириш стратегияси. Фуқаролик жамияти (Услубий қўлланма) – Т.: “Info Capital Group”, 2019. – 432 б.
16. Олий таълим тизимини рақамли авлодга мослаштириш концепцияси. Европа Иттифоқи Эрасмус+ дастурининг кўмагида. [https://hiedtec.ecs.uni-ruse.bg/pimages/34/3.\\_UZBEKISTAN-CONCEPT-UZ.pdf](https://hiedtec.ecs.uni-ruse.bg/pimages/34/3._UZBEKISTAN-CONCEPT-UZ.pdf)
17. Усмонов Б.Ш., Ҳабибуллаев Р.А. Олий ўкув юртларида ўкув жараёнини кредит-модуль тизимида ташкил қилиш.–Т.: “ТКТИ” нашриёти, 2019.
18. Ҳакимов Н.Х., Садиков А.К. Стратегия развития страны. Гражданское общество (Учебное пособие) - Т.: “Иқтисодиёт”, 2020. - 252 с.
19. A.Utamuradov va boshqalar O‘zbekistonni rivojlantirish strategiyasi. Fuqarolik jamiyati: Darslik – Т.: O‘zbekiston Respublikasi Milliy gvardiyasi Harbiy-texnik instituti, 2020. 24.5 b.t.
20. Ҳаракатлар стратегияси билан З йил: Кутилган натижалар, юқори самарадорлик ва юксак мэрралар Тошкент 2020 “Тараққиёт стратегияси маркази” 185 бет.

#### **IV. Интернет сайлар**

21. Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта маҳсус таълим вазирлиги: [www.edu.uz](http://www.edu.uz).
22. Бош илмий-методик марказ: [www.bimm.uz](http://www.bimm.uz)
23. [www.Ziyonet.Uz](http://www.Ziyonet.Uz)
24. Открытое образование. <https://openedu.ru/>
25. <https://foxford.ru/wiki/obschestvoznanie/grazhdanskoe-obschestvo>
26. <https://www.linguee.com/russian-english/translation>
27. [https://enc.for.uz/w/index.php?title=Fuqarolik\\_jamiyati&variant=uz-cyril](https://enc.for.uz/w/index.php?title=Fuqarolik_jamiyati&variant=uz-cyril)
28. <http://www.uzbekembassy.ir/Development.aspx>
29. <https://icscentre.org/tag/civil-society/>

## ҮҚИТИШ ШАКЛЛАРИ

Мазкур модул бўйича қуидаги ўқитиш шаклларидан фойдаланилади:

- маърузалар, амалий машғулотлар (маълумотлар ва технологияларни англаб олиш, ақлий қизиқиши ривожлантириш, назарий билимларни мустаҳкамлаш);
- давра сұхбатлари (кўрилаётган лойиҳа ечимлари бўйича таклиф бериш қобилиягини ошириш, эшитиш, идрок қилиш ва мантиқий хуносалар чиқариш);
- баҳс ва мунозаралар (loyiҳалар ечими бўйича далиллар ва асосли аргументларни тақдим қилиш, эшитиш ва муаммолар ечимини топиш қобилиягини ривожлантириш).

## II. МОДУЛНИ ЎҚИТИШДА ФОЙДАЛАНИЛАДИГАН ИНТРЕФАОЛ ТАЪЛИМ МЕТОДЛАРИ

### “Кейс-стади” методи

“Кейс-стади”— инглизча сўз бўлиб, (“case” – аниқ вазият, ҳодиса, “stadi” – ўрганмоқ, таҳлил қилмоқ) аниқ вазиятларни ўрганиш, таҳлил қилиш асосида ўқитишни амалга оширишга қаратилган метод ҳисобланади. Мазкур метод дастлаб 1921 йил Гарвард университетида амалий вазиятлардан иқтисодий бошқарув фанларини ўрганишда фойдаланиш тартибида қўлланилган. Кейсда очиқ ахборотлардан ёки аниқ воқеа-ҳодисадан вазият сифатида таҳлил учун фойдаланиш мумкин. Кейс ҳаракатлари ўз ичига қуидагиларни қамраб олади: Ким (Who), Қачон (When), Қаерда (Where), Нима учун (Why), Қандай/ Қанақа (How), Нима-натижа (What).

### “Кейс методи” ни амалга ошириш босқичлари

Иш босқичлари	Фаолият шакли ва мазмуни
<b>1-босқич:</b> Кейс ва унинг ахборот таъминоти билан таништириш	✓ якка тартибдаги аудио-визуал иш; ✓ кейс билан танишиш(матнли, аудио ёки медиа шаклда); ✓ ахборотни умумлаштириш; ✓ ахборот таҳлили; ✓ муаммоларни аниқлаш
<b>2-босқич:</b> Кейсни аниқлаштириш ва ўқув топшириғни белгилаш	✓ индивидуал ва гуруҳда ишлаш; ✓ муаммоларни долзарблик иерархиясини аниқлаш; ✓ асосий муаммоли вазиятни белгилаш
<b>3-босқич:</b> Кейсдаги асосий муаммони таҳлил этиш орқали ўқув топшириғининг ечимини излаш, ҳал этиш йўлларини ишлаб чиқиш	✓ индивидуал ва гуруҳда ишлаш; ✓ муқобил ечим йўлларини ишлаб чиқиш; ✓ ҳар бир ечимнинг имкониятлари ва тўсиқларни таҳлил қилиш; ✓ муқобил ечимларни танлаш
<b>4-босқич:</b> Кейс ечимини	✓ якка ва гуруҳда ишлаш;

<p>ечимини шакллантириш ва асослаш, тақдимот.</p>	<ul style="list-style-type: none"> <li>✓ муқобил вариантын амалда қўллаш имкониятларини асослаш;</li> <li>✓ ижодий-лойиха тақдимотини тайёрлаш;</li> <li>✓ якуний хулоса ва вазият ечимининг амалий аспектларини ёритиш</li> </ul>
---	--

### “SWOT-таҳлил” методи.

**Методнинг мақсади:** мавжуд назарий билимлар ва амалий тажрибаларни таҳлил қилиш, таққослаш орқали муаммони ҳал этиш йўлларни топишга, билимларни мустаҳкамлаш, тақорглаш, баҳолашга, мустақил, танқидий фикрлашни, ностандарт тафаккурни шакллантиришга хизмат қиласди.



### “Хулосалаш” (Резюме, Веер) методи.

**Методнинг мақсади:** Бу метод мураккаб, кўптармоқли, мумкин қадар, муаммоли характеридаги мавзуларни ўрганишга қаратилган. Методнинг моҳияти шундан иборатки, бунда мавзунинг турли тармоқлари бўйича бир хил ахборот берилади ва айни пайтда, уларнинг ҳар бири алоҳида аспектларда муҳокама этилади. Масалан, муаммо ижобий ва салбий томонлари, афзаллик, фазилат ва камчиликлари, фойда ва зарарлари бўйича ўрганилади. Бу интерфаол метод танқидий, таҳлилий, аниқ мантикий фикрлашни муваффакиятли ривожлантиришга ҳамда ўқувчиларнинг мустақил ғоялари, фикрларини ёзма ва оғзаки шаклда тизимли баён этиш, ҳимоя қилишга имконият яратади. “Хулосалаш” методидан маъруза машғулотларида индивидуал ва жуфтликлардаги иш шаклида, амалий ва семинар машғулотларида кичик гурӯҳлардаги иш шаклида мавзу юзасидан билимларни мустаҳкамлаш, таҳлили қилиш ва таққослаш мақсадида фойдаланиш мумкин.

## Методни амалга ошириш тартиби:



тренер-ўқитувчи иштирокчиларни 5-6 кишидан иборат кичик гурухларга ажратади;



тренинг мақсади, шартлари ва тартиби билан иштирокчиларни таништиргач, ҳар бир гурухга умумий муаммони таҳлил килинини запони бўлган кисмлари



ҳар бир гурух ўзига берилган муаммони атрофлича таҳлил қилиб, ўз мулоҳазаларини тавсия этилаётган схема бўйича таънатмага ёзма баён кипали:



навбатдаги босқичда барча гурухлар ўз тақдимотларини ўтказадилар. Шундан сўнг, тренер томонидан таҳлиллар умумлаптирилали. зарурний ахбопотро билан тўллирилали

### “Тушунчалар таҳлили” методи

**Методнинг мақсади:** мазкур метод мутахассислар ёки қатнашчиларни мавзу бўйича таянч тушунчаларни ўзлаштириш даражасини аниқлаш, ўз билимларини мустақил равишда текшириш, баҳолаш, шунингдек, янги мавзу бўйича дастлабки билимлар даражасини ташхис қилиш мақсадида қўлланилади.

#### Методни амалга ошириш тартиби:

- иштирокчилар машғулот қоидалари билан таништирилади;
- ўқувчиларга мавзуга ёки бобга тегишли бўлган сўзлар, тушунчалар номи туширилган тарқатмалар берилади ( индивидуал ёки гурухли тартибда);
- ўқувчилар мазкур тушунчалар қандай маъно англиши, қачон, қандай ҳолатларда қўлланилиши ҳақида ёзма маълумот берадилар;
- белгиланган вақт якунига етгач ўқитувчи берилган тушунчаларнинг тўғри ва тўлиқ изоҳини ўқиб эшиттиради ёки слайд орқали намойиш этади;
- ҳар бир иштирокчи берилган тўғри жавоблар билан ўзининг шахсий муносабатини таққослайди, фарқларини аниқлайди ва ўз билим даражасини текшириб, баҳолайди.

### “Венн Диаграммаси методи”

**Методнинг мақсади:** Бу метод график тасвир орқали ўқитишни ташкил этиш шакли бўлиб, у иккита ўзаро кесишган айлана тасвири орқали ифодаланади. Мазкур метод турли тушунчалар, асослар, тасавурларнинг анализ ва синтезини икки аспект орқали қўриб чиқиши, уларнинг умумий ва фарқловчи жиҳатларини аниқлаш, таққослаш имконини беради.

## **Методни амалга ошириш тартиби:**

- иштирокчилар икки кишидан иборат жуфтликларга бирлаштириладилар ва уларга кўриб чиқилаётган тушунча ёки асоснинг ўзига хос, фарқли жиҳатларини (ёки ақси) доиралар ичига ёзиб чиқиш таклиф этилади;
- навбатдаги босқичда иштирокчилар тўрт кишидан иборат кичик гурухларга бирлаштирилади ва ҳар бир жуфтлик ўз таҳлили билан гуруҳ аъзоларини таништирадилар;
- жуфтликларнинг таҳлили эшитилгач, улар биргалалиб, кўриб чиқилаётган муаммо ёхуд тушунчаларнинг умумий жиҳатларини (ёки фарқли) излаб топадилар, умумлаштирадилар ва доирачаларнинг кесишган қисмига ёзадилар.



### III. НАЗАРИЙ МАШГУЛОТ МАТЕРИАЛЛАРИ.

**1-мавзу:** Фуқаролик жамияти фанининг предмети, обьекти ва мақсади.

#### **РЕЖА:**

- 1.1. Фуқаролик жамияти фанининг таълим тизимиға киритилиши, предмети ва обьекти.
- 1.2. Фуқаролик жамияти фанининг амалий ва тарбиявий функциялари.
- 1.3. Фуқаролик жамияти фани қонуниятларининг ўзига хослиги.

**Таянч иборалар:** *фуқаро, фуқаролик жамияти, давлат, давлат ҳокимияти, демократик жамият, демократик давлат, ҳуқуқий давлат.*

#### **1.1. Фуқаролик жамияти фанининг таълим тизимиға киритилиши, предмети ва обьекти.**

Вазирлар Маҳкамасининг 2015 йил 10 сентябрдаги 07/1-616-сонли топшириғи ва Олий ва ўрта маҳсус таълим вазирлигининг 2015 йил 18 сентябрдаги “Олий таълим муассасаларида “Фуқаролик жамияти” фанини ўқитилишини жорий этиш тўғрисида”ти 352-сонли буйруғига асосан барча таълим йўналишларида ўқитиш белгиланган.

“Фуқаролик жамияти” тушунчаси – инсониятнинг бир неча асрлар мобайнида шаклланган тафаккур маҳсули бўлиб, у инсон ҳуқуqlари ва эркинликларининг таъминлаш даражасининг нақадар юксалганлиги даражаси мезони сифатида намоён бўлди. Фуқаролик жамиятининг пойдевори ва асосларини яратиш учун авваломбор у ҳақдаги ғояларнинг генезисини ва ривожланишини билишга зарурат туғилади. Фуқаролик жамиятини шаклланиши учун унинг асослари (**иқтисодий, ижтимоий-сиёсий, ҳуқуқий, маънавий**) яратилиши лозим. Фуқаролик жамиятининг асослари куйидагилардан иборат:

**иқтисодий асос** - шахс ва жамият манфаатларининг умумийлигига асосланган мулк шаклларининг хилма-хиллиги, иқтисодий плюрализм, кўп укладлилик, эркин бозор муносабатлари; жамиятнинг ҳар бир аъзосини ўз мулкига эга, у бу мулкни ўз хоҳиши билан тасарруф эта олиш эркинлигининг мавжудлиги, бу мулкдан фойдаланиш ва уни сарфлаш ҳуқуқига эга бўлиши, хусусий мулк дахлсизлиги, ҳар бир шахснинг давлат томонидан кафолатланган тадбиркорлик, меҳнат ва истеъмол фаолияти эркинлиги билан таъминланганлиги.

**ижтимоий-сиёсий асос** – фуқаролик жамияти қурилаётган давлатнинг

мустақил ва суверен эканлиги, иқтисодий ва сиёсий ҳокимиятларнинг бирбиридан ажратилганлиги; фуқароларнинг ўз мақсадларини ҳимоя қилиш мақсадида маълум нодавлат ташкилотларга бирлашган бўлиши, ҳокимиятни учга бўлини принципи амалда ўз аксни топганлиги, ҳокимиятларни турли марказлар, гурухлар ёки шахслар қўлида тўпланиб қолмаслиги; сиёсий плюрализмнинг мавжудлиги; давлат ҳокимияти ваколати функцияларининг секин-аста секинлик билан қуи вакиллик органлари ва ўзини ўзи бошқариш органларига бериб борилиши;

**хуқуқий асоси** – жамиятда инсоннинг яشاши ва ривожланиши учун муҳим зарурат бўлган эркинлик, тенглик, адолат қадриятларининг қарор топганлиги, шахслар ва фуқаролар ўртасида ўзаро тенгликнинг таъминланганлиги, уларнинг хуқуқ ва эркинликларини давлат томонидан тўлиқ равишда эътироф этилиши; адолат принципларига амал қилиниши; бир шахснинг эркинлиги иккинчи шахснинг эркинлигига дахл этса, унинг эркинлиги шу ерда тўхталиши, давлат, жамият ва шахс манфаатлари ўзаро муштарклигининг шаклланиши;

**маънавий асос** – инсонлар ўз қадр-қимматини ҳар қандай тажовузлардан ҳимоя қила олиш қобилиятини шаклланганлиги, халқнинг жамият қадриятлари ҳимоя қила олиш салоҳиятининг мавжудлиги, виждан эркинлигининг амал қилиши, жамиятда ахлоқий меъёрларга амал қилиш урф-одатларининг шаклланганлиги, бирон-бир мағкуранинг якка ҳокимлик қилишга уринишларининг чеклаб қўйилганлиги, фуқароларнинг маънавий ва ижтимоий жараёнларда бевосита ва билвосита иштирок этишлари учун барча шарт-шароитларнинг мавжудлиги, ҳар бир фуқаронинг ўз мустақил фикрлashi ва қарашига эга эканлигини намоён қилиш учун барча шароитларнинг мавжуд эканлиги, маънавий жараёнларни фақат жамият ва фуқаролар томонидан амалга оширилиши, ҳар бир фуқаронинг қандай дунёқараш ёки динга кириши унинг ўзи томонидан ҳал этилиши, диний эркинлик, барча динлар ва мағкураларнинг ўзаро ҳамкорликда яшашлари учун зарур бўлган шарт-шароитларнинг яратилганлиги.

Умуман олганда “Фуқаролик жамияти” атамаси турли хорижий адабиётларда умумий моҳиятга эга, шу билан бирга, ҳар бир мамлакатнинг миллий анъанларини ҳам уйғунлаштирадиган тушунча бўлиб, у ҳозирги даврдаги талқинларда жамиятнинг муайян шакли (ҳолати ва хусусияти)ни, унинг ижтимоий-иктисодий, сиёсий ва хуқуқий табиатини, ривожланиш даражасини ифодалайди. Фуқаролик жамиятини шакллантириш масалалари доимо давлатни такомиллаштириш, хуқуқ ва қонуннинг ролини юксалтириш муаммолари ҳал этиш билан чамбарчас тарзда ўзаро боғликдир.

Баъзи олимларнинг фикрича, демократик жамият – бу «энг аввало,

фуқаролик жамиятидир. Чинакам демократиянинг олий мазмуни — шахслараро, миллатлараро, давлат ва ижтимоий-сиёсий муносабатларни уйғунлантиришдан иборат. Бунда инсон ва жамият, жамият ва давлат ҳокимияти тинч-тотув яшайди». Фуқароларнинг давлат ҳётида иштирок этиши жараёни анча кучайиб бормоқда ва сиёсий партиялар, ноҳукумат ташкилотлар фаолиятида, ҳаётнинг барча жабҳалари, шу жумладан инсон ҳуқуқлари соҳасида ҳам органлар ва мансабдор шахслар фаолиятининг ижтимоий назоратини ҳамкорликда амалга оширишга қаратилган оммавий ахборот воситаларининг фаоллашувида ўз аксини топмоқда.

Фуқаролик жамияти — бу, ижтимоий-сиёсий масалаларни ҳал этишда фаол қатнашадиган, давлатнинг бедодлиги ва аралашувига йўл қўймайдиган ҳуқуқ ҳукмрон бўлган, фуқаролар ва давлат ҳамкорлик асосида ишлайдиган онгли индивидлар жамиятидир. Ўзбекистон Республикасининг Конституциясида фуқаролик жамиятига таъриф берилмаган бўлса-да, унда фуқаролик институтларини ташкил этиш ва улар фаолиятининг ҳуқуқий асослари эътироф этилган, уларнинг давлат билан ўзаро ҳамкорлиги принциплари белгиланган<sup>1</sup>.

Фуқаролик жамияти фанининг предмети сифатида фуқаролик жамиятининг шаклланиши, ривожланиши, ҳар бир миллий давлатда фуқаролик жамияти қарор топишининг умумий, ўзига хос қонуниятларини ва тамойиллари. Фуқаролик жамияти фанининг **предмети** – кишилик тарихида инсонларнинг ўзаро муносабатлари натижасида юксак жамиятга доир қадриятлар ва тузилмавий унсурларнинг шаклланиши, уларнинг ривожланиб бориши натижасида идеал жамиятда инсонлар ўзаро алоқаларининг қонуниятларини шаклланиши, ривожланган мамлакатлarda узоқ тарихий ривожланиш натижаси ўлароқ шаклланган юксак инсоний бирлик – фуқаролик жамиятининг институтлари фаолияти, Ўзбекистонни ривожлантириш стратегияси йўналишиларини амалга ошириш назарий ва амалий жиҳатлари тизимли ўрганишни ташкил этади. Фаннининг **объекти** – бу инсоний жамиятнинг оддийдан мураккабга, ўзини ўзи такроран яратиб турадиган инсоний бирликка ўсиб ўтиши, ва ниҳоят, ривожланган мамлакатлarda шаклланган фуқаролик жамияти ва унинг институтлари ҳисобланади. Ана шу тарихий воқеликларга уйғун тарзда Ўзбекистонда фуқаролик жамияти унсурларига доир гояларнинг ривожланиши, мустақиллик даврига келиб фуқаролик жамияти институтларининг ривожланиши, ундаги тамойилларнинг ривожланган давлатлар билан қиёсий таҳлиллари ҳисобланади.

Фанни ўқитишдан мақсад - талаба ёшлар онгида фуқаролик жамиятига

<sup>1</sup>Фуқаролик жамияти: ютуқлар, муаммолар, истиқболлар. Т.: Академия. 2007.

доир тасаввурларни сингдириш, уларда жамиятни ривожлантиришга доир мустақил фикрлаш кўникмаларини шакллантириш Ўзбекистонни ривожлантириш стратегияси йўналишилари, Ватанга садоқат ҳис-туйғуларини юксалтириш кабилардан иборатdir.

## **1.2. Фанинг вазифалари, функциялари қуидагилардан иборат:**

-жаҳон тажрибаси ва миллий воқеликларни ўрганиш асносида фуқаролик жамиятига доир классик ва замонавий концепциялар мазмун-моҳиятини очиб бериш;

-талабаларга фуқаролик жамиятига доир тушунчаларни таҳлил қилишда, унга доир назарияларни ўрганишда ҳар томонлама кўмаклашиш, уларнинг жамиятга доир қарашларини бойитиш; Ўзбекистонни ривожлантириш стратегиясининг асосий йўналишилари бўйича тўлиқ тасаввурга эга бўлиш;

-фуқаролик жамияти қуриш ислоҳотларида шахснинг ролини очиб бериш асносида талабаларда шахсий фуқаролик нуқтаи назарларни шакллантиришга ёрдамлашиш;

-талабалар онгига фуқаролик жамияти қуриш жараёнида пайдо бўладиган муаммолар ва уларнинг ечимларига доир билимларни сингдириш;

-талабаларга фуқаролик жамиятига доир назарий ишланмаларни таҳлил қилиш кўникмаларини шакллантиришларида уларга ҳар томонлама кўмаклашиш;

-тараққиётнинг “Ўзбек модели” ва фуқаролик жамиятини барпо этишнинг илмий-методологик асосларига доир билимларни ўзлаштиришларига кўмаклашиш;

-талабаларга ҳуқуқий давлат ва фуқаролик жамиятининг асосий белгилари ва ўзаро таъсир этиш механизмларига доир тушунчалар, билимлар бериш;

-фуқаролик жамиятини барпо этишнинг ижтимоий-сиёсий, иқтисодий, ҳуқуқий, маънавий асосларини очиб бериш;

-фуқаролик жамиятининг иқтисодий таянчи – давлат ва хусусий мулкчилик, тадбиркорлик ва фермерликни ривожлантиришга доир билимлар бериш;

-талабалар онгини фуқаролик жамиятининг маърифий ва руҳий асоси – миллий маънавиятни тиклаш ва уни ривожлантиришга доир билимлар билан бойитиш;

“Кучли давлатдан – кучли фуқаролик жамияти сари” тамойилининг мазмун-моҳиятини тушунтириш;

-“Адолат – қонун устуворлигига” тамойилининг моҳияти ва аҳамиятига доир билимлар бериш;

-Инсон манфаатларининг ҳамма нарсадан устунлиги;

-Харакатлар стратегиясида фуқаролик жамиятини ривожлантиришга доир

концептуал мақсадларнинг мазмун-моҳияти;

-Президентнинг “Халқ давлат идораларига эмас, давлат идоралари халқимизга хизмат қиласи” деган ғоясини аҳамиятини очиб бериш;

-сайлов ҳуқуқи эркинлиги - фуқаролик жамиятининг муҳим мезони эканлигини асослаш;

-фуқаролик жамияти институтлари ривожланишида жаҳон тажрибасининг ўрнини очиб бериш;

-ижтимоий инновацияларнинг фуқаролик жамияти шаклланиши ва ривожланишига таъсири тўғрисида билимлар бериш;

-сиёсий, иқтисодий, ижтимоий ва бошқа соҳаларни эркинлаштириш ислоҳотларини фуқаролик жамиятини ривожлантиришдаги аҳамиятини очиб бериш;

-жамиятда фуқаролар манфаатлари мувозанатини таъминлаш масаласи ҳақида тушунчалар бериш;

-фуқароларнинг моддий фаровонлигидан ўзини ўзи бошқариш бўйича “халқ бой бўлса, давлат бой бўлади” тамойилининг моҳиятини тушунтириш;

-фуқаролик жамиятини ривожлантиришда сиёсий партияларнинг ўрни ва аҳамиятини кўрсатиб бериш;

-нодавлат нотижорат ташкилотларининг фуқаролик жамияти институти сифатидаги ўрнини очиб бериш;

-оммавий ахборот воситаларини эркинлаштиришга доир билимлар бериш;

-фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари фаолиятини ёритиб бериш;

-ижтимоий шериклик тўғрисида;

-жамоатчилик назорати ва давлат органлари фаолиятининг очиқлигини таъминланиш масалаларини ёритиш;

-ёшларда фаол фуқаролик позицияларини шакллантириш механизmlарига доир билимлар бериш.

-талаба ёшларда коррупцияга қарши муросасиз кураш интелектларини шакллантириш.

Фуқаролик жамияти фанини талабалар томонидан ўзлаштириш жараёнида уларда қўйидаги билим, кўникма шакллантириш мўлжалланади:

-фуқаролик жамияти тўғрисида назарий билимлар ва уларнинг Ўзбекистондаги ислоҳотлар жараёнида амал қилиши, намоён бўлишининг ўзига хос жиҳатлари тўғрисида; талабаларда фуқаролик жамиятига доир назарий билимлар ва кўникмалар; ривожланган давлатларда фуқаролик жамиятининг шаклланиш ва ривожланиши тажрибалари; фуқаролик жамияти институтларининг ривожланиши ва фаолият юритиши тўғрисида; ўтмиш,

бугун ва келажак воқеаларини баҳолашда илмий билишнинг турли услугларидан фойдаланиш; фуқаролик жамиятини ривожланишига уйғун равишда давлат бошқарув органларини демократлаштириш ва модернизациялаш жараёнлари; давлат ҳокимияти органлари тизими ва фуқаролик жамияти ўзаро муносабатлари; фуқаролик жамияти институтлари ва давлат бошқарувининг ўзига хос жиҳатлари; фуқаролик жамияти қуриш ислоҳотларининг мазмун-моҳиятига доир муайян билимларга эга бўлиши;

-фуқаролик жамият қуришнинг миллий ва умуминсоний демократик тамойилларини; фуқаролик жамият қуришга доир илгор тажриба ва усулларни; ривожланган давлатларда мамлакатни демократлаштириш ва модернизациялашнинг асосий тамойиллари ҳамда уларнинг “Ўзбек модели” тамойиллари билан қиёсий таҳлилини амалга оширишни; фуқаролик жамиятини қуришнинг хукуқий асосларини; тараққиётнинг “Ўзбек модели” тамойиллари моҳиятини билиши ва улардан эркин равишда фойдалана олиши, Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегиясининг мазмун-моҳиятини билиши ва уни амалга ошириш жараёнида иштирок этишга мойиллик туйғуларини уйғотиш;

-марказлашган режали иқтисодиёт ва ижтимоий йўналтирилган бозор иқтисодиётининг бир-биридан фарқли томонларини англаб этиш; мамлакатни демократлаштириш ва бозор иқтисодиётига ўтишининг инқилобий ва тадрижий (эволюцион) йўлларининг ютуқ ва камчиликларини баҳолай олиш; мулкни давлат тасарруфидан чиқариш, хусусийлаштириш ва бозор иқтисодиётига босқичма-босқич ўтишининг моҳияти ва босқичлари; мамлакат иқтисодиётини модернизациялаш ва диверсификациялаш, кучли ижтимоий сиёsatнинг моҳиятини англаб этиш, уларни амалда қўллай олиш кўникмаларига эга бўлиши;

-талабаларнинг мамлакатда амалга оширилаётган ислоҳотлар моҳиятини анлаган ҳолда ўз мутахассислиги бўйича улардан самарали тарзда фойдаланиш; “Ўзбек модели” асосида эришилган натижаларни билиш ва уларни аҳоли ўртасида тарғиб этиш; Ҳаракатлар стратегияси вазифаларини амалга ошириш, унга доир ислоҳотларнинг моҳиятини ўзлаштириш, мамлакатда фуқаролик жамиятини қуриш жараёнига доир ўз мустақил муносабатларини билдира олиш қобилиятини эгаллаш; мамлакатимизнинг жаҳон интеграциясига кириб бориш жараёнлари, бу соҳадаги ютуқларни эркин таҳлил қила олиш малакаларига эга бўлиши кўзда тутилади

### **1.3. Фуқаролик жамияти фани қонуниятларининг ўзига хослиги.**

Фуқаролик жамияти фанининг ҳам ўзига хос қонуниятлари, тушунчалари мавжуд. Фуқаролик жамиятининг шаклланиши ва ривожланиши тўғрисидаги умумэътироф этилган қонуниятларни 2 гурухга

ажратиш мумкин.

1-гурух. Фуқаролик жамиятининг шаклланиши ва ривожланишига доир умумэътироф этилган қонуниятлар.

-мулкий муносабатларнинг қарор топиши ва ривожланиши;

-инсон ҳақ-хукуқлари ва эркинликларининг реал ва амалда таъминланиши;

-давлат ҳокимияти бошқарув органларининг номарказлашуви;

-жамиятнинг плюралистик ғоялар асосида ривожланишининг устуворлиги;

-фуқароларнинг давлат бошқарувига оид қарорларни қабул қилишда таъсири ва мавқеининг ошиб бориши;

-фуқаролик жамияти интитутларининг ижтимоий ҳаётидаги мавқеининг ошиб бориши;

-фуқаровийлик ва фуқаро фаоллигининг жамият ҳаётига таъсирини кучайиб бориши ва б.к.

2-гурух. Ҳар бир мамлакатларнинг миллий ва тарихий ривожланишидаги ўзига хос жиҳатларини хисобга оладиган қонуниятлар.

-Ўзбекистонни ривожлантириш стратегияси асосий йўналишиларининг тизимли ривожланиши;

-ўрта мулқдорлар қатламишининг шаклланиши;

-ўз-ўзини бошқариш институтларининг жамият бошқарувидаги ўрни ва ролининг ошиб бориши;

-ижтимоий ҳимоянинг манзилли ташкил этилиши ва амалга оширилиши;

-маънавий етукликка эришиш имкониятларининг ошириб бориши ва ёшларнинг бунёдкор кучга айланиши ва б.к.

Фуқаролик жамияти фанини ўқитиш жараённида илмийлик, тарихийлик, мантиқийлик, тизимлилик, қиёсий таҳлил методларидан фойдаланилади.

*Илмийлик* – фуқаролик жамияти тўғрисидаги ғоялар, назариялар, замонавий концепцияларни таҳлил қилиш асосида унинг методологик назарий асосларини кўрсатиш.

*Тарихийлик* - фуқаролик жамиятининг шаклланишининг тарихий босқичлари, уларнинг ўзига хос хусусиятларини таҳлил қилган ҳолда жаҳон тажрибасида эришилган ютуқлардан фойдаланиш асосида таҳлил этиш.

*Мантиқийлик* – фуқаролик жамияти шаклланишининг генезисидан то бугунги ҳолатигача бўлган жиҳатларини (асосий белгилари, омиллари, тамойиллари, функциялари) узвийлик асосида таҳлил қилиш.

*Тизимлилик* – фуқаролик жамиятини бир бутун тизим сифатида ва ҳар бир белгиларнинг пайдо бўлиши, ривожланиши ва тизимдаги ўрни ва ролини

аниқлаш.

*Қиёсий таҳлил* – фуқаролик жамияти шаклланиш ва ривожланиш тажрибаларини солиштириш, ҳар бир давлатдаги ўзига хос жиҳатларини кўрсатиш.

Фуқаролик жамияти фани бакалавриат босқичи ўқув режасидаги Ўзбекистон тарихи, Фалсафа, Миллий ғоя, Иқтисодиёт назарияси, Диншунослик каби фанлар билан ўзаро боғлиқдир. Бу фанларда фуқаролик жамияти шаклланиши ва ривожланишининг турли йўналишларидаги ҳолати, қонуниятлари, тамойиллари ўрганилади. Фуқаролик жамияти фаннинг ўзига хослиги шундан иборатки, у жамиятни ривожланиб борувчи бир бутун яхлит тизим ва тизимнинг таркибий қисмлари сифатида ўрганади. Ижтимоий фанларнинг хulosалари асосида фуқаролик жамияти фани жамият тараққиёти қонуниятларини умумлаштирувчи функцияни бажаради.

Фуқаролик жамияти фанининг *методологик функцияси* ижтимоий фанларнинг ривожланиши ижтимоий жараёнларни ўрганишнинг умумий йўналишларини белгилашда, ишлаб чиқилган меъёрларнинг дастурил амал сифатида фойдаланишда яққол кўзга ташланади.

Фуқаролик жамияти фанининг *прогностик (башорат қилиш) функцияси* жамиятнинг ривожланиш истиқболларини олдиндан кўришга инсон ҳукуқлари ва эркинликларининг намоён бўлишида кўринади. Жамиятнинг ҳар бир фуқароси ўз касби-кори ва ихтисослигидан қаътий назар жамият ривожланиши тўғрисидаги билимлари чуқур эгаллаши орқалигина ён атрофида рўй бераётган воқеа ҳодисаларнинг келиб чиқиш сабаблари ва оқибатларини билиши, уларни бошқаришда бевосита ёки билвосита иштирок этиш, бунёдкор кучга айланиши мумкин.

### **Назорат саволлари:**

1. Фуқаролик жамияти фани ўқитишининг зарурлиги
2. Фуқаролик жамияти фанининг предмети ва обьекти.
3. Фуқаролик жамияти фанининг асосий мақсад ва вазифалари.
4. Фуқаролик жамияти фанининг асосий методлари.
5. Фуқаролик жамияти фанининг бошқа ижтимоий фанлар билан боғлиқлиги ва ўзига хос хусусиятлари

## **2-мавзу: Фуқаролик жамияти қуриш мамлакатимизнинг асосий стратегик пировард мақсади.**

### **РЕЖА:**

- 2.1. Фуқаролик жамияти – тараққиётнинг юқори босқичи.**
- 2.2. Ўзбекистонда фуқаролик жамиятини қуриши стратегик мақсад сифатида белгиланиши**
- 3.3. “Ҳаракатлар стратегия”да белгиланган устивор вазифаларни босқичма босқич амалга оширилиши**

**Таянч иборалар:** фуқаро, фуқаролик жамияти, давлат, давлат ҳокимияти, демократик жамият, демократик давлат, ҳуқуқий давлат, фуқароларнинг ҳуқуқ ва эркинлиги, инсон ҳуқуқлари, фуқаролик жамиятининг ривожланиши босқичлари.

### **2.1. Фуқаролик жамияти – тараққиётнинг юқори босқичи.**

Ўтган асрнинг 90 йиллари бошида тоталитар тузумдан эндиғина халос бўлган, ўз мустақиллигини қўлга киритган Ўзбекистонда янги жамият ва давлатни бунёд этиш ислоҳотларнинг жаҳон тажрибасининг қандай йўлидан бориши ҳали аниқ бўлмаган бир шароитда Ўзбекистон Республикаси биринчи Президенти И.А. Каримов томонидан мамлакат ривожининг бош йўли танланди. Мустақилликнинг дастлабки қунларидаёқ биринчи Президент И.А. Каримов қўйидаги мақсадни илгари сурди: “ Республикада событқадамлик билан ҳалқчил адолатли жамият бунёд этиш- бош вазифадир... Янгиланган жамиятнинг сиёсий ва давлат тузилиши инсонга унинг сиёсий, иқтисодий ва ижтимоий тарзини эркин танлаб олишни кафолатлаши керак”<sup>2</sup>.

Тадрижий ислоҳотлар йўлига доир ғоялар асосида Ўзбекистонда ҳуқуқий демократик давлат ва фуқаролик жамиятини барпо қилишнинг ўзига хосилмий ва амалий асослари шакллантирилди. Мустақилликнинг дастлабки даврида давлатимизнинг биринчи раҳбари таъкидлаганидек, “ Ўзбекистон келажаги буюк давлат. Бу- мустақил, демократик, ҳуқуқий давлатдир. Бу – инсонпарварлик қоидаларига асосланган, миллати, дини, ижтимоий келиб чиқиши, сиёсий эътиқодларидан қатъий назар фуқароларнинг ҳуқуқлари ва эркинликларини таъминлаб берадиган давлатдир. Халқ давлат ҳокимиятининг манбаидир. Унинг хоҳиши- иродаси давлат сиёсатини белгилаб беради. Бу сиёсат инсон ва жамиятнинг фаровонлигини, Ўзбекистон барча фуқароларининг муносиб турмушини таъминлашга қаратилган бўлиши керак”<sup>3</sup>.

Шу асосда демократик тамойиллар ва ҳуқуқий давлат қуриш назарияси

<sup>2</sup> Каримов И.А. Каримов Ўзбекистонинг ўз истиқлол ва тараққиёт йўли.// Ўзбекистон: миллий истиқлол, иқтисод, сиёсат, мафкура. – Тошкент: Ўзбекистон, 1996. 44-45 бетлар.

<sup>3</sup> Каримов И.А. Каримов Ўзбекистонинг ўз истиқлол ва тараққиёт йўли. Тошкент: Ўзбекистон, 1992. 15-16 бетлар.

ҳамда амалиёти фуқаролик жамиятининг мазмун – моҳияти, шаклланиш қонуниятларига узвий боғлиқ бўлган омиллар ҳисобланиб. “Ўзбек модели” асосида ҳуқуқий давлатнинг институционал заминларини шакллантириш куйидагилардан иборат деб белгиланди:

- Давлат ҳокимиятининг учга бўлиниши принципига асосланиш;
- Демократик Конституциянинг қабул қилиниши ва қонун устуворлиги тамойилини рўйобга чиқарувчи механизмларини яратилиши;
- Эркин демократик сайлов тизимини кафолатланиши.
- Давлат ва жамият бошқарувини амалга оширишда куппартиявийлик тизимининг яратилиш
- Жамоат бирлашмалари ва нодавлат нотижорат ташкилотлари фаолиятини йўлга қўйилиши;
- Фуқаролар ўз- ўзини бошқариш институтларини ривожлантирилиши;
- Фуқаролар ҳуқуқ ва эркинликларини, манфаатлари ва эхтиёжларини таъминлашнинг самарали заминларини вужудга келтирилиши, уларни фуқаролик жамиятини шакллантириш манфаатларидан келиб чиқсан ҳолда барпо этилиши.

Тараққиётнинг “ўзбек модели”нинг моҳияти асосий ғоялари дастлаб давлатимизнинг биринчи раҳбарининг “Ўзбекистоннинг ўз истиқлол ва тараққиёт йўли” номли асарида очиб берилган эди. Кейинчалик мазкур тараққиёт модели ҳақидаги ғоялар Биринчи Президентимизнинг бошқа асарларида янада ривожлантирилди ва такомиллаштирилди. Хусусан, унинг “Ўзбекистон – бозор муносабатларига ўтишнинг ўзига хос йўли”, “Ўзбекистон иқтисодий ислоҳотларини чукурлаштириш йўлида” номли асарларида тараққиётнинг “ўзбек модели”нинг асосий мазмuni ва ўзагини белгилаб берувчи тамойиллар ҳар томонлама асослаб берилди. Таъкидлаш жоизки, жамиятимизда демократия ва фуқаролик жамияти ғоясини ижтимоийлашуви ва қарор топишида “ўзбек модели”нинг барча концептуал ғояларидан изчиллик билан фойдаланиб келинди. Тараққиётнинг “ўзбек модели” ғоясига кўра юртимизда янги жамиятни амалга ошириладиган барча ислоҳотлар заминига инсон омили қўйилди. Яъни “ислоҳот – ислоҳот учун эмас, балки инсон манфаатлари, унинг эрки ва фаровонлиги учун”, деган ғоя барча янгиланишларнинг асосий ўзаги этиб белгиланди.

Биринчи Президент И.А. Каримовнинг қарашича, фуқаролик жамияти назарияси ва амалиёти ҳар бир мамлакат миллий қадрятлари, ҳалқнинг миллий менталитети ва миллий ананаларини ўзида ифодалаши зарур. Бу шунинг учун ҳам зарурки, фуқаролик жамияти назарияси ва амалиёти ҳар бир ҳалқ ўз миллий манфаатларини ифода этилишини ҳам англаш лозим. Бу каби ҳолатга эга бўлиш учунмиллийлик янги жамият мазмuni шаклу шамойили билан уйғунлашиши лозим.ўзбекистон эса бошқа мамлакатларга нисбатан адолатли ва ҳалқчил жамият барпо этишга доир миллий мерос ва қадриятларда янги жамият қуриш ислоҳатлари инқилобий йўлни ҳам қабул қилмайди. Чунки бу йил ўзининг вайронагарчилиги, миллионлаб ахолининг ижтимоий ахволи пасайиб кетиши, жамиятни кутблашган томонларга бўлиниб кетиши, каби салбий холатларни келтириб чиқаради. Шунинг учун ҳам давлат томонидан

фуқаролик жамиятининг Ўзбекистон мамлакати учун ўзига хас қуйидаги жихати илгари сурлади: “Шарқда демократик жараёнларнинг қадимдан шаклланган ўзига хос хусусиятлари бор. Буни асло назардан қочириб бўлмайди. Яъни Шарқда демократик жараёнлар узвий равишда ва аста секин тараққий топади. Бу соҳада инқилобий ўзгаришлар ясашга уринишлар ғоят ноҳуш, хатто фожиали натижаларга олиб келади. Инқилобни Ғарб олимлари хам “ижтимоий тараққиётнинг иптидоий ва ёввойи шакли” деб атаганлар. Табиийки, бундай йўл бизга асло келмайди....<sup>4</sup>

Шунингдек биринчи Президент И.А.Каримов Ўзбекистонда фуқаролик жамиятининг шаклланишини тамиnlайдиган асосий шарт-шароитлардан бири, бу-давлат ҳокимияти ваколатларини чегаралаш, фуқаролик жамияти институтларига жамиятда ўзини ўзи бошқариш учун қанчалик зарур бўлса, шунчалик етарли ваколатлар бериш эканлиги масаласини илгари сурди. Президент фуқаролик жамиятининг ривожланишини фуқароларнинг сиёсий жараёнларда нечоғлик иштирок этишлари билан узвий боғлиқ эканлигини ҳам чуқур англаб етган эди.

Биринчи Президент И.Каримов давлат ваколатларини жамият институтларига бериш асосида хуқуқий давлат ва фуқаролик жамияти қуриш мақсадида қуйидаги вазифани қўйди: “Аммо хуқуқий миллий равнаққа биз фақат давлат ҳокимияти вазифаларини қатъий ва мукаммал белгилаб ва шу билан бирга чекланиб қўйилган фуқаролик жамияти шароитдагина эришмоғимиз мумкин. Бундай жамиятда давлатнинг бош вазифаси тараққиёт стратегиясини аниқ белгилаш ва уни хаётга жорий этиш учун қаттиқ назорат олиб боришдан иборат бўлади... Ана шундай давлат ва жамиятни қкриш-бизнинг бош концепциямиз ва миллий равнақимиз асосидир.<sup>5</sup>

Биринчи Президент Каримов қуйидаги сўzlари халқнинг, бутун бир мамлакатнинг дастур аъмалига айланди: “бизнинг бош стратегик мақсадимиз қатъий ва ўзгармас бўлиб, бозор иқтисодиётига асосланган эркин демократик давлат барпо этиш, фуқаролик жамиятининг мустахкам пойдеворини шакллантиришдан иборатдир.”<sup>6</sup>

Биринчи Президент Каримов фуқаролик жамияти қуришни мамлакатимизнинг асосий стратегик пировард мақсад сифатида эълон қиласр экан, бу каби жамиятни шакллантиришнинг умуминсоний жихатлари хақида қуйидаги фикрни билдиради: “Бинобарин, давлатимиз келажагини ўз қобигимизга ўзалиб қолган холда тасаввур этамиз. Биз истиқболимизни тараққий топган мамлакатлар тажрибасидан фойдаланиб, давлат ва жамият бошқарувини эркинлаштириш, инсон хуқуқ ва эркинликларини, фикрлар ранг-баранглигини ўз ҳаётимизга янада кенгроқ жорий қилишда қўрамиз”<sup>7</sup>.

Мамлакатда фуқаролик жамияти учун муҳим бўлган демократик қадриятларни биринчи Президент И.А.Каримов қуйидагича баҳолаган эди: “Маълумки, демократик жамиятнинг халқаро миқёсда этилган

<sup>4</sup> И.А Каримов. Ўзбекистон сиёсий –ижтимоий ва иқтисодий истиқболининг асосий тамойиллари://Ватан саждагоҳ каби муқаддасдир. Т.3.-Т.: Ўзбекистон, 1996. 9-бет.

<sup>5</sup> .А Каримов. Ўзбекистон сиёсий –ижтимоий ва иқтисодий истиқболининг асосий тамойиллари://Ватан саждагоҳ каби муқаддасдир. Т.3.-Т.: Ўзбекистон, 1996. 12-бет.

<sup>6</sup> Каримов И.А Озод ва обод Ватан, Эркин ва фаровон ҳаёт-пировард мақсадимиз. Т.8.-Тошкент: Ўзбекистон, 2000.-331-бет.

<sup>7</sup> Каримов И.А. Юксак маънавият-енгилмас куч.-Т.: Маънавият, 2008, 114-бет.

тамойиллари бор. Инсоннинг ўзи хоҳиш-иродасини эркин билдириши ҳамда уни амалга ошириши, озчиликнинг кўпчиликка бўйсимиши, барча фуқароларнинг тенг ҳуқуқлилиги, давлатнинг асосий органлари сайланиши, уларнинг сайловчилар олдида хисоб бериши, тайинлаш йўли билан шаклланадиган давлат органларининг сайловчи ташкилотлар олдидаги жавобгарлиги ва бошқалар шулар жумласига киради”<sup>8</sup>.

Мамлакат биринчи Президенти И.А.Каримовнинг Ўзбекистонда фуқаролик жамияти барпо этишга доир назарий қарашлари унинг «Ўзбекистон XXI аср бўсағасида: хавфсизликка таҳдид, барқарорлик шартлари ва тараққиёт кафолатлари» асарида ўз такомилига етганини кузатиш мумкин. Бу асарда фуқаролик жамиятининг энг асосий институтлари Ўзбекистон мамлакати шарт-шароитлари, миллий менталитетини ҳисобга олган ҳолда талқин этилади. Айниқса, бу асарда янги жамият қуриш муаммолари «шахс-жамият-давлат» ўзаро уйгунлиги асосида таҳлил этилади. Мухими, давлат шахс ва жамият манфаатлари асосида фаолият юритадиган сиёсий институт эканлиги, у доимо жамиятни ривожланиши ва унинг ижтимоий-иқтисодий жиҳатлардан фаровон бўлиши ҳамда барқарорлиги учун масъуллиги юқори даражага кўтарилади. Шунингдек, фуқаролик жамиятининг инсон эркинлиги ва ҳуқуқларининг энг асосий ҳимоячиси эканлигига муҳим эътибор берилади. Асадаги қўйидаги фикрлар фуқаролик жамиятининг янги қирраларини очиб беради: “Биз учун фуқаролик жамияти - ижтимоий макон. Бу маконда қонун устувор бўлиб, у инсоннинг ўз-ўзини камол топтиришга монелик қилмайди, аксинча, ёрдам беради. Шахс манфаатлари, унинг ҳуқуқ ва эркинликлари тўла даражада рўёбга чиқишига кўмаклашади. Айни вақтда бошқа одамларнинг ҳуқуқ ва эркинликлари камситилишига йўл қўйилмайди. Яъни эркинлик ва қонунга бўйсуниш бир вақтнинг ўзида амал қиласи, бир-бирини тўлдиради ва бир-бирини тақозо этади. Бошқача айтганда, давлатнинг қонунлари инсон ва фуқаро ҳуқуқларини камситмаслиги лозим. Шунинг баробарида барча одамлар қонунларга сўзсиз риоя қилишлари шарт”<sup>9</sup>.

Шунингдек бу асарда “Ҳокимият тузилмаларининг демократик мазмуни кўп жиҳатдан давлатни бошқаришда фуқароларнинг иштирок этиши масаласи қанчалик ҳал қилинганлиги билан белгиланиши маълум. Ўзбекистонда ушбу ҳуқуқнинг амал қилиши учун қонун асослари яратилган. Бироқ ҳали жамият ва фуқаролар давлатни бошқаришда иштирок этиш, ўзлари қандай бошқарилаётганлиги ҳақида маълумот олиш ҳуқуқини англай бошлашига ва ҳуқуқсан фойдалана оладиган бўлишларига эришиш керак. Шундай шароитдагина давлат ва унинг институтлари, мансабдор шахслар жамият ва фуқаро олдидаги ўз масъулияtlарини ҳис қиласи, қиладилар. Бунинг учун фуқароларнинг сиёсий фаоллигини ошириш зарур”, - деб таъкидлаган.

Биринчи Президентимиз И.Каримов “Ўзбекистон XXI асрга интилмоқца” (1991 й.) асарида мамлакатимизнинг янги асрдаги тараққиёти учун 6 устувор

<sup>8</sup> А Каримов. Ўзбекистон сиёсий –ижтимоий ва иқтисодий истиқболининг асосий тамойиллари. // Ватан саждагоҳ каби мукаддасидир. Т.3.-Т.: Ўзбекистон, 1996. 8-бет.

<sup>9</sup> Каримов И.А. Ўзбекистон XXI аср бўсағасида: хавфсизликка таҳдид, барқарорлик шартлари ва тараққиёт кафолатлари. //Хавфсизлик ва барқарор тараққиёт йўлида. Т.6.- тошкент: Ўзбекистон, 1998. 151-бет.

<sup>10</sup> Каримов И.А. Ўзбекистон XXI аср бўсағасида: хавфсизликка таҳдид, барқарорлик шартлари ва тараққиёт кафолатлари. //Хавфсизлик ва барқарор тараққиёт йўлида. Т.6.- тошкент: Ўзбекистон, 1998. 153-бет.

йўналишни белгилаб берди<sup>11</sup>. Унда аввало сиёсий, иқтисодий ҳаётни, давлат ва қурилишни янада эркинлаштириш биринчи устувор вазифа қилиб қўйилади. Бунда сиёсий соҳани эркинлаштриш билан бирга давлат қурилиши ва фуқаролик жамиятини шакллантиришда асосий эътибор қўйидаги масалаларга қаратилган эди.

- ҳокимият барча тармоқларининг мустақил фаолиятини таъминлаш;
- нодавлат ва жамоа ташкилотларни, фуқаролик жамиятини босқичма - босқич эркинлаштириш. Бунда “Кучли давлатдан — кучли фуқаролик жамияти сари” концепцияси белгилаб берилди.

Бу масалаларни бевосита амалиётда тадбиқ қилиш учун Биринчи Президент И.А.Каримовнинг “Озод ва обод Ватан, эркин ва фаровон ҳаёт - пировард мақсадимиз” рисоласида (2000 й.) 7 та устувор вазифадан биринчи ва иккинчи вазифа қилиб сиёсий соҳада қўйидаги масалалар белгилаб берилди.

Сиёсий соҳада:

- сиёсий ҳаётнинг барча соҳаларини, давлат ва жамият қурилишини эркинлаштириш;
- кўппартиявийлик муҳитини таъминлаш;
- фикрлар хилма - хиллигига эришиш, Оммавий ахборот воситаларини том маънодаги “тўртингчи ҳокимияти” даражасига кўтариш;

инсон ҳукуқ ва эркинликларини, одамлар онгида демократик қадриятларни қарор топтириш;

Давлат қурилиши ва бошқаруви соҳасида:

ҳокимият органларининг констиуциявий асосда бўлинишини таъминлаш;

- маъмурий соҳадаги амалаг оширилаётган ислоҳотлар самарадорлигини ошириш;

- кадраларни танлаш, жой - жойига қўйиш, янгилаш тизимини такомиллаштириш<sup>12</sup>.

Биринчи Президент И.Каримов иккинчи чақириқ Олий Мажлиснинг VIII сессиясида ўз маъруzasида фуқаролик жамияти қуришнинг янги босқичи ва тамойилпарини илгари сурди: “Бизнинг олдимизда турган яна бир муҳим ва долзарб вазифа - у ҳам бўлса, «Кучли давлатдан - кучли жамиятга ўтиш» деган тамойилини амалда рўёбга чиқаришдир. Бу мақсадга эришиш учун, биринчидан, давлатимизнинг марказий ва юқори бошқарув органлари ваколатларини босқичма-босқич қўйитизимга, шу жумладан, ўзини ўзи бошқариш тузилмаларига ўтказиш талаб қилинади. Булар қаторида биз, биринчи навбатда, ўзини ҳар томонлама оқлаган маҳалла тузилмасини кўзда тутамиз. Иккинчидан

- жамиятимизда нодавлат, жамоат ташкилотларининг, аввало фуқаролик институтларининг ривожланишига кенг имкониятлар очиб бериш ва уларнинг фаоллигини оширишга кўмак ва ёрдам кўрсатиш даркор”<sup>13</sup>.

<sup>11</sup> И.Каримов.”Биз келажагимизни ўз кўлимиз билан қурамиз. 2.7 жилд, //Ўзбекистон XXI асрга интилмоқда”-Т., “Ўзбекистон”. Б.361-362

<sup>12</sup> Каримов И.А Озод ва обод Ватан, Эркин ва фаровон ҳаёт-пировард мақсадимиз. Т.8.-Тошкент: Ўзбекистон, 2000.- Б 319-321-бет.

<sup>13</sup> И.А.Каримов Янгилаш ва ўзгаришлар жараёни ортга қайтмайди.// Хавфиззлик ва тинчлик учун курашмоқ керак. Т. 10.-Т.: Ўзбекистон, 2002.325-бет

Мамлакатда фуқаролик жамиятига хос бўлган демократик сиёсий тизимнинг ўзига хос хусусиятлари, унинг демократик тамойилларини ривожлантириш масалалари биринчи Президент И.А.Каримовнинг биринчи ва иккинчи чақириқ Олний Мажлиснинг сессияларидағи (1995-2004 йиллар), шунингдек, Олий Мажлис Қонунчиллик палатаси ва Сенатиниш кўшма мажписидаги (2005, 28 январь) маърузалари «Кучли давлатдан - кучли фуқаролик жамияги сари» концептуал сиёсий дастурнинг асосини ташкил этди.

Бунда устувор йўналишлардан бири сифатида «Кучли давлатдан -кучли фуқаролик жамияти сари» деган тамойилни амалда ҳаётга жорий этиш мақсадларидан келиб чиқиб биринчи Президент И.А.Каримов қўйидаги вазифаларни илгари сурди; «Ҳаммамизга аёнки, бу йўналиш ижтимоий-иқтисодий жараёнлар билан боғлиқ кўп масалаларни ҳал қилишда давлат тузилмаларининг ролини камайтириш ва бу вазифаларни босқичма-босқич жамоат ташкилотларига ўтказа боришни тақозо этади. Бунинг учун, авваламбор, давлатнинг иқтисодий соҳага, хўжалик юритувчи тузилмалар, биринчи галда, хусусий сектор фаолиятига аралашуви чеклаш лозим... Ҳаётимизни эркинлаштириш йўналишларининг яна бир муҳим йўли - марказий ва юқори давлат бошқарув идоралари вазифаларини давлат ҳокимиятининг қуи тузилмаларига фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органларига босқичма- босқич ўтказа боришни таъминлашдир»<sup>14</sup>.

## **2.2.Ўзбекистонда фуқаролик жамиятини қуриш стратек мақсад сифатида белгиланиши**

Биринчи Президент И.Каримов Ўзбекистонда фуқаролик жамияти қуриш ислоҳотларини янада чукурлаштириш, унга мутаносиб равишда ҳукуқий давлат қуриш мақсадларидан келиб чиқиб жамиятнинг сиёсий соҳасини эркинлаштириш (либераллаштириш) концепциясини ишлаб чиқди ва унинг қуидаги йўналишларини белгилаб берди:

- мамлакат сиёсий ҳаётининг барча соҳаларини, давлат ва жамият қурилишини эркинлаштириш;
- мамлакат сиёсий ҳаётида ҳақиқий маънодаги кўппартиявийлик муҳитини қарор топтириш;
- нодавлат нотижорат тузилмалар, фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органларининг фаолиятини янада мустаҳкамлаш ва ривожлантириш;
- жамиятда фикрлар хилма-хиллиги ва қарашлар ранг-бараншиги, уларни эркин ифода этиш шароитини таъминлаш;
- инсон ҳукуқлари ва эркинликларини, одамлар онгида демократик қадриятларни янада мустаҳкамлаш ва ривожлантириш.

Биринчи Президент И.А.Каримовнинг асарапарида адолатли демократик жамият қуришнинг концептуал назарий асослари янада бойитилди. Президентнинг қуидаги фикри мамлакатда фуқаролик жамияти барпо

<sup>14</sup> Каримов И.А Ўзбекистон демократик ўзрагишларни янада чукурлаштириш ва фуқаролик жамияти асосларини шакллантиришнинг асосий йўналишлари //биз танлаган йўл- демократик тараққиёт ва маърифий дунё билан ҳамкорлик йўли.Т.11- Тошкент: Ўзбекистон, 2003. 27-29 бетлар

этишнинг энг асосий йўналишларини белгилаб берди: “Ҳаммамизга аёнки, бу йўналиш ижтимоий-икғисодий жараёнлар билан бөглиқ кўп масалаларни ҳал қилишда давлат тузилмаларининг ролини камайтириш ва бу вазифаларни босқичма-босқич жамоат ташкилотларига ўтказа боришни тақозо этади. Бунинг учун, авваламбор, давлатнинг икғисодий соҳага, хўжалик юритувчи тузилмалар, биринчи галда, хусусий сектор фаолиятига аралашувини чеклаш лозим... Ҳаётимизни эркинлаштириш йўналишларининг яна бир муҳим йўли - марказий ва юқори давлат бошқарув вдоралари вазифаларини давлат ҳокимиятининг қуий тузилмаларига, фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органларига босқичма-босқич ўтказа боришни таъминлашдир”<sup>15</sup>.

Мамлакатда «Кучли давлатдан - кучли фуқаролик жамияти сари» тамойилидан келиб чиқиб, фуқаролик жамияти қуриш мақсадларида давлат ҳокимиятининг аксарият ваколатларини маҳаллий ҳокимият органлари ва ўзини ўзи бошқариш органларига бериш жараёнлари бошланди. Марказий давлат ҳокимияти тасарруфида эса асосан, факат конституцион тузумни, мамлакатнинг мустақиллиги ва худудий яхлитлигини ҳимоя қилиш, хукуқтарни борчанини, мудофаа қобилиятини таъминлаш, инсон хукуқдари ва эркинликларини, мулк әгаларининг хукуқларини, икғисодий фаолият эркинлигини ҳимоя қилиш, кучли ижтимоий сиёsat юритиш, самарали ташқи сиёsat олиб бориш каби ваколатларни қолдириш кўзда тутилган.

Шунингдек, Юртбошимиз мамлакатда фуқаролик жамиятининг ҳақиқий инсонпарварлик гоясини қуидагича ифодалайди: “Ҳамма нарса инсон учун, унинг келажаги учун”, - деган эзгу тамойилни тўлиқ амалга ошириш учун доим энг муҳим устувор вазифа бўлиб келган ва бундан кейин ҳам шундай бўлиб қолади”<sup>16</sup>.

Мустақиллик давридаги буюк ўзгаришлар ҳақида Биринчи Президент И.А.Каримов қуидаги фикрларни билдиради: “Бугун инсоннинг ўзи ўзгармоқда, унинг гражданлик ва сиёсий онги, ҳукуқий маданияти ўсмоқца. Биз коммунистик мафкура асоратларидан, боқимандалик кайфиятидан, турли соҳта қолиплардан тўла ҳалос бўлиб бормоқдамиз. Мустақил фикрлайдиган, замонавий билим ва қасб-хунарларга эга, ҳаётта янгича қарайдиган, собиқ мустабид тузумга хос тушунчалардан озод бўлиб вояга етадиган, ўз фикри ва қарашларига эга бўлган навқирон ёшлиаримиз ҳаётга ишонч билан кириб келмоқда, жамиятимизда мустаҳкам ўрин олмоқда ва мамлакатимизнинг тараққиёти йўлида ҳал қилувчи кучга айланмоқда. Ҳаётимизда амалга оширилаётган бундай ўзгаришлар аввало нимани англатади? ...Бу амалий ишлар авваламбор мамлакатимизда замонавий демократик жамият қарор топаётгани ва изчил ривожланаётганидан, аҳолининг ҳаёт даражаси ва сифатининг юксалиб боришига замин бўлаётган иқтисодиётимизнинг барқарор суръатлар билан ўсаётганидан, Ўзбекистонимизнинг ҳалқаро

<sup>15</sup> Каримов И.А Ўзбекистон демократик ўзрагишларни янада чукурлаштириш ва фуқаролик жамияти асосларини шакллантиришнинг асосий йўналишлари //биз танлаган йўл- демократик тараққиёт ва маърифий дунё билан ҳамкорлик йўли.Т.11- Тошкент: Ўзбекистон, 2003. 27-29 бетлар.

<sup>16</sup> Каримов И.А. Ўзбекистон 16 йиллик мустақил тараққиёт йўли. Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлис, вазирлар Маҳкамаси ва Президент девонининг Ўзбекистон мустақиллигининг 16 йиллигига багишиланган қўшма мажлисидаги маъруза.2007 й. 30 август.- Тошкент: Ўзбекистон, 2007 46бет.

майдондаги обрў-эътибори тобора ортиб бораётганидан дарак беради”<sup>17</sup>.

Биринчи Президент Ислом Каримов Олий Мажлиснинг Конунчилик палатаси ва Сенатининг қўшма мажлисида (2010 йил 12 ноябрь) устувор йўналишлардан бири сифатида фуқаролик жамиятининг шаклланиши ҳамда равнақ топишига алоҳида эътибор қаратиб, “Кучли давлатдан - кучли фуқаролик жамияти сари” тамойилни амалда тўлиқ татбиқ этишнинг аниқ ва равshan қирраларини белгилаб берди. Шуни алоҳида таъкидлаш жоизки, мамлакатда “Кучли давлатдан - кучли фуқаролик жамияти сари” тамойили асосида “Мамлакатда ислоҳотларни янада чукурлаштириш ва фуқаролик жамиятини ривожлантириш” концепциясини амалиётга қўллаш жараёни натижасида фуқаролик жамиятига ўтиш жараёни ҳуқуқий давлат қуриш, мамлакатни модернизациялаш, иқтисодиётни диверсификациялаш каби ислоҳотларни чукурлашиб боришини таъминлади.

“Мамлакатимизда демократик ислоҳотларни янада чукурлаштириш ва фуқаролик жамиятини ривожлантири концепцияси” да таъкидлаганидек, “Фуқаролик институтлари, нодавлат нотижорат ташкилотлари бугунги кунда демократик қадриятлар, инсон ҳуқуқ ва эркинликлари ҳамда қонуний манфаатларини ҳимоя қилишнинг муҳим омилига айланмоқда... Бугунги кунда жамоатчилик ва фуқаролик назорати институти жамиятнинг давлат билан ўзаро самарали алоқасини таъминлаш, одамларнинг кайфиятини, мамлакатда кечеётган ўзгаришларга муносабатини аниқлашнинг муҳим воситаларидан бирига айланмоқда”<sup>18</sup>.

Фуқаролик жамиятини қуриш йўлидан событлик билан илгарила боришимизда жамоатчилик назоратининг зарурияти бошқарувдаги камчиликларнинг ўз вақтида олдини олиш, шунингдек салбий ҳолатларга бутунлай барҳам бериш учун самарали ишлайдиган изчил назорат тизими ва механизмларини шакллантириш лозим. Ўзбекистон Республикаси Биринчи Президенти И.А.Каримов таъбири билан айтганда, “бу тизим шундай ишлаши керакки, борди - ю бирор - бир мансабдор шахс давлат сиёсатидан чекиниб, қонунга хилоф ишлар билан шуғулланадиган, ўз манфаатини давлат, халқ манфаатидан устун қўядиган бўлса, у кимлиги, кимнинг қариндоши, қайси раҳбарнинг оғайниси эканидан қатъий назар, муқаррар равишда жазосини олиши шарт. Яъни, бундай жазонинг муқаррарлигини шу одамдан юқори лавозимда ўтирганлар эмас, балки тизимнинг ўзи талаб этиши зарур”<sup>19</sup>.

Миллий мустақиллик йилларида Ўзбекистонда янги давлат ва жамият қуриш масаласида ривожланган мамлакатларнинг илфор тарихий тажрибасини чукур ўрганиш натижасида фуқаролик жамиятини барпо этишдаги «Ўзбек модели»нинг назарий асослари ишлаб чиқилди. Унинг назарий қарашлари «Кучли давлатдан - кучли фуқаролик жамияти сари» концептуал дастурда ва Ўзбекистонда фуқаролик жамиятини шакллантириш амалиётида ўз ифодасини топди».

<sup>17</sup> Каримоа И.А. Амалга оширилаётган ислоҳотларимизни янада чукурлаштириш ва фуқаролик жамияти қуриш-ёруғ келажагимизнинг асосий омилидир. Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 21 йиллигига багишланган тантанали маросимдаги мавзуза. 2013 йил 7 декабрь.-Т.Ўзбекистон, 2013.-Б.12

<sup>18</sup> И.А.Каримов Мамлакатимизда демократик ислоҳатларни янада чукурлаштириш ва фуқаролик жамиятини ривожлантириш концепцияси/Т.: “Ўзбекистон”. 2010. Б 41-43

<sup>19</sup> И.А.Каримов Ўзбек ҳалқи ҳеч қачон, ҳеч кимга қарам бўлмайди. Т.13.-Т., “Ўзбекистон”, 2005-Б.237

Биринчи Президент И.А.Каримов таъкидлаб ўтганидек, “фақатгина биз танлаган босқичма-босқич тадрижий ривожланиш йўли халқимиз кўзлаган эзгу ниятларга эришишга, замонавий демократик талабаларга жавоб берадиган давлат, инсон манфаатлари, хуқуқ ва эркинликлари энг олий қадрият бўлган, қонун устуворлигини таъминлайдиган жамият бариси олиб келиши муқаррар. Демократик жараёнларни сунъий равишда тезлаштириш, шошмашошарлик, турли инқилобий тўнтаришлар йўли қандай аянчли оқибатларга олиб келиши мумкинлигини бугун ҳаётнинг ўзи исботлаб бермоқца”.

Президентимиз Ш.М.Мирзиёев истиқлол йилларида эришилган ютуқларга баҳо бериб, “...биз мухтарам Биринчи Президентимиз Ислом Абдуганиевич Каримов бошлаб берган кенг кўламли сиёсий, иқтисодий ва ижтимоий ислоҳотлар йўлини оғишмасдан, қатъий ва изчил давом эттирамиз. Бу йўл - эркин, демократик, инсонпарвар давлат қуриш, фуқаролик жамиятини шакллантириш, Ватанимиз иқтисодий қудратини юксалтириш ва янада равнақ топтиришнинг мустаҳкам заминидир” - деб таъкидлаган эди.

Президентимиз Ш.М.Мирзиёев истиқлол йилларида эришилган ютуқларга баҳо бериб, “...биз мухтарам Биринчи Президентимиз Ислом Абдуганиевич Каримов бошлаб берган кенг кўламли сиёсий, иқтисодий ва ижтимоий ислоҳотлар йўлини оғишмасдан, қатъий ва изчил давом эттирамиз. Бу йўл – эркин, демократик, инсонпарвар давлат қуриш, фуқаролик жамиятини шакллантириш, Ватанимиз иқтисодий қудратини юксалтириш ва янада равнақ топтиришнинг мустаҳкам заминидир” 144 – деб таъкидлаган эди. Бугунги кунда олиб борилаётган ислоҳотлар самарасини янада ошириш, давлат ва жамият ривожини янги босқичга кўтариш, ҳаётнинг барча соҳаларини либераллаштириш, мамлакатимизни модернизация қилиш бўйича энг муҳим устувор йўналишларни амалга ошириш мақсадида Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017-2021 йилларга мўлжалланган «Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича ҳаракатлар стратегияси тўғрисида”ги Фармонини (7.02.2017) қабул қилиниши мамлакатда фуқаролик жамиятини ривожлантиришнинг янги босқичини бошлаб берди. Жамиятнинг барча соҳаларини модернизациялашга қаратилган мазкур дастураъмол бешта йўналишдан иборат бўлиб, уларда республикамида, алоҳида олинган ҳудудлар, турли тармоқлар ҳамда йўналишлар бўйича яқин беш йил ичида модернизациялаш мақсадлари мужассамлашган. 2017 – 2021 йилларад Ўзбекистонни янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегиясини ишлаб чиқиш жараёнида асосий эътибор, энг аввало, давлат ва жамият қурилишини тубдан ислоҳ қилишаг қаратилди. Шунинг учун ҳам ушбу вазифа биринчи устувор йўналиш сифатида белгилаб олинди ва “Кучли давлатдан – кучли фуқарлоик жамияти сари” концепцияси қоидаларни тўлиқ ўзида акс эттириди. Бу борада давлат Дастурининг I – бўлими 50 дан ортиқ норматив – хуқуқий ҳужжатлар, шунингдек концепция ва “Йўл хариталари” ишлаб чиқиш билан боғлиқ 53 та бандни ўз ичига олган бўлиб, давлат ва жамият қурилиши тизимини такомиллаштиришнинг устувор вазифаларини амалга ошириш мақсадида 81 та норматив хуқуқий ҳужжатлар қабул қилинди. Бунинг натижасида: Давлат ҳокимияти тизимида Олий Мажлиснинг роли

оширилиб, унинг мамлакат ички ва ташқи сиёсатига оид муҳим вазифаларни ҳал этиш ва ижро ҳокимияти фаолияти устидан парламент назоратини амалга ошириш бўйича ваколатлари янада кенгайтирилди, давлат ва жамият ҳаётида сиёсий партияларнинг роли кучайтирилди; - “Электрон ҳукумат” тизими такомиллаштирилди, давлатхизматлари кўрсатишнинг сифати оширилди; - Жамоатчилик бошқаруви тизими янгиланди, ҳалқ билан мулоқотнинг самарали механизмлари жорий этилди, шунингдек маҳалла институтининг жамият бошқарувидаги ўрни ва фаолияти такомиллаштирилди. Ҳаракатлар стратегиясида Президент Ш.М.Мирзиёев илгари сурган - “Ҳалқ давлат идораларига эмас, давлат идоралари ҳалқимизга хизмат қилиши керак” – принципини ижтимоийсиёсий ҳаётда амалга оширишга доир дастурий мақсадлар мужассамлашган. Шунинг учун ҳам Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси ва Сенатининг жойларда ишларнинг ҳолатини ўрганиш ва ҳалқ билан мулоқот қилишга доир фаолиятини тубдан такомиллаштиришга оид Олий Мажлис палаталари Кенгашларининг қўшма қарори лойиҳасини ишлаб чиқиш, унда ҳудудлардан сайланган депутат ва сенаторлар ҳар ойда 10-12 кун давомида бир туманда бўлиб, давлат ҳокимияти органлари фаолиятини ўрганиб, таҳлил қилиши, тегишли раҳбарларнинг ҳисботини ҳалқ депутатлари Кенгашлари сессияси муҳокамасига киритиши ҳамда тегишли хуносалар бериши, шунингдек Қонунчилик палатаси Спикери ва Сенат Раиси иштирокида ўрганиш натижалари бўйича тегишли ҳалқ депутатлари Кенгашлари сессияларини ўтказиш, Олий Мажлис Сенати томонидан ҳар бир вилоятда навбатма-навбат намунавий ҳалқ депутатлари Кенгашлари ишини ташкил этиш масалалари амалга оширилмоқда. Агар парламентнинг ҳалқ иродаси ва манфаатлари асосида фаолият юритиши ҳамда қонунлар қабул қилиши энг асосий демократик қадриятлардан бири эканлигига эътибор берилса, депутатлар ва Сенат аъзоларининг ўз сайловчилари билан ўзаро мулоқотлари, жойлардаги муаммолардан ҳабардор бўлиши, уларнинг ечимларини топишда иштирок этиши, маҳаллий вакиллик органларини жонланишигақўмаклашиши мамлакатимизда фуқаролик жамияти тамойилларининг ривожланишига шарт-шароитлар яратди. Чунки, олий вакиллик органи депутати авваламбор ўз сайлов округидаги фуқароларнинг вакили, Сенат аъзоси эса ўзи сайланган минтақа маҳаллий давлат ҳокимияти органларининг вакилидир. Шунинг учун ҳам парламент аъзоларининг ҳалқ ичидан кўпроқ фаолият юритиши давлатимиз барқарорлигини янада мустаҳкамлаш омилларидан биридир. Бу стратегик вазифаларни илгари сурилиши Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2016 йил 28 декабрда қабул қилинган “Жисмоний ва юридик шахсларнинг мурожаатлари билан ишлаш тизимини тубдан такомиллаштиришга доир чоратадбирлар тўғрисида”ги Фармонига биноан Ўзбекистон Республикаси Президенти девони ишлар бошқармасининг Фуқаролар қабулхонаси негизида тузилган Ўзбекистон Республикаси Президентининг Ҳалқ қабулхонаси Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳрида, шунингдек ҳар бир туман ва шаҳарда тузилган Ўзбекистон Республикаси Президентининг Ҳалқ қабулхоналари ва Ўзбекистон Республикаси Президентининг виртуал

қабулхонаси вазифалари ва ваколатларини белгиланиши билан узвий равища боғлиқдир.

Биринчи Президент Фармонида уларнинг аҳоли билан тўғридан-тўғри мулоқотни ташкил этиш, жисмоний ва юридик шахсларнинг хуқуқ ва эркинликлари ҳамда қонуний манфаатларини тўлақонли ҳимоя қилишга қаратилган, жисмоний ва юридик шахсларнинг мурожаатлари билан ишлашнинг сифат жиҳатидан янги ва самарали тизими фаолиятини таъминлаш, фуқароларнинг Ўзбекистон Республикаси Президентига, Олий Мажлисга, Ўзбекистон Республикаси Президенти девонига, Ҳукуматга, давлат бошқаруви органларига, суд, хукуқни муҳофаза қилувчи ва назорат органларига, маҳаллий давлат ҳокимияти органларига, бошқа давлат ташкилотларига ва хўжалик бошқаруви органларига мурожаат қилишга оид конституциявий хуқуқларининг сўзсиз амалга оширилиши учун шароитлар яратилмоқда. Халқ қабулхоналарига ва Виртуал қабулхонага келиб тушган ҳамда тегишлилиги бўйича давлат органлари ва хўжалик бошқаруви органларига юборилган мурожаатлар кўриб чиқилиши устидан тизимли мониторинг ва назоратни амалга оширилмоқда. Халқ қабулхоналарига ва Виртуал қабулхонага келиб тушаётган мурожаатларнинг қайд этилиши, умумлаштирилиши, тизимлаштирилиши ва кўриб чиқилиши устидан назорат қилиниши бўйича ягона электрон ахборот тизимини жорий этиш ва юритиш йўли билан мурожаатлар билан ишлашда замонавий ахборот-коммуникация технологияларидан кенг фойдаланиш йўлга кўйилган. “Ҳаракатлар стратегияси” лойиҳасининг бир неча ой аҳоли ва кенг жамоатчилик томонидан мухокама қилиниши, уни шакллантиришда олимлар, тадбиркорлар, барча фуқароларнинг таклиф ва тавсияларини инобатга олиниши, уларни меҳнат жамоаларида кенг мухокама қилиниши халқимизнинг хуқуқий ва сиёсий онгини оширишда мухим аҳамият касб этди. Бу чоратадбирлар ўз ўрнида лойиҳанинг аҳолининг реал манфаатлари ва эҳтиёжларини ҳисобга олган ҳолда такомиллаштиришга имкон яратди.

Ҳаракатлар стратегияси умумжаҳон амалиётида синаб кўрилган таракқиёт дастурларида назарда тутилган мақсадлари, амалга ошириш муддати каби жиҳатлари, қўллаш механизmlари билан улардан фарқ қиласи: биринчидан, кўзда тутилган мақсадларни амалга ошириш билан боғлиқ вақт омилининг аниқ ва равшан тарзда қўйилиши, иккинчидан, бу мақсадларни рўёбга чиқариш имкониятларини хуқуқий ва иқтисодий асосларини олдиндан яратилиши, модернизация жараёнини молиялаштириш манбаларини белгиланиши, мамлакатдаги миллий шарт- шароитларни эътиборга олиниши ва ҳоказо. Шунингдек, “Ҳаракатлар стратегияси” асосида амалга ошириладиган модернизация муддатининг нисбатан қисқа – беш йил ичida амалга ошириш лойиҳасини барча даражадаги экспертизалардан ўтганлиги, ундаги кўрсаткичларни мамлакат салоҳиятига монандлиги каби жиҳатлари билан халқаро ҳамжамият томонидан эътироф этилмоқда.

Мамлакатни модернизациялашга оид давлат дастурларида кўзда тутилган мақсадларни амалга оширишда мамлакатнинг ички имкониятлари, шу билан бирга, халқаро майдонда рўй берадиган ижтимоий-иқтисодий, сиёсий ва

маданий жараёнлар ҳам ҳисобга олинган. Ҳозирги даврда халқаро муносабатларнинг берқарор, тез ўзгарувчан, яхши мувозанатлашмаган хусусиятлар касб этиб бораётганилиги ҳисобга олинган ҳолда “Ҳаракатлар стратегияси” қисқа муддатли тараққиёт дастури сифатида қабул қилиниши унинг истиқболли ва самарали стратегик мақсад эканлигини ифодалайди.

Президент Ш.М.Мирзиёев ўз фармон ва қарорларида Ҳаракатлар стратегиясида мўлжалланган мақсадларни амалга оширишнинг аниқ вақт механизмларини ишлаб чиқди. Айниқса, 2018 йилга “Фаол тадбиркорлик, инновацион ғоялар ва технологияларни қўллаб –кув ватлаш йили”, деб номланиши муносабати билан қабул қилиган давлат дастурида Ҳаракатлар стратегиясини амалга оширишнинг асосий шарт-шароитлари белгилаб берилди.

Президент Ш.М.Мирзиёев ўзининг Олий Мажлисга Мурожаатномасида фуқаролик жамиятини ривожлантириш ва бу соҳадаги муаммолар тўғрисида тўхталиб, “Эркин фуқаролик жамиятини барпо этиш, инсон хуқук ва эркинликларини ҳимоя қилиш борасида амалга ошираётган ислоҳотларимизда нодавлат нотижорат ташкилотларининг ўрни ва роли беқиёс эканини алоҳида таъкидлаш жоиз. Нодавлат нотижорат ташкилотлари фаолиятини такомиллаштириш, уларни қўллаб-кувватлашга қаратилган алоҳида фармон ва қарорлар қабул қилинди. Аммо ана шундай муҳим саъй-ҳаракатларга қарамасдан, аҳолининг муаммоларини тизимли ўрганиш, уларни аниқ ҳал этиш, айниқса, ижтимоий шароити оғир аёлларни қўллаб-кувватлаш, ёшлар ва хотин-қизлар ўртасида ҳуқуқбузарлик ва жиноятчиликнинг олдини олиш, уларни иш билан таъминлаш масалаларида бу ташкилотларнинг иштироки етарли даражада сезилмаяпти. Улар факат номига йиғилишлар ўтказиш билан машғул бўлиб қолмоқда. Нодавлат нотижорат ташкилотлари бугун айтилган танқидий гаплардан хуоса чиқариб, ўз фаолиятида бурилиш ясайди, деб ишонамиз” - деб таъкидлаган эди.

Ҳозирги даврда “Ҳаракатлар стратегияси”ни амалга ошириш унда қўзда тутилган вазифаларни бажариш мақсадида қабул қилинаётган қонунлар, Президент фармонлари, қарорлари, ҳукумат қарорлари, уларни амалга ошириш натижалари жамиятнинг барча соҳаларини ривожланишига ижобий таъсирқилмоқда. «Давлат бошқаруви асослари тўғрисида»ги; «Маъмурий тартиб-таомиллар тўғрисида»; «Давлат хизмати тўғрисида»ги; «Жамоатчилик назорати тўғрисида»ги қонунлар лойиҳалари тайёрланиши ва қабул қилиниши, Ўзбекистон Республикасида маъмурий ислоҳотлар Концепцияси ҳамда Ўзбекистон Республикасида маъмурий ислоҳотлар ўтказиш бўйича чоратадбирлар дастури лойиҳаларини ишларнинг белгиланиши аҳолининг давлат ҳокимиёт органлари билан ўзаро муносабатларини замонавий талаблар асосида йўлга қўйиш, қабул қилинаётган қонунлар, қарорларнинг халқчил бўлишига, халқнинг давлат бошқарувида иштироки кенгайишига олиб келади.

Президент Ш.Мирзиёев 2017 йилни юртимизда “Халқ билан мулоқот ва инсон манфаатлари йили” деб эълон қилди. Бундан мақсад, мамлакатдаги демократлаштириш жараёнлари самарадорлиги ва сифатини тубдан яхшилаш, фуқароларнинг эркинликлари, ҳукуқлари, муносиб турмуш тарзи ва

манфаатларини таъминлаш, бунда давлат идоралари масъулиятини кучайтириш, халқ билан очиқ мулоқотларни йўлга қўйишда янги самарадор воситалар ва усулларни жорий этиш, “Инсон манфаатлари — барча нарсадан устун” шиори остида иш олиб бориш ҳисобланади. Президент Ш.Мирзиёев давлат ва бошқарув органлари, ҳукуқни муҳофаза қилувчи ташкилот мутасаддилари фаолиятига нисбатан таъкидлаганларидек, “Биз кейинги пайтда одамлар билан мулоқот қилишни унтиб қўйдик. Уларнинг ичига кириб, очиқ ва самимий гаплашиш, дардини эшитиш бизнинг фаолиятимизда, афсуски, охирги ўринга тушиб қолди” . Халқ қабулхоналарининг барча худудларда иш бошлагани, халқ билан кенг миқёсда мулоқот олиб борилаётгани давлат ҳокимияти ва бошқаруви органлари фаолиятининг очиқошкоралигини таъминлаш бўйича олиб борилаётган ишларни янги босқичга олиб чиқди.

### **3.3. “Ҳаракатлар стратегия”да белгиланган устивор вазифаларни босқичма босқич амалга оширилиши**

Бу ҳолат “Ҳаракатлар стратегия”даги вазифаларни босқичма босқич амалга оширилаётганинг англаатади. Бу жараёнда Президентнинг Вертуал қабулхонаси ва Халқ қабулхоналари ислоҳотлар учун зарур бўлган муҳим ишларни амалга оширмоқда. Зеро, уларга келиб тушаётган мурожаат, ариза ва таклифларни ўрганиш асосида муаммоларни ҳал этиш, ривожланишга шартшароитлар яратиш ишлари бажарилмоқда. Таъкидлаш керакки, фуқаролар ижтимоий-иктисодий муаммоларни ўз кундалик ҳаёти мисолида билади, қабул қилинаётган қонунлар, давлат дастурлари таъсирини рўй берсаётган ўзгариш ва янгиланишлар орқали теран англаб етади. Шу маънода, давлат органлари фаолиятининг очиқлигини, давлат хизматлари шаффоғлигини ва сифатини кучайтириш, “Электрон ҳукумат” тизими салоҳиятидан тўлиқ фойдаланиш аҳолининг хабардорлигини оширишга, пировардида уларнинг фаоллигига замин яратиб, жамиятда боқимандалик кайфиятини йўқотишга, одамларни барча давлат ишида бевосита иштирок этишга ундайди. Ҳозирги даврга келиб “Ҳаракатлар стратегияси” жаҳонга тараққиётнинг миллий модели сифатида танилди ва халқаро ташкилотлар томонидан эътироф этилди. Ўзбекистон ўтган давр ичидаги давлат бошқарувини номарказлаштириш, иқтисодиётни либераллаштриш, мулкдорлар ижтимоий қатлами учун қулай ҳуқуқий ва молиявий шарт-шароитлар яратиш, инновациялар ва инвестицияларни мамлакатга кириб келишини рағбатлантирадиган, ривожланган давлат ва халқаро ташкилотлар томонидан қисқа муддат ичидаги эътироф этилган давлат сифатида ўзини намоён қила бошлади. Албатта, бу ҳолат давлатимизни фуқаролик жамияти сари жадаллик билан интилаётганинг англаатади.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Маҳалла институтини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги Фармони (3.02.2017) фуқаролар ўзини ўзи бошқариш органларининг маҳаллий аҳамиятга молик масалаларни самарали ҳал қилишдаги ролини ошириш, фуқаролар

ийғинларининг муштарак манфаатларини ифода этадиган уюшмага бирлашиш ҳуқуқини рўёбга чиқариш, уларнинг моддий-техника базасини мустаҳкамлаш ҳамда давлат органлари ва фуқаролик жамияти институтлари билан ўзаро ҳамкорлигини янада ривожлантиришга қаратилган ташкилийхуқуқий чоратадбирларни белгилаб берди:

- фуқаролар ўзини ўзи бошқариш органларининг жамиятдаги ўрни ва ролини янада кучайтириш, уларни жойларда халқнинг чинакам маслақдоши ва кўмакдошига айлантириш;

- жамиятимизда ўзаро ҳурмат, меҳр-оқибат ва ҳамжиҳатлик муҳитини шакллантиришда, миллий ва умуминсоний қадриятларни асраб-авайлаш ҳамда ривожлантиришда маҳаллаларнинг аҳамияти ва нуфузини янада ошириш;

- ёшларни маънавий бой ва жисмонан соғлом этиб тарбиялаш, уларнинг бандлигини таъминлаш, ёш авлодни мағкуравий таҳдидлардан ҳимоя қилиш, аҳолининг эҳтиёжманд қатламларини, кекса авлод вакилларини ижтимоий қўллабқувватлаш борасида фуқаролар ўзини ўзи бошқариш органларининг давлат ва нодавлат ташкилотлари билан ўзаро ҳамкорлигини мустаҳкамлаш;

- жамоат тартиби ва хавфсизлигини таъминлашда, ҳуқуқбузарликларнинг барвақт олдини олишда, фуқароларда қонунга ҳурмат ҳиссини кучайтиришда маҳаллаларнинг бевосита иштирокини кенгайтириш;

- фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари ҳуқуқ ва қонуний манфаатларини ҳимоя қилишнинг ҳамда улар фаолиятини мувофиқлаштиришнинг самарали механизmlарини жорий этиш, маҳалла тизимида ягона ҳуқуқни қўллаш амалиётини таъминлаш каби масалаларни ўз ичига олади.

Давлат бошқаруви тизимидағи мавжуд камчиликлар жамиятнинг ўсиб бораётган талабларига лозим даражада муносабат билдириш, жойларда тўпланиб қолган муаммоларни ҳал қилиш, иқтисодиётни жадал ривожлантириш, оқибатда эса одамларнинг ҳаётида кутилаётган ижобий ўзгаришларга эришишни таъминлаш мақсадида Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Ўзбекистон Республикасида маъмурий ислоҳотлар концепциясини тасдиқлаш тўғрисида” (08.09.2017. ПФ-5185) Фармони қабул қилинди. Фармонда давлат бошқарув тизимини ислоҳ қилишнинг б та устувор йўналиши белгилаб берилган бўлиб унда фуқаролар ҳуқуқ ва эркинликларини таъминлашнинг таъсирчан механизmlарини яратиш, уларнинг фаровонлигини ва ижро этувчи ҳокимият органлари фаолиятидан қаноатланиш даражасини янада ошириш, мақсадида қўйидаги вазифаларга эътибор қаратилган:

- давлат органларининг жисмоний ва юридик шахслар билан ҳуқуқий муносабатларини аниқ тартибга солишга қаратилган маъмурий тартиб-таомилларни такомиллаштириш;

- ижро этувчи ҳокимият органларининг қарорлари ва ҳаракатлари устидан шикоят қилиш тартибини такомиллаштиришни, жисмоний ва юридик шахсларнинг мурожаатларини коллегиал эшитиш механизmlарини жорий этишини назарда тутувчи маъмурий адлия тизiminи ривожлантириш;

- "Электрон ҳукумат" тизимини такомиллаштириш орқали давлат хизматлари кўрсатишнинг самарадорлигини ошириш;

- жамиятда қонун устуворлигини таъминлаш. Маъмурий ислоҳотларни самарали амалга оширишнинг пировард натижасида "Халқ давлат идоралариға эмас, давлат идоралари халқимизга хизмат қилиши керак", деган ғоя ҳаётга тўлиқ татбиқ этилиши лозим. Бу бўйича қирқдан ортиқ аниқ тадбирларни назарда тутувчи "Йўл харитаси" асосида давлат ва хўжалик бошқаруви органлар фаолиятини қайта қўриб чиқиш белгиланган. 2017-2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегияси ва Ўзбекистон Республикасида Маъмурий ислоҳотлар концепциясини амалга ошириш, шунингдек, аҳолига давлат хизматлари кўрсатиш миллий тизимининг сифат жихатидан янги даражага ўтишини таъминлаш мақсадида Ўзбекистон республикаси Президентининг 2017 йил 12 декабрьдаги ПФ-5278-сон "Аҳолига давлат хизматлари кўрсатишнинг миллий тизимини тубдан ислоҳ қилиш чоратадбирлари тўғрисида"ги Фармони қабул қилинди. Бундан асосий мақсад: давлат хизматлари кўрсатиш соҳасида уларнинг сифати, тезкорлиги, шаффоғлиги ва фойдаланиш имкониятини тубдан ошириш орқали «Халқ давлат идоралариға эмас, давлат идоралари халқимизга хизмат қилиши керак» деган улуғвор ғояни сўзсиз амалга ошириш;

- тадбиркорлик субъектларига «ягона дарча» тамойили бўйича давлат хизматлари кўрсатиш ягона марказларини ҳам юридик, ҳам жисмоний шахсларга «ягона дарча» тамойили бўйича хизматларни тақдим қилувчи Давлат хизматлари марказларига ўзгартириш;

- давлат хизматларининг ҳар бир тури бўйича «Фуқаролар эмас, ҳужжатлар ҳаракатланади» тамойилига кўра давлат хизматлари кўрсатиш механизмини, энг аввало, ортиқча тартибтаомилларни бартараф этиш, ваколатли давлат органлари ва бошқа ташкилотлар зарур ҳужжатлар ва ахборотларни бошқа тузилмалардан мустақил равишда олиши ҳисобигасоддалаштиришни назарда тутувчи маъмурий регламентларни тасдиқлаш;

- давлат хизматларини, шу жумладан олис жойларга чиқиш орқали («мобиъ давлат хизматлари») кўрсатишнинг мақбул, қулай ва шаффоғ услубларидан, мазкур соҳада бюрократия ва коррупция юзага келишини бартараф этишга қаратилган навбатни бошқаришнинг автоматлаштирилган тизими ва ишларнинг узайтирилган жадвалидан фойдаланиш каби масалаларга асосий эътибор қаралиб, бугунги кунда у ўзининг амалий ифодасини топмоқда. Мазкур Фармон ва Қарор давлат хизматларининг сифати, тезкорлиги, шаффоғлиги ва фойдаланиш имкониятини тубдан ошириш бўйича комплекс ташкилий – ҳуқуқий чора – тадбирларни, "Халқ давлат идоралариға эмас, давлат идоралари халқимизга хизмат қилиши керак" деган тамойилини сўзсиз амалга оширувчи асосий ғояларни белгилаб берди. Мазкур ғояларнинг амалда тадбиқ этилиши давлат хизматлари кўрсатиш соҳасида "Фуқаролар эмас, ҳужжатлар ҳаракатланади" деган муҳим тамойилни жорий этиш имконини беради. Хусусан, мазкур соҳадаги давлат сиёсатини амалга оширишга маъсулият юкланган алоҳида давлат органи –

Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги хузуридаги Давлат хизматлари агентлиги ва унинг ҳудудий бўлинмалари ташкил этилди. Амалга оширилаётган ушбу ислоҳотларнинг уйғунлиги ва изчилигини таъминлайди, давлат хизматларини сифатли бажариш учун ваколатли органлар ва ташкилотларнинг жавобгарлигини оширади. Шу билан бирга, аҳолига давлат хизматларини қўрсатиш соҳасида бошқарувни амалга оширишнинг аниқ ташкилий – институционал асосларини шакллантириш таъминланмоқда. Мамлакатда фуқаролик жамиятининг шаклланиши ва ривожланиши жамоатчилик назоратининг ўратилиши билан боғлиқ. Бир томондан, жамоатчилик назоратининг ривожланиши фуқаролик жамиятининг ривожланиши йўлидаги тўсиқларни бартараф этишга хизмат қилса, иккинчи томондан фуқаролик жамияти ривожланиб боргани сари жамоатчилик назорати учун кенгроқ имкониятлар ва истиқболлар пайдо бўлади. Жамоатчилик назоратининг мақсади давлат ҳокимияти ва бошқарувни органлари фаолиятининг мавжуд қонунларга мослигини текширишдан иборат. Мамлакатимизда ўтказилаётган туб ижтимоий-иктисодий ислоҳотларнинг 2016 йил кузидан бошланган янги босқичи жамоатчилик назоратини ривожлантиришга янги талаблар қўйди ва айни пайтда янги имкониятлар очди. Жамоатчилик назорати олдига янги талаблар қўйилиши шу билан изоҳланадики, белгиланган янги вазифалар, Ҳаракатлар стратегиясини тўла амалга ошириш жамоатчилик назоратини кескин кучайтиришни тақозо қилади. Иккинчи томондан, Мамлакатимизда фуқаролик жамиятини ривожлантириш бўйича олиб борилаётган саъйҳаракатлар давлат ҳокимияти органлари фаолияти устидан жамоатчилик назоратини кучайтиришнинг долзарблигини янада ошириб юборади.

Фуқароларнинг давлат органлари фаолияти устидан жамоатчилик назоратини таъминлаш орқали Конституцияда кафолатланган жамият ва давлат ишларини бошқаришга бўлган ҳуқуқлари амалга оширилиши билан боғлиқ муносабатларни тартибга солиш мақсадида «Жамоатчилик назорати тўғрисида»ги қонуни (2018 йил 12 апрель, ЎРҚ-474-сон) қабул қилинди. Қонунда фуқаролик жамиятининг ривожланишини таъминлашга қаратилган жамоатчилик назорати субъектлари, обьектлари, асосий принциплари, шакллари белгилаб берилган.

Хусусан, жамоатчилик назоратини амалга оширишнинг асосий тамойиллари қуйидагича қўрсатилган:

- қонунийлик;
- фуқароларнинг ҳуқуқлари, эркинликлари ва қонуний манфаатлари устуворлиги;
- жамоатчилик назоратини амалга оширишда иштирок этишнинг ихтиёрийлиги;
- жамоатчилик назоратини амалга оширишнинг оммавийлиги ва очиқлиги;
- жамоатчилик назорати субъектларининг холислиги ва беғаразлиги;
- жамоатчилик назорати натижаларининг ишончлилиги;
- жамоатчилик назорати субъектларининг давлат органлари, уларнинг

мансадор

Шахслар фаолиятига асоссиз аралашувига ва уларга ғайриқонуний таъсир кўрсатишига йўл қўйилмаслиги. Ўзбекистон Республикаси Президенти Ш.Мирзиёев 2018 йил 4 май куни “Мамлакатни демократик янгилаш жараёнида фуқаролик жамияти институтларининг ролини тубдан ошириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги Фармонни имзолади. Фармонда Ўзбекистон Республикаси президенти ҳузурида Фуқаролик жамиятини ривожлантириш бўйича Маслаҳат Кенгаши ташкил этилиб, унинг вазифалари асосан қуйидагилар этиб белгиланган: давлатнинг ва фуқаролик жамияти институтларининг мамлакатни янада жадал ва ҳар томонлама ривожлантиришга қаратилган саъй-ҳаракатларини бирлаштирувчи замонавий, демократик ҳамда очиқ-ошкора майдон сифатида уларнинг юқори даражадаги тизимли ва самарали мулоқотини йўлга қўйиш;

Ўрта муддатли ва узоқ муддатли истиқболда фуқаролик жамиятини ривожлантиришнинг стратегик йўналишларини аниқлаш ва миллий моделини шакллантириш бўйича таклифлар ишлаб чиқиш;

Илмий ва эксперталар гурухлари иштирокида фуқаролик жамиятини ривожлантириш соҳасида фундаментал ва амалий тадқиқотларни ташкил этиш юзасидан ташаббус кўрсатиш, фуқаролик жамиятини ривожлантириш борасидаги давлат сиёсати ва унинг амалий натижалари ҳақидаги жамоатчилик фикрини тизимли равишда ўрганиш, умумлаштириш ва таҳлил қилишни ташкил этиш;

Фуқаролик жамияти институтлари фаолиятининг ташкилийхуқуқий ва иқтисодий асосларини такомиллаштириш, ижтимоий шериклик ва жамоатчилик назоратини амалга ошириш, мазкур институтларнинг жамият бошқарувидаги иштирокини кенгайтириш учун қулай шароитлар яратиш масалалари бўйича Ўзбекистон Республикаси президентига таклифлар киритиш; фуқаролик жамиятининг ривожланишини, фуқаролик жамияти институтларининг давлат органлари билан ҳамкорлиги

аражасини, шунингдек, уларнинг мамлакатни ижтимоийиқтисодий ривожлантиришга қўшаётган ҳиссасини баҳоловчи кўрсаткичларни ишлаб чиқиш, бу кўрсаткичлар асосида даврий ва маҳсус, шу жумладан муқобил маърузалар тайёрланишини ташкил этиш;

Фуқаролик жамияти институтларига уларнинг халқаро ҳамкорлигини ривожлантиришда, илғор халқаро тажрибани ўрганишда ва ушбу тажрибани Ўзбекистон шароитида жорий этишда қўмаклашиш. Юқорида кўрсатилган меъёрий- хукуқий хужжатларнинг қабул қилиниши ва амалга оширилаётганлиги республикамизда “Халқ давлат идораларига эмас, давлат идоралари халқимизга хизмат қилсин” ғояси халқимизнинг фуқаролик позицияларининг янада кучайишига олиб келди. Президентимиз Ш.Мирзиёевнинг таъбирича бугунги кунда жамиятнинг барча соҳасида амалга оширилаётган туб ўзгаришларнинг асосий мақсади халқни рози қилиш, уларга мақбул шарт – шароитлар яратиб беришдан иборат.

### **Назорат саволлари:**

1. Фуқаролик жамиятининг асосий белгилари ва тамойиллари.
2. Фуқаролик жамияти ва хуқуқий давлат тушунчаларининг ўзаро нисбати.
3. Ўзбекистонда фуқаролик жамиятини қуришнинг стратегик мақсад сифатида белгиланишининг назарий асослари.
4. Харакатлар стратегияси – Ўзбекистонда фуқаролик жамиятини ривожлантиришнинг концептуал асоси.
5. Харакатлар стратегиясида белгиланган вазифаларни самарадорлик кўрсаткичлари.

### **3-мавзу: Фуқаролик жамияти ғоялар эволюцияси.**

#### **РЕЖА:**

- 3.1 Қадимги ва ўрта асрларда Шарқ ва Ғарбда фуқаролик жамияти тушунчасига оид ўзига хос ёндошувлар.
- 3.2. Янги даврда фуқаролик жамиятининг мумтоз парадигмалари.
- 3.3. Фуқаролик жамияти тўғрисидаги замонавий ёндошув ва концепциялар.

**Таянч иборалар:** ғоя, назария, концепция, фуқаролик жамияти, демократик давлат,adolatli жамият, фуқаролик жамиятининг антик, диний ва мумтоз парадигмалари.

#### **1. Қадимги Шарқ ва Ғарбда фуқаролик жамияти тўғрисидаги ўзига хос ёндошувлар.**

Инсоният тараққиётининг барча давларида фуқаролик жамиятини куриш энг эзгу ғоя сифатида амал қилган. Унга эришиш учун турли даражадаги назарий қарашлар илгари сурилган. Бир гурӯҳ олимлар фуқаролик жамиятини куриш ғояси Ғарб тамаддуни маҳсули сифатида амалиётга тадбиқ этилмоқда деб ҳисобламоқдалар, аслида Шарқ мамлакатлари мутафаккирлари ижодида бу масалага оқилона ёндашув уч минг йил илгари шаклланган. Ижтимоий тараққиётнинг маълум давларида шарқ мамлакатлари етакчилик мавқеини эгаллаган. Ҳар қандай фан, ўз моҳиятига кўрат умумбашарийдир. Дунё халқлари катта-кичиклигидан қатий назар унинг ривожига ҳиссаларини қўшган. Шу нуқтаи назардан фуқаролик жамиятини шакллантириш ва ривожлантириш тўғрисидаги ғоялар, билимларни бир ёқлама бўрттириш ёки камситиш нотўғри ёндошувдир.

Фуқаролик жамияти ва унинг тушунчалари Марказий Осиё ижтимоий-сиёсий ва маънавий ҳаётининг ёрқин намунаси “Авесто” муқаддас китобида келтирилган. 2001 йилда миллат маънавий маданиятининг энг қадимги манбаси “Авесто”нинг 2700 йиллигига бағищланган тантанали маросимда Ўзбекистон Республикаси Президенти И.А. Каримов: “... бу ноёб асар бебаҳо тарихий хужжат бўлиб, у биз яшаган бу қадим юртда, бу заминда ўзининг маданияти ва бой маънавиятига эга бўлган буюк давлат бўлганлигидан, аждодларимизга, асрлар давомида битмас туганмас қуч вакудрат ва таянч сифатида хизмат қилганлигидан далолат беради” деб алоҳида эътироф этган. Дарҳақиқат, “Авесто”нинг бош ғояси “эзгу фикр, эзгу мақсад, эзгу амал” ҳар

қандай жамият ва инсонлараро муносабатларнинг маънавий асоси эканлигидан далолатдир.

Авестонинг “Яштлар”, “Виспират”, “Видидод” қисмларида оила ва жамоада берилган сўздан ёки қасамдан воз кечиш, одамлар ўртасида тузилган аҳдномани бузиш катта гуноҳ эканлиги ўз ифодасини топган. Хусусан, “О Спитама, шартномани бузувчи киши бутун мамлакатни бузади, шу билан бирга Артага тегишли барча мулку молларга путур етказади”. “О Спитама, аҳдингни бузма...” ғоялари давлатлар сиёсий тизимининг хуқуқий асоси,adolat манбай бўлиб, улар Рим хуқуқидан ҳам қадимиyroқdir.

Авестодаги фуқаролик жамиятини қуришнинг бирламчи омили эркак ва аёлнинг teng хуқуқлилиги, оиланинг барқарорлигини таъминлаш ғояси бугунги кунда ҳам муҳим аҳамиятга бўлиб, бугун Ўзбекистон Республикаси Конституцияси ва бошқа меъёрий хужжатларда аёлларнинг teng имконияти ва кенг хуқуқлари таъминланган. XXI асрда баъзи мамлакатларда аёлларнинг сайлаш ва сайланиш хуқуқи умуман инкор қилинаётган бир даврда, Ўзбекистон Олий мажлис қонунчилик палатасига аёлларнинг сайланиши учун 30% квотанинг ажратилиши, 1995 йилда “Оила” кодексининг қабул қилиниши, бир томондан юртимизда аёлларга муносабат ва оилавий қадриятлар қадимий илдизларга эгалигини ифодаласа, иккинчи томондан фуқаролик жамиятини қуриш йўлидаги оқилона сиёсатнинг ёрқин ифодасидир.

Фуқаролик жамияти концепциясининг Европача анъанаси антик илдизларга эга. Мазкур анъананинг мазмун-моҳияти нафакат сиёсий, балки шахсни ижтимоий-ахлоқий нуқтаи назардан баҳолаш билан боғлиқ эди. Бунга Афлотун, Арасту, Цицерон каби мутафаккирларнинг қарашларини мисол келтириш мумкин.

Фуқаролик жамиятининг антик концептуал таълимотида жамият ва давлат феноменларининг узвийлиги қадимги юонон дунёқарашининг муҳим хусусиятларидан бири ҳисобланади. Хусусан, Афлотуннинг (мил. ав. 427–347 й.) “Давлат” диалогида фуқароларнинг шахсий ва ижтимоий ҳаётини ажратишигина эмас, ижтимоий соҳани ҳозиргидек замонавий талқинда, сиёсий фаоллик сифатида тушунилган. Бунда жамият ҳаётининг сиёсий жиҳатлари, фуқаролик жамияти тизимининг умумий тавсифи сифатида намоён бўлади.

Фуқаролик жамияти ғоясининг кейинги ривожи Афлотуннинг шогирди Арасту(мил. ав. 384–322 й.) ижоди билан боғлиқ. Устози каби Арасту ҳам энг мукаммал жамият ғоясини ишлаб чиқишига дикқат эътиборини қаратади, бироқ фуқаролик жамияти ғоялари таркибида бу масала ўзгача назарий жиҳатларни ташкил қиласиди. Уни қўпроқ ижтимоий трансформация эмас, балки давлат тузилмасидаги ўзгаришлар қизиқтиради. Бундан ташқари Арасту ўзининг назарий ишланмаларида давлат ҳақидаги мавҳум ғояга таянишни эмас, жумладан Афлотунга хос бўлган, балки воқеъликда мавжуд бўлган бошқарув шаклларини солиштириш, қиёсий таҳлил қилишга таянади, бу жиҳат эса унинг давлат ва жамият борасидаги позициясини конкретроқ бўлишини таъминлайди.

Платондан фарқли ўлароқ, Аристотель хусусий мулкни эътироф этади. Чунки у инсон табиатига хос бўлиб, одамлар ўртасидаги ўзаро муносабатларнинг ўзагини ташкил этади. Аристотель мулк ҳукуқининг фуқаролар фаровонлиги, давлат ва унинг бошқарув шакли хавфсизлиги, қонунчилик органи ишида фуқароларнинг иштироки механизми, лавозимларни эгаллаш ва вазифаларни бажариш, суд органлари ишидаги ролини атрофлича ўрганган. Ҳукуқни Аристотель адолат мезони деб ҳисоблаган ва унга ижтимоий муносабатларни тартибга солувчи ва айни вақтда уларни муҳофаза қилувчи институт сифатида ёндашган. Аристотель фикрига кўра, сиёсий бошқарув – бу одамларнинг эмас, балки қонун бошқарувидир: ҳатто энг яхши ҳукмдорлар ҳам туйғулар ва ҳиссиётга берилувчан бўлади, қонун эса «оқилона тафаккур»дир.

Қадимги рим мутафаккири **Марқ Тулий Цицерон** (мил. ав. 106-43 йиллар) ҳам жамият ва давлат (республика)ни тенглаштиради. Давлатни у умумий манфаатлар билан ўзаро боғланган одамлар мажмуи сифатида тасаввур қиласди, давлат ҳалқнинг умумий мулки ҳисобланади ва одамлар биргаликда яшашга табиий эҳтиёж сезади. Унинг фикрича, давлатнинг вазифаси мулкни муҳофаза қилишдан иборат. Давлат айни шу мақсадда ташкил этилади. Цицерон фикрига кўра, уч бошқарув шакли (монархия, аристократия ва демократия) унсурларини ўзида мужассамлаштирган аралаш давлат энг идеал давлатдир. Фақат шундай давлатда ҳар бир жамият аъзосининг манфаатларини қондириш ва у давлатни бошқаришда иштирок этиши таъминланади. «Давлатнинг мустаҳкамлиги ва фуқароларнинг ҳукуқий тенглиги» бундай давлат тузумининг муҳим фазилати деб ҳисоблайди. Цицероннинг «Давлат ҳақида» ва «Қонунлар ҳақида» асарлари давлат ва ҳукуқ муаммоларига бағишлиланган. Давлат Цицерон талқинида қадимги юон мутафаккирларининг концепцияларидаги каби давлатнинг барча эркин аъзолари умумманфаат ифодаси сифатидагина эмас, балки бу аъзоларнинг ўзаро келишилган ҳукуқий муносабатлари мажмуи, муайян ҳукуқий тузилма, «умумий ҳукуқий тартибот» сифатида ҳам намоён бўлади.

Цицерон давлат тушунчасига биринчилардан бўлиб ҳукуқий тус беради, бу таълимот кейинчалик жуда кўп мутафаккирлар, шу жумладан **«ҳукуқий давлат» ғоясининг ҳозирги тарафдорлари томонидан ҳам эътироф этилади.**

Цицерон концепциясига кўра, “фуқаролик жамияти” ғояси антик давр учун классик аҳамиятга эга бўлади, бу ўз навбатида янги даврда шаклланган назарий қарашларга асос бўлади. Кўпгина эксперталар фикрича, айнан Цицероннинг ижтимоий-сиёсий таълимотида “фуқаролик жамияти” ўзининг тушунчавий асосларига эга бўлади.

Фуқаролик жамиятини қуриш ғояси Марказий Осиё мутафаккирлари ижодида ўрганилганлиги И.А.Каримовнинг 2014 йилда Самарқандда ўтказилган “Ўрта аср Шарқ мутафаккирларининг илмий мероси замонавий цивилизацияда ўрни ва аҳамияти” мавзусидаги ҳалқаро конференцияда сўзлаган нутқида “Олим ва тадқиқотчилар фикрича, Шарқ хусусан Марказий Осиё, IX-XII ва XIV-XV асрларда бўлганилмий ҳамжамият томонидан Буюк Шарқ уйғониши дея ном олган йирик илмий маданий уйғониш учун асос сифатида

хизмат қилди”<sup>3</sup> деб алоҳида таъкидлаган. Дарҳақиқат, Марказий Осиё уйғониш даври IX-XV асрларда давлатни бошқариш ваadolatли жамият қуриш, давлат раҳбари ва хизматчиларининг фаолият даражалари таснифлари, ижтимоий масъулияти мезонларининг назарий жиҳатлари ҳақидаги ғоялар Абу Наср Форобий, Ибн Сино, Беруний, Юсуф Хос Ҳожиб, Низомулмұлк, Амир Темур, Алишер Навоий ва бошқалар ижодида кенг таҳлил қилинган.

Хусусан, Абу Наср ал-Фаробий (870–950) нинг “Фозил одамлар шаҳри”, “Давлат арбобининг афоризмлари” асарларида шарқона сиёсий-хуқуқий ва ижтимоий фикр тарихида ижтимоий тизим, сиёсат, давлат ва ҳукумат ҳақидаги қарашлар назарий асосланган. Абу Наср Фаробий фикричаadolatли жамият қуриш учун уни мудофаа қилиш ва оқилона бошқариш усулини билиш, одамларга ёзуликдан сақланиш эзгуликка интилиш йўлларини кўрсатиш лозим. У давлат раҳбарининг бошқарув маҳорати умумий баҳтга эришиш йўлидир деб ҳисоблайди. Адолатли давлатни маърифатли ҳукмдор бошқаради, у маънавият,adolatетакчisi бўлиши, ўз фазилатлари билан қатъий талабларга жавоб бериши лозим. Бу борада Абу Носир Форобий “Уларнинг ўзларидан сайланган раҳбар ёки бошлиқлар ҳокими мутлоқ бўлмайди. Улар одамлар ичидан кўтаришган, синалган энг олийжаноб, раҳбарликка лойиқ кишилар бўладилар. Шунинг учун бундай раҳбарлар ўз сайловчиларини тўла озодликка чиқарадилар, уларни ташқи душмандан муҳофаза қиласидилар”<sup>20</sup>, деб давлат бошқарувида демократик тамоилларни таъминлаш билан боғлиқ ахлоқий ва маданий қадриятларни тизимлаштиради

Абу Райҳон Беруний “Қадимги халқлардан қолган ёдгорликлар”, “Хиндистон” асарларидаadolatли жамият ва унинг амал қилиши асосларини шакллантириш ҳақидаги ғояларни илгари сурган. Унинг фикрича, жамиятнинг пайдо бўлишига одамларнинг ўзаро ҳамкорлиги, бирга яшашга эҳтиёжи ва интилишлари сабаб бўлади. Адолатли жамиятни қуриш ахлоқий қадриятларга таяниши ва ривожлантирилиши лозим.. Давлат раҳбарининг асосий вазифаси аҳолининг турли қатламлари, кучлилар ва кучсизлар ўргасидаги сиёсий ва хуқуқийadolat мезонларини ўрнатишдадир. Бунгаунинг фикрича идеал ижтимоий тузилмани қуриш орқали эришилади.

**Абу Али ибн Сино** (980–1037) фикрича ижтимоий муносабатлар одамлар ўргасидаги тафовут ва тенгликсизлик натижасидир. Хусусан, Ибн Сино “иқтисодий ва ижтимоий ҳамда шахсий хусусиятларга кўра тенгликсизлик – инсон ижтимоий фаоллиги сабаби ҳисобланади” деб таъкидлайди. Идеал давлат қуриш эса жамият аҳолисининг маънавий-ахлоқий равнақи билан боғлиқ.. Унинг фикрича, маънавий ахлоқий қадриятларнинг юксак қадрланиши нафақат ҳар томонлама фаровонликни, балки жамиятдаadolat ва барқарорликни ҳам таъминлайди.

Бу даврда Шарқда ижтимоийadolat, маърифат ва тенглик нафақат назарий меъёр, балки амалий ҳаёт меъёри, ижтимоий- сиёсий муаммолар

<sup>1</sup> Каримов И.А. Ўрта аср Шарқ мутафаккирларининг илмий мероси замонавий цивилизацияда ўрни ва аҳамияти. // Ҳалқ сўзи. 2014 йил 24 май.

<sup>2</sup> Абу Носир Форобий. Фозил одамлар шаҳри.-Т.: А.Қодирий нашриёти. 1993, 190-6.

ечимини топиш ва жамоа бўлиб яшашнинг асоси сифатида тушунилган, фуқаролик жамиятини шакллантиришнинг маърифат йўли танланган бўлса, Европа ижтимоий-сиёсий тафаккурида эса насронийларнинг диний доктринаси хукмронлик қилиб, диний ва дунёвий манфаатлар ўртасида кураш ривож олган.

**Юсуф Хос Хожиб** ўзининг “Қутадғу билиг” достонида давлатни бошқариш амаллари, қоидалари ва сиёсий - ахлоқий муносабатларни жамиятда қарор топтиришгаэътибор қаратган<sup>212</sup>. У давлат бошқаруви ва хизматини ташкил этиш турларини ҳамда шу даражаларга мувофиқ сифатларини таснифлайди. Жумладан, «Шоҳликка даъвогарлар онадан ажаб бир истеъдод билан туғиладилар ва улар дарҳол яхши-ёмонни ажратиш фитратига эга бўладилар. Бундайларга Худо идрок, фаросат ва юмшоқ бир кўнгил ато этади, қолаверса яхши иш юритиш ўқуви билан ҳам сийлайди»<sup>1</sup> деб таъкидлаган.

Адолатли давлат бошқаруви, унинг мукаммал назарий асосларини яратиш борасида улкан илмий мерос қолдирган ўрта асрлар мутафаккири, давлат арбоби **Низомулмулкнинг “Сиёсатнома”** асари муҳим манба ҳисобланади. У амалдорларни ахлоқий фазилатларига қараш, адолат ва инсофни оёқ ости қиласиганкишиларни давлат ишларига аралаштирасликни, давлатни бошқаришда кенгаш билан олиб бориш, фаолиятларни мунтазам назоратқилиш, итоат, ижро ва сифатлари тўғрисидаги қарашлари билан аҳамиятлидир. Айниқса, Низомулмулкнинг «Кўпчилик бўлиб қабул қилинган тадбир энг савобли бўлади ва шундай йўл тутиш керак»<sup>1</sup> деган фикрлари аждодларимизнинг давлат қурилишининг адолатли тартиботларигакатта эътибор берганлигидан далолатдир.

Ижтимоий-сиёсий тараққиётнинг маънавий асосларини ўрганишда Ўрта Осиёда вужудга келган тасаввуфчилик оқимининг аҳамияти ҳам алоҳида муҳим ўрин тутади. Тасаввуф гарчи ислом бағрида ниш уриб, Қуръон ва ҳадислар ҳикматидан озиқланган, қўп ҳолларда шариат аҳкомига суюнган бўлсада, лекин у расмий диний ақидапарастлик ва мутаассибликка ҳамда ҳоким табақаларнинг айшу-ишратларга ғарб турмуш тарзи, талончилик ва манфаатпарастликка зид ўлароқ, меҳнаткаш халқ норозилигини ифодалаб келди. Тасаввуф таълимоти асосида адолат, ҳақиқат, тўғрилик, меҳр-шафқат, инсоф, иймон, эътиқод, илм, меҳнатсеварлик, ватанпарварлик каби умуминсоний ғояларни тарғибот қилувчи футувватга асосланган бир қанча диний, сиёсий оқимлар пайдо бўлади. Улар жамиятнинг ахлоқиз унсурларига ғоявий куч сифатида қарши қўйилади

Ижтимоий-сиёсий тафаккур ривожи ва ҳуқуқий давлат ва фуқаролик жамиятининг асосий шарти – қонун устуворлиги тамойилини амалиётда қўллаш тажрибасини Шарқнинг буюк давлат арбоби ва саркардаси Амир Темур (1336–1405) бой ижтимоий-сиёсий ва маънавий мероси асосида кўриш

<sup>1</sup> Юсуф Хос Хожиб Кутадғу билиг.-Т.: Фан, 1971, 329-б.

<sup>2</sup> Ўша асар. 329-бет

<sup>3</sup> Низомулмулк. Сиёсатнома. Т.: Адолат, 1997. 98-бет.

мумкин. Унинг тузукларида давлат тизими, уни идора қилиш услублари ва воситалари, ундаги турли лавозим-вазифалар даражаси, табақаларнинг тоифаланиши, ҳарбий қўшинларнинг ташкил этилиши, жанг олиб бориш маҳоратлари, давлат хизматчилари рағбатини ташкил этиш омиллари, адолатли солик турларининг жорий этилиши, мамлакатни ободонлаштириш тадбирлари миллий давлатчиликнинг юксак маданий ва ҳуқуқий даражада шакллантиришга эришганлигидан далолат беради. “Ҳар мамлакатнинг яхши кишиларига мен ҳам яхшилик қилдим, нафси ёмонлар, бузуклар ва ахлоқсиз одамларни мамлакатиимдан қувиб чиқардим. Пасткаш ва разил одамларга ўзларига лойик ишлар топширдим ҳамда ҳадларидан ошишларига йўл қўймадим. Улуғларини ва шараф-эътиборли кишиларни хурматлаб, мартабаларини оширдим. Ҳар мамлакатда адолат эшигини очдим, зулму ситам йўлини тўсдим».<sup>1</sup>

Маълумки, фуқаролик жамиятини – ҳаётийлигини ва самарадорлигини таъминловчи – ҳуқуқий давлат доирасидан ташқарида тасаввур қилиб бўлмайди. Шу маънода, Соҳибқирон Амир Темурнинг қуидаги сўzlари ҳозирги замон билан ҳамнафас жаранглайди: “Тажриба, - деб ёзади у, менга шуни кўрсатдики, дин ва қонунга таянмаган ҳукумат, ўзининг буюк қудратини узоқ вақт сақлаб тура олмайди. Уни ҳар қандай ёвуз киши кириши мумкин бўлган на томи, на эшиги, на панжаралари бор уйга ўхшатиш мумкин. Шунинг учун мен ўз салтанатимни ислом арконлари ва бошқарувда ўзим қатъий амал қилувчи қонунлар асосида қурдим”<sup>2</sup>.

Шу нуқтаи назардан, мувафақиятли бошқарув қонуниятiga қўра, амир Темур раҳбарнинг адолатга таянишини лозим топган. Унинг фикрига қўра: “Раҳбар учун барча ишларда адолатга амал қилиши керак: у сотилмайдиган ва фазилат эгаси бўлган одамни вазирликка тайинлаши лозим, чунки адолатли вазир ўзи маҳдуд-раҳбар адаолатсизликларни тўғирлаши мумкин, аммо вазирнинг ўзи шундай бўлса, ҳалокат яқиндир”<sup>3</sup>. Соҳибқирон фикрича, давлат бошқарувида яна бир муҳим қонуният – қонун устуворлиги. “Қатъий тартиб ва қонунларга амал қилишим баҳт-саодатим калити бўлди”. Бош қонунлар сифатида диний аҳкомларни ва улар асосида ёзилган фикрларни билган. Бунинг барчаси буюк Темур адаолатли ва фозил бошқарувга алоҳида эътибор қаратганлигини кўрсатиб турибди.

Комил инсонлар жамияти ҳақидаги ғоялар Алишер Навоий (1441–1501) сиёсий ва адабий фаолияти асоси бўлиб хизмат қилди. А.Навоий идеал ижтимоий-иктисодий тузум ҳақидаги қарашларини ўзининг “Садди Искандарий”, “Маҳбуб ул қулуб”, “Пайғамбарлар ва донолар тарихи” ва б. асарларида ёритган. Ижтимоий-иктисодий тузум муаммоларини фақат адолатли ҳукмдор бошқараётган ва қонун устувор бўлган мамалкатда амалга ошиши мумкин. Шундай қилиб, А.Навоий учунадолат ва қонун ижтимоий тараққиётнинг асоси ҳисобланади. Унинг концепциясида ҳукумдор шахси алоҳида аҳамият касб этади. Фазилатли ва идеал шахс ҳақида мулоҳаза

<sup>1</sup> Амир Темур тузуклари.-Т .:Фоғур Ғулом нашриёти,1996, 24-бет.

<sup>2</sup> Уша асар. 81-бет

<sup>1</sup> Амир Темур тузуклари.-Т .:Фоғур Ғулом нашриёти,1996, Б- 83.

юритар экан Навоий ўзига хос инсонпарвар назарияни яратади. Ўз назариясида мутафаккир, бир томондан ҳукумдор ва боғбонни, бошқа томондан давлат ва боғни солиширади. Унга кўра, агар боғбон ақлли ва меҳнатсевар бўлса, унинг боғи гуллаб-яшнайди. Ҳудди шундай агар мамлакатнинг ақлли, доно, адолатли, ҳалқи учун қайғурадиган ва уни севадиган ҳукумдори бўлса, у ривожлниб фаровонлашади.

У назариётчи ва амалиётчи сифатида давлат сиёсатининг адолатли асослари ва унинг маънавий мезонларини ривожлантиришга катта ҳисса қўшади. Айниқса, адолатсизлик ва зулм давлатни таназзулга, жамиятни жаҳолатга олиб келиши тўғрисидаги қарашлари ўз ифодасини топади: «...давлат иши билан машғул бўлган амалдорлик чоғларимда кўнгил мулкини турли одамларнинг ҳужуми булғалади. Гоҳ амирлик ўрнида ўтиридим ва ҳукумат маҳкамасида ҳалқнинг арз-додини сўрдим ва гоҳ подшоҳ ёнида вазирлик қилдим ва менга умидвор назар билан қараб турган элга мурувват кўрсатдим»<sup>22</sup> дейди. Адолатли жамият шаклланишининг асосий омили сифатида Навоий инсоний фазилатлар: адолатлилик, раҳмдиллик, меҳнатсеварлик, ростгўйлик, ватанпарварлик, виждонлилик, инсонпарварлик ва жасоратни келтириб ўтади.

Антик ва ўрта аср Шарқ алломаларининг фуқаролик жамиятиги оид концептуал мероси ва назарий ишланмалари амалиётдаги – давлат ва жамиятда ҳукмрон меъёрларга тўлиқ мос келмасада, бироқ улар фуқаролик жамияти тамойилларининг объективлашуви ва унинг инсоният социумининг тарихий тараққиётининг таркибий қисми сифатида тушунилиши учун мустаҳкам асос яратдилар.

### **Ўрта асрларда Шарқ ва Ғарбда фуқаролик жамияти тўғрисидаги йўналишлар.**

Фуқаролик жамиятининг тарихий кўринишлари ифодаси Европа-Ўрта ер денгизи анъанаси асосида фуқаролик жамиятининг дастлабки кўринишлари – Уйғониш давридаги итальян шаҳар-давлатларига бориб тақалади. Бунда фуқаролик жамияти шаҳар бошқаруви тизимига асосланган, муайян шаҳар доирасидаги, ижтимоий муносабатлар тизими сифатида характерланади.

Олимлар фуқаролик жамиятининг яна бир тарихий илдизини, олмон маданий доираси таъсиридаги континентал-европа анъанаси билан боғлашади. Эркин фуқаронинг пайдо бўлишига, биринчилардан бўлиб бирлашган ҳунармандлар ва савдогарлар гильдияси, феодаллардан ҳимояловчи ва шаҳарлар бошқарувига таъсир қилган биринчи ассоциация сабаб бўлган деб ҳисобланади.

Учинчи тарихий илдиз фуқаролик жамияти замонавий тушунчasi шаклланишида либерал англо-америка анъанаси муҳим аҳамият қасб этган. Тадқиқотчилар бу борада турлича фикр билдиради. Масалан, фуқаролик жамияти табиий ҳуқуқ ва эркинлик асосида мулкка эгалик қилиши ҳақидаги ғояни Жон Локк, модернизация ва ўз-ўзини бошқаришни фуқаролик жамиятининг муҳим компонентлари сифатида Адам Смит, минимал давлат

<sup>22</sup> А. Навоий. Маҳбуб ул- Кулуб.–Т.: Фоғур Фулом номидаги Адабиёт ва санъат нашриёти. 1983, Б-12.

концепцияси, фуқаролик жамияти ва зарурий ёвузлик сифатидаги давлатнинг ўта чегараланган роли ҳақидаги ғояни Томас Пейн, америкача демократия таҳлили ҳоясини Алексис де Токвил, давлат ва фуқаролик жамияти ўртасидаги муносабатларни белгилаб берган ва фуқаролик жамияти мустақил бўлиши кераклигини таъкидалаган Жон Стюарт Милл каби олимларни кўрсатиш мумкин.

Фуқаролик жамияти ҳақида турлича тарихий ва методологик ёндашувлар ва интерпретацияларни инкор этмаган ҳолда, янги даврда фуқаролик жамияти концептуаллашуви жараёнида муҳим роль ўйнаган Уйгониш даври олимлардан бири Николо Макиавелли (1469–1527) бўлиб, у прагматик, тажрибавий ижтимоий фанга асос солди. Фуқаролик жамияти Макиавелли учун синфий, партиявий қарама-қарши қизиқишлилар мажмуидир. Унга кўра фуқаролик жамияти халқдан ахлоқий асосни – эзгулик ва фазилатни, ижтимоий қизиқишлилар ва республика тузилмаси қизиқишлиари олдида бурчни ҳис қилиш ва жасоратни талаб қиласди. Бошқача қилиб айтганда, у эркин индивидлар учун муносиб бирлашма бўлади. Давлатни ҳимоя қилиш учун хукмдор қўлидаги барча воситаларни ишга солиши керак бўлади, ёлғон, шафқатсизлик ҳатто уруш ҳам бундан мустасно эмас. Давлат қизиқишлиари унда бирламчи аҳамият касб этган. Макиавелли давлатнинг мутлақо мустақиллигини талаб қилган, черковдан ҳам, яъни давлат ва умуман сиёsat соҳасининг секуляризацияси тарафдори бўлган. У давлат бошқарувининг ўзига хос сиёсий маҳорат мактабини яратади, унда ҳеч қандай ахлоқий нормалар билан ҳисоблашмай, “мақсад ҳар қандай воситани оқлайди” деган тамойилни ишлаб чиқсан.

Шунга қарамай, айнан шундай масалани кўндаланг қўйиш ғояси ортидан янги даврда бир қатор файласуфлар фуқаролик жамияти концепциясини янада бойитди. Хусусан, “Сўз эркинлиги ҳақида” Джон Мильтон, “Левиафан” Томас Гоббс, “Давлат бошқаруви ҳақида икки трактат” Жон Локк, “Қонунлар рухи ҳақида” Монтескье, “Ижтимоий келишув ҳақида” Жан Жак Руссо, “Илохий-сиёсий трактат” Бенедикт Спиноза, “Фуқаролик жамияти тарихи ҳақида ҳатлар” Анри Фергюсон кабилардир. Мазкур ишларда у ёки бу даражада инсон ҳаётининг ўзига хос шакли сифатидаги фуқаролик жамияти муаммоллари ёритибгина қолмай шахс ва давлатга фуқаролик жамиятининг асосий субъекти бўлган фуқаронинг бутун потенциалини юзага чиқариш учун зарур бўлган принципиал янги сифатлари ишлаб чиқилган.

Томас Гоббс антик давр мутафаккирларига (Платон, Аристотелга) эргашиб, жамият ва давлат тушунчаларини тенглаштиради. У давлат, фуқаролик жамияти ва фуқаровий шахс тушунчалари ўртасига тенглик белгисини қўяди. Бироқ, айни вақтда, у агар давлат фуқаро бўлса, бу ҳар қандай фуқаро давлат ҳисобланишини англатмаслигини қайд этади. Муайян хўжалик, савдо ва тижорат ишларини олиб бориш учун аъзолари ўзини ҳамжамият (давлат) хоҳиш-иродасига тўла бўйсундирмаган бирлашмалар, компаниялар, яъни «фуқаровий шахслар» ташкил этилиши мумкин. Айни вақтда бундай фуқаровий шахслар (ширкатлар) охиригача бўйсунган бўлади.

Мазкур мантиқни «фуқаролик жамияти» тушунчасига нисбатан ҳам татбиқ этиш мумкин.

Инглиз маърифатчи файласуфи ва сиёсий мутафаккири **Жон Локк** (1632-1704) ҳақли равишда хуқуқий давлатнинг атоқли мағкурачиларидан бири ҳисобланади. У ўз ғояларини «Давлатни бошқариш ҳақида икки рисола» асарида баён этган. Унинг таълимотида одамларнинг табиий ҳолати, фуқаролик жамиятининг шаклланиши ва давлатнинг ташкил топиши муаммолари тушунтирилган. Локк хуқуқий давлатнинг бош элементи бўлган ҳокимиятнинг бўлиниши назариясининг асосчиси ҳисобланади.

Хусусий мулк назарияси Локкда меҳнат билан узвий боғлиқ. Одамлар асосан ўз мол-мулкидан тинч ва хавфсиз фойдаланиш мақсадида жамиятга қўшиладилар, бунда мазкур жамиятда қабул қилинган қонунлар бунинг асосий қуроли ва воситаси бўлиб хизмат қиласи, деб ҳисоблайди Жон Локк.

Фуқаролик жамиятига бирлашиш – бу қулай, тинч ва фаровон ҳаёт кечириш, ўз мол-мулкидан хотиржам фойдаланиш ва ўзини мазкур жамият аъзоси бўлмаган одамларга қараганда хавфсизроқ ҳис қилиш учун бошқалар билан келишиш демакдир.

Фуқаролик жамияти тушунчасининг либерал талқини, юқорида айтиб ўтганимиздек, Томас Гоббс ва Жон Локк даврида яратилган. «Фуқаролик жамияти» тушунчасини улар кишилик жамиятининг тарихий ривожланишини, инсоннинг табиий мавжудлиқдан маърифатли ҳаёт тарзига ўтишини акс эттириш учун илмий муомалага киритган.

Томас Гоббс бундай ҳолатга давлат мавжуд бўлган ҳолда эришиш мумкин деб ҳисоблаган. У давлат бўлмаган жойда уруш, кўркув, қашшоқлик, ёлғизлик, ёввойилик, жаҳолат, давлатда – оқилоналиқ, хавфсизлик, бойлик, тартиб, билим ва олижаноблик ҳукм суради, деб ёзган.

Либерализм асосчиси Жон Локк биринчи бўлиб шахсни жамият ва давлатдан, эркинликни – бошқа қадриятлардан устун қўйган. Эркинликни у давлатнинг аралашувидан холи ҳолат сифатида тушунган.

Фуқаролик жамиятини таҳлил қилишга нисбатан бошқа бир ёндашувни Г.Гегель (1770-1831) таклиф қиласи. У фуқаролик жамиятига ўз кундалик эҳтиёжларини меҳнат ёрдамида қондирувчи индивидлар мажмуи деб қарайди. Унинг фикрига кўра, фуқаролик жамиятининг негизини хусусий мулк ташкил этади.

Г.Гегель фикри бўйича, тарихий жараённи ҳаракатлантирувчи куч сифатида фуқаролик жамияти эмас, балки давлат амал қиласи, у барча фазилатларни ўзида мужассамлаштиради, инсон шахси, умумий сиёсий, моддий ва маънавий асосларнинг жамулжам ифодаси ҳисобланади. Давлат инсонни ҳар хил тасодифлардан ҳимоя қиласи, адолатни таъминлайди, умумий манфаатларни рўёбга чиқаради.

Давлат, оила, қабила, миллат, диний ва бошқа бирликлардан фарқланувчи «фуқаролик жамияти» категорияси XVIII-XIX асрларда тадқиқот предметига айланди. Г.Гегель ўзининг «Хуқуқ фалсафаси» асарида фуқаролик жамияти тушунчасини атрофлича ўрганди ва унга шахсларнинг эҳтиёжи ва меҳнат тақсимоти тизими, адлия (хуқуқий муассасалар ва

хуқуқий тартибот), ташқи тартиб (полиция ва корпорациялар) орқали алоқаси (муносабатларга киришиши) сифатида таъриф берди<sup>23</sup>.

Ўша давр жамияти ва давлатига нисбатан Г. Гегелнинг қарашлари эскирганлигига қарамай, унинг фуқаролик жамияти давлатга нисбатан мустақил бўлган шахсий манфаатлар жабҳаси, ижтимоий тузум, меҳнат тақсимоти ва мулк шаклларига боғлиқ эканлиги ҳақидаги фикрлари ижтимоий фанларнинг ривожланиш йўлида ташланган муҳим қадам бўлди.

Г.Гегель фикрига кўра, фуқаролик жамияти – бу, аввало, хусусий мулкка асосланган эҳтиёжлар тизими, шунингдек, дин, оила, табақалар, давлат қурилиши, ҳуқуқ, ахлоқ, бурч, маданият, маориф, қонунлар ва улардан келиб чиқувчи субъектларнинг ўзаро юридик алоқалариридир. Табиий, «номаданий» ҳолатдан «одамлар фуқаролик жамиятига киришлари лозим, чунки фақат шу жамиятда ҳуқуқий муносабатлар ҳақиқий хусусият касб этади».<sup>24</sup> Айни вақтда Гегель бундай жамият фақат «ҳозирги дунёда» мавжуд бўлиши мумкинлигини қайд этади. Бошқача айтганда, фуқаролик жамияти ёввойилик, қолоқлик, маърифатсизликка қарши қўйилади.

Гегел фуқаролик жамияти оиладан бошланиб то давлатга қадар диалектик ҳаракатланувчи алоҳида босқич узоқ тарихий давр давомида ўрта асрдан то янги давргача трансформациялашиб келган тушунчадир. У фуқаролик жамияти ва давлатни аралаштириб юборувчи ўша даврда хукмрон бўлган табиий ҳуқуқ назариясини танқид қилган, унинг фикрича, ижтимоийлик хусусиятига асосланувчи фуқаролик жамияти, оиланинг ахлоқий ва давлатнинг оммавий ҳаётидан мутлақо фарқланади. У адолатили қонунлар ва одил судларни фуқаролик жамиятининг таркибий қисмлари деб ҳисоблади.

Фуқаролик жамиятини концептуал тушунишга Иммануил Кант (1724–1804) ҳаракат қилган. Кант фуқаролик жамиятини бутун инсоният уйи деб билган. Бу жамиятда ҳар бир инсон ҳатти-ҳаракати олий ахлоқий қонун – қатъий императив билан белгиланад. Унинг фикрича, фуқаролик жамияти мавжуд қонунлар доирасида ҳеч ким томонидан чекланмайдиган интилиш, тамойилларининг эркилик билан уйғунлиги, бошқача айтганда, фуқароларга мос бўлган жамиятдир.

Юқорида айтилганлардан холоса қилиш мумкинки, XVIII аср ўрталарида келиб фуқаролик жамияти – давлат анъанавий парадигмаси қайта кўриб чиқила бошланди. Бу жараён XVIII – XIX асрларга келиб тўхтади, бу даврга келиб янги тизим ўзининг – хусусий мулк, эркин бозор иқтисодиёти, парламентар демократия ва ҳуқуқий давлат, ижтимоий ва сиёсий соҳалар ўртасидаги бўлиниш.

Фуқаролик жамияти демократик нормалари ва қадриятлари замонавий ижтимоий-фалсафий тафаккурда ҳам тахлил қилинган. Замонавийроқ кўринишда демократия гоялари Туркистонда маърифатпарвар жадидлар фаолиятида кузатилади. Европада бўлгани каби Туркистонда ҳам ўрта асрлар феодал муносабатлари, догма ва анъаналарга қарши бўлган маърифатпарвар

<sup>23</sup> Қаранг: Гегель Г.В.Ф. Философия права. - Москва, «Мысль», 1990. – С.227.

<sup>24</sup> Гегель Г. Работы разных лет. Том 2. – Москва, 1973. – С. 50.

гоявий оқим сифатида характерланади. У прогрессив кучларнинг мамлакатни феодал турғунлик давридан олиб чиқишига ҳаракат қилган ва курашганларини акс эттиради. Жадидлар таълим тизимини ислоҳ этишни талаб қилиб, дунёвий фанлар фаолроқ ўқитиладиган янги усулдаги мактабларни очган, уларда аниқ, табиий-илмий, иқтисодий фанлар ўқитилган.

Замонавий тадқиқотчилар таъкидлашича, демократик қайта қуриш ғоялари ва фуқаролик жамияти шаклланиши ёш хиваликлар ва ёш бухороликлар уюшмалари дастурларида ўз аксини топган. Улар жадидлар либерал ҳаракати сифатида нафақат ижтимоий муносабатларни ислоҳ қилишда, балки 1920 йилда Хива ва Бухорода ҳалқ намойишларида иштирок этганлар. Туркистон автономияси учун курашган жадидлар, мустақиллик учун ҳаракатга муносиб ҳиссасини қўшган.

Юртимизда ижтимоий-фалсафий фикр, хусусан жадидлар қиёфасида, фуқаролик жамияти ғоялари маърифат қадриятининг шаклланишига қаратилган эди. М.Бехбудий, А.Авлоний, А.Фитрат ўз давридан илгарилаб ўтиб, фуқаролик жамияти фақат мустақил мамлакат доирасида амалга ошиши, ҳақидаги хulosасини айтадилар. Бундан ташқари, улар, анъана ва урф-одатлар демократлашувга тўсиқ бўлмаслигини, аксинча, мавжуд анъаналар доирасида амалга оширилган модернизация, фуқаролик жамиятининг шаклланиши ва барқарор тараққиётининг муҳим омили эканлигини асослайди.

Президент И.А.Каримовнинг сўзлари билан айтганда, “ўзбек ҳалқи бой тарихи узоқ ўтмишга бориб тақалади, ва уч минг йиллик даврни ўз ичига олиб, бизга бой тажриба ва ибратли сабоқ беради, уни қабул қилишимиз ва ривожлантиришимиз керак бўлади”<sup>25</sup>.

Умуман олганда, фуқаролик жамияти фалсафий концепцияларининг инсоният тарихида ўрни ва ролини баҳолар эканмиз, унинг нафақат илмий-техникавий ютуқлар билан, балки инсон борлигининг экзистенциал ибтидосини қайта тушуниш билан кечган. Бу даврда инсон эркинлигини бошқача тушуниш усули юзага келиб, у фанга жиддий таъсир қиласиди. Бунда эркинлик ўз қизиқишлиари йўлида бошқарилувчи эмас, балки ҳар бир инсоннинг ўз тақдири учун жавобгарлиги маъносида тушунилади.

### **3.2. Фуқаролик жамияти ҳақидаги замонавий концепциялар.**

XX аср бошларидан фуқаролик жамияти соҳасида амалга оширилган тадқиқотлар “фуқаролик жамияти” категориясини функционал характеристикаларини тушуниш мураккаблашади. Бу фуқаролик жамияти тушунчасини тадқиқ этишда, фуқароларнинг ижтимоий ҳаётида долзарб талабларини акс эттирувчи, янги мезонларнинг киритилганлиги билан асосланади. Шундай қилиб фуқаролик жамияти ҳақидаги тасаввурлар ривожини тизимлаштириш: биринчидан, уларнинг ижтимоий-фалсафий асослари характеристикаси билан, иккинчидан, мафкуравий асосларнинг хусусиятларига кўра, учинчидан, фуқаролик жамиятининг соғ илмий

<sup>25</sup> Каримов И.А. Ўз келажагимизни ўз қурамиз билан қурамиз Т. 7. – Т.: Ўзбекистон, 1999. 156-б.

концепцияларини аниқлаш билан белгиланади.

Бирок, фуқаролик жамияти модели ишлаб чиқылувчи дастлабки, базавий ижтимоий-фалсафий назарияларда тадқиқотчилар концепцияларини икки гурухга бўлади:

- формацион ва цивилизацион ёндошувлар;
- модернизация ва постмодернизм концепцияси.

### **Фуқаролик жамиятининг замонавий концепцияларининг асосий ёндошувлари**

Формацион ёндошув	Цивилизацион ёндошув	Модернизация ёндошуви
<p>Фуқаролик жамияти тушунчаси капиталистик тизимга боғланади ва кенг (яъни жамиятнинг шакли сифатида) ва тор (яъни иқтисодий ва сиёсий муносабатлар ўратсидаги шаклланадиган муаян ижтимоий ташкилотлар мажмуаси сифатида) маъноларда тушунилади.</p>	<p>Фуқаролик жамиятини цивилизация тарроққиёти контекстида кўриб чиқади. Унинг назарий асосларини О.Шпенглер, А.Тойнби ва П.Сорокин асрарларида яратилган. Уларга қараганда, фуқаролик жамияти бошқа ижтимоий шакллардан аввало юксак цивилизация даражаси билан ажралиб туради. Унинг асосий меъзони сифатида эса инсогн, унинг эркинлиги, ривожланиш ва ижодийлик имкониятлари, шунингдек бошқа инсонлар билан тинчлик в тотувлиқда яшаш қобилияtlари тан олинади</p>	<p>Модернизация концепцияларида (А. Турен, Ю. Хабермас, Э. Гидденс, З. Бауман ва б.) фуқаролик жамияти аъанавий жамият урнини эгаллаган ёки замонавий жамиятга хос бўлган белгиларни шакллантирадиган жамияти тушунилади.</p>

Юқоридагиларни ҳисобга олган ҳолда фуқаролик жамиятининг кўйидаги гоявий-фалсафий доктриналари кўрсатилади:

- «бюрократик давлат социализми доктринаси»;
- «авторитар давлат капитализми доктринаси»;
- «демократик социализм доктринаси»;
- либерал-демократик (“бозор демократияси”).

Бюрократик давлат социализми учун фуқаролик жамияти – бу буржуа, капиталистик жамият, у хусусий мулкка ва ёлланма меҳнатга асосланади. Бюрократик-давлат социализми тарафдорлари фуқаролик жамиятини ижтимоий нотенглик ва жамиятда кучайиб бораётган кескинлик сабаби деб билади.


Авторитар-давлат капитализми фуқаролик жамиятини хусусий бизнес, оиласвий-қариндошлиқ ва бошқа нодавлат муносабатлар соҳаси бўлиб, ўзида капиталистик давлатнинг ижтимоий-иктисодий базасини мужассам қилади, деб ҳисоблайди.

Демократик социализм концепцияси тарафдорларига кўра фуқаролик жамияти - ижтимоий-сиёсий ташкилотлар ва институтлар мажмуи, у демократик давлат билан бирга ижтимоий (иктисодий, сиёсий ва х.) демократия асосини ташкил қилади.

“Бозор демократияси” назариётчилари фуқаролик жамиятини бозор демократияси жамияти аналоги деб билади. Улар фикрича, фуқаролик жамияти иктисодий жамият бўлиб, иктисодий ҳаётни бошқариш имкониятларида чекланган ва ижтимоий бирлашмалар ва ҳаракатлар томонидан назорат қилинади.

Шундай қилиб, фуқаролик жамияти ғоясининг қайта жонланишида жамиятни давлатлаштиришга, жамият ҳаётида давлат роли ва таъсирининг фавқулодда ўсишига қарши ҳаракатни кўриш мумкин. Ч.Тэйлор, Э.Арато, Р.Дворкин ва бошқа тадқиқотчилардан иборат бўлган ўзига хос норматив дискурс ҳам шаклланганлигини айтиш мумкин<sup>26</sup>. Шунингдек, нодавлат соҳанинг ижтимоий-сиёсий фаоллиги ва ўз-ўзини ташкиллаштириш аҳамияти юзасидан, энг муҳим қуйидаги концепциялар ажратилади:

- либерал анъана концепцияси;
- американча коммунитариз концепцияси;
- европача неоконсерватизми концепцияси;
- пост-марксистча концепция.



Фуқаролик жамиятининг либерал анъана ғояси умуман олганда янги нарса эмас. Фуқаролик жамияти ҳақидаги тасаввурлар мумтоз инглиз либерализмидаёқ ишлаб чиқилган.

Фуқаролик жамияти концепциясининг америкача маданий ва тарихий контекстида «республиканизм» идеали билан боғлиқ эди. У XX ўз-ўзини

<sup>26</sup> Гончаров Д. Нормативная дискуссия о гражданском обществе: основные направления. Москва. 2010. С. 86

бошқариш ва ўз-ўзини ижтимоий ташкиллаштиришга асосланувчи, тенг ҳукуқли фуқаролар томонидан тузилган америка коммуналари, яъни локал бирлашмаларнинг уйғун ва фаолликдаги ижтимоий-сиёсий ҳаёти ҳақидаги тасаввурларга асосланади.

Мазкур коммуналар ўз-ўзини ташкиллашуви ўзига хос фуқаролик жамияти типии билан қўллаб-қувватланган, бу ҳақда батафсил А. де Токвил ёzáди. Демократик маданият бунда коммунал ўзароҳамкорлик ва шерикчилик қадриятларини, шунингдек христиан ахлоқи қадриятларининг юқори даражадаги амалиёти билан фарқланади. Шунинг билан бирга, коммунитаристик лойиҳа тарафдорлари кузатганидек, жамоавий қадриятлар индивидуал қадриятлардан устун бўлиб, индивидлар ўзаро ишонч ва ҳамкорлик муҳитида ўз қизиқишиларини уюшма қизиқишиларига бўйсундиришга тайёр бўлган<sup>27</sup>.


Манбалар таҳлили шуни кўрсатадики, мумтоз марксизм замонавий дискурснинг алоҳида концептуал йўналиши сифатида фуқаролик жамиятини келиб чиқишини, жамиятнинг феодал-аристократик патерналистик тизими ўрнига коммерция капитализми давридаги иқтисодий партикуляризми билан боғлаган. Бироқ Маркс унда индивидуал эркинлик ва автономияни эмас, синфий жамиятда объектив мавжуд бўлган нотенгликни, эрксизлик ва ижтимоий-иқтисодий бегоналашувни беркитувчи, яъни, ташқи шаклни кўрган холос<sup>28</sup>.

Кейинроқ эса постмарксистик лойиҳа доирасида амал қилувчи назариётчилар, фуқаролик жамияти ғоясини қайтадан кўриб чиқишига ҳаракат қилган. Шундай қилиб, постмарксистик тушунишда, у қўйидагича асосланади «охирги вақтларда пайдо бўлаётган, жамиятнинг, эркин эҳтиёрий ассоциациялари, шунингдек, ҳукуқий ва оммавий институтлари доирасида амалга оширилувчи жамоавийликнинг номумтоз шакллари, нафақат давлат доирасидан, балки капиталистик бозор иқтисодиёти чегарасидан ҳам чиқиб кетмоқда»<sup>29</sup>. Бу ерда диққат марказида, биринчидан, давлат-бюрократик машинасининг, умумий манфаатлар давлати шароитида, таъсир доирасининг кенгайиши, иккинчидан, жамиятга трансмиллий корпорациялар ва глобаллашув даврининг марказлашган иқтисодиёти томонидан бўлган ҳавфи туради.

<sup>27</sup> Walzer M. 1995. Concept of Civil Society – Walzer M., ed. Toward a Global Civil Society. Providence RI: Berghahn Books.

<sup>28</sup> Baker G. 2002. Civil Society and Democratic Theory: Alternative Voices.

<sup>29</sup> Arato A. 1981. Civil Society Against the State: Poland, 1980-81 – Telos, #47.



Фуқаролик жамиятининг замонавий концепцияларини кўриб чиқар эканмиз, уларда мазкур феноменнинг онтологик ва гносеологик жиҳатларига ижтимоий қарашлар хилма-хиллигини кўрамиз. Таъкидлаш ўринлики, фуқаролик жамиятининг замонавий концепциялари ижтимоий муаммолар таҳлилиниң тизимли мезонларини ишлаб чиққанлиги ва илмий ҳамжамият олдига оригинал концептуал ва амалий ечимини талаб қилаётган янги масалаларни кўндаланг қилиб қўйганлиги. XX аср нафақат техник прогресс, балки тизимли фикрлаш шаклланиши ва ҳукмронлиги даври бўлганлигини олимлар билади. Айнан шундай вақтда, фуқаролик жамияти – ижтимоий борлиқнинг тизимли таҳлили контекстида ўрганила бошланади. Бу албатта, бугун олим-файласуфларга замонавий ижтимоий-иқтисодий ва сиёсий жараёнларни нафақат моделлаштириш имкониятини, балки, уларнинг келажаги ҳақида аниқ тасаввурлар пайдо бўлишга олиб келади. Бугунги кунда ҳам фуқаролик жамиятини ўрганиш масалаларида бир қатор муаммолар мавжуд: фуқаролик жамиятининг давлат ва жамият дихотомияси ёки шериклиги чегараси, фуқаролик жамияти институтларининг индивид шахсий ҳаётига дахл қилиши чегараси қаерда, фуқаролик жамиятини тушунишнинг базавий асослари, фуқаролик жамиятини тушунишнинг универсал ёндашувлари мавжудми каби масалалардир.

Шунинг билан бирга, фуқаролик жамияти ҳақидаги ғоялар ва тасаввурлар генезиси, мазкур феномен антик ва ўрта асрларда – давлат қизиқишилари жамият, ва албатта хусусий қизиқишилардан устуворлиги контекстида талқиқ этилганлигидан далолат беради. Антик ва ўрта асрлар олимлари ижодида давлат, жамиятдаги ижтимоий муносабатларни бошқариб турган бош институт саналган. Мазкур жиҳат инсоният ривожининг дастлабки босқичида, давлат ва жамият ўзаро ҳамкорлиги ва дихотомияси борасидаги концепциялар йўқлигининг асосий омили ҳисобланади.

Фуқаролик жамияти концептуал дискурсининг антик парадигмаси – фуқаронинг ижтимоий бошқарув соҳасидаги роли ва ўрнини аниқлашдан иборат бўлган. Агар улардан баъзилари, фуқаролар давлатдан муайян даражада автономдир (Арасту), бошқалар давлат бошликларини фуқаро ва

жамият ҳаётини регламентация қилишга чақирган (Афлотун). Уларнинг ҳар бири имкони борича идеал давлат қурилмасини ишлаб чиқишига ҳаракат қилган. Айнан шу жихат фуқаролик жамияти кейинги концептуал ишланмалари турли талқини ва ёндашувларни келтириб чиқарди.

Ўрта аср мутафаккирларининг антик давр олимларидан фарқи, уларнинг ижтимоий муносабатларни, давлат ва жамият муносабатлари шу жумладан, теологик характерга эга, антик фалсафа эса ижтимоий муносабатларни турли рангларда кўриб чиқади, шу нуқтаи назардан фуқаролик жамияти диний парадигмаси ўрта асрларда шакллана бошлаган дейиш мумкин.

Шарқнинг фуқаролик жамиятини концептуал тушунишидаги ўзига хос жихат, уларнинг мазкур феноменга оид талқинлари фазилат, маърифат ва ўзаро масъулият тушунчалари призмаси орқали амалга оширилганлигидадир, бунда ижтимоий-фалсафий фикр ўз диққатини давлат бошқарувчилари ва жамият аъзолари ўртасидаги муносабатларнинг ахлоқий-эстетик жиҳатларига қаратган.

Янги даврда давлат роли масаласи янгича англай бошланади: агар антик давр ва ўрта асрларда ижтимоий-фалсафий фикр давлат устуворлигига қаратилган бўлса, бу даврга келиб, мазкур нисбатда инсон (фуқаро) феномени, ўз ҳукуқлари, эҳтиёжи ва қизиқишилари билан биргаликдаустувор аҳамият касб эта бошлайди. Давлат фақат мана шу қизиқишиларни мавжуд бўлган қонуний тизим доирасида амалга оширилишини таъминловчи институт сифатида гавдаланади.

Янги давр ижтимоий-фалсафий тафаккури фундаментал ютуғи, давлат ва жамият тушунчаларини ажратганлигига, бу фуқаролик жамиятини тушунишда классик парадигмасининг шаклланишига асос бўлган эди. Бу ўз навбатида, “давлат – фуқаролик жамият” дихотомияси кузатилувчи концепциялар шаклланишига олиб келади. Биринчи маротаба Янги давр мутафаккирлари давлат ва жамият қизиқишиларининг турлича бўлишига ўз диққат эътиборини қаратади, бунда давлат қонун устуворлигига таянса, жамият эса хусусий мулкка. Фуқаролик жамияти ҳақидаги концептуал дискурснинг асосий муаммолари сифатида, давлатнинг роли ва давлат ва жамият ўзаро муносабатларининг мезонлари қандай (ахлоқий идеал ва реал сиёsat нисбати мезонлари) деган масала кўндаланг туради.

Фуқаролик жамияти феноменини концептуал қайта тушунишда кузатилган жиддий ривожига қарамай, илмий позицияларни ўрганиш асосида, уларнинг қарашлари турли ғоявий асосдан маҳрум эмаслиги аниқланди, бу эса ўз навбатида, фуқаролик жамияти мазмун ва моҳиятини тушунишда субъективизмнинг кучайишига олиб келган. Ва яна бир камчилиги сифатида давлат ва жамият ўртасидаги чегаралар ҳануз белгиланмаганлиги масаласи бўлиб, бу мазкур йўналишда илмий тадқиқот ишларини олиб боришида маълум даражада тўсқинлик қиласи.

Фуқаролик жамиятини ўрганишда замонавий ижтимоий-фалсафий тафакурнинг муҳим ютуғи сифатида эса, бу соҳани ўрганишинг янги илмий ёндашуви сифатда – тизимли парадигманинг шаклланиши бўлди. Ўз навбатида, бу фуқаролик жамиятининг норматив идрок этишдан уни

трансформациялашаётган фуқаролик жамиятини замонавий концептуал дискурси турли йўналишларини ўрганиш контекстида, эмпирик таҳлил қилишга ўтиш тенденцияларини кучайтириди.

Умуман, ҳозирги замон илғор демократик мамлакатлар жамиятшунос олимларининг фуқаролик жамияти тўғрисидаги назарий қарашлари бир тизимга келтирилса, у ҳолда фуқаролик жамияти – бу:

**биринчидан**, жамият ҳаёти фаолиятининг иқтисодий, ижтимоий ва маънавий соҳаларида ихтиёрий равишда шаклланган, бошланғич нодавлат тизимларини ўз ичига қамраб олган инсоний бирликдир;

**иккинчидан**, жамиятдаги иқтисодий, ижтимоий, оилавий, миллий, маънавий, ахлоқий, диний, ишлаб чиқариш, шахсий ва нодавлат муносабатлар мажмуасидир;

**учинчидан**, эркин индивидлар, ихтиёрий равишда шаклланган ташкилотлар ва фуқароларнинг турли органлар тазийклари, аралашишлари ёки бир қолипга солишларидан қонунлар воситасида ҳимояланган жамияти бўлиб, унда улар ўзлигини намоён қила олишлари учун доимий имкониятларга эга бўладилар.

### **XX асрнинг – 50-70 йиллари замонавий ижтимоий-сиёсий тизимлар назариясининг ривожланиши.**

Германия Федератив Республикаси (ГФР) сиёсий тизими Германия тарихидаги иккинчи демократик тизимни ифода этади. Парламент кенгашида мажлис ўтказган ГФР асосчилари (авваламбор, унинг раҳбари - **Конрад Аденауэр** (1876-1967 йй.) янги Конституцияни ишлаб чиқишида дастлабки демократия, Веймар Республикаси ҳамда миллий-социалистик диктатура таназзули билан боғлиқ сабоқларни инобатга олган.

Германия канцлери (1949-1963 йй.) К.Аденауэрга баденлик сиёсатчи, тарихчи, ҳукуқшунос, жанубий Германия либерализми мафкурачиси К.Фон Роттекнинг(1775-1840 йй.) қарашлари, хусусан, унинг “бирдамликсиз эркинлик, эркинлик бўлмаган бирдамлиқдан яхширок”, “аскар фуқаро бўлишдан тўхтамаслиги керак” каби шиорлари катта таъсир ўтказган”. К.фон Роттек суд ҳокимияти мустақиллигини инкор қилган ҳолда, ҳокимиятнинг бўлиниш принципларини асослаб берган - суд органлари давлат мақомидан маҳрум қилиниши керак. Идеал давлат - бу ҳокимиятнинг бўлиниш тизими орқали умумий хоҳиш-ирода ҳукмронлиги таъминланадиган давлатdir. Яъни, мутафаккир учун бошқарув шакли эмас, балки республика руҳи муҳимдир.

К.Аденауэр сиёсати икки муҳим омил - ижтимоий бозор иқтисодиёти ва “янги Европада янги Германия” принципига асосланган эди. Христиандемократик иттифоқнинг биринчи раиси ва коммунизмга қарши йўналиш тарафдори бўлган К.Аденауэрнинг дастурий мақсадларида ижтимоий тузум асоси сифатида христиан этикаси, давлатнинг шахс устидан ҳукмронлик қилишидан воз кечиши, ҳар бир инсонга ҳаётнинг ҳар қандай соҳасида ташаббус кўрсатишга имкон бериш асосий ўринни эгаллаган. Канцлернинг фикрича, сиёсий ва иқтисодий ҳокимиятнинг давлат қўлида

монополлашувида ҳар бир шахс эркинлиги учун хавф мавжуд; давлат чекланган, факат назорат қилувчи вазифани амапга ошириши керак.

1949 йилда қабул қилинган Конституциянинг биринчи бандида конституциявий тузумнинг олий неъмати сифатида инсоннинг қадр-қимматини ҳурмат қилиш қоида сифатида белгиланган: “Инсоннинг қадр-қиммати дахлсиздир. Уни ҳимоя қилиш ва ҳурмат қилиш - давлат ҳокимиятининг бурчидир”. Асосий қонунда Германия ҳуқуқий (“давлат органларининг барча ҳаракатлари суд назоратида туриши лозим”) ва ижтимоий (қариллик, касаллик, ногиронлик ва ишсизлик ҳолатларида инсонларга яшаш учун муносиб шароитларни таъминлаш мақсадида сиёсий чора-тадбирлар қўрилиши керак) давлат сифатида мустаҳкамланган. Мазкур асосий конституциявий принциплар “абадий хусусият”га эга. “Бутун давлат ҳокимияти ҳалққа таянадай, - дейилган ГФРнинг Асосий қонуни 20(2)-бандида. У ҳалқ томонидан сайловлар ва овоз бериш, шунингдек қонун чиқарувчи, ижро этувчи ва суд ҳокимиятининг маҳсус органлари орқали амалга оширилади”<sup>30</sup>.

Асосий қонун ҳокимиятнинг учта тармоғи органларини ажратган ҳолда, уларнинг вазифаларини бирлаштириш, бир-бирининг ишига аралашиш ва бошқаларни тақиқлайди. Аралашмаслик принципи айниқса адлия органларига нисбатан қатъий татбиқ қилинган.

Фуқаролик жамияти билан боғлиқ ҳокимият бўлинишининг замонавий немис тизими Германиянинг федератив тузумига асосланган. Бу давлатнинг сиёсий тизими икки босқичга - давлат миқёсидаги умумий қарорлар қабул қилинадиган юқори - федерал босқич ҳамда федерал ерлар (жами 16 та) вазифалари ҳал этиладиган қўйи минтақавий босқичга бўлинишини англаатади. Ҳар икки ҳокимият босқичининг ҳар бири ўзининг қонун чиқарувчи, ижро этувчи ва суд ҳокимиятига эга. Ерлар юридик жиҳатдан бир хил мақомга эга бўлиб, бу ҳол ҳокимиятларнинг горизонтал ва вертикал бўлинишини тасдиқлайди, Германияни симметрик федерация сифатида ифода этади. Германияда сиёсий тизимни баъзан “яширин” федерализм деб аташади; бундан ташқари, мамлакатда федерал конституциявий суднинг мавқеи жуда кучли ва х.к.

Германиялик замонавий файласуфлар учун “фуқаролик жамияти” атамаси Гегелга эмас, балки шотландиялик файласуф, тарихчи, Эдинбург университетининг фалсафа бўйича профессори, Адам Смитнинг устози, “замонавий жамиятшунослик асосчиси” Адам Фергюсонга (1723-1816 йй.), унинг машҳур Фуқаролик жамияти тарихи очерки” асарига , “эркин давлат бу бошқариладиган эркинлик демақдир” (“Essey on the history of the civil society”) (1767)103, “мустақил давлат яхши бошқариладиган эркинлик”, “етакчининг заифлиги ёки назоратсиз амалга ошириладиган ҳар қандай ҳокимият ҳарбий ҳукумат тузумига, пировард натижада истибдодга олиб келади”, “барча шаклдаги ижтимоий тузилмалар инсон фаолиятининг самарасидир”, “муваффақиятли тижорат жамияти сиёсий коррупцияга олиб

<sup>30</sup> Основной закон Федеративной Республики Германия от 23 мая 1949 г. – Москва: Российская государственная библиотека, 1997.

келади” деган ва бошқа фаразларга бориб тақалади.

XXI аср бошида Германиянинг таниқли сиёсатчиларининг фикрича, Осиё, Африка ва Лотин Америкасининг ривожланаётган мамлакатларида “фуқаролик жамияти расмий сиёсатчилардан олдинда бормоқда”, бу эса “ушбу давлатларда демократиянинг илдиз отишига имкон беради” ҳамда Ғарб мамлакатларидан “фуқаролик жамияти вакиллари билан самарали ишлаш”, “хукумат ва фуқаролик жамияти вакиллари, ёшлар ва кексалар, ишбилармон одамлар ва ақл-идрок эгалари, машхур санъат усталари, шунингдек, анъанавий ҳокимият вакилларининг” юзма-юз учрашувларини ташкил қилишни талаб этади. Ривожланаётган давлатларни Европа мамлакатлари билан таққослаб бўлмайди — “демократияни ривожлантириш, қонун устуворлигини таъминлаш, ҳокимиятнинг бўлинишини бугунги кун талаби сифатида қабул қилиш учун Европага асрлар керак бўлди”.

Мамлакат президенти суд ҳокимияти мустақиллигининг кафолати ҳисобланади, судьяларнинг мақоми қонун билан белгиланади ва улар алмаштирилмайди. Франциянинг суд тизими кўп поғонали бўлиб, уни икки тармоққа - суд тизими ва маъмурий судлар тизимига ажратиш мумкин.

Франциянинг кўп партияли тизими ижтимоий кучларнинг муентазам кутблашиши билан ажралиб туради: яъни, бу 50-60 - йилларда сўл ва ўнг қанотлар, 70-йилларда икки қутбли моделнинг пайдо бўлиши, 80-йилларда коммунистик ҳаракатнинг таназзулга юз тутиши ва ўнг қанотларнинг кучайиши, XX асрнинг 90-йилларида сиёсий партияларнинг қисмларга ажралиши, 2000-йилларда ноаниқлик, айниқса унинг жаҳон молиявий-иктисодий инқирози даврида кучайиши билан боғлиқdir.

Францияда ҳаётга татбиқ этилган маҳаллий ўзини ўзи бошқариш тизимининг роли ва аҳамиятини ошириш сиёсати катта халқаро аҳамиятга эга. Бу сиёсат фуқаролик жамияти ва ҳокимиятнинг етуклигига тўлиқ итттонч ҳосил қилган ҳолда, босқичма-босқич ва комплекс равишда давлат назорати остида амалга оширилди. Аҳоли томонидан сайланган органлар нафақат давлат ҳокимияти тизимининг издан чиқишига йўл қўймади, балки аҳолига айниқса майший ва коммунал соҳада хизмат қўрсатишни яхшилади, фуқаролик институтларининг юксак салоҳиятидан фойдаланиб, маҳаллий ўзини ўзи бошқариш органларига қатор ваколатларни топшириш имконини берди. Мазкур сиёсат, бир томондан, сезиларли равишда давлат молия ресурсларини тақцим қилиш, икkinchi томондан эса ўзини ўзи бошқариш органлари раҳбарларининг касбий билимларини ошириш билан бирга кечди.

Франциянинг замонавий фалсафаси **Ш.Монтескье** ва **Ж.Ж.Руссонинг** ҳокимиятнинг бўлинишига оид қарашларига анча танқидий ёндашади. Масалан, Ш.Монтескье ҳеч қачон “бўлиниш” сўзини ишлатмаган; у суд ҳокимиятига аниқ таъриф бермаган (Ш.Монтескье судья бўлгани учунгина суд ҳокимияти номигагина тилга олинган); алоҳида эркинликка оид сентенциялар ҳуқуқни муҳофаза қилиш органлари ролини ошириш чақириклари билан чекланган. Ж.Ж.Руссо ўз назарий фикр-мулоҳазаларида диктарурадан қочишга интилган, у ҳокимият тармоқлари, хусусан, қонун чиқарувчи тармоқнинг тубдан ўзгариш қобилиятини етарлича баҳоламаган;

унинг учун ҳокимиятнинг бўлиниши - мажбуриятларнинг одатдаги тақсимотидир.

Умуман олганда, ҳокимиятнинг бўлиниш назариясининг франциялик асосчилари қарашларига ўзгарувчан сиёсат томонидан путур етказилмоқда.

Шуни қўшимча қилиш керакки, франциялик сиёсат арбоби, Миллий Мажлис президенти ва Франция академияси аъзоси, “жамиятшунослик” атамасининг муаллифи Эммануэл-Жозеф Сийеснинг (1748-1836 йй.) фикр-мулоҳазалари, унинг Фуқаро ва инсон ҳуқуқлари декларациясидан (1789 йил август) олдинги (“Инсон ҳуқуқлари ва фуқаролар эркинлигининг тан олиниши ҳамда уларга таъсир кўрсатиш”) номли рисоласи (1789 йил июль) Франциянинг замонавий файласуфлари орасида шухрат қозонган. Унинг рисоласида миллий ва халқ суверенитети назарияси ривожлантирилган, фуқароларнинг фаоллиги ва пассивлиги сабаблари очиб берилган, умумий сайлов ҳуқуқигадаъват этилган.

**Габриэл Тард** (1843-1904 йй.) (ҳокимият, ОАВ тўғрисида), марксист файласуф, марксча структурализм назариётчиларидан бири **Луи Альтюссер** (1918-1990 йй.) (ҳокимият тармоқлари ваколатларининг тадрижий эволюцияси тўғрисида), ҳуқуқшунос ва сиёсатчи **Морис Дюверже** (1917 йилда туғилган) (сиёсий партияларнинг роли тўғрисида)**Оливье Дюамельнинг** (1950 йилда туғилган) (матбуотнинг роли) тўғрисидаги гоялари Францияда ҳокимиятнинг бўлиниш назариясини ривожлантиришга катта таъсир кўрсатган.

Шуни тан олиш керакки, ҳокимиятнинг бўлиниш принципи бавосита 1924, 1936, 1977 йилги совет даври конституциясида, 1923, 1964, 1976, 1987, 1990 йилларда қабул қилинган Афғонистон конституциясида ҳам мавжуд бўлган. Демак, биз кўриб чиқаётган тўққизта мамлакатда **СССРнинг парчаланиши арафасида учала тизимнинг ўзгариши учун муайян сиёсий-ҳуқуқий асос яратилган**. “Қайта қуриш” деб ном олган йиллардасобик иттифоқ конституциялари сайлов тизимини такомиллаштириш (1988 йил декабрь), СССР халқ депутатлари съезди ролини ошириш, конституциявий назоратни кучайтириш (1989 йил декабрь), кўп партияйликни бекор қилиш, президентлик институтини таъсис этиш (1990 йил март), ҳокимиятнинг қонун чиқарувчи, ижро этувчи ва суд органлари фаолиятини чегаралаш (1990 йил декабрь) ва бошқа қатор йўналишларда тадрижий тарзда ривожлантирилган. СССР таркибидағи республикалар мустақиллікка эришгач, “**ҳокимиятнинг демократик бўлинишининг янги шароитлари**” ҳақидафикрлар билдирилди “.

Давлат ҳокимиятининг конституциявий асосда бўлиниши ва фуқаролик жамиятининг бир-бири билан ўзаро боғлиқ экани илмий-назарий жиҳатдан асослаб берилган энг эътиборга молик замонавий фалсафий концепциялар орасида неомарксизм (Георг Лукач), либерал назария (Л.Фон Мизес, Фридрих Хайек), оммавий жамият назарияси (Х.Ортега-и-Гассет), менежериал жамият назарияси (Ж.Бернхэм), тоталитар жамият назарияси (Юнгер Арендт, Мангейм), Франкфурт мактабининг ривожланган саноат жамияти назарияси (Хоркхаймер ва Адорно, Маркузе), ахборот жамияти ва

саноатлашувдан кейинги жамият назарияси (Белл, Тоффлер), “сўнгги модерн” жамияти назарияси (Гидденс) ва империя глобализми назариясини (Хардт ва Негри) алоҳида қайд этиш мумкин.

Неомарксизм фалсафаси вакили Г.Лукач тарафдорларини баъзан “Будапешт мактаби” (Иштван Месарош, Миклош Крашшо, Агнеш Хеллер, Дъёрдь Маркуш, Ференц Фехер, Михай Вайда) умумий атамаси билан бирлаштирадилар. Айтиш мумкинки, бу мактаб аъзолари ўз устозларининг неортодоксал марксизм йўналишидаги фалсафий изланишларини давом эттирган. Аммо, кейинчалик уларнинг кўпчилиги узил-кесил социал-либерализм томонга ўтиб олган; А.Хеллер неолиберализм ва неоконсерватизм тарафдори бўлган.

Венгриялик файласуф-неомарксист, адабий танқидчи, Гарб марксизмиасосчиларидан бири Г.Лукач (1885-1971 йй.) **сталинизмнинг барча нуқсонларини танқнд қилиб, В.Ленин ва И.Сталин ҳокимиятининг назарияси ва бу ҳокимиятларии ташкил қилиш усуллари бир-бирига зид деб хисоблайди, у ҳокимиятни демократлаштириш учун курашади.**“Ленин фаолиятида, - деб ёзади Г.Лукач, - ҳокимиятни ташкил этиш принциплари заруратга қараб, янги ҳолат ва тенденцияларни қайта таҳлил қилиш сабабли пайдо бўлган, Сталинда эса ҳокимият аппарати принциплари азалдан тасдиқланган эди, воқеаларни тарғибот шаклида изоҳлаш эса унинг зарурлигини асослаш учун хизмат қилган. (Бу борада КПСС XX съезди томонидан синфий курашни авж олдириш зарурлиги тўғрисида рад қилинган аксиомани эслашнинг ўзи кифоя)”<sup>31</sup>.

Испаниялик файласуф ва социолог **Хосе Ортега-и-Гассет** (1883-1955 йй.) “оммавий жамият” доктринаси доирасида Гарбда демократиянинг инқирозга учраши, ижтимоий институтларнинг бюрократлашуви, шахслараро алоқаларда пул муносабатларининг кенг тарқалиши натижасида юзага келган маънавий муҳитни танқид қилган.

“Омма одами, - деб ёзади Х.Ортега-и-Гассет, - давлатни ўзига хос хусусиятларга эга бўлмаган куч деб қабул қиласи ва ўзини ҳам худди шундай ҳис этади. Агарда мамлакат ҳаётида бирон-бир қийинчилик, можаро ва муаммо пайдо бўлса, омма одами ҳокимиятлар бунга зудлик билан аралашиб, масъулиятни ўз зиммасига олиши, бу борада чекланмаган ва инкор этиб бўлмайдиган воситаларни ишга солиши учун ҳаракат қиласи. Бундай ҳолатда тараққиётни асосий хавф кутиб туради, яъни ҳаёт тўлиқ давлат томонидан бошқарилади, ҳокимият кўлами янада кенгаяди, давлат барча ижтимоий мустақилликни олиб қўяди - бир сўз билан айтганда, тарихнинг инсонтақдири қуриладиган, маънавий озуқ оладиган ва равнақ топадиган ижодий асоси бўғиб қўйилади”. Бунинг оқибати яхшиликка олиб бормайди, дейди Х.Ортега-и-Гассет. “Давлат барча ижтимоий ташабbusларни батамом бўгиб қўяди ва бунинг натижасида ҳеч қандай янги куртаклар униб чиқмайди. Жамиятни давлат, инсонни эса давлат машинаси учун яшашга

<sup>31</sup> Лукач Д. По поводу дебатов между Китаем и Советском Союзом// Философские науки. – 1989. -№6

мажбур этади. Бу бор-йўти машина бўлса-да, унинг яроқлилиги ва ҳолати атрофдаги одамларнинг кучига боғлик. Давлат эса охир-оқибат жамиятнинг қонини сўриб олади ва пировард натижада ўзи ҳам сўниб, завол топади”<sup>32</sup>.

Х.Ортега и Гассет учун бошқарув - ўз ваколатларини табиий равишда амалга оширишдир. Бундай бошқарув ҳар доим ва ҳамма жойда жамоатчилик фикрига таянади. Ер юзидағи ҳеч бир ҳокимият жамоатчилик фикридан бошқа ҳеч қандай жиддий нарсага таянмаган.

XX асрнинг иккинчи ярмида қатор муаллифлар “оммавий жамият” жараёнларининг бир хил эмаслиги ҳақида ёзган. Масалан, келиб чиқиши италиялик бўлган немис файласуфи ва католик руҳонийси **Романо Гвардини** (1885-1968 йй.) бундай дейди: замонавий дунёда шахс тўгрисидаги тасаввурлар ўзгариб туради ва бу фуқаролик жамиятининг мавжудлиги билан чамбарчас боғлик; аммо, техниканинг ривожланиши билан янги ижтимоий тузилма пайдо бўлиб, унда шахс ижодкорлиги, субъект мустақиллиги бошқаларга намуна бўла олмайди. Шахсга қаршилик кўрсатадиган омма одами бунга мисолдир<sup>33</sup>.

Юқорида зикр этилган франциялик социолог, тарихчи ва сиёсий арбоб **Алексис де Токвиль** (1805-1859 йй.) инқилобларни сиёсий, тасодифий, мажбурий ва оҳиста инқилобларга ажратган. Америкалик социолог ва сиёсатшунос **Чарльз Тилли** (1929-2008 йй.) давлат тўнтаришлари, фуқаролар урушлари, қўзғолонлар ва буюк инқилобларни ажратиб кўрсатган. Нью-Йорк университетининг профессори Жефф Гудвиннинг фикрига қўра, инқилоблар - бу сиёсий тузум ўзгаришини кўзда тутадиган ижтимоий-иқтисодий институтларнинг ўзгаришидир. Америкалик социолог ва сиёсатшунос, тарихий микросоциология, инқилоблар ва давлат тўнтаришлар назарияси соҳаси мутахассиси **Жек Голдстоуннинг** айтишича, инқилоблар - бу оммани сафарбар қилиш ва олдинги ҳокимиятга путур етказиш билан кечадиган сиёсий институтларни қайта ташкил қилиш демақдир.

“Давлат - фуқаролик жамияти” дихотомияси, бутунжаҳон фуқаролик жамиятининг бўгини сифатида нодавлат ташкилотлар фаолиятининг халқаро ҳуқуқий жиҳатлари, жамоатчилик онгини ривожлантириш, секуляризация ва десекуляризация жараёнлари, фуқаролик жамиятининг ҳолати учун эволюция назариясига бўлган муносабат аҳамияти фаол ижтимоий эволюция шароитида фуқаролик жамияти фаолиятининг долзарб муаммолари сирасига киради.

Бошланган “империя президентилиги” аси тўгрисидаги тезисни ривожлантирган америкалик тарихчи **Артур Шлезингер** (1917-1907 йй.) нинг ёзишича, “Конституцияда кўзда тутилган президент ҳокимияти ва вакиллик органлари ўртасидаги мувозанат президент фойдасига бузилади”. “Ташки сиёsat - ушбу конституциявий мувозанат бузилиши мумкин бўлган соҳадир”, дейди А.Шлезингер.

1933 йил 4 март куни Президент **Франклин Делано Рузвельт** инаугурация маросимидағи нутқида бундай деган эди: “Конституциямиз П1у

<sup>32</sup> Ортега –и-Гассет Х. Восстание масс/ Пер. А.М.Гелескула. – М.: Социум, 1991. –С.134-135.

<sup>33</sup> Гвардини Р. Конец нового времени// Вопросы философии. -1990. №4.

даражада оддийки, унинг мазмунини бузмаган ҳолда янги ургу қўйиш орқали ҳам даврнинг гайриоддий талабларига мувофиқлаштириш мумкин. Конун чиқарувчи ва ижро этувчи ҳокимият тармоқлари ўртасидаги оддий мувозанат олдимизда турган мисли қўрилмаган вазифаларга ҳам мос келишига умид қилиш керак. Бироқ, мазкур вазифалар давлат ҳокимиятининг меъёрдаги мувозанатига вақтингчалик ўзгартишлар киритиши ҳам мумкин”<sup>34</sup>. Яъни, Ф.Рузвельт АҚШ сиёсий тизимида ҳокимият тармоқлари мувозанати ва бўлиниш принципининг мустаҳкамлигини тан олган ҳолда, 30-йиллардаги фавқулотда ҳолатларда ижро ҳокимияти, яъни - президент, жамиятни кутқаришда муҳим ўрин тутиши даркор, деб ҳисоблаган.

Буюк Британия ва АҚШда урушдан кейинги сиёsat (1950 йил бошида) ҳақидаги илм-фанда давлат ва ҳокимиятнинг расмий институтларини таҳлил қилишга қаратилган “эски” институционализм ҳукмронлик қилган (В.Вильсон, Ж.Брюс, Т.Коул, Г.Кarter, К.Фридрих ва бошқалар). Шундай эсада, замонавий фалсафа, жамиятшунослик, сиёsatшунослик, яъни янги институционализм сиёсий муассасаларга эмас, балки аксинча асосий эътиборни шахсни таҳлил этишга қаратди<sup>35</sup>.

Методологик институционализм - илмий билимни алоҳида вабирлашган акторлар ўртасидаги ўзига хос ижтимоий муносабатлар чамбарчас боғлаб қўядиган ноклассик ижтимоий билим услубидир.

Американинг етакчи сиёsatчиларидан бири **Дэвид Истоннинг** (1917 йилда туғилган) таъкидлашича, “тeng ҳолатлар таҳлилида тизимларнинг муҳитнинг ғазабни қўзгатувчи таъсирини енгиш қобилиятини эътиборга олмаслик жиддий камчилик ҳисобланиши”ни ҳокимиятлар мувозанатини аниқлаш жараёнлари таҳлилиги киритиш мумкин”.

“Мувозанатли ёндашув тизим элементлари факат битта асоси мақсадга эга бўлиши... мувозанатнинг бошланғич нуқтасига қайтиши ёки бирон-бир янги мувозанат нуқтаси сари ҳаракатланиши мумкинлиги ҳақидаги тасаввурни юзага келтиради”, - дейди Д.Истон. Бунинг устига “тизимнинг айrim элементлари баъзан мувозанатнинг олдинги ҳолатинибузишга кўмаклашувчи ҳаракатларни содир этиши ёки мувозанатсизликнинг доимий ҳолатини сақлаши мумкин”. Мувозанатли ҳолатлар таҳлилини, гарчи ноаниқ шаклда бўлса-да, услугий асос сифатида қабул қилиш мувозанатли ҳолатига эришишга олиб бора олмайдиган тизим мақсадларини аниқлашни қийинлаштиради.

**Тизимли таҳлил**, деб хуоса қиласи Д.Истон, “яхши ривожланган мувозанатли ёндашув доирасида эришиш мумкин бўлган назарий таҳлил даражасидан кўра янада мослашувчан ва самарали назарий тузилмани ишлаб чиқиши имконини беради”<sup>36</sup>. Ҳокимиятнинг бўлиниш хусусиятларини тизимли таҳлил қилишнинг моҳияти шундан иборатки, бунда ҳокимия элементлар комплекси сифатида, муҳит - фуқаролик жамияти ва ижтимоий-

<sup>34</sup> Шлезингер А. Циклы американской истории. –М.: Прогресс, Прогресс-Академия, 1992. –С.399-485.

<sup>35</sup> Патрушев С.В. Институционализм в политической науке: этапы, течения, идеи, проблемы// Политическая наука.-2001. №2. С.146-186.

<sup>36</sup> Истон Д. Категории системного анализа политики/ Пер.с англ. К.А.Зубова//Политология: Хрестоматия./ Сост.: М.А.Василик, М.С.Вершинин. – М.: Гардарики, 2000. –С.-310-311.

иқтисодий муносабатлар билан боғлиқ ҳолда ўрганилади.

Ҳокимият бўлнишини тизимли асосда таҳлил этишнинг моҳияти шундаки, ҳокимият элементлар комплекси сифатида, фуқаролик жамияти ва ижтимоий-иқтисодий муносабатлар билан боғлиқ ҳолда ўрганилади. Тизимли таҳлил сиёсатдаги ижтимоий асосларни ҳамда сиёсатнинг ижтимоий воқеликларга тескари таъсирини инобатга олган ҳолда, ҳокимиятнинг бўлнишини мураккаб ва ўзаро боғлиқ ҳолда тадқиқ қилиш имконини беради. Фуқаролик жамиятини Д.Истон “сиёсий тизимда жамият талаблари ва уни қўллаб-қувватлаш фильтри” деб атади.

Аргентиналик машхур файласуф, сиёсатчи, Халқаро сиёсий фанлар асоциацияси президенти (1988-1991 йй) **Гильермо О'Доннеллинг** (1936 йилда туғилган) қайд этишича, сиёсий институтлар “кутилган натижаларни барқарорлаштиради”. Сиёсий раҳбар ва вакиллар улар келгусида ўзаро муносабатда бўладиган муайян гуруҳдаги одамларнинг тор доирадаги имкониятлар даражасида ҳаракат қилишига умид қиласди. Маълум бир агентлар (мухолифат) бундай одамлардан кутаётган ҳаракатлар доирасини бу тарзда торайтиришга қарши чиқиши мумкин, улар кутилаётган натижаларга мос келмайдиган номақбул оқибатларни олдиндан кўра билади. Айнан шу ўринда сиёсий институт ўзининг куч-қудратини кўрсатишини таъкидлаш керак. Сиёсий институт бузилишидан ҳеч ким манфаатдор бўлмаган мувозанат ҳолатида туради.

Фуқаролик жамияти фақатгина етарли даражада қўллаб-қувватлайдиган кучли давлатлар бўлган тақдирда мавжуд бўлиши мумкин, деб таъкидлайди И.Валлерстайн. Чунки, фуқаролик жамияти давлат билвосита сиёсий муносабатларга жалб қилиш ва уларнинг қонунийлаштирилган фаолиятини амалга ошириш мақсадида давлат доирасида фуқароларнинг ташкил қилинишини англатади. Фуқаролик жамиятини ривожлантириш дунё ва ички тизимдаги тартибнинг чўққиси бўлгани ҳолда, либерал давлатларни юзага келтиришнинг асосий омили эди. Бундан ташқари, фуқаролик жамиятидан илгари либерал давлат тузилмаларини яратиш учун бирлаштирувчи омил сифатида фойдаланилган эди. Аммо, авваламбор, фуқаролик жамияти давлат томонидан яширин тарзда амалга ошириладиган, аммо ошкора тус олиши мумкин бўлган ҳалокатли зўравонликни тўхтатиш, хавфли синфларни бостириш борасида тарихан бир восита бўлиб хизмат қиласди. Аммо давлат таназзулга юз тутгани сари фуқаролик жамияти муқаррар равишда тарқоқликка юз тутишга мойил бўлиб боради, деб башорат қиласди И.Валлерстайн<sup>37</sup>.

И.Валлерстайн ижтимоий тадқиқотлар предметини аниқлашга эътибор қаратган. Кўплаб хужжатли тарихий манбалар ҳокимиятга яқин одамлар томонидан ёзилиши тадқиқот предметини жиддий қисқартиради. Хужжатлар бундай хусусиятни, масалан, ҳокимият билан боғлиқ бўлмаганвоқеликлар моҳиятиини деярли очиб бермаган. Бундан ташқари, “миллий давлат еки тарихии миллат деениш мумкин булган масала охиригача

<sup>37</sup> Валлерстайн И. Конец знакомого мира: Социология XXI века. М.: Логос, 2003. 368-с.

ҳал этилмаган. Ҳар қандай давлат фуқаролик ва ватанпарварликни ҳисобга оладиган миллий тарихни яратищдан манфаатдор. “Тарихий миллат”, яъни тарихи яхши ҳужжатлаштирилган давлатлар олимлари тарих манбаларини ўрганувчи фанни яратиш ва халқнинг тарихий хотирасини “қайта тиклаш” учун кўп ҳаракат қилган<sup>38</sup>.

## **XX асрнинг 90 йиллари ва XXI асрдаги глобалл ижтимоий-сиёсий тизим концепциялари.**

Келиб чиқиши венгр бўлган иқтисодчи ва файласуф, Сассекс университети профессори (Буюк Британия) Иштван Мессарош (1930 йилда туғилган) “Бегоналашишнинг марксизм назарияси” (1930) китобида фуқаролик жамияти фақат христиан оламида ўзининг мукаммал даражасига етишади деб ёзган. Христианликда фуқаролик жамияти ўзини давлат ҳаётидан ажратади, худбинлик ва худбинлик зарурати юзага келади, инсонлар дунёси атомистик ва анатогонистик шахслар дунёсида йўқ бўлиб кетади. Ж.Ж.Руссо ва А.Фергюсонни танқид қилган И.Мессарош учун фуқаролик жамияти - хусусий мулк таянчи, худбинлик зарурати ва пул устунлиги билан ифодаланадиган қулликнинг янги шаклидир.

Агнеш Хеллер (1929 йилда туғилган) фуқаролик жамиятини ўзига хос тарзда маданий ёдгорлик сифатида изоҳлаган.

Д.Маркуш (1934 йилда туғилган) социал-либерализм ва Ғарб социал-демократияси тарафига ўтган ҳамда бозор иқтисодиёти ва ҳукуқий давлат принципларини ҳимоя қилган (“Эҳтиёжлардан устун диктатура”, 1983 йил, А.Хеллер билан ҳаммуаллифликда ёзилган). Шу билан бирга, Д.Маркуш Шарқий Европа мамлакатларининг Ғарбий Европа билан яқинлашуви иқтисодий муаммоларни ҳал этишга ёрдам бермасдан, балки фуқаролик жамияти концепциясини обрўсизлантириб, ақл-заковат эгалари ва ишлаётган асосий аҳоли ўртасида тенгсизликни мураккаблаштириши, маънавий кескинликни кучайтириши, тафовутни юзага келтиришини эътироф этган.

Михай Вайда (1935 йилда туғилган) фуқаролик жамияти ривожланишини ижтимоий табақанинг энг яхши намояндалари мавжудлиги билан боғлаган. Уларнинг асосий вазифаси эса “қандай яшаш, инсонлар билан боғлиқ вазиятда ахлоқ жиҳатидан ўзини қандай тутиш, инсон эҳтиёжларини қандай чукурлаштириш, ошириш ва бойитиш, маданиятни шакллантиришда ўрнак кўрсатиш” бўлган. Венгер файласуфи бундай намояндалар қандай яшashi, умумлаштирилиши, ўзига хос тарзда ифодаланиши мумкин бўлган ўзини тутишни қандай синааб кўришдан иборат бўлиши керак деб ҳисоблайди<sup>39</sup>.

Файласуф ва иқтисодчи, либерализм назарияси вакили, Австрия фалсафа ва иқтисодиёт фани мактабининг асосчиси (Фридрих Август.фон Хайек (1899-1992 йй.) билан биргаликда) ҳамда унинг ёрқин намояндаларидан бири Людвиг фон Мизес (1881-1973 йй.) нацизм ва фашизм тараққий топмаган жамиятларнинг мантикий оқибати ҳисобланадиган

<sup>38</sup> Валлерстайн И. Мироисистемный анализ: Введение – М.: Территория будущего, 2006. С-56-57.. М.: Логос, 2003. 368-с.

<sup>39</sup> Вайда М. Проблема «новой элиты» // Международный философский журнал. – 1992. №1(2). С.254-258.

тоталитар-мустабид жамоавий тизимларни ифода этишини биринчи бўлиб кўрсатиб берган эди (Л.Мизес томонидан аниқланган фашизмнинг марксистик социализм билан алоқаси XX асрнинг 40-йиллари учун ҳақиқий даҳшатга соладиган ҳодисага айланди)<sup>40</sup>.

Л.Мизеснинг фикрича, колективизмнинг ҳар қандай шакли (шу жумладан, ихтиёрий ҳамкорликка асосланган назарий шакллар) давлат томонидан кўллаб-куватланган тақдирдагина мавжуд бўлиши мумкин. Бундай бошқарув натижасида давлат ҳокимияти ҳар доим тоталитаризм томонга қараб ҳаракат қиласди. “**Фақат иккита партия - ҳокимият тегасида турган партия ва ҳокимиятга эга бўлишни истайдиган партия мавжуд**, - деб ёзган эди Л.Мизес. - Ҳаттоқи, муҳолифат ҳам ўз манфаатларини таъминлаш ёки партиясини амалдор аъзолар билан тўлдириш учун эмас, балки ўз ғояларини қонунчиликка татбиқ этиш ҳамда мамлакатни бошқаришда уларни амалга ошириш учун ҳокимиятни эгаллашга интилади”. Парламентнинг белгиловчи ролини танқид қиласган Л.Мизеснинг фикрича, “давлатда сиёсий ҳокимиятнинг бўлинишини белгилаб берадиган муҳим қарорлар палата мажлисларида ёки бу ҳокимият таркибини аниқлаб берадиган сайловлар жараёнида қабул қилинмайди. **Давлат сиёсатини шакллантириш жараёнида турли корпоратив уюшмаларнинг конституция томонидан белгиланган нисбий салмоғи ҳокимият бўлинишининг ҳал қилувчи омили ҳисобланади**”. Л.Мизес учун “**пировард натижада мафкура ҳар қандай ҳокимият ва хукмронликнинг асосидир**” - “либерализм...гоялар хукмронлиги ва тинчликка интилади”. (Л.Мизес яратган яхлит ҳалқаро илмий йўналиш доирасида бир неча авлод олимлар ва мутафаккирлар фаолият кўрсатган, деган фикрлар мавжуд. Бунда капиталистик жамият ва институтлар назариясини ишлаб чиқиш ушбу йўналишнинг асосий мақсади бўлган. Илмий ишлар, аввало, иқтисодий, ижтимоий назария, сиёсий фалсафа соҳасида олиб борилмоқда).

Австриялик иқтисодчи ва файласуф, эркин бозор ва либерал иқтисодиёт тарафдори Фридрих Август фон Хайек дастлабки **либерал-демократик тажриба** классик либерализм тарафдорлари эркинликни кўллаб-куватлаш воситаси сифатида танлаган институционал тизим эркинликни қонун доирасида ривожлантириш вазифасини уddyалай олмагани учун барбод бўлганини кўрсатиб берди. Классик либерализм асосчилари ҳокимиятни - қонун чиқарувчи, ижро этувчи ва суд ҳокимиятига бўлишни орзу қиласланади. Аммо бу умид тўла амалга ошмади, - деб ҳисоблайди Ф.Хайек. Бу борада “илгари сурилган энг илфор” тажриба - ваколатларнинг федерал ҳукумат ва штатлар ўртасида бўлиниши, шунингдек, ҳукуматларнинг федерал даражада бўлинишига асосланган АҚШ Конституцияси Марказни бўйсундириш имконини бермади, чунки қонунчилик жараёни сиёсий жараёндан керакли даражада ажратилмаган эди. Олий суд қонунчилик жараёнини сиёсийлашувдан тийиб туриши керак эди,

<sup>40</sup> Мизес Л. Всемогущее правительство: Тотальное государство и тотальная война. – М.: Социум, 2007.-466-с.

бироқ унинг ўзи сиёсийлашувга дучор бўлди. Ф.Хайекнинг фикрига кўра 1) очиқ ва ёпиқ бўлмайди, балки либерал ва тоталитар жамият мавжуд; 2) хусусий мулк институтига асосланган ва шахс эркинлиги олий қадрият ҳисобланган жамият инсон хошиш-истакларига кўпроқ мос келади; 3) фуқаролар уюшмаси сифатида ташкил этилган жамиятда қонун гурухлар манфаати хизмат қиласидиган восита, давлатнинг қуроли бўлмаслиги даркор. Ушбу маънавий ва оқилона нормалар барча учун мажбурий хусусиятга эгадир.

Ф.Хайек уюшган раҳбариятни кучайтириш хилма-хиллик ўрнига бирхилликка сабаб бўлишидан келиб чиқсан<sup>41</sup> ва қонун чиқарувчи ҳокимиятнинг устувор ролини танқид қиласидиган: “Қонун ваколатлариға эга бўлган вакиллар мажлиси, барча замонавий давлатларда бўлгани каби, ижро ҳокимиятининг аниқ ҳаракатларини бошқарадиган олий ҳокимиятга айланадиган, ҳокимиятнинг бўлиниши эса қонун билан ваколат берилмаганбундай маъмурият ҳеч нима қилма олмаслигини англашадиган жойдақонунлар эркинликни том маънода чегаралайдиган ҳолат йўқолади.“Либераллар, - деб ёзади Ф.Хайек, - ижтимоий фикр каби куч ҳам ҳокимиятқўрсатмаларининг манбаи бўлишга қодир бўлмаса-да, давлатнинг айримумумий хусусиятларга эга бўлган барча органларини ҳаракатга ундайдиганқонуний ҳокимиятни олиб бориши мумкинлигига ишонишади”.

Хукуқ фалсафаси соҳасидаги ишланмалари халқаро эътирофга сазовор бўлган италиялик файласуф ва хукуқшунос Бруно Леони (1913-1967 йй.) индивидуализм ва либертариан принциплари тарафдори бўлган. Парламенттомонидан ишлаб чиқилган қонунларни Б.Леони ортиқча ва хукуқларнитўлиқ амалга оширишга тўсқинлик қиласидиган, деб ҳисоблаган ҳамда буборада В.Шекспирнинг “сурбетларча ваколатлар” тўғрисидаги сўзлариданиқтибос келтирган. Б.Леони, австриялик хукуқшунос ва жамиятшунос Ойген Эрлих (1862-1922) сингари «қонунчилик дориси ҳаддан зиёд жуда озчиликниташкил қиласидиган одамлар (қонун чиқарувчилар) фикри билан чамбарчасбоғлиқ ва улар ким бўлишидан қатъи назар барча учун дори бўла олмайди» деб ҳисоблаган<sup>164</sup>. Б.Леонининг фикрича, замонавий хукуқни ўзгартириш, ёзилган қонундан ёзилмаган қонунга ўтказиш зарур. Бунда хукуқий нормақонун ижодкорлиги жараёнига жалб қилинган барча одамларҳамхижатлигига намоён бўладиган умумий манфаатни ифода этиши лозим<sup>42</sup>.

Ф.Хайекнинг маслақдоши, америкалик буюк иқтисодчи, либертариантлик асосчиларидан бири, Иқтисодий таълим жамғармаси (Фоипайайоп ғоғ Есопош1с Ейисайоп) асосичиси ва раиси Леонард Рид (1898-1983 йй.) ўзини ўзи бошқариш тузилмалари билан чекланган бозорни ривожлантириш тарафдори бўлган.

Британиялик социолог Дэвид Грин, Ф.Хайек ва Б.Леони каби, қонунчилик жараёнини сиёсийлаштираслик учун курашган, қонун

<sup>41</sup> Сысоева Л.С., Поппер К.Р., Хайек Ф.А. Сорос Дж. Три взгляда на открытие общества// Вестник Томского государственного педагогического университета.2004. №2.С21.

<sup>42</sup> Леони Б. Свобода и закон.-С.157.

давлатнинг қуроли ва манфаатдор гурухларнинг воситасига айланмаслиги учун уни давлатдан устун қўйиш керак, деб ҳисоблаган. Д.Гриннинг таъкидлашича: “бугунги кунда энг муҳим вазифа - эркинлик тўғрисидаги тасаввурларимизни қонун доирасида “янгилашдир”. Ғарбдаги мавжуд эркин ҳаёт образи ҳокимиятни фақат битта марказга қаратмасликка асосланган. Бу тизим ҳокимиятнинг бўлиниши одамларни ҳаракат қилишга ундан, улар нима қилиш кераклигини билган тақдирда самарали ишлайди.... Ҳолбуки, жамиятнинг олий мақсади фақат манфаат кўриш бўлса, у қашшоқлашиши мумкин. Ҳаммамизнинг хам кенг кўламли ва олижаноб мақсадларимиз бор”<sup>43</sup>.

Ф.Хайек, Д.Грин, Б.Леони, Л.Риднинг асосий тезисини қўйидагича таърифлаш мумкин: ижтимоий давлат фуқаролик жамиятини сиқиб чиқаради; давлат илгари ҳокимиятнинг алоҳида ҳуқуқига кирган ижтимоий ҳимоя қилиш бўйича кўплаб вазифаларни ўз зиммасига олганида фуқаролик жамияти таназзулга учрайди; ижтимоий соҳада ўзини ўзи ташкил қилиш кўникумлари йўқолади; фуқаролик жамияти билан бирга демократия ҳам инқирозга юз тутади. Юкорида тилга олинган тадқиқотчилар бу борада ижтимоий институтлар ижтимоий масалаларни ҳал қилишни қайтариб оладиган фуқаролик жамияти ижтимоий давлат тортиб олган барча ваколатларни ўзига қайтариб олиши мумкинлигига ишончи комил.

Тарғиб қилинган фуқаролик капитализми асосини қўйидаги муҳим ғоялар ташкил этган. Биринчидан, эркинлик жамиятда ҳокимиятни тўплаш марказлари мавжуд бўлмаган ҳолда қайта тикланади. Иккинчидан, ҳокимиятнинг истагисиз, одамлар томонидан ташкил этиладиган ижтимоий институтлар фуқаролик жамиятининг пойдевори ҳисобланалди. Учинчидан, ҳар бир шахс ўзини ахлоқий жиҳатдан жавобгар деб билиши керак; эркин жамиятда одамларнинг бир-бирига бўлган талаби анча ошади. Тўртинчидан, қўйидаги саволнинг жавоби давлатнинг ҳар қандай ҳаракатини баҳолаш учун асосий мезон бўлиб хизмат қиласи: “Улар одамларни давлат мақсадларига эришиш воситасига айлантирадими ёки аксинча, давлат одамларга ўз мақсадларига эришишга имкон берадиган воситаларни яратадими?”.

Р.Гвардини ўзининг “Янги давр охири” асарида сиёсат давлат ҳокимиятини амалга оширади ва унинг инсон қадр-қиммати, баҳт-саодати билан иши йўқ деб ёзган. Ҳокимият аввало, одамларни ўзига қарам қиласи; замонақий техник тизимлар ўзини ўзи ривожлантирадиган ижодкор шахслар мавжуд бўлишига йўл қўймайди; ҳокимиятни суиистеъмол қилиш, пировард натижада нафақат эҳтимол ва мумкин бўлган, балки муқаррар жараёнга айланади<sup>172</sup>. Техника ва ҳокимият иттифоқи олдида инсон мутлақо ожиз бўлиб қолади. Янги авлод техникиси дунёни эгаллаш, табиат ва инсонларга ҳукмронлик қилиш қуролидир.

Америкалик таниқли файласуф ва сиёсий назарияси **Жеймс Бернхэм** (1905-1987 йй.) ўзининг “Менежерлар инқилоби” асарида (1941), машҳур менежерлар жамият назариясида нисбатан қисқа вақт ичida

<sup>43</sup> Грин Д. Возвращение в гражданское общество. Социальное обеспечение без участия государства. – М.: Новое издательство, 2009. – С.167-168.

бошқарувчиларнинг мулқдорлардан ажралиб чиқиши рўй бериши, “ижтимоий хукмронлик манфаати, ҳокимият ва имтиёзлар, бошқарув синфи лавозимига даъвогарлик қилиш кампанияси”да иштирок этадиган янги “ижтимоий гурух ёки синф” - “менежерлар”дан иборат янги социум пайдо бўлганини таъкидлаган.

Немис ёзувчиси, мутафаккир, тоталитар жамият ва консерватив инқилоб назарияси маддохларидан бири Эрнест Юнгер (1895-1998 йй.) шундаи деган: Биз ўзига хос этик, ижтимоии еки сиесии таснифлашнинг тартибини ўрнатишга ҳаракат қилаётган ва ўз ўрнимизни топишга интилаётган барча жойдаларда ҳал қилувчи фронт позициясини эгаллай олмаймиз. Балки либерализмнинг ўн йиллаб олиб борган фаолияти давомида бемаънилашган, умумий сайлов ҳукуқи, умумий ҳарбий мажбурият, умумий таълим, ер мулки ва бошқа принциплар сафарбар қилинган XIX асрнинг бир чеккасида қолиб кетамиз. Чунки, бу борада кейинчалик ушбу воситалар ёрдамида қилинган ҳар қандай саъй-ҳаракат бехудадир”<sup>44</sup>.

Э.Юнгер уруш даврида ёқ фуқаролик жамияти мавзусига тўхталибўтган. Унинг фикрича, маънавий фикр юритишни уруш билан аралаштириш «мардонавор ҳалқлар, жаҳон тарихи доирасида уларнинг ҳалол беллашуви, маънавият, кўр-кўрона ҳаракат қилишга ундайдиган омилларга қарши уруш» даврини бошлаб беради. Э.Юнгер учун сиёсий ҳокимият - қарор қабул қилиш иродаси, миллий ҳаёт воқеликларидан хабардор бўлишидир<sup>45</sup>. Файласуфни яна давлат, ҳокимият, ҳалқ моҳияти ва аҳамияти каби тушунчалар ҳам қизиқтирган - бу тушунчалар “янги миллатчилик” тузилмасининг, яъни “бир инсоннинг мавжуд бўлишидан кўра ўта муҳим мавжудот бўлган миллат орасида яшаш эрки”нинг таркибий қисмларига айланиши лозим.

Таниқли немис ва америкалиқ файласуф, сиёsatчи ва тарихчи, тоталитаризм назарияси асосчиси Хана Арендтнинг (1906-1975 йй.) фикрича, оммавийлик ва ғайрирасмийлик }фтасидаги мувозанат ҳар қандай жамиятнинг асосий хусусияти ҳисобланади. Ижтимоий-фуқаролик ва хусусий соҳалар ўртасидаги мувозанатсизлик инсон ҳаётининг нормал кечишини ўзгартириб юборади. Тоталитар жамиятни ифодаловчи очиқ ва ошкора оммавийлик инсоннинг ғайрирасмий соҳада ўзини намоён этишимкониятларини пасайтириб, қонунийлик чегараларини расман кенгайтиради.

Ҳокимиятнинг мавжудлиги фуқароларнинг сиёсий ҳаётда фаол иштирок этиши учун зарур шарт ҳисобланади. Жамоат бирлашмалари, фуқаролик жамияти институтларида зўравонликнинг энг сўнгги шакллари таъсирида юзага келган ҳокимиятсизлик Х.Арендт томонидан ёлғиз одамнинг танҳо ҳокимияти, яъни золимона ҳукмронлик сифатидаизоҳланган. Қуруқ зўравонлик ва ҳукмронликка асосланган сиёсий ҳокимият нима ўзи? Х.Арендтнинг фикрича, бундай ҳокимият “одамлар биргаликдаги

<sup>44</sup> Юнгер Э. Рабочий. Господство и гештальт. -: «Наука», 2000.

<sup>45</sup> Родиков Ю.Ю. Война и государство: динамическая и субстанциональная основы политической сферы общества в концепции Э.Юнгера// Вопросы экономики и права. -2010.№ 2. С-48-52.

келишилган фаолиятда иштирок этадиган барча жойларда бор”.

Венгрияда туғилған Германия ва Британия файласуфи, социология фани асосчиларидан бири **Карл Мангеймнинг** (1893-1947 йй.) ёзишича, тоталитар тизим барча маънавий ва эмоционал ҳаётни ягона марказий ҳокимиятга бўйсундиришга ҳаракат қилган ҳолда, ўз раҳбариятига ҳокимиятни ташкил қилиш масалаларини мажбуран қабул қилдиради. Улкан саноат комплекслари асирида жамият томонидан назоратнинг йўқлиги ижтимоий фикрни шакллантириш бўйича ҳокимиятни бир қанча йирик монополистлар қўлига топшириб қўяди. Келажакдаги ахлоқ моделлари имкониятлари жамиятнинг нафақат иқтисодий, балки сиёсий ва ижтимоий тузилмаси томонидан аниқланади. Демак, биз ҳокимиятнинг қандай шакллари мавжуд бўлиши, ҳокимиятни қандай тақсимлаш ва назорат қилиш кераклигини ўрганишимиз лозим. Мазкур масалаларга ёндашувимиз ҳақиқий бўлиши, яъни реакцион, хаёлий бўлмаслиги керак<sup>46</sup>.

К.Мангейм учун мавжуд мафкура - ҳокимият тепасида турган, мавжуд тартибни сақлаб қолишга интилаётган маълум бир гуруҳ ёки синфлар манфаатларини ифода этадиган ижтимоий воқеликнинг тахминларга асосланган инъикоси; “сохта билим”, ёлгон ва ўзини ўзи алдашдан иборат. Истиқболли ўзгаришлар хусусида сўз борганда К.Мангейм авлодлар ўзгаришини, яъни советларга хос “ҳаёт тажрибаси” таъсиридан холи собиқ коммунизм фуқароларининг янги авлоди вояга етишини энг мақбул ўзгариш деб ҳисоблади.

Умуман олганда, **консерватив инқилоб назариётчилари** учун миллатчилик, ўз мамлакатини мустақил ривожлантириш, “янги тартиб”ни ўрнатиш, қадимий тарихга қизиқиши, бирдамлик (демократик ёки иерархик) принципига асосланган адолатли жамият ғояси, ўтмишдаги ва анъанавий элементларни замонавий техник ғоялар билан уйғунлаштириш хосдир<sup>47</sup>. Бунинг устига, машҳур сиёsatчи ва адабий танқидчи, Гарвард университетининг собиқ ходими Андреас Умланднинг таъкидлашича, “турли мамлакатлар ёки турли маданиятлар консерватизмни ҳатто юзаки ўрганиш, Буюк Британия, Германия ва Россияда XIX-XX аср консерваторларининг асосий ғояларини таққослаш хусусий мулк, ҳокимиятлар бўлиниши, алоҳида эркинлик, ҳукуматнинг ижтимоий ҳаётга аралашуви, фуқаролик мезонлари каби муҳим ижтимоий масалаларга турлича ёндашувлардан далолат беради”.

Немис файласуфи ва социологи, “саноатлашган жамият” назариётчиси, Франкфурт мактаби асосчиларидан бири **Макс Хоркхаймер** (1895-1973 йй.) демократик олий мақсадлар обеъктив ҳақиқатларга эмас, балки одамлар “манфаатлари”га боғлиқ, деб ҳисоблади. М.Хоркхаймер ўзининг жамият танқидий назариясида (мазкур назарияда англаш субъектини унинг обьектидаги узоклаштиришни бартараф этиш муаммосига алоҳида эътибор қаратылган) буржуа жамиятининг марксистик танқид асосларини Зигмунд Фрейднинг психоанализ ғоялари, Артур Шопенгауэр этикаси билан боғлашга уринган.

<sup>46</sup>Мангейм К. Диагноз нашего времени. – М.: Юрист, 1994.

<sup>47</sup>Умланд А. Консервативная революция: имя собственное или родовое понятие? // Вопросы философии. -2006. №2. С.116-126.

Немис файласуфлари ва социологлари **Макс Хоркхаймер** ҳамда **Теодор Людвиг Визенгруд Адорно** (1903-1969 йй.) билан ҳамкорликда ёзган машхур “Маърифат диалектикаси” (1944 й) китобида, виждан ҳокимиятга интилиш истагидан воз кечиш орқали пайдо бўлади, деб ёзган. Ички қарама-қаршиликлар, нонконфоризм, инсонларнинг ўзаро бирдамлиги ижтимоий ўзгаришларга олиб борадиган йўлдир.

Т.Адорно монополистик “бошқариладиган жамият”даги муносабатлар стандартлаштирадиган “оммавий маданий саноат”га алоҳида эътибор қаратган. Т.Адорнонинг фикрича, маданий саноат аҳолига ўз манфаатини кўзда тутган ҳолда йўналиш беради, маданий товарни тайёрлаб, оммавий ахборот воситалари орқали тарқатади. Маданий саноат одамларнинг моддий аҳволи қандай бўлишидан қатъий назар, уларни пассив ва итоаткор қилиб қўяди.

Т.Адорно учун инсон - ўзини бошқа дунёга қарши қўювчи деструктив мавжудотdir; умумий ижтимоий кафолатлар давлати ишла чиқариш воситалари мулқорлари манфаатларига хизмат қилади: улар ишчи синфига ўзининг тинчлиги ва хавфсизлигини кафолатлаш учун бирон-бир ваъдани кафолатлайди; “жамият” деганда “одамларнинг биргаликдаги ҳаёти ва ишлаб чиқариш ва такрор ишлаб чиқариш турларининг” хилма-хиллиги тушунилади. Ўрта синф - мустақил тадбиркорлар эмас, балки йирик корпорацияларнинг малакали ва катта миқдорда ҳақ тўланадиган ходимларидир. Синфий кураш обрў-эътибор учун курашга ўз ўрнини бўшатиб беради. Бу кураш юқори табақадаги гурӯхга мансуб бўлиш, қандайдир реал ёки хаёлий устунликларга эришиш учун қимматбаҳо истеъмол предметларига эга бўлишга интилишдан иборат.

Немис ва америкалик файласуф, Франкфурт мактабининг бошқа бир вакили **Герберт Маркузе** (1898-1979 йй.) жамоа ва шахс психологиясини ўрганишга эътибор қаратган ҳолда, жамият қандай қилиб шахсни ўзгартириши мумкинлиги тўгрисида бош қотиради.

Машхур “Бир ўлчамли одам” китобида Г.Маркузе учун жамият синфсиз ҳисобланади, унда ниқобланган неототалитаризм ҳукм суради, инсон бир ёқлама фикрлайди, оммавий ахборот воситалари ҳар бир шахс онгига ёлғон, кераксиз нарсалар ва улардан фойдаланиш эҳтиёжини сингдиради. “Хукмронлик ва мувофиқлаштириш тизимини қамраб олган техник тараққиёт, - деб ёзади Г.Маркузе, - зоҳиран тизимга қарши кучларни яратирадиган, аслида эса истиқболда оғир меҳнат ва хукмронликдан озод бўлиш йўлидаги ҳар қандай эътиrozнинг негизини йўқ қиладиган ҳаёт (ва ҳокимият) шаклларини яратади<sup>48</sup>. “Айни пайтда сиёсий ҳокимият машиналаштирилган ишлаб чиқариш ва аппаратни техник ташкил қилиш жараёни устидан хукмронлик қилиш орқали ўз мавқени мустаҳкамлайди. Ривожланган ва ривожланаётган саноатлашган жамият хукумати ўз ўрнини саноатлашган тараққиёт эга бўлган техник, илмий ва механик маҳсулдорликни ташкил қилиш, ундан фойдаланиш ҳамда сафарбар этиш

<sup>48</sup> Маркузе Г. Эрос и цивилизация.

орқалигина сақлаб туриши мумкин”. Унинг фикрича, “капитализмни ривожлантиришнинг юқори босқичида жамият чекланган плюрализм тизими бўлиб, унда институтлар шахс устидан хукмронлик қилишни мустаҳкамлаш учун курашади. Шундай бўлса-да, бошқариладиган шахс учун плюралистик маъмуриятчилик оммавий маъмуриятчиликдан афзалдир. Бир институт уни бошқасидан ҳимоя қилиши, бир ташкилот иккинчисининг таъсирини омшатиши мумкин. Қонун ҳокимияти чекланган бўлса-да, қонундан устун ёки уни эътиборга олмайдиган ҳокимиятдан кўра ишончлироқдир”. “Ҳар қандай ҳолатда, - дейди Г.Маркузе, - марказлашган ҳокимият ва тўғридан- тўғри демократиянинг бирлашиши, ривожланиш даражасига қараб, чексиз жузъий ўзгаришларда намоён бўлиши мумкин”.

Франкфурт мактабининг фуқаролик жамияти ва ҳокимият бўлиниши назариясига таъсири ҳақида гапирганда, капиталистик жамиятнинг ушбу мактабининг монолит тизим сифатида изоҳланиши таъкидлаш лозим. Бундай тизимда инқилоб роли маргинал зиёлилар ва аутсайдерларга ўтади. Технократик бўлган ушбу жамият оммавий ахборот воситалари орқали ёлғон фикрларни тарқатиш ҳисобидан мавжуд бўлади. Фалсафанинг роли гуманизм, тоталитаризм ва авторитар шахсни танқид қилиш, инсонни ҳар қандай шаклдаги эксплуатациядан озод этиш, ижтимоий муносабатларда инсон омили аҳамиятига эътибор қаратишдан иборат.

Америкалик социолог ва публицист, саноатлашувдан кейинги(ахборот) жамият назарияси асосчиси **Дэниел Белл** учун (1919-2011 йй.) саноатлашувдан кейинги жамият - ҳокимият меритократия - ақл-заковат эгаларига тегишли “профессионаллар”, “ақл-заковатли кишилар жамияти”дир. “Саноатлашувдан кейинги жамият, - деб ёзади Д.Белл, - вакиллари сиёсий даражада маслаҳатчилар, эксперт ёки технократлар бўлган интеллектуал синфнинг пайдо бўлишини кўзда тутади”. Фуқаролик жамиятидаги интеллектуал табақалашув рўй беради. Бундай табақада ақлиймечнатга нисбатан салоҳияти паст одамлар жамиятнинг энг қуи поғонасига киритилади.

Бундан ташқари, ахборотнинг устувор аҳамияти фуқаролик жамияти учун ўзига хос хусусиятдир. Д.Беллининг фикрича, жамиятни ахборот билан таъминлаш сиёсатда иштирок этишга қодир, бошқарув тизими самарадорлигини етарли даражада таъминлайдиган “ваколатли фуқаро” концепциясига мосдир.

Америкалик социолог ва футуролог, саноатлашувдан кейинги жамият концепцияси муаллифларидан бири **Элвин (Олвин) Тоффлер** (1928 йилда тугилган) “Яқин келажакда ташкил этилиши режалаштирилаётган институтларда диний ва шунга ўхшаш гуруҳлар, глобал корпорациялар, атроф-муҳит ва инсон ҳуқуқларини ҳимоя қилиш ҳаракатлари ва бошқа шаклдаги фуқаролик жамиятлари қай даражада ифодаланиши керак?” деган саволни ўртага ташлайди<sup>49</sup>. Бугунги кунда ўзини мустақил давлат сифатида сақлаб қолишига уринаётган жамият оммавий компьютерлаштирилмаслиги

<sup>49</sup> Тоффлер Э. Метаморфозы власти. –М.: ООО «Издательство АСТ», 2002.. –Т.2. –С.566.

даркор. “Фуқаролик жамиятининг фаолият юритиши учун керагидан ортиқ нарсаларни мажбуран қабул қилдириш ва тузумни абадийлаштиришга қаратилган тартиб бемаънилиkdir”, - деб ёзади Э.Тоффлер. Ҳокимият - бу инсонлар ўртасидаги ҳар қандай ўзаро муносабатнинг муқаррар жиҳатидир, хукмдорлар ёки ҳалқнинг одамлар фаолияти, феъл-автори, онги ва фикрига кескин ҳамда кенг кўламли таъсир қўрсатиш, уларнинг тақдирини бошқариш қобилияти ва имкониятидир. Бизни олдинда ҳокимият учун глобал курашлар кутмоқда, аммо унинг асосини зўравонлик ёки пул эмас, балки билим ташкил қиласиди.

Америкалик таникли таҳлилчи, ҳалқаро муносабатлар соҳасидаги эксперт, “NewsweekInternational” ҳафталик журнали мухаррири **Фарид Закариёнииг** фикрига қўра, замонавий ғарб дунёсининг қадриятлари “демократия кўпинча шахснинг кўпинча ҳамжамият ҳокимиятига бўйсунишини кўзда тутадиган” юонон анъаналаридан эмас, балки “барча фуқароларнинг қонун олдида тенглиги”ни таъминлаган Рим қонун-коидаларидан келиб чиқкан. “Ҳокимиятнинг бўлиниши, мансабдор шахсларни чекланган муддатга сайлаш ва қонун олдида тенглик таъминланган Рим республикаси, - деб ёзади Ф.Закариё, - Америка республикасини ташкил қилишда намуна бўлиб хизмат қилди”.

Қарийб юз йил давомида Ғарбда демократия либерал демократия - нафақат эркин ва ҳаққоний сайловлар, балки қонунни бошқариш, ҳокимиятни бўлиш ва асосий эркинликлар бўлган сўз, йиғилиш, дин ва мулкдор эркинлигини ҳимоя қилишни ифода этган сиёсий тизимни англатган, деб ёзади Ф.Закария<sup>213</sup>. Оралиқда ривожланиш маҳсули - бу демократик институтлар мавжуд бўлган, аммо аслида янгиланиш учун эмас, балки хукмрон гуруҳ ҳокимиятини сақлаб қолишга хизмат қилган гибрид, ясама демократия маҳсулидир. Ф.Закария бундай режимларни “нолиберал демократия” деб атайди<sup>50</sup>.

Маълумки, вестминстер тизими (Буюк Британия давлат модели принциплари асосига қурилган давлат бошқарувининг демократик парламент тизими) тўққизта ажратиб турадиган белгига эга (давлатнинг раҳбари номигагина бўлиши; хукумат раҳбари парламентда кўпчиликни ташкил этадиган кучларнинг етакчиси сифатида; парламентдаги кўпчилик иштироқидаги хукумат; икки палатали парламент; парламент мухолифати; куйи палатанинг хукуматни истеъфога чиқаришга қодирлиги; парламентни тарқатиб юбориш имконияти; депутатлар дахлсизлиги; ёзма қарорлар). Бу тизимдан бугунги кунда Австралия, Канада, Ҳиндистон, Ирландия, Истроил, Малайзия, Янги Зеландия, Покистон, Сингапур, Таиланд, Буюк Британия каби 32 та давлат фойдаланмоқда.

Бош вазир маҳкамасининг, хусусан, Вазирлар Маҳкамасида муросага эришиш масалаларида мухим ўрин тутиши (1); хукумат аъзолари орасида Бош вазир сиёсатини маъқулламайдиган кучлар камчиликни ташкил этиши (2); хукумат мажлисининг кун тартибидаги ҳатто битта масалага қарши

<sup>50</sup> Закария Ф. Будущее свободы: нелиберальная демократия в США и за их пределами. М.: Ладомир, 2004.

чиққани учун ҳам маҳкама аъзосининг истеъфога чиқиш имконияти (3); парламент депутатининг унинг партияси аъзолари парламентда кўпчиликни ташкил қилган тақдирда ўз позициясини илгари суриш қобилияти (4); ҳокимиятнинг бўлиниш анъанасини ривожлантириш лаёқатсизлиги, Вазирлар Маҳкамаси аъзолари, судьялар, юқори мартабали амалдорларни сайлашда Бош вазирга катта эркинлик берилгани (5) ва бошқалар Вестминстер тизимининг камчиликлари сирасига киради.

Евropa Иттифоқини бошқариш тизимида ҳокимиятни қонун чиқарувчи ва ижро тармоқларига бўлишга атайнин риоя қилинмайди. Қонун чиқариш вазифаси Евropa кенгаши (Евropa иттифоқининг унга аъзо мамлакатлар ҳукуматлари ва давлат раҳбарларидан ташкил топган олий сиёсий органи) ва Евropa парламентига (учта муҳим вазифани бажаради: қонун чиқариш, бюджет масаласи ва Евropa комиссиясини назорат қилиш), ижро вазифалари эса Евropa комиссиясига (ЕИ ижро ҳокимиятининг олий органи) ва Евropa Иттифоқи кенгашига тегишидир. Шу сабабли қабул қилинаётган қарорларга ким жавобгар эканини аниқ айтиб бўлмайди.

Шу ўринда давлат қурилишининг замонавий амалиётига хорижий стандартларни татбиқ этиш ҳақида ҳам тўхталиб ўтсак. Шарль-Луи Монтескьенинг (*Charles Louis Montesquieu*) ҳокимиятнинг бўлиниши тўғрисидаги машхур доктринаси, давлат раҳбарларидан бирининг таъкидлашича, “қатъий эмас, балки йўналтирувчи хусусиятга эгадир”. Шундай эса-да, ривожланган давлатлар, демократияни амалга оширган мамлакатларнинг тажрибасини ўрганиш уч тармоқдан иборат ҳокимият тизимини такомиллаштиришнинг муҳим йўналиши ҳисобланади. Бизнинг фикримизча, кўриб чиқилаётган мамлакатлар ҳокимият вакиллик органларининг “қуий бўгинлари”ни ривожлантиришга эътибор қаратиши ҳамда уч тармоқдан иборат ҳокимият тизимини муниципал даражага босқичма-босқич ўtkазиш лозим (бу борада, бизнингча, Германия тажрибаси фойдалироқ). Яна бир бошқа йўналиш - бу ҳокимиятнинг бирорта ҳам асосий тармоқларига кирмайдиган тузилмаларнинг (Прокуратура, Марказий банк, Марказий сайлов комиссияси, Хисоб палатаси, Омбудсман, Президент девони, Миллий хавфсизлик кенгаши ва бошқалар) функционал мажбуриятларини аниқ белгилашдир (АҚШнинг ижобий тажрибаси). Мазкур соҳада яна қатор бошқа масалалар ҳам мавжуд.

Бельгияда ҳокимият бўлинишининг комплекс модели устувор аҳамиятга эга. Горизонтал бўлиниш, субсидиарлик (вертикал бўлиниш) ва секуляризм (давлатнинг диндан ажralиши) унинг принципларидир. Вазирлар қирол томонидан тайинланади (у вазирларни сайламайди, балки айнан тайинлади), вазирлар одатда парламентнинг сайланган аъзолари орасидан танланади. Судьялар сайланадиган лавозимга даъво қилишолмайди, айни пайтда эса улар бошқа лавозимларга тайинланиши мумкин (масалан, ҳарбий, полиция, руҳоний, нотариус, суд ижрочилари лавозими). Ҳокимиятнинг вертикал бўйлаб бўлиниши миллийликдан устун директивалар (Евropa Иттифоқи қонунчилиги), икки палатали парламент, федерал ҳукумат, қатор қуий тузилмаларнинг қарорларини қўзда тутади.

Бельгия (Швейцария сингари) - консоционал демократиянинг ўзигахос намунасиdir. Яъни, маҳаллий ўзини ўзи бошқариш органларининг роли ортиб борадиган демократик бошқарувни оқилона тақсимлаш принципи бўйича ташкил қилинган республикани бошқаришда турли этник гурухлар (катта ва кичик) вакилларининг ҳуқуқий жиҳатдан мустаҳкамланган иштироки бу мамлакатда асосий ўрин тутади. Бу ерда жамиятнинг турли катта этник гурухларга бўлиш тан олинган. Валлонлар француз тилида, фламандлар эса ўз тилида сўзлашади. Бельгия - парламентда, таркибий бошқарувда майда миллатларнинг пропорционал вакиллигига, гурухлар манфаатларини инобатга олган ҳолда қарор қабул қилиш тартибини белгилайдиган конституция нормаларига эга бўлган икки палатали давлатдир. Яъни, бу давлатда этник гурухлар сиёсий субъект сифатида намоён бўлади, бунда мутлақ ҳуқуқларга эга гурухлар мавжуд эмас<sup>51</sup>.

Консоционализм ўз-ўзича ҳокимиятнинг бўлиниши ҳисобланмайди, бушундай бўлиниш шаклларидан бири, демократиянинг мавжуд бўлиши ва зўровонликнинг олдини олиш усулидир; бу давлат бошқарувининг муқобил шакли бўлиб, кўп миллатли, тилли ва динли жаамият ичидаги муаммолар ижобий ҳал этилишини ифода этади. Консоционализм Британия демократияси, “ҳукумат мухолифатга қарши” модели, рақобат ёки “мусобақалашиш” принципининг аксидир. Кўплаб файласуфлар (чунончи, Сан-Диегодаги Калифорния университети профессори Аренд Лейпхарт<sup>246</sup>(1936 йилда тугилган), томонидан аниқланган қўплаб консоционализмнинг белгилари орасида қўйидагиларни ажратиш мумкин: партияларнинг кенг коалицияси, камдан-кам ўзгартишлар киритилган қатъий конституция, суд назорати (биринчи навбатда, майда миллатларга судга мурожаат қилиш учунимкон берадиган), давлат секторида мутаносиб бандлик, давлат раҳбарининг бетарафлиги, мустақил Марказий банк, Бош вазир “тeng вазирлар орасида биринчи” бўлиши. Энг яхши намояндаларнинг кенг иштироки; умуммиллий жараёнда қатнашаётган энг яхши намояндалар мутаносиб равишда турли бўғинларга ажратилгани; субмаданиятларнинг барқарорлиги консоционализм фаолият қўрсатишининг муҳим омиллариdir. Ушбу учта омилдан ташқари файласуфлар ташки тартибга соловчи босим, фуқаролик жамиятинингиштирокини ҳам қаид этади.

Маълумки, Венгрияда расмий ҳокимиятнинг тўрт тармоғи (қонун чиқарувчи, ижро этувчи, суд, бош прокурор) ва олтига асосий давлат органи (парламент, ҳукумат, олий суд, конституциявий суд, президент, бош прокурор) фаолият юритмоқда.

Стэнфорд университетининг сиёсатшунослик бўйича профессори **Филипп Шмиттер** Венгрия коммунистик тузуми қулашидан олдин демократик қурилишнинг “қисқа ва муваффақиятсиз тажрибасига” эга эди, деб ёзади<sup>52</sup>. Шундай эса-да, Ф.Фукуяманинг таъкидлашича, бу ерда “коммунистларнинг кекса намояндаларини яксон қилишга тайёр кучлимуқобил энг яхши намояндалар бор эди”, компартия эса “плюрализм

<sup>51</sup>Залман Кац. Алиса в стране ЕС. Европейские диалоги. – Рига. 2005.-С.241.

<sup>52</sup>Шмиттер Ф. Угрозы и дилеммы демократии// Пределы власти. -1997.-№1.-С.6.

ва ҳокимиятларни чинакам бўлиниши томон мухим қадам ташади”.

Ф.Фуқуяма фуқаролик жамияти тўгрисида фикр юритар экан, бундай деб ёзади: “демократик институтлар соглом фуқаролик жамиятига суюнгани каби, фуқаролик жамияти ҳам, ўз навбатида, маданий даражада ўз ўтмишдошлари ва шарт-шароитларига эга”. Замонавий демократик давлатда фуқаролик жамиятининг анъанавий сиёсий ҳамда иқтисодий либерал доктринага хос тарқоқ шахсияпарастликни тенглаштириш ёки чеклашга қодирлиги унинг аҳамияти ва маданиятини белгилайди. Олимнинг фикрича, ҳақиқий кураш айнан фуқаролик жамияти ва маданият даражасида рўй беради<sup>53</sup>.

Америкалик социолог-назариётчи, таркибий функционализм мактаби раҳбари, замонавий назарий жамиятшунослик ва ижтимоий антропология асосчиларидан бири Толкотт Парсон (1902-1979 йй.) учун эволюция - “жамият ичида яиги тузилма турини юзага келтирувчи”, “узлуксиз” ва “мунтазам” бўлмаган, “маданий сингишиш ҳамда бошқа омилларни янги тузилма турн билан уйғун равншда жалб этнишни” ифодалайдиган “ўзгаришлар жараёнининг маълум бир тури” дир. Ўзгаришларнинг мазкур турига риоя қилувчи жамиятлар учун бир қанча имкониятлар очилади: “инновация, гарчи унчалик ривожланмаган бўлса-да, анча кучли рақиблар томонидан барбод қилиниши мумкин”; “агар инновация фақат маданий бўлса, уни бутунлай йўқ қилиш қийин ва ҳатто уни ташкил этган жамият бузилганидан сўнг ҳам катта аҳамият касб этиши мумкин”; “ракобатдошлик даражалари инновацияларни мослаштириш орқали тенглашиши мумкин (буғунги кунда ривожланмаган мамлакатларнинг “модернизация” сари интилишлари бунга яққол мисол бўла олади)”; “жамият ўзининг деярли ўзгармаган эски тузилмасини сақлашни давом эттириши мумкин бўлганалоҳида камчиликларни аниқлаш ва ҳоказо .

**Ижтимоий эволюция** масаласида тараққиёт ва бир линияли эволюция тушунчасини инкор этиб, Дарвиннинг “мослашув” тушунчасига эътибор қаратган ва барча жамиятлар атроф-муҳитга у ёки бу усулда мослашиши лозимлигини таъкидлаган америкалик антрополог Жулиан Стюарднинг карашларидан (1902-1972) кенг фойдаланилмоқда.

Неоэволюционизмнинг яна бир тарафдори антрополог, этнolog ва маданиятшунослик асосчиси<sup>297</sup> Лесли Уайт (1900-1975 йй.) технологияларни ривожлантириш орқали бутун исоният тарихини тушунирадиган назарияни яратишга интилган.

Фуқаролик жамияти институтларини, хусусан, сиёсий партияларни қарорлар қабул қилиш жараёнидан деярли бутунлай чиқариб ташлаш мудҳиш оқибатларга олиб келиши мумкин, деб ёзади 0'Доннелл. Биринчидан, ижро ҳокимияти қонунчилик томонидан қўллаб-қувватлашга эҳтиёж сезганда, унинг аралашмаслиги учун четлаштирилган сиёсат учун жавобгарликни ҳис этмайдиган қаттиқўл парламентга дуч келади (мана шунинг учун яхши институционаллаштирилган қонунчилик ҳокимияти,

<sup>53</sup> Фуқияма Ф. Конец истории и последний человек. –М.: Ермак, АСТ, 2005.-С.46.

қатор конституциявий чекловлар муҳимдир). Иккинчидан, парламентнинг қатиққўллиги ва такаббурлиги, ижро ҳокимияти томонидан унгасусткашлиги ва “масъулиятсизлиги” туфайли оммавий айблар эълон қилиниши натижасида парламентнинг роли заифлашади (бу ижро ҳокимиятини шаклантиришда шахсиятпастлик шароитида рўй беради). Учинчидан, қайд этилган адоват барча сиёсий партиялар обрусига путур етказади. Бундай шароитда, дейди 0'Доннелл, конституцияга зид сиёsat йўлига тўсиқ қўядиган кучли суд керак бўлади<sup>54</sup>.

Ўзаро тийиб туриш ва мувозанат ўзаро тийиб туриш ва мувозанат тизими икки хил ва баъзида бир-бирини қўллайдиган услублар сабабли издан чиқади. Биринчиси, деб ёзади Г.О'Доннелл, бу ҳокимиятнинг битта тармогини бошқасининг қонуний ваколатига “тажовуз қилитти” аралashiшидир. Иккинчиси эса - коррупция. 0'Доннеллнинг фикрича, демократиялар тажовуздан кўра коррупциядан эҳтиёт бўлиши керак. Негаки, дастлабки икки омил демократиянинг мавжуд бўлишига хавф солса, коррупция уни заифлаштиради, холос.

Ҳокимият тармоқларининг мувозанати ҳақида гап борганда, ташқи томонни ҳам ҳисобга олиш зарур. “Пировард натижада, - дейди Х.Клинтон, - ҳокимият мувозанати мавжуд бўлиши керак. Бу эса Америкада давлат бошқаруви тизимидағи асосий принциплардан биридир. Бизда ҳокимият тармоқлари мувозанати мавжуд, бу ерда мустақил суд тизими, кучли ижро ҳокимияти, жуда фаол қонун чиқарувчи ҳокимият фаолият кўрсатмоқда. Аммо, бундан ташқари, ҳукумат, бозор иқтисодиёти ва фуқаролик жамияти ўртасида ҳам ҳокимият мувозанати бўлиши керак. Бу мувозазанатга путур етган тақдирдагина ушбу жараёнга бошқа томонлар аралashiши керак”<sup>55</sup>.

Майкл Хардт ва Антонио Негри оммавий ахборот воситаларини “ўзаро тийиб туриш ва мувозанат тизимини ҳукумат хатти-ҳаракатларининг қўшимча унусури” деб атайди. Шунингдек, улар “аслида ОАВ қўпинча бир томондан, капитал, иккинчи томондан давлатдан қўп ҳам мустақил эмас”дейди .

1976 йилда иқтисодиёт бўйича Нобель мукофоти лауреати ва урушдан кейинги даврнинг энг таниқли иқтисодчиларидан бири **Милтон Фридман** (1912-2006 йй.) сўнгги ўн йилликда дунёning турли давлатларида амалга оширилган либерал ислоҳотларнинг катта қисми учун асос вазифасини ўтаган, давлатнинг иқтисодиётга аралашуви ва иқтисодий ҳамда сиёсий эркинликнинг ўзаро боғлиқлигини чеклаш ғояларини тарғиб қилгани барчагамаълумдир. “Эркинликни сақлаб қолиш ўзаро тийиб туриш ва мувозанат тизими орқали... ҳокимиятнинг бир жойда тўпланиши, бўлиниши ҳамда тарқалиб кетишини имкон қадар бартараф этишни талаб қиласди, - деб ёзади М.Фридман. - Иқтисодий фаолиятни ташкил этишни сиёсий ҳокимият назоратидан чиқарган ҳолда, бозорни мажбурлаш манбаига барҳам беради. У иқтисодий қудратни сиёсий ҳокимиятни мустаҳкамловчи эмас, балки чекловчи воситага айлантиради” . “Агар иқтисодий ҳокимият сиёсий

<sup>54</sup>О'Доннелл Г. Делегативная демократия// Пределы власти. -1994.-№2-3.

<sup>55</sup>Клинтон Х. МДУ ўқитувчилари ва талabalari билан бўлган учрашувдаги нутқ. 2009 йил 16 октябрь.

ҳокимият билан бирлаштирилса, унинг бир жойда тўпланиши деярли муқаррар. Иккинчи томондан эса, агар иқтисодий ҳокимият сиёсий ҳокимиятни ушлаб турган қўлларда бўлмаса, у сиёсий ҳокимиятни тийиб турадиган мувозанат бўлиб хизмат қилиши мумкин”.

Юқорида зикр этилган Лешек Бальцерович ўзининг “чекланган давлат” назарияси руҳида ўзаро тийиб туриш ва мувозанат тизимини ташкил этишини “институционал чора” деб атайди. “Мазкур институтларни ташкил қилиш ва қўллаб-қувватлаш - осон иш эмас, - деб ёзди польшалик иқтисодчи ва сиёsat арбоби. - Амалда давлатни “чекланган” шаклда сақлаб туришдан кўра уни “кенгайтириш” осонроқ. Агарда давлат “кенгайган” бўлса, уни аввалги чекланган доирада фаолият кўрсатишга қайтариш кўпинча анча мураккаб кечади”<sup>56</sup>.

Демократик давлатларда сиёсатчиларга ҳукumat томонидан кўпроқаралашини талаб қиласига ва ислоҳотларга ғаразли ёки мафкуравий фикр- мулоҳазалар орқали қаршилик кўрсатадиган турли гуруҳлар томонидан босим ўтказилмоқда. Л.Бальцерович ижтимоий назорат зарурлигини назарда тутган ҳолда, бундай шароитларда “сиёсатчилар фаолиятини кузатиб бораётганлар ва бозор эркинлиги, қонун устуворлиги ва фуқаролик жамияти ижтимоий муаммоларнинг энг яхши даъвоси эканига ишонадиганлар томонидан кўпроқ ижтимоий босим ўтказилиши зарур” деб таъкидлайди.

Д.Лал Ғарб ва Шарқнинг турли одоб-алоқ принциплари мавжуд деб ҳисоблайди. Ғарбда айникса, индивидуализм ҳаракатга келтирувчи куч саналади. Шарқ жамиятини ташкил этиш, аксинча, умумийликни кенг маънода ҳис этадиган элемент ҳисобланган гуруҳлар тенглиги асосида амапга оширилади. Ғарб жамиятияга қараганда Шарқ жамияти инсоннинг оила, иш жойи, мактаб, қўшниларга нисбатан жавобгарлиги ва мажбуриятларининг мураккаб уйгунлигини ифода этади.

Ҳар қандай давлат ўзининг ҳокимият ваколатларига ўта рашк билан қарайди ва ташқаридан босим ўтказилишини ёқтирмайди, деб ёзди Австрия иқтисодий фикр мактаби вакилларидан бири, либертариантлик манифести муаллифи, Людвиг фон Мизес анъаналари издлшларидан бири, тарихчи ва файласуф **Мюррей Ротбард** (1926-1995 йй.). Ҳукumatни одамлар яратади, уларнинг адолатли ҳокимияти бошқариладиганлар розилигига асосланади. Суд давлат ҳокимиятини тизимли равишда марказлаштиришга кўмаклашади. Демак, адолат ва иқтисодиёт фанига мувофиқ ҳимоя воситалари ва хавфсизлик хизматларининг эркин бозорини ташкил этиб, давлатни бутқул йўқ қилишдан ташқари давлат ҳокимиятини чеклашнинг бошқа ҳеч қандаййули йўқ.

“Америка тизими ўзаро тийиб туриш ва мувозанат механизмини таъминлаб туради, чунки ҳокимиятнинг қонун чиқарувчи, ижро этувчи ва суд тармоқлари бир-бирини тийиб туради, шунинг учун ҳокимиятнинг фақат битта қўлда бўлишига хавотирланмаса ҳам бўлади, деган фикр ҳам мавжуд.

<sup>56</sup>Бальцерович Л. Навстречу ограниченному государству/ М.: Новое издательство, 2007.-С.25.

Аммо, ушбу тизим кўпинча чалғитувчи роль ўйнайди. Чунки, ҳокимият институтларининг ҳар бири ўз соҳасида мажбурлаш монополиясига эга, уларнинг барчаси эса исталган пайтда битта партия томонидан назорат қилиниши мумкин бўлган ягона давлатнинг бир қисмидир”<sup>57</sup>, - деб ёзади Мюррей Ротбард. “Америка бошқарув тизимидағи кўкларга қўтарилиган ўзаро тийиб туриш ва мувозанат ҳамда ҳокимият тармоқларига бўлиниш тизими ниҳоятда заиф, чунки, охир-оқибатда мазкур тармоқлар шу хукуматнинг узвий қисми бўлиб, бир гурухдаги хукмдорларга бўйсунади”.

Бугунги замоннинг машҳур сиёsatшунос-файласуфларидан бири **Лари Зидентопнинг** фикрича (1936 йилда туғилган), маънавий тенглик ҳақидаги христиан таълимоти Европада фуқаролик жамиятини яратган. Ислом дини христианлик сингари универсализм тилида шакллантирилган, аммо Ислом дини фақат Аллоҳга итоат этишда тенгликка эътибор қаратса, христианлик Аллоҳ олдида тенг эркинликни тарғиб қиласди.

Л.Зидентоп “ҳокимиятнинг нисбий очиқлиги сингари деярли ҳеч нарсани ўзгартирмайдиган” “расмиятчиликка асосланган ўзаро тийиб туриш ва мувозанат тизими”ни танқид қилган. Франция давлат модели нисбатан осон экспорт қилиниши мумкин, негаки у минимал чекловлар билан қарорлар қабул қилишнинг марказлашган механизмини фақат расмийлаштиришни кўзда тутади. Мазкур моделнинг мазмун-моҳияти - ҳокимиятдир”. Л.Зидентопнинг фикрича, бу борада “ҳокимиятни бўлиб бўлиб жойлаштирадиган, ўзаро тийиб туриш ва мувознат тизимига эга бўлган ҳамда муҳтор Европа вакиллик демократияси бугунги кунда” муҳим аҳамиятга молик масалага айланиши даркор”.

Конституция томонидан белгиланган ўзаро мувозанат инсон табиатидаги ёвузликни йўқ қилиш ёки жиловлашга қодир эмас. Иззатталаблик унинг ягона мувозанатидир, деб таъкидлайди хуқуқшунос файласуф, федерализм танқидчиси **Патрик Генри** (1736-1799 йй.).

Америкалик ёзувчи, эссе навис, кино ва театр драматурги, XX асрнинг иккинчи ярмида Америка адабиётининг тан олинган мумтоз намоёндаси Го Видалнинг таъкидлашича (1925 йилда туғилган), жаҳон тарихида ўзиг ортиқ даражада ишонган ва унинг айrim етакчи-монополистлари ўртасид тил бириктириш, бунинг натижасида даромад хусусийлаштирилгани в қарзларни “умумлаштириш”га доир кўплаб мисоллар бор.

Гор Видал ўзаро тийиб туриш ва мувозанат тизимининг чекланга: имкониятларини қайд этар экан, бундай деб ёзади: “ўзаро тийиб туриш в мувозанат тизими ҳукуматнинг ҳуқуқбузарликлари ёки золимон ҳаракатларига зўравонликсиз чек қўя олишга қодир бўлмаганида, авом хал] галаён кўтариш ҳуқуқини сақлаб қолади. Ушбу ҳуқуққа мувофиқ, авог\* ҳалқнинг ҳар қандай ҳукумат тузилмалари ички сиёsatни амалга оширии жараёнида фойдаланадиган қурол турларига эга бўлишга ҳамда уларга ишлатишга тўлиқ ҳаққи бор”.

Фуқаролик жамияти “ўзаро тийиб туриш ва мувозанат” тизими; сиёсий

<sup>57</sup>Ротбард М. К новой свободе: Либертизмский манифест/Пер.с анг. –М.: Новое издательство, 2009.-С.265.

ҳокимиятнинг мутлақ ҳукмронликка интилишини чеклашнин] қудратли ва муҳим воситаларидан бири ҳисобланади.

Перманент ислоҳотлар давомли ижтимоий-сиёсий, социал-иқтисодий ва суд-хуқуқ соҳасидаги ўзгаришларини ифода этади. Бу каби ислоҳотлар амалда маълум бир сиёсий тузум доирасида якунланмайди ва ижобий натижага эга бўлмайди. Сурункали инқилоб (Л.Троцкий, Э.Мандель авторитар тузумга нуқта қўядиган “парчаланиш ислоҳотлари” (Х.Линц) “узлуксиз модернизация” каби тушунчалар Европада пайдо бўлган ва ривожланаётган иқтисодий формациянинг муҳим белгисига айланмоқд Бироқ, ижтимоий сафарбарлик ва модернизацияни перманент ислоҳотлар билан адаштирмаслик лозим.

Перманент (узоқ давом этадиган, доимий) ислоҳотлар ижтимои тартибсизлик шаклларидан биридир. Бу каби тартибсизлик, бизниғ фикримизча, ислоҳотларнинг дастлабки шартлари, мавриди, суръати жадаллиги ва изчилигини инкор этиш оқибатида юзага келади.

Т.Гоббс ижтимоий тартибсизлик сабаблари ҳақида бундай деган: “хукуматнинг ўзбошимчалигисиз фуқаролик уруши перманент ҳолатга айланиши даркор, бунда сўзлар ҳамда ваъдалар эмас, балки гаплар, қуро; аслаҳалар қонунларга куч беради ва таъсир кўрсатади”.

Франциянинг эътиборли социологларидан бири ҳисобланган ПьерБурдье (1930-2002 йй), перманент ислоҳотлар феноменининг пайдо бўлш сабабларини таҳлил қилас экан, бунда партия фаолларини айبلاغан, мазку сабабларни “ҳокимиятнинг эркинлик берилган ишчилар қўлига ўтишинин оқибати” сифатида таснифлаган. Улар бундай ҳокимият аппарати ҳеч қандай ижтимоий база, тарафдор ва фаолларга эга бўлмаслигини истайди.

Франциялик социолог олим ва ёзувчи **Мишель Крозье** (1922-2013 йй.) ҳокимият муносабатларидан фойдаланувчи ҳаракатни “стратегик таҳлил қилиш” бўйича услубият муаллифидир. У “ҳокимият”, “ўйин”, “стратегия”, “зиддият” тушунчалари “такрор ишлаб чиқиш”, “ижтимоий синф” ёки “касб” тушунчаларидан устун туради, деб ҳисблайди.

“АҚШ сингари либерал анъаналари мавжуд бўлган мамлакат ҳамда Франция каби маъмурий анъаналари мавжуд бўлган давлат ўртасидаги фарқ маълум, - деб ёзади М.Крозье. - “французча усулда” маъмурий давлатнинг ҳаддан ортиқ ҳукмронлиги шундан келиб чиқадики, у қонунлар ишлаб чиқиш соҳасида қонунчилик ҳокимияти устидан ҳамда уларни бажариш соҳасида суд ҳокимияти устидан ҳукмронлик қиласди. Унинг ихтиёрида қолдирилган ўзига ўзи судья, ҳакам бўлиш имконияти оддий давлатнинг ҳокимият тепасига келишининг асосий тўсиқларидан бирини ташкил этади. Аммо бу ишнинг фақат бир томони, холос. АҚШдек мамлакатда қонун чиқарувчи ва суд ҳокимиятининг устунлиги ушбу давлатда қоидаларни кўпайтиришга мутлақо халақит бермайди. Ушбу таққослаш кўп нарсани англатади, чунки у касалликни юзага келтирадиган вазият сабабларини тушунишга имкон беради ҳамда қабул қилмасликнинг бу каби муносабати

мамлакатда ҳар хилдир”<sup>58</sup>. М.Крозъенинг фикрига қараганда, ҳокимиятбўлинишининг французча модели “иқтисодий ва ижтимоий ўйин иштирокчилари ўртасида келишувнинг мураккаблигини ҳайратда қолдирадиган даражада ошириб юборишга”, “ижтимоий ва иқтисодий ўйинг киришнинг тенглигини таъминлаш мақсадида аралашувнинг зарурлигига”<sup>59</sup> олиб келади.

Фуқаролик жамияти — кўплаб зиддият ва музокараларни ўз ичиг олган мураккаб ижтимоий муносабатлар жамланмаси, деб ёзади франциялик файласуф ва жамиятшунос Ален Турен (1925 йилда туғилган Саноатлашган жамиятда иқтисодий ва ижтимоий ўйин иштирокчилари ҳамд миллий давлат ўртасида жуда катта масофа юзага келади, деб ҳисоблайд А.Турен. Ушбу масофа дастурлаштирилган, саноатлашувдан кейинп жамиятда янада чуқурлашади. Бундай жамиятда қарорлар қабул қилип марказлари марказий пункти бўлмаган, ўзини ўзи ташкил қиласидиган ва ўзини ўзи ўзгартирадиган тизимни ҳосил қиласиди. Ижтимоий ҳаракатларнинг турли ва фаол тизимлари учун имконият яратиб берадиган, сезиларли даражадап сафарбарликка эга бўлган янада очиқ жамият томон ҳаракатланади.

Ижтимоий муносабатларнинг ўзаро боғлиқлиги ва табиати англашнинг энг янги ёндашувлари вакилларидан бири, халқаро даражада тан олинган польшалик машҳур социолог **Пётр Штомпка** (1944 йилда туғилган.) “кўплаб назариячилар мавхум ғоялар билан энди шуғулланишмаяпти, глобаллашув, шахс, хавф-хатар, ишонч, фуқаролик жамияти, демократия, меҳнатнинг янги шакллари, ижтимоий эксклюзиялар маданий жароҳатлар ва ҳоказолар каби реал масалаларга мурожаат қилишмоқда, дебёзади”<sup>60</sup>.

Польшалик олим “турли тарихий даврдаги ҳар хил ҳаракатларга эътибор қаратади. Ушбу ҳаракатлар асосан олдинги замонавий давр учун хусусиятли ва иқтисодий манфаатларга қаратилган бўлиб, уларнинг аъзола марказлашган ҳолда алохида ижтимоий синфлардан жалб қилинган. I шунингдек “янги ижтимоий ҳаракатлардир” (экологик ва феминист ҳаракатлар, тинчлик учун ҳаракат). Охиргисига учта хусусият хос: улар эътиборини янги мавзулар, янги манфаатлар, ижтимоий зиддиятларнинг ян учаскаларига қаратади; технология, расмиятчилик, сиёсатни иқтисодиётнинг инсон ҳаёти ва фаолиятининг барча жабҳаларига кир: келишига нисбатан ўз муносабатини ҳаёт сифати ва унинг майдони кенгайтириш борасидаги хавотир билан ифодалайди (1); бу каби ҳаракатларнинг аъзолари қандайдир муайян синфнинг вакиллари ҳисобланмайди (2); янги ижтимоий ҳаракатлар одатда марказлашмагн бўлиб, кескин иерархик шаклдаги ташкилотни қабул қилмайди (3)”<sup>61</sup>.

Фуқаролик жамияти ва ҳокимият элитаси ўртасидаги мухолифат янги демократик шароитларда ҳам юзага келади, деб таъкидлайди П.Штомпка Ҳокимиятдан узоқлашиш, олигархлашув, гурухбозлик, таниш-билишчили сиёсий табақанинг худбин манфаатлари, “янги номенклатура”, коррупци

<sup>58</sup>Крозье М. Современное государство – скромное государство. Другая стратегия изменения// Свободная мысль. – 1993.-№11.-С.35-43.

<sup>59</sup>Крозье М. Современное государство – скромное государство. Другая стратегия изменения// Свободная мысль. – 1993.-№11.-С.35-43.

<sup>60</sup> Штомка П. Теоритическая социология и социологическое воображение// Социологический журнал. – 2001.-№1.

<sup>61</sup> Штомпка П. Социология социальных изменений. М.: Аспект Пресс, 1996. С.339-342.

мансаб ваколатларидан ўз манфаати йўлида фойдаланиш - бугунги к) воқеиликлариdir. Институционал ва конституциявий даражада демократия учун курашиш ғалаба қозонган ҳозирги кунда “янги чегаралар”ни забт этғ керак бўлади; демократик институтларни яхшилаш учун кураш, уларн ҳақиқий ҳаракатлантирувчи органларга айлантириш, мавжуд жиноятларн бартараф қилиш, фуқаролар руҳига демократияни сингдириш ана шула жумласидандир.

Ижтимоий фанлар вакили, деб таъкидлайди П.Штомпка, маънави жиҳатдан рағбатлантирадиган омилларни сафарбар этиши, ҳокимш фаолиятидаги камчиликларни ошкор қилиши, ҳукуматнинг вакиллик органлари олдида янада кўпроқ ҳисобот бериб бориши учун фуқароли жамиятини қўллаб-қувватлаши керак. Ушбу талабни бажариши учун улармураббийларнинг ролини бажариши, жамият номидан ошкор гапирини керак. Маълум ҳолатларда мазкур вазифа улар учун нафақат хусусий талаб в; фуқаролик бурчи, балки профессионал мажбурият бўлади<sup>62</sup>.

Мухим ижтимоий акторлар - индивидуал, колектив ва ҳокимият акторлари мавжуд, дейди П.Штомпка. Бу модернизациянинг хилма-хил йўллари ва унинг кўплаб натижаларининг пайдо бўлишига олиб келади Модернизация мазкур жамият анъаналари, унинг ноёб ижтимоий хотираси ммаданий мероси, диний ёки мафкуравий ишончи билан боғлиқ бўлиши даркор. Уларнинг барчаси оқилона ислоҳотларни аамалга ошириш учун авлодлар тажрибаси ва донолигидан фойдаланадиган ҳокимиятлар, ўтмип билан чамбарчас боғлиқ ҳолда тартибсизлик ва ўзгаришлар даврида ўзҳаётини ҳимоя қиласидаган ҳалқ учун модернизация ҳаракатларини амалга оширишда интеллектуал ҳамда маънавий ресурсни ифода этади.

Жорж Вашингтон университетининг социология бўйича профессори коммунитар жамият концепцияси муаллифи Амитай Этциони (1929 йилда туғилган) янги глобал архитектура ҳуқуқ ва эркинликнинг нафақат ғарбонг принципларига, балки ҳокимият ва ҳамжамиятнинг шарқона тушунчалариг; ҳам асосланиши керак, деб ҳисоблайди. А.Этциони трансмиллий масалаларнинг ривожланиши муайян миллат томонидан энди “қайт; ишланмаслиги” керак ҳамда у глобал муассасаларнинг янги қатламини шунингдек, глобал фуқаролик жамияти ва глобал сиёсий институтларни талаб қиласи, деб таъкидлайди.

Аввалги концепцияларда ҳокимиятни қонунийлаштиришда бошқариладиганларнинг ролига эътибор қаратилган, уларнинг розилигг кўзда тутилган ва ушбу розиликни ифода этишда одамларнинг фаол иштироки талаб этилмаган, деб ёзади А.Этциони. Аксинча, қонунийликнинг замонавий концепцияси марказида - ҳукуматни қонунийлаштиришга розилик берадиган ёки рад этадиган ҳокимиятга эга индивидларнинг ҳуқуқлари борлиги тўғрисидаги тушунча туради. Конституция нормаларини ишлаб чиқиш, ижро этувчи, қонунчилик ва суд тизимлари ўртасида зарур ўзаро тийиб туриш ва мувозанат тизими сифатида ҳокимият бўлиниши ҳамда

<sup>62</sup> Штомпка П. Миссия социологии в посткоммунистических обществах//Посев. -2006.№6.-С.24.

чеклашини таъминлайдиган жараён демократия ўзгаришларга тайёргарликни таъминлайдиган омилдир.

Умуман олганда, сабиқ коммунизм давридан кейинги ўтиш ижобий жараённи ифода этади. Ислоҳотлар туфайли жамиятда юзага келадиган норозиликлар сабиқ коммунизм давридаги туб ўзгаришларни баҳолаш мезони ва уларни муҳокама этишга асос бўлиб хизмат қиласди.

Ўтиш даврининг стратегик муаммоси, дейди Нью-Йорк университети профессори **Адам Пшеворский** (1940 йилда тугилган), “қўлида қуроли борлар сени ўлдиришига ёки ишлаб чиқариш ресурсларини назорат қилаётганлар очдан ўлдиришига йўл қўймасдан демократия ўтишдир. Мана шу таърифдан кўриниб турибдики, демократия олиб борадиган йўл мashaққатлидир. Якуний натижа эса мана шу йўлга боғлиқдир. Демократия ўрнатилган аксарият давлатларда бу демократия мустаҳкам бўлмади. Уларнинг кўпчилигига ўтиш даври умуман ҳаракатдан тўхтади”<sup>63</sup>.

Демократлаштириш, деб давом этади Л.Бальцерович - бу сиёсий тузумнинг ўзгариши, **давлатнинг роли ва тузилмаси**, сиёсий қайта ўзгаришлардир. Бунда польшалик иқтисодчи Иккинчи жаҳон урушидан сўнг қатор мамлакатлардаги демократлашувнинг “янги классик” тури (1940 йй.да Германия, Италия ва Япония, 1970 йй.да Испания ва Португалия, 1970-1980 йй.да бир қатор Лотин Америкаси мамлакатлари, 1980 йй.да Жанубий Корея ва Тайвань), шунингдек, Осиёда демократиянинг сабиқ коммунистик тури (1970 йилдан бошлаб Хитойда ва 1980 йиллари охиридан Вьетнамда). муваффақиятли амалга оширилганини таъкидлайди.

Бир сиёсий тузумдан бошқасига, асосан авторитар тузумлардан демократик тузумларга ўтиш жараёнини ўрганиш ижтимоий-фалсафий таҳлил, транзитология обьекти ҳисобланади. Транзитология муаммоларисирасига қуидагилар киради: ўтиш даври бошланишининг сабаблари ва дастлабки шартларини аниқлаш; ўтиш даври босқичларини ва уларга амал қилиш мантигини кўриб чиқиш; транзитнинг асосий акторлари ва уларнинг сиёсий моделнинг амалга оширилишига таъсирини тадқиқ этиш; транзитнинг якуний мақсадларини таҳлил этиш; ўтиш даврининг асосий обьектив муаммоларини ўрганиш. (Шу аснода, деб ёзади библиографлардан бири, замонавий ижтимоий фалсафани айниқса демократик институтларнинг барқарор ўсиши учун муҳим замин сифатида фуқароларнинг иқтисодий хуқуқларининг кенгайиши, индивидуал эркинликни сақлашнинг моддий кафолатини ривожлантириш ўта қизиктириб қолди). Транзитология мавзуси Стэнфорд университети профессори **Майкл Макфол** (1963 йилда туғилган), В.Банс, шунингдек, юқорида номлари тилга олинган З.Бжезинский, Л.Бальцерович ва бошқаларнинг асарларида ривожлантирилган.

Флоренциядаги Европа университети профессори **Филипп Шмиттер**, Европа ва Стэнфорд университети профессори **Терри Линн Карл** каби америкалик сиёсатшунослар, “шарқона” устунлик концепцияси тарафдорларининг далилларини таҳлил қилган ҳолда, шуни кўрсатадики,

<sup>63</sup>Бальцерович л. Навстречу ограниченному государству / Пер. С англ. – М.: Новое издательство, 2007.

ушбу далиллар асосида фараз ва тахминлар, яъни демократияни бирлаштириш назарияси ва транзитологиянинг сохта изоҳи ётади. Демократияни аниқ таърифлаш ва унинг мезонларига аниқлик киритиш учун эҳтиёж бор. Собиқ коммунистик мамлакатлар ўзига хос ҳуссиятларга эга, аммо уларнинг яқинда эски тузумдан янги тузумга ўтиш билан боғлиқ ўзгаришларни бошидан кечирган бошқа мамлакатлар билан ўхшашлиқдараражаси ҳақидаги концепция ва фаразларни ифода этиш, уларни синаб кўриш, барча минтақаларнинг тажрибасига таянган ҳолда уларни тасдиқлаш ёки рад қилиш жуда кўп вақт ва меҳнатни талаб этади.

Иқтисодий жиҳатдан демократия ҳар доим ҳам бошқарувнинг бошқа шаклларидан кўра самарали шакли бўлавермайди. Иқтисодий, умуман, ривожланган демократик мамлакатларда сарфланган ва тежалган маблағларнинг ўсиш суръатлари нодемократик мамлакатлардагига қараганда кўп бўлиши шарт эмас. Айниқса иш ташлашни уюштириш, сармояни четга олиб чиқиши ёки уни ишлатмасдан ташлаб қўйган ҳолда ҳақиқий ёки хаёлий авторитар таҳдидга мулкдорлар ва маъмурий элита ўз муносабатини билдира олган пайтдаги ўтиш даврида бунинг эҳтимоли катта.

Албатта, демократлаштириш ҳамма вақт ҳам, иқтисодий ўсиш, ижтимоий тотувлик, самарали бошқарув, сиёсий уйғунлик, бозор эркинлигини олиб келавермайди. Бу борада, ижтимоий сиёсатга таъсири қилувчи ва ҳукуматни шакллантирувчи, эскича қарашлар билан рақобатлашувчи; ўрнатилган йўл-йўриқлар орқали иқтисодий ва ижтимоий можароларни ҳал қилишга қобилиятли сиёсий тузилмаларнинг туғилишини сиёсий тузум инобатга олиши керак.

Ғарбдаги транзитологиянинг энг йирик вакилларидан бири, америкалик иқтисодчи, “номутаносиб ахборотнинг мавжуд бозорларни таҳлил қилиш учун” йўналиши бўйича иқтисодиёт соҳасида Нобель мукофоти лауреати **Жозеф Стиглецининг** ёзишича, Ғарб маслаҳатчилари маълум жамият шароитида ўзларининг ислоҳот андозаларини тавсия этишади: ушбу жамият ижтимоий сармоя даражаси билан етишган ўз тараққиёт тарихига, муайян сиёсий кучлар таъсири қилган сиёсий жараёнлар, сиёсий институтлармажмуига эга<sup>64</sup>.

Ўтиш даври иқтисодиётидаги мамлакатлар учун бойлик яратиш асосий гоя бўлиши керак. Инқирозга қарши барча чораларни жамиятнинг трансформацияси сифатида ривожлантириш учун, масъулиятни халқаро молиявий институтларга юкламаган ҳолда, ижтимоий-сиёсий йўналишда иш олиб бориш керак, деб таъкидлайди Ж.Стиглиц. Ривожланаётган мамлакатлар учун энг муҳими кучли ва мустақил суд ҳокимияти, сайдовчилар олдида демократик асосда ҳисоб бериб бориш, очик, коррупциядан холи бўлган самарали давлатчилик мавжуд бўлиши керак, деб қайд этади Ж.Стиглиц.

Ўтиш давридаги асосий роль ҳокимиятга тегишилидир. Иқтисодий ҳокимиятдан самарали фойдаланиш намуналари етарлича. Улардан энг

<sup>64</sup> Стиглиц Дж. Куда ведут реформы? Вопросы экономики. -1999.-№7.-С.34.

муҳими солиқ солиш ҳисобланади. Ҳукумат муайян турдаги фаолиятни тақиқлаш учун, ўз ҳуқуқларидан фойдаланиб, кишилардан ижтимоий таъминот тизимида иштирок этишни талаб қиласи ва ҳоказо. Бу ўринда масала шундан иборатки, ушбу хусусиятлар иқтисодий ташкилот сифатида давлатга қандай фазилат ва нуқсонларни “юқтириши” мумкин? Ҳукумат, монопол ҳуқуқларни тақдим этган ёки ўзининг монопол қудратидан фойдаланганда эҳтиёткор бўлиши керак. Айни пайтда Ж.Стиглиц молия компанияларининг лоббистик фаолиятидан ва уларнинг ҳукумат муассасалари билан бирлашишидан огоҳлантиради.

Ахборотнинг чекланган, фойдани номақбул тақсимлашнинг олдини олишнинг заиф имкониятлари - буларнинг барчаси зиддиятлар тизимида табиий заруратни келтириб чиқаради, муҳим ижтимоий вазифаларни ҳал қилишда ҳукуматнинг заифлигини сезиш ва сиёсий институтлар консерватизми сабаби бўлади. Консерватизм, рақобатли босимлар мавжуд бўлмаган ҳолда, институтларнинг қотиб қолишига олиб келади. Ж.Стиглицнинг фикрича, ўзгаришлар жараёнининг ўзи, амалиёт ва йўл-йўриқларни қайта кўриб чиқиши фойдали бўлиши мумкин.

Давлат томонидан бошқариш тизимининг қиймати муҳим омил ҳисобланади. Демократик жамиятларда айрим раҳбарларни сайлаш ва бошқаларнинг сайланиши ҳолати мавжуд. Бунда электорат иқтисодий соҳада фаолият юритадиган, яхши ишлайдиган менежерларни саралаб олиш лаёқати каби қатор хусусиятлар бўйича етакчиларни сайлайди. Айрим сайловчиларнинг ўз овозларини жиддий аҳамиятга эга эмас, деб ҳисоблаши давлат сиёсатига салбий таъсир кўрсатиши мумкин. Бундан ташқари, Ж.Стиглиц келгуси ҳукуматларга мажбуриятлар юклаш мақсадида амалдаги ҳукуматларнинг лаёқатини чеклаш сингари салбий феноменлар борасида сўзюритади.

Сиёсий жараёнлар иқтисодий тараққиёт йўналишларини танлашга жиддий таъсир кўрсатади. Шунинг учун иқтисодий сиёсат факат техник эксперталар томонидан ишлаб чиқилмаслиги керак. Сиёсий ислоҳотларнинг узун тарихи шундан дарак берадики, даромадларни тўғри тақсимлаш ҳам муҳим аҳамият касб этади. Одатда, “қонун устуворлигини белгилашга қаратилган ислоҳотлар” деб аталадиган ислоҳотларни ўрта синф талаб қиласи экан<sup>65</sup>.

АҚШдаги Мичиган университетининг социолог ва сиёсатшунос олими **Рональд Инглхарт** ўтган асрнинг 90-йилларидаёқ, “халқнинг маданиятини бир соатда ўзгартириб бўлмайди. Ҳукмдорлар ва қонунларни ўзгартириш мумкин, миллат маданияти ўзига хослигинини белгилайдиган дастурларни ўзгартириш учун эса йиллар кетади. Ҳатто, инқилобий ўзгаришларда ҳам уларнинг замондан узоқлашган оқибатлари инқилобчилар умид қилган натижалардан анча фарқ қилиши ва аввалги моделнинг жиддий унсурлари сақланиб қолиши эҳтимолдан ҳоли эмас,” - деб таъкидлаган эди. Муаллифнинг фикрича, демократия етук, самарали бўлиши учун

<sup>65</sup>Стиглиц Дж. Кто потерял Россию? //Эковест.-2004.-Вып.4.-№1.-С4-37.

институционал тузилма ва элиталарнинг демократик кайфиятидан ҳам кўпроқ нарсалар зарур. У инсон ривожи, демократик тузум қарор топишига олиб борадиган, ўзини номоён этиш билан боғлиқ қадриятларнинг оммалashiши туфайли янада кенг кўламли **эмансипационқучлар** ҳаракатининг натижасига айланади.

Демократияни ва турли «очик жамият моделлари»ни экспорт қилиб бўлмаганидек, деб хулоса қиласи президент И.Каримов, “давлат курилишининг универсал лойиҳасини ҳам ташқаридан импорт қилиш ёки гиқишириш мумкин эмас”.

Бу борада турли мафкуравий марказлар четдан туриб, “мутлақэркинлик, чегарасиз эркинлик, эркин ахлоқ деган сохта ғояларни ўзлари«мўлжалга олган жамиятларнинг онгига сингдиришга зўр бермоқда. Бу йўлда “оммавий маданият” намуналаридан, турли ахборот технологияларидан, радиотелевидение, интернетнинг ижтимоий тармоқлари каби воситалардан маккорлик билан фойдаланмоқда.

“Очиқ жамият” тўғрисида гапирганда, айтиш лозимки, австриялик ва::нтиациялик файласуф ва социолог Карл Поппер (1902-1994 йй.) ривожланаётган демократик давлатлар учун унинг уч асосий издан чиқарувчи жиҳати мавжуд эканини кўрсатади: инструментал рационалликижтимоий ва сиёсий меъёр ва тартиботларни (десакрализация) назаргаилмаслик (2), унинг аъзолари ижтимоий мақомини ўзгартириш имконияти Маълумки, очик жамиятда кишилар, мурсадан келиб чиқсан ҳолда, қарорлар қабул қиласи. Бундай жамиятда сиёсий элита чекланган ҳокимиятгаэмас ва қон тўкишларсиз ҳокимиятдан четлатилиши мумкин. Идеалдавлат бошқаруви назарияси умуман мавжуд эмас, ҳукумат ўз сиёсатини силлиқ равишда ўзгартириши учун сиёсий тизим етарли даражада мослашувчан бўлиши лозим. Жамият қўплаб нуқтаи назар ва маданиятлар учун очик бўлиши, плюрализм ва мультикультурализм аломатларига эга бўлиши лозим<sup>66</sup>.

“Очиқ жамият” амалиётчиларидан бири, “зарғалдоқ инқилоб”ларнинг бош назариётчиси, Альберт Эйнштейн номидаги Ижтимоий институт асосчиси Жин Шарп (1928 йилда туғилган) сиёсий ҳокимиятнинг қуидаги манбаларини ажратиб кўрсатган: **авторитет (обрў)** (ҳокимиятнинг қонунийлиги ва унга бўйсунишга мажбурлик борасида кишиларнинг ишончи); **инсоний захиралар** - ҳукмдорларга бўйсунадиган, улар билан ҳамкорлик қиласидиган ёки ёрдам кўрсатадиган алоҳида киши ва гурухларнингмаълум бир сони; тузум учун зарур бўлган ҳамда у билан ҳамкорлик килувчилар томонидан тақдим этиладиган **кўнишка ва билимлар; номоддий омиллар** - кишиларни ҳукмдорларга бўйсундирадиган, улага ёрдам кўрсатишга мажбурлайдиган; **моддий омиллар** ҳукмдорлар томонидан назорат қилинадиган бойликлар, табиий захиралар, маблағлар, иқтисодий тизим, шунингдек, алоқа ва транспорт воситалари; санкциялар - тузумнинг авжуд бўлиши ва унинг сиёсатини амалга ошириш учун зарур бўлган,

<sup>66</sup>Поппер К. Открытое общество и его враги.- Москва: Международный фонд “Культурная инициатива”, 1992.

хамкорликдан бош тортадиган ёки бўйин эгмайдиганларга таҳдид қилувчи жаазолар. (Эслатиб ўтамиз, Жин Шарп сиёсий зулмга қарши куч ишлатмаслик назарияси деб аталмиш назарияга ҳисса қўшган: куч ишлатилмайдиган курашнинг усувлари, уларнинг ўзаро ҳаракатлари, айрим кўринишларини камлаган ва батафсил тасвиirlаб берган; бу усувлар ҳар қандай мамлакатда ;ар хил кўринишида қўлланиши мумкин)<sup>67</sup>.

Стэнфорд университетининг сиёsatшунослик бўйича профессори Филипп Шмиттернинг таъкидлашича, Жанубий Америка, Шарқий Европа ва~Осиёда бирлашишнинг йўқлиги ўтиш даври ҳамда ўзини ўзи ташкил этувчи тизим йўқлигининг белгиси ҳисобланади. Эҳтимол, ушбу минтақадаги кўплаб давлатлар уларнинг ижтимоий тузилмаларига мос келувчи ёки фуқаролар учун мақбул бўлган барқарор ўзини ўзи бошқариш шаклини ўрнатишга эриша олмаслиги мумкин. Умумий маънода тушуниладиган демократия, автократия умрини ўтаб бўлганидан сўнг қарор топади, бироқ ҳеч қачон мустақил равишда қоидаларнинг ўзига хос тарзда ишончли ва умумэътироф этилган йифиндисига айланана олмайди. Сайловлар ўтказилади; эркин йиғилишлар мавжуд; ҳукуқлар ҳурмат қилинади; ҳукумат ўзбошимчалиги камайтирилган, бошқача айтганда, энг кам талабларга маълум даражада риоя қилинади, бироқ мунтазам, мақбул ва оқибатларини олдиндан айтиш мумкин бўлган демократик шакллар ҳеч қачон тўлиқ юзага чиқмайди. Демократия алмашмайди, у сақлаб қолинади, аммо янги муаммолар вужудга келишига қараб ad hoc ва ad hominem тартибида фаолият кўрсатади. Бундай ҳолатларда партиялар, уюшган манфаатлар ва этник ёки диний гурухлар ўртасидаги муносабатларни белгиловчи бирон-бир умумий муроса мавжуд эмас<sup>68</sup>.

Давлат аппаратидан нисбатан мустақил ҳамда фуқаролар ҳаётининг асосий муаммоларини ҳал қиласиган ўзини ўзи ташкил этувчи ва ўзини ўзи бошқарувчи тизим, фуқароларнинг ҳукуқ ва мажбуриятлари мувозанати уларнинг ижтимоий-касбий мақомидан қатъи назар, улар амалий ҳамкорлигининг асосий негизига айланган тақдирдагина шаклланади.

Ўзини ўзи бошқариш тизимларининг вужудга келиши, фаолият кўрсатиши ва ривожланиш жараёнларини сайёрамиздаги ўзини ўзи бошқаришни ривожлантиришнинг глобал универсал жараёнлари шаклларидан бири сифатида кўриб чиқиши мақсадга мувофиқдир. Чунки, “ҳақиқий” демократия маҳаллий ва глобал даражадаги турли макон босқичларидан ташкил топган ўзини ўзи бошқарадиган ва ўзини ўзи ташкил этадиган хилма-хил жамоаларни таққослашда ўз ифодасини топиши лозим. Иккинчи томондан, кескин назариялар ҳам мавжуд бўлиб, уларга мувофиқ глобал бошқарувни парчалаб ташлаш ҳамда ҳокимиятни ўзини ўзибошқарувчи барқарор маҳаллий ҳамжамиятларга бериш зарур.

Санта Барабадаги Калифорния Университети профессори У.И.Робинсоннинг таъкидлашича, замонавий демократизация - бу Ғарб ва трансмиллий элиталарнинг сиёсий ва иқтисодий манфаатларини илгари

<sup>67</sup> Шарп Д. От диктатуры к демократии: стратегия и тактика освобождения. – Москва: Новое издательство, 2012.-84c.

<sup>68</sup> Шмиттер Ф. Угрозы и дилеммы демократии//Пределы власти. 1997.-№1.-С.6.

сурувчи, ташқаридан бошқариладиган ҳамда пухта режалаштирилган жараёндир. Унинг “демократияни илгари суриш концепцияси” кўплаб давлатларнинг тажрибасида тасдигини топмоқда ҳамда демократик ўтиш даври мамлакатларида бошқа назарияларда кўзга ташланмаган жиҳатларни кўриб чиқишига ёрдам бермоқда.

“Заргалдоқ инқилоблар” шароитида куч ишлатмасдан мажбурлаш оқибатлари ўта нохуш натижалар бермоқда. Сиёсий тузум ҳаракат қилингти қобилиятини йўқотади ва ҳокимият тузилмаси издан чиқади. Тўсатдан вужудга келган ҳамда мустаҳкамланган ўзини ўзи бошқариш, ҳамкорликдан бош тортиш ҳамда бўйсунмаслик шу қадар кенгайиб кетадики, ҳокимият улар устидан назоратни йўқотади.

Маҳаллий ўзини ўзи бошқариш фуқаролик жамиятининг энг муҳим элементи ҳисобланади ҳамда фуқаролик жамиятига хос бўлган ўзини ўзи бошқариш, ривожлантириш, ташкил этиш хусусиятларига, плюралистик тизимга эгадир. Агар фуқаролик жамиятининг амал қилиш шарти сифатида ҳуқуқии давлат кўриб чиқиладиган бўлса, унда маҳаллий ўзини ўзи бошқарувини амалга ошириш, биринчи навбатда, ҳокимиятнинг бўлиниш принципи юзага чиқиши билан bogliqdir. Maҳalliy ўzini ўzi boшқariшmaқсадlariдан biri maҳalliy ҳamjamiatlar ҳaeti faoliyatining, ўzini ўzi boшқaruvchi xududiy birliklar faoliyat kўrsatiшинing maқbul sharoitlariни яратишидир. Maҳalliy ўzini ўzi boшқaruv fuқarolik жамиятига яхши йўлга кўйилган va ўzini ўzi boшқaradigan йўлни тақдим этади, fuқarolarning ўzini янада тўлиқ намоён этишига имкон яратади, ҳуқуқий давлат ривожига ижобий таъсир кўрсатади.

Маҳаллий ўзини ўзи бошқариш хусусиятининг икки ёқламалилигини, давлат бошқарувига нисбатан унинг комплементар (тўлдирилувчи) ролини тушунмаслик амалда маҳаллий ўзини ўзи бошқариш институтининг жойлардаги давлат бошқарувига ёки оммавий ҳокимият белгиларига эга бўлмаган ижтимоий ўзини ўзи бошқаришга айланишига олиб келиши борасидаги фикрига кўшилмаслик мумкин эмас.

### **Назорат саволлари:**

1. Антик даврда фуқаролик жамияти тўғрисидаги ғоялар тизими.
2. IX–XII асрларда Марказий Осиё мутаффакирларининг адолатли жамияти ҳақидаги қарашлари.
3. Янги даврда фуқаролик жамиятининг янги талқинлар ва назариялар.
4. XIX-XX асрлардаги фуқаролик жамияти концепциялари.
5. Фуқаролик жамияти замонавий концепцияларининг мафкуравий моделлари.

**4-мавзу:** Фуқаролик жамиятининг шаклланиш ва ривожланиш босқичлари.

*РЕЖА:*

- 4.1. Европада фуқаролик жамиятининг шаклланиш ва ривожланиш боқичлари.
- 4.2. Ўзбекистонда фуқаролик жамиятининг шаклланиш ва ривожланиш боқичлари.

#### **4.1. Европада фуқароликнинг шаклланиш ва ривожланиш боқичлари.**

Фуқаролик жамияти категорияси тарихан инсоният ривожланишининг шундай бир алоҳида йўналишини акс эттирадики, у ҳар бир даврнинг ўзига хос фикрлайдиган мутафаккирининг оқилоналиқ, эркинлик, фаровонлик ва адолат хукм сурувчи идеал жамият моделини яратишга интилиши билан тавсифланади. Давлат, оила, қабила, миллат тушунчалари, диний ва бошқа бирликлардан фарқ қилувчи фуқаролик жамияти категорияси, юқорида қайд этиб ўтганимиздек, XVIII-XIX асрларга келиб ўрганила бошланди.

Европа ва Шимолий Америка мамлакатларида фуқаролик жамиятининг шаклланиши янги даврда бошланди. Олимлар ва мутахассислар фикрига кўра, фуқаролик жамиятининг ривожланишини уч босқичга ажратиш мумкин. Бунда бир босқичдан кейинги босқичга ўтишда жамият ва давлат тузумида юз берган катта ўзгаришлар, ижтимоий ва сиёсий тангликлар, оммавий ҳаракатлар, ижтимоий қатламлар ва синфларнинг тўқнашувлари, жамият мафкурасида туб ўзгаришларнинг рўй бериб туриши анъанага айланди.

Биринчи босқич шартли равишда XVI-XVII асрларни ўз ичига олади. Бу даврда фуқаролик жамиятининг иқтисодий, сиёсий ва мафкуравий асослари яратилди. Улар жумласига саноат ва савдонинг ривожланиши, ишлаб чиқариш турларининг ихтисослашуви, меҳнат тақсимотининг теранлашуви, товар-пул муносабатларининг ривожланиши киритиш мумкин. Шунингдек, ягона марказлашган давлатларнинг ташкил топиши билан феодал тарқоқлик даврида мавжуд бўлган тенгсизлик, ҳуқуқсизликларга барҳам беришга эътибор берила бошланди.

Иккинчи босқич XVIII аср охиридан XIX аср охиригача давом этди. Бу даврда энг ривожланган мамлакатларда умумий юридик тенглик ва эркинлик, шунингдек иқтисодий эркинлик ва шахсий ташаббусга асосланган дастлабки капитализм кўринишидаги фуқаролик жамияти шаклланди.

Учинчи босқич (XIX аср охири ва ундан кейинги давр) вертикал феодал

тузилмалар ўрнини эркин одамларнинг ҳуқуқий тенглиги ва ўзаро битимларига асосланган горизонтал муносабатлар эгаллагани билан тавсифланади. Инсониятнинг қўп асрлик тарихида барча одамлар, ижтимоий келиб чиқиши ва мавқеидан қатъи назар, жамият ҳаётининг ҳуқуқий жиҳатдан тенг иштирокчилари деб эътироф этилиши муҳим ижтимоий аҳамият касб этди. Улар ҳар кимга ўзини эркин хоҳиш-иродага эга бўлган, ўз ҳаракатлари ва уларнинг ҳуқуқий оқибатлари учун ўзи жавоб беришга қодир шахс сифатида намоён этиш имкониятини берувчи қонунлар билан эътироф этилган қатор ҳуқуқлар ва эркинликларга эга бўла бошлади.

Фуқаролик жамиятининг ҳаётда юзага келишига Ҳуқуқлар ҳақидаги билль (Англия, 1689 й.; АҚШ, 1791 й.) ёки Инсон ва фуқаро ҳуқуқлари декларацияси (Франция, 1789 й.) каби инсон ҳуқуқ ва эркинликларини ҳимояловчи ҳуқуқий актларнинг қабул қилиниши муҳим аҳамият касб этди. Фуқаролик жамияти – ўз шахси, ижодий ташаббусини эркин намоён этувчи тенг ҳуқуқли одамлар жамияти, ортиқча таъқиқлар ва ортиқча маъмурий тартибга солишлардан ҳоли бўлган тенг имкониятлар жамияти сифатида шаклланди.

Маълумки, Ватанимиз мустақилликка эришганидан сўнг бозор иқтисодиётига асосланган эркин демократик давлат барпо этиш, фуқаролик жамиятининг мустаҳкам пойдеворини шакллантириш бош стратегик мақсад сифатида белгиланди. Шу каби жамиятгина Ўзбекистон халқининг муносиб турмушини, ҳуқуқ ва эркинликларини кафолатлаши, миллий анъаналар ва маънавиятимизни қайта тиклаши, шахс сифатида инсоннинг маънавий-ахлоқий камол топишини таъминлай олиши эътироф этилди.

Фуқаролик жамиятини шакллантиришнинг асосий мезонларидан бири -бу унинг ҳуқуқий негизини яратишдан иборат бўлганлиги боис, биринчи навбатда, Ўзбекистон Республикаси Конституциясида фуқаролик жамиятининг ҳуқуқий пойдеворини ўрнатишга, унинг асосий қоида ва талабларини ҳуқуқий жиҳатдан мустаҳкамловчи ҳуқуқий нормаларининг ўз ифодасини топишига алоҳида эътибор берилган.

Ўзбекистон Республикаси Конституциясида фуқаролик жамиятининг асосий қоида ва талабларини акс эттирувчи принципиал аҳамиятга эга бўлган нормалар сифатида давлат халқ иродасини ифода этиб, унинг манфаатларига хизмат қилиши, давлат органлари ва мансабдор шахслар жамият ва фуқаролар олдида масъул эканлиги (2-модда), халқ давлат ҳокимиятнинг бирдан бир манбаи ҳисобланиши (7-модда), Ўзбекистон Республикаси давлат ҳокимиятнинг тизими - ҳокимиятнинг қонун чиқарувчи, ижро этувчи ва суд ҳокимиятига бўлиниши принципига асосланиши (11-модда), Ўзбекистон Республикасида ижтимоий ҳаёт сиёсий институтлар, мафкуралар ва фикрларнинг хилма-хиллиги асосида ривожланиши, ҳеч қайси мафкура давлат мафкураси сифатида ўрнатилиши мумкин эмаслиги (12-модда)<sup>69</sup> каби фуқаролик жамиятининг асосий принциплари юридик жиҳатдан мустаҳкамлангандир.

<sup>69</sup>Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси.-Т.:Ўзбекистон, 2016.-Б.4-6.

Мустақиллик даврида фуқаролик жамиятини ривожлантириш бўйича Конституциямизда қайд этилган асосий принциплар ва нормалар асосида давлат ҳокимияти ва бошқарувини демократлаштириш, суд-хуқуқ тизимини ислоҳ этиш, ахборот соҳасини ислоҳ қилиш, ахборот ва сўз эркинлигини таъминлаш, сайлов ҳуқуқи эркинлигини таъминлаш, фуқаролик жамияти институтларини шакллантириш ва ривожлантириш, демократик бозор ислоҳотларини ва иқтисодиётни либераллаштиришни янада чуқурлаштириш бўйича тадрижий ислоҳотлар амалга оширилди.

Ўзбекистонда фуқаролик жамияти асослариини яратиш ва ривожлантириш бўйича амалга оширилган ишларни фуқаролик жамияти шаклланиши ва ривожланишини уч босқичга бўлинади:

Биринчи босқич ўз ичига 1991-2000 йилларни қамраб олади. Бу даврда, биринчи навбатда фуқаролик жамиятининг асослари яратилди.

Иккинчи босқич 2000-2010 йиллардамамлакатни демократлаштириш ва модернизациялаш бўйича фаол жараёнлар давом эттирилди.

Учинчи босқич 2011-2016 йиллар. Бу даврда фуқаролик жамияти қуришга доир хуқуқий асослар ривожлантирилди, фуқаролик жамиятининг ижтимоий таянчи – ўрта ижтимоий қатлам янада мустаҳкамланди.

Тўртинчи босқич 2017 йилда бошланиб, фуқаролик жамиятини шакллантиришнинг амалий жиҳатларини намоён бўлиши билан характерланади. Бу даврда фуқаролик жамияти қуриш ғоялари “2017-2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегияси” ва “Ўзбекистон Республикасида Маъмурӣ ислоҳотлар концепцияси”да янада ривожлантирилиб, бу соҳадаги туб бурилиш даврини бошлаб берди. Бу босқичда фуқаролик жамияти шиддат билан ривожланиб, ўзини ҳар томонлама намоён эта бошлади. Бу даврда Президент Ш.Мирзиёев томонидан олиб борилаётган ислоҳотлар мазмуни янги босқич бошланганидан далолат бермоқда.

Фуқаролик жамиятининг шаклланиши ва ривожланиши бўйича қўйидаги хулосалар чиқариш мумкин:

-фуқаролик жамиятининг шакилланиши узоқ давом этиб келаётган мураккаб тарихий жараёндир. Фуқаролик жамиятининг баъзи бир унсурлари қадимги Юнонистон ва Римда намоён бўлди, Янги даврда эса унинг баъзи шаклланиш унсурлари қашф этилди, хозирги даврда эса унинг бир бутун тизим сифатидаги тасаввурлар шаклланди;

- фуқаролик жамияти ғояси инсониятнинг антик даврдан буён давом этиб келаётган тафаккурлаши маҳсулидир. Авестода, Қадимги юонон файласуфлари фикрларида, Ўрта аср Шарқ мутафаккирларининг қарашларида, Уйғониш ва Реформация даври ғоялари ва бугун XXI аср жаҳон хамжамияти томонидан умуминсоний ижтимоий маданий қадриятлар сифатида эътироф этилди. Маълумки, ҳар қандай фан, ўз моҳиятига кўра умумбашарийдир. Дунёning барча халқлари ўзининг катта-кичиклигидан қатъий назар фуқаролик жамияти назариясига ўзларининг ҳиссаларни қўшди. Шу нуқтаи назардан фуқаролик жамиятининг шаклланиши ва ривожланиши тўғрисидаги ғоялар қарашларга бир ёқлама ёндашиш уни уларни камситиш мумкин эмас;

-фуқаролик жамиятининг хусусиятлари, белгилари, тамойиллари ҳар қандай ижтимоий тузимда мавжуддир, бироқ уларнинг ривожланиш даражаси турли хилда бўлиши мумкин.

-фуқаролик жамиятининг шаклланиш жараёнлари холати ижтимоий ҳаётнинг ва давлат ҳокимияти бошқарувининг демократлашиб бориши билан биргаликда кечади.

-фуқаролик жамиятининг шаклланиши хуқуқий давлатчиликнинг шаклланиш жараёни билан уйғунликда такомиллашиб боради.

-ҳар бир давлатда фуқаролик жамиятининг шаклланиши ва ривожланиши ўзига хос миллий ментал хусусиятларга боғлиқ ҳолда, шаклан миллий моделларда намоён бўлиши мумкин;

-хозирги даврдаги дунёдаги бирон-бир мамлакат фуқаролик жамияти энг сўнги етуклик босқичига эриша олгани йўқ ва уни такомиллаштириш узулуксиз давом этадиган жараёндир.

### **Назорат саволлари:**

1. Европада фуқаролик жамиятининг шаклланишининг хуқуқий асослари.
2. Фуқаролик жамиятининг шаклланиш босқичларининг ўзига хс хусусиятлари.
3. Ўзбекистонда фуқаролик жамиятининг шаклланишининг назарий асослари.
4. Ўзбекистонда фуқаролик жамиятининг шаклланиш ва ривожланиш боқичлари.
5. Харакатлар стратегияси – Ўзбекистонда фуқаролик жамиятининг ривожланишининг концептуал асоси

## **5-мавзу: ФУҚАРОЛИК ЖАМИЯТИ ИНСОНИЯТ ТАРАҚҚИЁТИНИНГ - ЮҚОРИ БОСҚИЧИ.**

### **РЕЖА:**

- 1.1. Фуқаролик жамияти – тараққиётнинг юқори босқичи.
- 3.2. Фуқаролик жамиятининг асосий белгилари

**Таянч иборалар:** “фуқаролик жамияти”, “давлат”, *ижтимоий шакллар, институтлар, касаба уюшмалари, партиялар, бирлашмалар, тадбиркорлар*.

#### **1.1. Фуқаролик жамияти – тараққиётнинг юқори босқичи.**

Ижтимоий-сиёсий фанларда “фуқаролик жамияти” ва “давлат” тушунчалари узоқ даврлар бир-биридан унчалик фарқланмай келди, улар айнан бир мазмундаги тушунчалар сифатида ишлатилди. Бирок, XVII аср ўрталаридан бошлаб, жамиятнинг турли жабҳаларини табақалашиши, нодавлат ўзини ўзи бошқариш унсурларини шаклланиши, баъзи фуқароларнинг ўз ҳуқуқ ва эркинликларини қўлга киритиши, эркин фикрлайдиган ва мустақил индивидни шаклланиши жараёни ижтимоий тараққиётнинг икки тамойилини юзага келтирди. Улар энди фан обьекти сифатида ўрганила бошланди.

Давлатда ҳокимиятнинг учга бўлиниш принципини асосланиши, сиёсий партиялар, манфаатлар гурухлари (касаба уюшмалари, оммавий ахборот воситалари ва ҳ.к.) пайдо бўлиши билан жамият ҳаёти мазмuni энди фақат давлат ҳокимияти билан чекланиб қолмасликни тақозо этди. Жамият бошқаруви дунёсига янги иштирокчи институтлар кириб кела бошлади, улар сиёсий қарорлар қабул қилиш, фуқаролик жамияти стратегиясини ишлаб чиқиш, шахс фаолиятининг умумий мақсад ва мазмунини шакллантириш жараёнига сезиларли даражада таъсир кўрсата бошлади.

Фуқаролик жамияти тушунчаси абсолютизм режими ағдарилганидан сўнг шаклланган янги ҳаётни, яъни фуқароларнинг шахсий ҳаётини давлат тазиқидан халос этишини акс эттира бошлади. Фуқаролик жамияти унсурлари давлатнинг жамиятдаги нодавлат ижтимоий тузилмаларидан ажralиши, нодавлат ижтимоий муносабатларнинг нисбатан мустақилликка эришиши натижаси ўлароқ пайдо бўлди. Фуқаролик жамияти шаклланиши ва ривожланиши жараёнига монанд равишда ҳуқуқий давлат шакллана бошлади.

Фуқаролик жамиятининг давлатдан ажralиши айнан ижтимоий табақалар ўртасидаги тенгизлики тугатиш ва ижтимоий муносабатларни давлат тасарруфидан чиқариш жараёни ҳосиласи ўлароқ юз берди. Бу жараёнга бутун аҳоли номидан иш кўришга асосланган вакиллик давлат органларининг шаклланиши асос бўлди.

Натижада одамларнинг хуқуқий ўзаро тенглиги уларга хуқуқ ва эркинликлар бериш воситасида, яъни қонунларда белгилаб қўйиш йўли билан тан олинди. Табақавий тенгсизлик ўрнини эгаллаган умумий хуқуқий тенглик шахснинг мутлақо янги ижтимоий ҳолатини белгилаб берди. Энди индивидлар, уларнинг ижтимоий келиб чиқишидан қатъи назар, эркин ҳамда ижтимоий ҳаётнинг тўлақонли иштирокчилари, деб эътироф этилди.

“Фуқаролик жамияти” ва “хуқуқий давлат” тушунчалари XVIII асрда пайдо бўлган. Одамлар ҳаёти ва фаолиятининг икки томони: уларнинг шахсий манфаатлари, ташаббуси, ихтиёрий фаолияти жабҳаси ва одамлар хулқатворларини давлатнинг хоҳиш-иродасига бўйсунувчи халқ ҳокимияти жабҳаси шу тушунчаларда ўз ифодасини топди.

Фуқаролик жамияти – очик ижтимоий тузилма. Унда сўз эркинлиги, шу жумладан, танқид қилиш эркинлиги, ошкоралик, ҳар хил ахборотлар олиш эркинлиги, ҳар бир ҳудудга эркин кириш ва чиқиш хуқуки, бошқа мамлакатлар билан кенг миқёсда, доимий асосда ахборот, таълим технологиялари алмашинуви, чет давлатлар ва жамоат ташкилотлари билан маданий ва илмий ҳамкорлик, халқаро хуқуқ принциплари ва нормаларига мувофиқ халқаро хорижий бирлашмалар фаолиятига кўмаклашиш таъминланади. У умумий инсонпарварлик тамойилларига содик бўлиб, дунё миқёсидаги шундай тузилмалар билан ўзаро алоқа қилиш учун очиқдир.

Хуқуқий давлат – бу шундай бир давлат ҳокимиятдирки, у хуқуқ нормаларига биноан ва улар доирасида иш кўради, бу нормаларни бузиш, бекор қилиш ёки чеклашга журъат этмайди, фуқаролар ва уларнинг бирлашмаларининг узвий табиий-тарихий хуқуқларини эътироф этади.

Тоталитар давлатда хавфсизликни таъминлаш хуқуқий тартиботни муҳофаза қилиш, одамлар хулқатворини давлат белгилаган хуқуқий қоидаларга мувофиқлигини таъминлаш фаолиятидан иборат бўлади, давлат ҳокимиятига татбиқан хавфсизликни давлат хавфсизлиги ва фуқаролик жамияти хавфсизлигига ажратиш юз бермайди.

Фуқаролик жамиятининг хавфсизлиги (жамоат хавфсизлиги) қўйидаги кўрсаткичлар билан тавсифланади:

- ижтимоий адолат;
- давлат билан ўзаро муносабатларда фуқароларнинг ва умуман жамиятнинг хуқуқларини эътироф этилиши;
- қонунийлик тартиби;
- фуқароларнинг иқтисодий фаровонлиги;
- демократик плюрализм;
- жамиятнинг очиқлиги;
- фуқаролик жамиятининг шаклан миллий, мазмунан умуминсонийлиги.

Фуқаролик жамиятининг юзага келиши инсон хуқуқлари ва фуқаро хуқуқларининг фарқланишини белгилаб берди. Инсон хуқуқларини фуқаролик жамияти, фуқаро хуқуқларини – давлат таъминлайди. Иккала ҳолатда ҳам шахс хуқуқлари тўғрисида сўз юритилади, бироқ биринчи ҳолатда айrim инсон сифатидаги шахснинг яшаш, эркинлик хуқуқлари назарда тутилса, иккинчи ҳолатда – унинг сиёсий хуқуқлари назарда тутилади.

Инсон ҳуқуқлари ва фуқаро ҳуқуқлари ўртасидаги фарқ муайян асосларга эга бўлиб, улар куйидагилардан иборат:

1)инсон ҳуқуқлари давлат томонидан эътироф этилгани ва қонун йўли билан мустаҳкамланганидан, уларнинг эгаси - инсон у ёки бу давлатга мансублигидан қатби назар мавжуд бўлиши мумкин. Фуқаро ҳуқуқлари эса мазкур шахс қарашли бўлган давлат томонидан химоя қилинади;

2)дунёда ҳали анчагина одамлар умуман фуқаролик мақомига эга эмас (фуқаролиги бўлмаган шахслар - апатридлар). Бинобарин, улар расмий даражада фуқаро ҳуқуқларига эмас, балки инсон ҳуқуқларига эгадирлар. Фуқаролик жамиятининг вазифаси ижтимоий ҳаётнинг ривожланишини таъминлашдан иборатdir. Шу сабабли, унинг асосий таркибий қисмларининг вазифалари қаторига бу жараён нормал кечиши учун шарт-шароит яратиб берувчи институтлар фаолияти ташкил этади.

## **5.2.Фуқаролик жамиятининг асосий белгилари.**

Фуқаролик жамиятининг асосий қадриятларини оила, мулк, шахс, эркинлик, ҳуқуқ, маънавият, тартиб, давлатчилик кабилар ташкил этади. Бунда ҳаммани мажбурий тартибда мулкдорларга айлантириш назарда тутилмайди – уларнинг кўпчилиги буни хоҳламайди, бироқ бундай имконият ҳар ким учун сақланиши лозим. Мулк ҳар доим шахс ва бутун жамият эркинлигининг бош омили сифатида амал қиласди. Мулкка нисбатан ҳурмат мавжуд бўлмаган жойда шахсга нисбатан ҳурмат ҳам мавжуд бўлмайди.

Фуқаролик жамияти тузилмалари “юқоридан” туриб эмас, балки “куйидан” - фуқароларнинг ташаббуси билан, ихтиёрий асосда, табиийки, муассисларнинг манфаатлари, қизиқишлиари ва мойилликларига мувофиқ тузилади. Уларнинг эркинлиги давлат тузилмаларига қарам эмасликда, ички қоидалар билан назарда тутилган вазифаларни ҳал қилишга қаратилган ўзини ўзи бошқариш фаолиятида намоён бўлади.

Фуқаролик жамиятининг асосий белгилари мавжуд бўлиб улар куйидагилардир:

- Эркин индивидлар уюшмаси;
- ўзаро ҳамкорликка асосланган ижтимоий тузилма;
- мураккаб тузилишга эга бўлган плюратилстик тизим;
- ўзини ўзи ривожлантирадиган ва ўзини ўзи бошқарадиган нодавлат тузилмаларнинг мавжудлиги.

Фуқаролик жамиятининг энг муҳим омиллари:

1)иқтисодий эркинлик, мулк шаклларининг ранг-баранглиги, бозор муносабатлари;

2)инсон ва фуқаронинг табиий ҳуқуқларини сўзсиз эътироф этиш ва химоя қилиш;

3)ҳокимиятнинг қонунийлиги ва демократик хусусияти;

4)қонун ва одил суд олдида ҳамманинг тенглиги, ҳар бир шахснинг юридик жихатдан ишончли химояланганлиги;

5)ҳокимиятнинг учга бўлиниши ва ҳокимиятларнинг ўзаро алоқаси принципига асосланган ҳуқуқий давлат;

6)сиёсий ва мафкуравий плюрализм, конструктив мухолифатнинг

мавжудлиги;

7)сўз ва матбуот эркинлиги, оммавий ахборот воситаларининг мустақиллиги;

8)фуқароларнинг шахсий ҳаётига давлатнинг аралашмаслиги, уларнинг ўзаро мажбуриятлари ва бурчлари;

9) синфий ва миллий тотувлик, ижтимоий шерикчилик;

10)одамларнинг ўзларига муносаб турмуш даражасини таъминловчи самарали ижтимоий сиёsat.

Фуқаролик жамияти қатор тамойилларга таянган ҳолда фаолият кўrsатади. Жумладан:

-сиёсий соҳада ҳамма одамларнинг ҳуқуқ ва эркинликларининг тенглиги;

-бутун жаҳон ҳамжамиятида юридик кучга эга бўлган қонунлар асосида фуқаролар ҳуқуқ ва эркинликлари кафолатланган ҳуқуқий ҳимоя;

-индивидларнинг мулкка эга бўлиш ва ҳалол меҳнати учун адолатли ҳақ олиш ҳуқуқига асосланган иқтисодий мустақил эканлиги;

-қонун билан кафолатланган фуқароларнинг манфаатлари, касбий белгилари бўйича давлатдан ва сиёсий партиялардан мустақил ижтимоий бирлашмаларга бирлашиш имкониятлари;

-сиёсий партия ва фуқаролик ҳаракатларини ташкил этишда фуқароларнинг эркинлиги;

-фуқароларни эркин, маданиятли, маънавий ва ижтимоий фаол, жамият аъзоларини қонун олдида маъсулиятли қилиб шакллантирадиган фан, маданият, таълим ва тарбия учун зарурӣ моддий ва бошқа шарт-шароитларни яратиш;

-фақат қонун билан чекланган давлат цензурасидан ташқари эркин аолият юритадиган ОАВ яратиш ва фаолият юритиш эркинлиги;

-давлат ва фуқаролик жамияти ўртасидаги муносабатларни барқарорлаштирадиган механизмнинг (консенсуснинг) мавжудлиги, ҳамда фуқаролик жамияти хавфсизлигини давлат органлари томонидан таъминланиши. Бу механизм, расмий бўладими, норасмий бўладими, у ўз ичига қонуний актларни, ҳалқ вакилларини демократик сайлов йўли билан ҳокимиятнинг, ўз-ўзини бошқаришнинг турли органлари кабилар воситасида тайинлаш кабиларни олади.

Иқтисодий соҳада фуқаролик жамият асосини кўп укладли иқтисод, мулкнинг турли шакллари ва бошқариладиган бозор муносабатлари ташкил этади; Ҳуқуқий соҳада эса – ҳокимият бошқаруви ваколатларини марказда йиғилиб қолмаслиги, ҳокимиятлар бўлининиши, сиёсий плорализм, фуқароларнинг давлат ва жамоат ишларида иштирок этишлари, қонун устиворлиги, ҳамманинг улар олдида тенглиги; маънавий соҳада - ягона мафкура ва дунёқарашнинг якка ҳокимлигини мавжуд эмаслиги, виждон эркинлиги, маданийлик, юқори маънавият ва ахлоқ ташкил этади.

Фуқаролик жамияти шахс эркинлигисиз яшамайди. Эркинлик меъёрий кўринишга эга бўлгани учун, бундай шундай хулоса келиб чиқадики, бир томондан инсон эркинликка унинг норматив талабларига бўйсуниш қобилияти натижасида эга бўлади, бошқа томондан, шахс эркинлиги борлигининг ташки

шакли - бу эркинликнинг чегараларини белгиловчи ижтимоий меъёрлар мавжудлигини англатади. Ва фақатгина, жамият учун ёки инсоннинг ўзи учун энг муҳим аҳамиятга эга, энг асосий ҳисобланган соҳалардагина давлатнинг ўзи эркинликнинг ўлчовини, меъерини белгилаб беради. Бу эса ҳуқуқий меъёрлар, қонунлар, конституция ёрдамида амалга оширилади.

Бунда ҳуқуқ ва эркинликларнинг ўзи, жумладан, бир томондан, конституцияйиyllиги, иккинчи томондан, фуқаролик жамиятининг ривожланганлик даражаси билан, шунингдек унинг иқтисодий, ижтимоий, ижтимоий-сиёсий уюшганлигининг етуклиги даражаси билан белгиланади. Бошқа томондан қараганда, инсон ва фуқаронинг ҳуқуқ ҳамда эркинлигининг тўлиқлиги, уларнинг кафолатланганлиги даражаси, уларни ҳаётдаги изчиллиги фуқаролик жамиятининг ҳақиқий эркинлик ва ижтимоий адолатли жамият сифатида муҳим тавсифларини намоён этади. Демак, фақат фуқаролик жамияти шароитидагина инсон ва фуқаро ҳуқуқлари ҳар томонлама рўёбга чиқади. Шу тариқа фуқаролик жамияти қатор муҳим функцияларни бажаради:

1. Конун устуворлиги асосида у инсоннинг ва фуқароларнинг шахсий ҳаёт соҳасини давлат ва бошқа сиёсий тузилмаларнинг асосланмаган қатъий мувофиқлаштиришидан ҳимоя қилишни таъминлайди.

2. Фуқаролик жамияти уюшмалари асосида ижтимоий (жамоатчилик) ўзини – ўзи бошқариш механизмлари яратилади ва ривожлантирилади.

3. Фуқаролик жамияти давлатнинг демократик органларини, унинг барча сиёсий тизимини шаклланиши ва содда қўринишга келтиришига кўмак беради; бунда у турли воситалардан фойдаланади: сайлов кампаниялари ва референдумлар, норозилик ёки бу ёки у талабларини қўллаб-қувватлаш акцияларида, у ёки бу масаладар бўйича жамиятни шакллантиришда фаол иштирок этиш кабилар.

4. Фуқаролик жамиятининг институтлари ва ташкилотлари ўз эътиборини инсонларнинг ҳуқуқ ва эркинликларини амалда кафолатлашни ва давлат ва жамоат ишларида тенг иштирокини таъминлашга қаратади.

5. Фуқаролик жамияти ўз аъзоларига нисбатан ижтимоий назорат функцияларини бажаради: у давлатдан мустақил равишда восита ва санкциялар беришга эга бўлиши мумкинки, уларнинг ёрдамида у индивидларнинг жамоа талабларига риоя қилишларига мажбурлаши, фуқароларнинг ижтимоийлашувини ва тарбияланишини таъминлаши мумкин.

6. Фуқаролик жамияти коммуникацияйи вазифани бажаради. Бу жамият давлат органларига фуқароларнинг аниқ манфаатлари ҳақида ахортлар бериб туради, бу манфаатларни амалга ошириш эса фақат давлат органларига тегишилдири.

7. Фуқаролик жамияти ўз институтлари ва ташкилотлари воситасида барқарорлаштирувчилик вазифасини бажаради. У давлат фаолиятида танг ҳолатлар юз бергапнида унга ёрдам беради, жамият ҳаётини яшашини таъминлайдиган мустаҳкам тузилмаларини яратади.

### **Назорат саволлари:**

1. Фуқаролик жамияти ва давлат тушунчаларининг нисбати ва ўзига хослиги.
2. Фуқаролик жамияти ва хуқуқий давлат тушунчаларининг бир-бирига боғлиқлиги.
3. Фуқаролик жамияти мураккаб пулюралистик тизим.
4. Фуқаролик жамиятининг асосий белгилари ва тамойиллари.
5. Қонун устиворлигининг таъминланиши – фуқаролик жамияти ривожланишининг асосий омили.

## **6-мавзу: ЎЗБЕКИСТОН МИЛЛИЙ ТАРАҚҚИЁТИНИНГ ЯНГИ БОСҚИЧИДА ФУҚАРОЛИК ЖАМИЯТИНИНГ ШАКЛЛАНИШИ ВА РИВОЖЛАНТИРИШ СТРАТЕГИЯСИ.**

### **РЕЖА:**

- 6.1. Фуқаролик жамиятининг шакллантириши ва ривожлантиришда демократик институтларнинг тутган ўрни.**
- 6.2. Жамоатчилик назорати тушунчаси, тизими, субъектлари, шакллари ва турли кўринишлари.**
- 6.3. Ижтимоий шерикликнинг ривожланишининг назарий-ҳуқуқий асослар.**

**Таянч иборалар:** фуқаровийлик, жамоатчилик, жамоатчилик назорати, жамоатчилик назорати субъекти, жамоатчилик назорати обьекти, жамоатчилик назорати шакллари, жамоатчилик назорати институти, электрон хизмат, “электрон ҳукумат”, ҳокимият органларининг шаффоғлиги.

### **6.1. Фуқаролик жамиятининг шакллантириш ва ривожлантиришда демократик институтларнинг тутган ўрни.**

Ҳозирги даврда фуқаролик жамиятини шакллантириш, ҳуқуқий давлат қуриш вазифалари нодавлат нотижорат ташкилотларни янада ривожлантириши тақозо этмоқда. Фуқаролик жамияти шароитларида фуқароларнинг турли туман ўзаро муносабатлари ва ҳамкорлиги, уларнинг ихтиёрий равишда жамият бошқарувида иштирок этиши жараёнлари асосан нодавлат нотижорат ташкилотлар томонидан амалга оширилади. Давлат билан жамиятнинг бир-бирларидан бегоналашмаслиги ҳам нодавлат нотижорат ташкилотлар фаолиятининг ривожланиши билан боғлиқдир.

Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 34-моддасидаги «Ўзбекистон Республикаси фуқаролари касаба уюшмалари, сиёсий партияларга ва бошқа жамоат бирлашмаларига уюшиш, оммавий ҳаракатларда иштирок этиш ҳуқуқига эгадирлар»<sup>70</sup> каби фуқароларнинг жамият институтларида иштирок этишини таъминлаб берадиган ҳуқуқий асосларнинг эътироф этилиши республикада жамият тараққиёти инсоният ҳаётининг бир неча асрлар мобайнидаги тажрибалари ва синовларидан муваффакиятли ўтган эркинлик жамияти - фуқаролик жамияти сари интилаётгандигини англаради.

<sup>70</sup> Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси.-Т.: Ўзбекистон, 2016.-Б.13-14.

Ҳозирги даврда Ўзбекистондаги нодавлат нотижорат ташкилотлар ва сиёсий партиялар фаолияти 1991 й. 14 февралда қабул қилинган Ўзбекистон Республикасининг «Жамоат бирлашмалари тўғрисида»ги Конуни (1997 й. апрелда қўшимча ва ўзгартиришлар киритилган), Ўзбекистон Республикасининг «Касаба уюшмалари, уларнинг хуқуqlари ва фаолиятининг кафолатлари тўғрисида»ги Конуни (1992 й. июль), Ўзбекистон Республикасининг «Сиёсий партиялар тўғрисида»ги Конуни (1996 й. декабрь), Ўзбекистон Республикасининг «Виждан эркинлиги ва диний ташкилотлар тўғрисида» янги тахрирга Конуни (1998 й. май), Ўзбекистон Республикасининг «Фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари тўғрисида» янги тахрирга Конуни (1999 й. апрель), Ўзбекистон Республикасининг «Нодавлат нотижорат ташкилотлари тўғрисида»ги Конуни (1999 йил апрель) каби қонунлар воситасида мувофиқлашади.

Ўзбекистонда нодавлат ташкилотларга доир қонунчилик ривожланган мамлакатлар тажрибаси, халқаро хуқуқий меъёрлар ва миллий анъаналар асосида шакллантирилган бўлиб, у ўзида демократик принциплар ва қадриятларни мужассамлаштиради. Мамлакатда давлат бош ислоҳотчи сифатида нодавлат ташкилотларнинг қонунчилик асосларини ҳар томонлама ривожлантиришга муҳим аҳамият бермоқда. Парламентда нодавлат нотижорат ташкилотлар фаолиятини мувофиқлаштиришга доир юзлаб қонунлар ва бошқа хуқуқий меъёрлар қабул қилинган бўлиб, уларнинг ичидаги Ўзбекистон Республикасининг «Нодавлат нотижорат ташкилотлари тўғрисида»ги Конуни (1999 йил 14 апрель) нодавлат нотижорат ташкилотларнинг серкірра фаолиятини ҳар томонлама мувофиқлаштириш ва хуқуқий жиҳатлардан таъминлашга қаратилди.

Қонуннинг 1-моддасида нодавлат нотижорат ташкилоти тузишнинг умумий мақсади ижтимоий фойдали манфаатларнинг қондирилиши эканлиги эътироф этилиб, бу билан нодавлат ташкилоти ўз фаолиятида халқчиллик принципига амал қилиши шарт эканлиги белгилаб қўйилди<sup>71</sup>.

Мазкур Қонуннинг 2-моддасида «Нодавлат нотижорат ташкилоти тушунчаси»нинг таърифи демократик қадриятлар асосида талқин қилинади: «Нодавлат нотижорат ташкилоти - жисмоний ва (ёки) юридик шахслар томонидан ихтиёрийлик асосида ташкил этилган, даромад (фойда) олишни ўз фаолиятининг асосий мақсади қилиб олмаган ҳамда олинган даромадларни (фойдани) ўз қатнашчилари (аъзолари) ўртасида тақсимламайдиган ўзини ўзи бошқариш ташкилотидир.

Нодавлат нотижорат ташкилоти жисмоний ва юридик шахсларнинг хуқуқлари ва қонуний манфаатларини, бошқа демократик қадриятларни ҳимоя қилиш, ижтимоий, маданий ва маърифий мақсадларга эришиш, маънавий ва бошқа номоддий эҳтиёжларни қондириш, хайрия фаолиятини амалга ошириш учун ҳамда бошқа ижтимоий фойдали мақсадларда тузилади»<sup>72</sup>.

<sup>71</sup> Ўзбекистон Республикасининг «Нодавлат нотижорат ташкилотлари тўғрисида»ги Конуни// «Нодавлат нотижорат ташкилотлари тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикасининг Конунига шархлар.-Т.:Адолат,2001.-Б.15.

<sup>72</sup> Ўша жойда.-Б.14.

Ушбу қонунда нодавлат нотижорат ташкилотлар билан давлатнинг ҳамкорлиги шундай ўз ифодасини топганки, давлат органи, яъни парламент қонун қабул қилади, бу қонунга биноан «учинчи сектор» аъзолари ва жамият манфаатлари учун хизмат қилади. Қонунда қайд этилган ижтимоий фойдали мақсад тушунчаси нодавлат ташкилотлар фаолиятини аҳолининг ночор қатламларини ижтимоий ҳимоя қилишга йўналтиради. Давлат органларининг муҳим функцияларидан бири аҳолини ижтимоий ҳимоя қилиш эканлигини эътиборга олсак, бу соҳада давлат органлари билан нодавлат ташкилотларнинг ўзаро ҳамкорлиги учун хуқуқий асосларнинг яратилганлиги намоён бўлади.

«Нодавлат нотижорат ташкилотлари тўғрисида»ги қонунга биноан нодавлат нотижорат ташкилотларининг мақсадлари қўйидаги йўналишлардаги фаолиятлар бўйича амалга оширилади:

-биринчидан, кенг маънодаги маданий мақсадларга эришиш кўзлаб тузилган. Бунда маориф, илм-фан, маданият соҳаларида фаолият олиб борилади;

-иккинчидан, мамлакат аҳолисининг сиҳат-саломатлигини таъминлашни кўзлаб фаолият юритиш (спорт ва жисмоний тарбия билан шуғулланувчи, турли хил хасталикларнинг олдини олиш ва уларни даволашнинг илғор тажриба ҳам усулларини тарғиб этувчи ташкилотлар);

-учинчидан, турлича фаолият йўналишидаги хуқуқни муҳофазаловчи ташкилотлар (масалан, истеъмолчилар хуқуқини ҳимоялаш жамияти);

-тўртинчидан, фуқароларнинг маънавий ва бошқа хилдаги номоддий эҳтиёжларини қондиришга қаратилган ташкилотлар (носиёсий уюшмалар, ижтимоий жамғармалар ва бошқалар);

-бешинчидан, хайр-эҳсон ишлари билан шуғулланувчи ташкилотлар<sup>73</sup>.

Ўзбекистонда нодавлат нотижорат ташкилотларнинг ўзаро муносабатлари ва ҳамкорлиги ушбу Қонуннинг 4-моддасида қўйидагича таърифланади: «Давлат нодавлат нотижорат ташкилотларининг хуқуқлари ва қонуний манфаатларига риоя этилишини таъминлайди, уларга ижтимоий ҳаётда иштирок этиш учун teng хуқуқий имкониятлар яратиб беради. Нодавлат нотижорат ташкилотларининг алоҳида ижтимоий фойдали дастурларига давлат кўмак кўрсатиши мумкин.

Қонуннинг мазкур 4-моддаси нодавлат нотижорат ташкилотларнинг давлат органлари билан ўзаро муносабати асосларини белгилаб беради. Давлат, бир томондан, қонуний асосда нодавлат нотижорат ташкилотларининг хуқуқи ва қонуний манфаатларини мустаҳкамлайди, иккинчи томондан, нодавлат нотижорат ташкилотларнинг хуқуқи ва қонуний манфаатларини хуқуқий жиҳатдан ҳимоя қилиш масъулиятини ўз зиммасига олади.

Давлат нодавлат нотижорат ташкилотларининг хуқуқи ва қонуний манфаатлари амалга ошишини кафолатловчи шарт-шароитлар яратади, барча давлат органлари ва мансабдор шахсларнинг зиммасига қонун талабларини сўзсиз ижро этиш вазифасини юклайди, зарур ҳолатларда нодавлат нотижорат ташкилотларининг хуқуқи ва қонуний манфаатларини ҳар хил тажовузлардан

<sup>73</sup> Ўша жойда.-Б.16.

химоялайди. Нодавлат нотижорат ташкилотлари ўз ҳуқуқи ва қонуний манфаатларини химоя этилишини мавжуд барча ҳуқукий усуллар билан муҳофазалашга ҳақлидир.

Шунингдек, қонуннинг 4-моддасига мувофиқ нодавлат нотижорат ташкилотлари ўзларининг молиявий манбани шакллантириш, ички тизилма ва асосий фаолият йўналишларини ўз ихтиёри билан ўзи белгилаш масалаларида тўла мустақилдир<sup>74</sup>.

Шу билан бирга, ривожланган мамлакатлар ва халқаро ҳуқуқ меъёрлари ва миллий қонунчиликдан келиб чиқиб давлат қуйидаги йўналишларда нодавлат нотижорат ташкилотларининг фаолиятини назорат этиш ҳуқуқига эгадир:

-нодавлат нотижорат ташкилотларининг фаолиятлари Ўзбекистон Республикаси Конституцияси ва қонунлари доирасида амалга ошиш лозимлиги давлат томонидан назорат этилади (Қонуннинг 34-моддасига мувофиқ)<sup>75</sup>;

-нодавлат нотижорат ташкилотларини рўйхатга олган давлат органи мазкур ташкилотлар фаолиятлари йўналишлари улар низоми доирасида бўлишини назорат этади (Қонуннинг 21-моддасига мувофиқ)<sup>76</sup>;

-нодавлат нотижорат ташкилотлари анжуманлари ва тадбирларида давлат органлари вакили иштирок этиши мумкин;-нодавлат нотижорат ташкилотлари статистика ва солиқ органларига ўз вақтида ҳамда тегишли тарзда ҳисбот беришларини назорат қиласи (Қонуннинг 33-моддасига мувофиқ)<sup>77</sup>.

-нодавлат нотижорат ташкилотлари, ўз навбатида, давлат органлари ва мансабдор шахсларнинг ишига аралашмайди<sup>78</sup>, яъни, улар давлат органларининг иши устидан назорат ўрнатиш, ҳисбот талаб этиш, молиявий назорат ўрнатишга ҳақли эмас. (Конституциянинг 58-моддаси).

«Нодавлат нотижорат ташкилотлари тўғрисида»ги Қонуннинг 7-моддаси давлат органлари билан нодавлат ташкилотлар ўзаро муносабатлари ва ҳамкорлиги фаолиятини ҳуқукий жиҳатлардан мувофиқлаштиради. Бу модда шундай талқин этилади:

«Нодавлат нотижорат ташкилоти қуйидаги ҳуқуқларга эга:

-ўз аъзолари ва қатнашчиларининг ҳуқуқлари ва қонуний манфаатларини ифодалаш ҳамда ҳимоя қилиш;

-ижтимоий ҳаётнинг турли масалаларига доир ташабbusлар билан чиқиш, давлат ҳокимияти ва бошқарув органларига таклифлар киритиш;

-давлат ҳокимияти ва бошқарув органларининг қарорларини ишлаб чиқища қонун ҳужжатларида назарда тутилган тартибда иштирок этиш»<sup>79</sup>.

Шунингдек, нодавлат ташкилотлар тизимини янада мустаҳкамлаш, мазкур ташкилотларининг жамиятдаги барча ижтимоий қатламлар ва гурухлар манфаатларини ифода этиш мақсадларида 2003 йил 29 августида Олий

<sup>74</sup> Ўша жойда.-Б.22-23.

<sup>75</sup> Ўша жойда -Б.129-130.

<sup>76</sup> Ўша жойда.-Б.90.

<sup>77</sup> Ўша жойда.-Б.126.

<sup>78</sup> Каранг: Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси.-Т.: Ўзбекистон, 2016.-Б.20.

<sup>79</sup>Ўзбекистон Республикасининг «Нодавлат нотижорат ташкилотлари тўғрисида»ги Қонуни// «Нодавлат нотижорат тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикасининг Қонунига шархлар.-Т.: Адолат, 2001.-Б.28-29.

Мажлис томонидан Ўзбекистон Республикасининг «Жамоат жамғармалари тўғрисида»ги қонуни қабул қилинди. Унинг З-моддасига биноан жамоат жамғармаси деб, юридик ва (ёки) жисмоний шахслар томонидан ихтиёрий мулкий бадаллар асосида тузилган, ўзининг аъзоларига эга бўлмаган, хайрия, ижтимоий, маданий, таълим ёки бошқа ижтимоий фойдали мақсадларни кўзда тутган нодавлат нотижорат ташкилотига айтилади. Шунингдек, вилоятлар, шаҳарлар ва туманларда ҳам маҳаллий жамоат жамғармалар тузиш мумкин<sup>80</sup>.

Мамлакатда нодавлат нотижорат ташкилотлар фаолиятининг фуқаролик жамияти институти даражасида бўлишининг ҳукуқий асосларини ривожлантириш мақсадларида 2007 йилда Ўзбекистон Республикасининг «Нодавлат нотижорат ташкилотлар фаолиятининг кафолатлари тўғрисида»ги қонуни қабул қилинди. Мазкур қонунда нодавлат ташкилотларни қўллаб-кувватлаш ва уларнинг эркин ҳамда мустақил фаолиятларининг мавжуд қонунчилик ва давлат органлари томонидан кафолатланиши асосий мақсад қилиб олинди.

Мамлакатда нодавлат нотижорат ташкилотлар мустақиллигини таъминлаш, шунингдек, уларнинг фуқаролик жамиятининг муҳим институтига айланишини таъминлаш мақсадида давлатнинг «Кучли давлатдан - кучли фуқаролик жамияти сари» концептуал сиёсий дастури қабул қилинди ва у мамлакатда жамиятни ривожлантиришнинг асосий тамоилига айланди. Жамият сиёсий тизимини янада эркинлаштириш масалалари мазкур сиёсий дастур қабул қилинганидан кейин янада долзарб аҳамият касб эта бошлади.

### **6.3. Жамоатчилик назорати тушунчаси, тизими, субъектлари, шакллари ва турли кўринишлари.**

Хозирги фуқаролик жамияти ва ҳукуқий давлат шароитида давлат ҳокимияти органларининг самарали ишлаши учун албатта уларни фаолияти жамоатчилик назорати остида кечши лозимлигини ҳозирги давр ривожланган давлатлар тажрибаси исботламоқда. Агар, ҳозирги ғарб давлатлари тажрибасига эътибор берсак, фуқаролик назоратидан ҳоли бўлган давлат ҳокимияти логанларинимнг масълиятсизлиги аниқ сезилади: қонуннинг ишлаши тўлиқ таъминламайди, ҳисобсиз давлат ваколатларидан четга чиқадиган ва турли кампаниябозликларга берилишлар авж олади, бюджет ижросини амалга оширишда четга чиқишилар рўй беради, коррупция авж олади, инсон ҳуқук ва эркинликларига амал қилиш қийин кечади, уларни ҳимоя қилишга унчалик аҳамият берилмайди, мансабдорлар бошқарув фаолияти самараасиз кечади, ижтимоий муносабатларни тартибга солиш иккинчи даражали ишга айланади, давлат ҳокимияти ресурсларини бошқаришда субъективлик авж олади.

Фуқаролик жамияти шароитида жамоатчилик назорати – бу фуқаролар, фуқаролик жамияти институтлари, оммавий ахборот воситалари, сиёсий партиялар, жамоат бирлашмалари, касаба уюшмалари томонидан давлат ҳокимияти органларини қонунга амал қилишга мажбур этиш, уларнинг ўз вазифаларини маъсулият билан бажариши ва бунинг оқибати ўлароқ жамиятда

<sup>80</sup>Ўзбекистон Республикасининг «Жамоат жамғармалари тўғрисида»ги Қонуни://Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Ахборотномаси, № 9-10 (1329-1330).2003.-Б.89-90.

малакали ва самарали бошқарувни бажаришга мажбурлаш мақсадида давлат ҳокимияти органлари ва маҳаллий бошқарув органлари фаолияти устидан назорат қилиш ва текширишидир.

Жамоатчилик назорати – бу жамиятнинг фуқаролар шахсида ҳамда фуқаролик жамияти институтлари воситасида давлат ҳокимияти органларининг қонунларни ва ўз қарорларини қўллаш, амалга ошириш, шунингдек бу жараёнлар натижаларини баҳолаш механизмидир. Жамоатчилик назорати – бу фуқаролар, фуқаролик жамияти институтлари – жамоат ва нодавлат ташкилотлари, оммавий ахборот воситалари, сиёсий партиялар, касаба уюшмаларининг давлат ва маҳаллий ҳокимияти органларининг қонунга амал қилишларини таъминлашга мажбурлаш, ўз вазифасини бажаришида масъулиятни ҳис этиши, ўз мажбуриятларини сифатли тарзда бажариши каби фаолиятлари устидан турли шаклдаги текширувларни амалга оширишидир. Шунингдек, ривожланган давлатларда жамоатчилик назоратини жамиятда тутган ўрни унинг қанчалик “транспарент” эканлиги, яъни шаффофлик даражаси билан ўлчанади<sup>81</sup>.

Хозирги даврга хос замонавий давлатларда жамоатчилик назорати ижроия ва бошқа ҳокимият тармоқларини қонунга амал қилишни, ўз хукуқ ва ваколатларини малакали тарзда бажаришга мажбурлайди. Жамоатчилик назорати кучсиз бўлган ҳолатлар кўпинча ўтиш даврини ўз бошидан кечираётган давлатларда учрайди. Албатта, олимларнинг тадқиқот натижаларида кўрсатилишича, бу каби ҳолатнинг асосан учта сабаби мавжуд:

биринчидан, ҳокимият фаолиятини шаффофлик (очиқлик) билан рўй беришини таъминлайдиган механизмларнинг етишмаслиги; Иккинчидан, ҳали ўрта синфнинг жамоатчилик назоратининг бош ижтимоий базасининг ташкил этшга улгурмаганлиги; учинчидан, давлат ҳокимияти органлари мансабдорларида ва фуқароларида жамоатчилик назоратининг мохияти, усуслари, услублари, шакллари, механизмлари ва восита-куроллари тўғрисида зарур билимлар ва тасаввурларнинг етишмаслиги. Шунинг учун ҳам Россия фуқаролик жамиятини шаклланишига шарт-шароитларни яхшилаш омили сифатида Гарбий Европанинг ривожланган мамлакатлари ва АҚШ каби давлатларнинг жамоатчилик назоратини амалга оширишга доир тажрибаларини ўрганишга зарурат туғилади. Зеро, бу вазифа фуқаролик жамиятини қуришнинг асосий шартларидан бири ҳисобланади. ривожланиши тажрибасини бир неча маколада очиб бериш долзарб масала бўлиб колмоқда.

Маълумки, давлат ҳокимияти органлари бошқарувчилари – мансабдорлар давлатнинг марказий ва минтақавий молиявий муонсабатларини бошқаради, ер ва бошқа ресурсларни тақсимлади, оммавий ахборот воситалари (ОАВ) ва бошқа жамоат ресурсларини назорат қиласди, жамиятнинг турли соҳалари бўйича қабул қилинадиган қарорларнинг қабул қилинишига ўз таъсирини ўтказади, кадрларни ва хизмачиларни ишга олади ва ўз лавозмидан, меҳнат жамоаларини ўз ортидан эргаштиради, мамлакатни ривожлантириш стратегиясини аниqlашда иштирок этади.

<sup>81</sup>Баркер Р. Подотчетность власти и ее пределы. <http://usinfo.state.gov/journals/itgic/1103/ijgr/gj02.htm>.

Давлат ҳокимияти органлари раҳбарлари ўз шахсий манфалатларини мамлакатнинг миллий манфаатлари билан айнанлаштирган тақдирдагина улар бошқарув тизимининг ҳақиқий ва самарали намоёндага айланади. “Миллий манфаатлар” деганда халқнинг хавфсизлиги таъминлаш, ҳуқуқнинг, қонун ижросини устуворлиги, инсон эркинлиги ва ҳуқуқларини ҳимоя қилиш, мулкдорлар қатлами - ўрта синфни фуқаролик жамияти иқтисодий ва ижтимоий таянчи бўла оладиган даражада шакллантириши, демократик қадриятларни ва бозор муносабатлари асосида иқтисодиеёни ривожлантириш кабилар тушунилади. Бошқача айтганда, агар бошқарувчилар қатламида ўзининг жамиятдаги юкори ўрнини, молиявий жиҳатларга ва мулкга эга бўлишга оид ўз манфаатларини мамлакатнинг миллий манфаатларини ҳимоя қилиши ғоясининг кичик бир қисмiga айланган тақдирдагина у самарали ва халқчил мансабдорга айланади. Давлат мансабдори ўзини кучли ва гуллаб-яшнаетган мамлакатидагина яхши яшashi ва ўз хавфсизлигини сақлай олишини чукур англаган бўлиши лозим. Моҳиятан самарали бошқариш қобилиятга эга бўлган, нафақат ўзини, балки барча фуқароларнинг хавфсиз, кулай ва барқарор ҳаётини таъминлаш ишида фаол иштирок этадиган, фақат ўзидан юкори давлат ҳокимияти органлари олдидагина эмас, балки фуқаролар олдида ҳам масъулиятни ҳис қила оладиган – яъни фуқаролик жамияти талабларига жавоб берса оладиган мансабдорлар қўпчиликни ташкил этгандагина давлат ривожлана бошлайди.

Жаҳон тажрибасидан маълумки, жамоатчилик назорати жамиятга ҳам, давлат ҳокимиятига ҳам фойдали омил сифатида таъсир этади. Ҳақиқатан, у давлат ҳокимияти органларининг маъсул билан фаолият юритишига - қонуннинг ишланиши таъминлашга, инсон ҳуқуқи ва эркинликларини хурмат қилишга ва ҳимоялашга, бинобарин, умумий фаровонликка самарали ва ижобий таъсир кўрсатишга мажбур киласди. Жамоатчилик назорати давлат ҳокимияти органларини доимий ва муттасил равишда такомиллашиб боришини рағбатлантиради:

биринчидан, у давлат хизмати ходимларини турли туман, сон-саноксиз ўзига тортадиган, ҳою-ҳавасга бериладиган бойликлар ва лаззатларга иғтилмаслик иммунитетига эга бўлиши, маънавий бой бўлишга интилади;

иккинчидан, фуқароларнинг жамоатчилик назорати жамиятнинг ҳокимият органлари билан ўзаро – таъсир – акс таъсир алоқаларининг бир омили сифатида намоён бўлади, фуқароларга мамлакат тараққиётининг мақсадлари ва унинг устувор йўналишлари тўғрисида ҳаққоний тасаввурларга эга бўлиши ва давлат ҳокимияти органлари билан очиқ мулоқатларда бўлиб туришини таъминлайди. Давлат – жамият – фуқаролар ўзаро алоқалари ёрдамида ҳокимият органлари фуқароларнинг мамлакатда зарур ислоҳотларни ўtkазишга доир талабларига нафакат қулоқ тутади, балки бу ислоҳотларни амалга оширишга киришади;

учинчидан, жамоатчилик назорати давлат ҳокимияти органларини самарали ишлашга ундейди, у фуқароларнинг жамоатчилик назорати воситасида бошқарув кадрларини ўз вазифаларини астойдил бажаришга ундаш омили сифатида намоён бўлади. Бошқарув тизими кадрлари жамият аъзоларининг назорати остидагина самарали бошқарувни амалга ошириши мумкин, жамоатчилик

назорати кучи билан фуқароларнинг яратувчилик таклифлари ҳаётда ўз ифодасини топиши мумкин.

Хулоса қилиб айтганда, жамоатчилик назоратининг фаоллашуви натижасида рақобатбардош иктисодиёт ривожланади, кадрларнинг ички салоҳияти рўёбга чиқди, халқнинг турмуш даражаси ошади, кучли фуқаролик жамияти шаклланади, миллӣй хавфсизлик мустаҳкамланади, инсоний капитал ва унинг ресурси ҳаётда ишга тушади. Буларнинг барчаси пировард натижада мамлакатни салоҳиятли бўлишига олиб келади, жамият гуллаб-яшнайди, бошқача айтганда, миллӣй манфаатлар рўёбга чиқади.

Ўзбекистонда мустақилликнинг дастлабки давридан бошлаб хуқуқий давлат ва фуқаролик жамиятини қуришни асосий стратегик пировард мақсад сифатида эълон қилиниши, бозор иқтисодиётига ўтиш ислоҳотларини бошланиши натижасида жамоатчилик назоратини шакллантиришга зарурат пайдо бўлди. Чунки, жамоатчилик назорати фуқаролик жамиятининг муҳим институтларидан бири ҳисобланади.

Мустақиллик даврида фуқаролик жамияти институтларининг турли соҳалар бўйича жамоатчилик назоратини амалга оширишга доир у ёки бу қоидалар 40 дан ортиқ меъёрий-хуқуқий хужжатларда ўз ифодасини топди. Ўзбекистон Республикаси Конституциясида ва миллӣй қонунчиликда жамоатчилик назоратини амалга оширишнинг устувор қоидалари мустаҳкамланган. Хусусан, Конституциянинг 2-, 35- ва 60-моддаларида фуқаролик жамияти институтлари ва фуқароларнинг жамоатчилик назорати амалга оширишининг баъзи қоидалари мустаҳкамланди. 2014 йилнинг 16 апрелида Конституциянинг 32-моддасига фуқаролар жамият ва давлат ишларини бошқаришда бевосита ҳамда ўз вакиллари орқали иштирок этишининг йўли сифатида “давлат органларининг фаолияти устидан жамоатчилик назоратини ривожлантириш ва такомиллаштириш йўли билан амалга оширилади”<sup>82</sup> принципи киритилди.

Шунингдек, Ўзбекистон Республикасининг “Фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари тўғрисида”ги, “Касаба уюшмалари, уларнинг хуқуқлари ва фаолиятининг кафолатлари тўғрисида”ги, “Ўзбекистон Республикасида жамоат бирлашмалари тўғрисида”ги, “Нодавлат нотижорат ташкилотлари тўғрисида”ги, “Фуқароларнинг мурожаатлари тўғрисида”ги ва бошқа қатор қонунларда фуқаролар, фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари ва нодавлат ташкилотлар томонидан жамоатчилик назоратини амалга оширишда иштирок этишга доир моддалар киритилди.

Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 29-моддасига мувофиқ “Ҳар ким фикрлаш, сўз ва эътиқод эркинлиги хуқуқига эга. Ҳар ким ўзи истаган ахборотни излаш, олиш ва уни тарқатиш хуқуқига эга, амалдаги конституциявий тузумга қарши қаратилган ахборот ва қонун билан белгиланган бошқа чеклашлар бундан мустаснодир. Фикр юритиш ва уни ифодалаш эркинлиги фақат давлат сири ва бошқа сирларга тааллукли бўлган тақдирдагина қонун билан чекланиши мумкин”<sup>83</sup>. Мазкур конституциявий хуқуқ асосида 1997 йили 24 апрелда

<sup>82</sup>Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси.-Т.:Ўзбекистон,2016.-Б.13.

<sup>83</sup>Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси.-Т.:Ўзбекистон,2016.-Б.12.

Ўзбекистон Республикасининг “Ахборот олиш эркинлиги ва кафолатлари тўғрисида”ги, 2002 йили 12 декабрда “Ахборот эркинлиги принциплари ва кафолатлари тўғрисида”ги, “Ахборотлаштириш тўғрисида”ги қонунларинг қабул қилиниши ОАВ томонидан жамоатчилик назратини амалга оширишга ҳукуқий асослар яратди. Ўзбекистон Республикасининг 2002 йил 12 декабрда қабул қилинган “Ахборот эркинлиги принциплари ва кафолатлари тўғрисида”ги қонунининг 4-моддасига биноан “Ўзбекистон Республикасининг Конституциясига мувофиқ ҳар ким ахборотни монеликсиз излаш, олиш, текшириш, тарқатиш, ундан фойдаланиш ва уни сақлаш ҳукуқига эга. Ахборот олиш фақат қонунга мувофиқ ҳамда инсон ҳукуқ ва эркинликлари, конституциявий тузум асослари, жамиятнинг ахлоқий қадриятлари, мамлакатнинг маънавий, маданий ва илмий салоҳиятини муҳофаза қилиш, хавфсизлигини таъминлаш мақсадида чекланиши мумкин”<sup>84</sup>.

Шунингдек, мазкур қонуннинг 8-моддасида “Давлат ҳар кимнинг ахборотни излаш, олиш, текшириш, тарқатиш, ундан фойдаланиш ва уни сақлаш ҳукуқини ҳимоя қиласди. Жинси, ирқи, миллати, тили, дини, ижтимоий келиб чиқиши, эътиқоди, шахсий ва ижтимоий мавқеига қараб ахборот олиш ҳукуки чекланишига йўл қўйилмайди. Давлат ҳокимияти ва бошқарув органлари, фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари, жамоат бирлашмалари ва бошқа нодавлат нотижорат ташкилотлари ҳамда мансабдор шахслар қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда ҳар кимга ўзининг ҳукуқлари, эркинликлари ва қонуний манфаатларига дахлдор бўлган ахборот билан танишиб чиқиши имкониятини таъминлаб беришга, мақбул ахборот ресурслари яратишга, фойдаланувчиларни фуқароларнинг ҳукуқлари, эркинликлари ва мажбуриятларига, уларнинг хавфсизлигига доир ҳамда жамият манфаатларига тааллуқли бошқа масалалар юзасидан ахборот билан оммавий тарзда таъминлашга мажбурдирлар. Ўзбекистон Республикасида цензурага ва ахборотни монополлаштиришга йўл қўйилмайди”<sup>85</sup>.

Мустақиллик даврида мамлакатда "Касаба уюшмалари, уларнинг ҳукуқлари ва фаолиятининг асослари ҳақида"ги, "Сиёсий партиялар тўғрисида"ги қонунларда давлат ҳокимияти органларининг фуқаролик жамияти институтлари олдидаги масъулиятлари ҳукуқий жиҳатлардан мустаҳкамлаб қўйилди. нодавлат ташкилотларининг фаолиятини таъминлашга қаратилган қоида ва меъёрлар ўз аксини топган бўлса, Президентимиз фармонларида ва Вазирлар Маҳкамасининг қарорларида уларни давлат томонидан қўллаб-қувватлаш, имтиёзли солиқ тўловларини белгилаш, моддий-техник базасини мустаҳкамлаш шартшароитлари яратиб берилмоқда.

Мамлакатдаги миллий қонунчилкка биноан касаба уюшмалари меҳнат, меҳнатни муҳофаза қилиш ва касаба уюшмалари тўғрисидаги қонун ҳужжатларига риоя этилиши устидан жамоатчилик назоратини олиб борадилар. Фуқароларнинг меҳнат қилиш, ишни, касбни эркин танлаш, адолатли ва муносиб меҳнат шароитларида ишлаш борасидаги ҳукуқларини ҳимоя қилиш касаба

<sup>84</sup>Ўзбекистон Республикасининг «Ахборот эркинлиги принциплари ва кафолатлари тўғрисида»ги қонуни//Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Ахборотномаси, 2003 йил, № 1, 2-модда.

<sup>85</sup>Ўша жойда.

уюшмаларининг энг муҳим вазифаларидан бири ҳисобланади.

Сўнгти ўн йилликда касаба уюшмаларига фуқаролардан келиб тушаётган мурожаатларнинг мазмуни ҳам тубдан ўзгарди. Яъни, илгари мурожаатларнинг акасарияти моддий ёрдам қўрсатиш, йўлланма ажратиш масалаларига оид бўлган бўлса, ҳозирги даврга келиб уларнинг 68 фоизга яқинини жамоа шартномаларида белгиланган меъёрларга риоя этиш, ишдан ноқонуний бўшатиш, ишлаб чиқаришда кулай ва бехатар меҳнат шароитларини яратиш масалалари ташкил этмоқда. 2011-2015 йиллар давомида касаба уюшмалари томонидан фуқаролардан келиб тушган жами 57.254 та мурожаат кўриб чиқилиб, жамоатчилик назорати натижасида уларнинг 51.031 таси ҳал этилди.

Шунингдек, ходимларнинг қонуний ҳақ-хуқуқларини тиклаш мақсадида касаба уюшмалари томонидан судларга даъво аризалари, иш берувчиларга ҳамда давлат органларига тақдимнома киритиш амалиёти кенг жорий этилди. Хусусан, ўтган 2011-2016 йиллар давомида касаба уюшмалари томонидан судларга жами 361 та даъво аризалари ва иш берувчиларга 1.980 та тақдимнома киритилиб, бунинг натижасида 5.354 нафар шахснинг қонуний хукуқлари тикланишига эришилди.

2016 йил учун жамоа шартномасининг янги макети ишлаб чиқилиб, Федерация Кенгашининг интернет порталига, “norma.uz” сайтига жойлаштирилди, “Ишонч” ва “Ишонч-Доверие” газеталарида давлат ва рус тилларида чоп этилди. Касаба уюшмалари томонидан жамоа келишувлари ва шартномалари лойихаларини жамоатчилик экспертизасидан ўтказиш таомили жорий этилгани уларнинг сифатини яхшилаш ва ижтимоий юкламасини кучайтириш имконини берди<sup>86</sup>.

2017 йил 1-ярим йиллиги давомида турли даражадаги касаба уюшмалари ташкилотлари томонидан 4 минг 321 та мурожаат ўрнатилган тартибда кўриб чиқилди. Хусусан, уларнинг 845 таси қаноатлантирилди, 2292 та мурожаатлар бўйича муаллифларга тушунтириш берилди, 123 та мурожаатда қўрсатилган важлар ўз тасдигини топмади, 42 та мурожаат қонун талабларига мувофиқ кўрмай қолдирилди, 11 та мурожаат аноним деб топилди.

Касаба уюшмаларига йўлланган, лекин мазмун жиҳатидан кўриб чиқиши касаба уюшмалари ваколатига кирмайдиган масалалар акс эттирилган 71 та мурожаат муаллифлар хабардор қилинган ҳолда, ваколатли органларга юборилди.

Ходимларнинг меҳнат хукуқлари бузилганлиги аниқланган ҳолатлар юзасидан иш берувчиларга киритилган 173 та тақдимноманинг 64 таси қаноатлантирилди, судларга киритилган 75 та даъво аризасининг 21 таси мурожаат муаллифлари фойдасига ҳал қилинди,<sup>47</sup> 47 та даъво аризалари кўриб чиқилмоқда. Фуқароларнинг мурожаатларини кўриб чиқиш натижаларига кўра, жами 535 нафар шахснинг меҳнат хукуқи тикланиши ва ходимлар фойдасига 2 млрд. 450 млн. сўм миқдорида иш ҳақи ва унга тенглаштирилган тўловларнинг ундирилишига эришилди.

Мурожаатларни кўриб чиқиш натижалари бўйича Ўзбекистон Республикаси

<sup>86</sup>Исаев М.Меҳнат муносабатлари жамоатчилик назорати остида бўлиши шарт.23.06.2016/[http://www.norma.uz/bizning\\_sharflar/mehnat\\_munosabatlari\\_jamoatchilik\\_nazorati\\_ostida\\_bulishi\\_shart](http://www.norma.uz/bizning_sharflar/mehnat_munosabatlari_jamoatchilik_nazorati_ostida_bulishi_shart).

Бош прокуратураси, Ўзбекистон Республикаси бандлик ва меҳнат муносабатлари вазирлиги ҳамда Олий Мажлиснинг инсон хуқуqlари бўйича вакили (Омбудсман)га, шунингдек ҳудудлар ва тармоқлар кесимида давлат ҳокимияти ва бошқаруви органларига таҳлилий маълумотномалар киритилди<sup>87</sup>.

Мамлакатда меҳнат муносабатларини демократик принциплар асосида ривожлантириш, бу соҳада касаба уюшмаларининг жамоатчилик назоратини амалга оширишдаги ролини кучайтиш, бу соҳага ҳалқаро стандартларни оли кириш каби янги ғояларни ҳаётга татбиқ этиш 2016 йилнинг охирги чорагида бошланди. Айниқса, Ҳалқаро Меҳнат Ташкилотининг (ХМТ) Ўзбекистон томонидан ратификация қилинган конвенцияларини ҳаётга татбиқ этиш масаласи 2016 йил 12 октябрда парламент томонидан “Касаба уюшмалари, уларнинг хуқуqlари ва фаолиятининг кафолатлари тўғрисида”ти Ўзбекистон Республикаси Қонунига ўзгартишлар киритиш ҳақида”ти ҳамда “Ҳалқаро меҳнат ташкилотининг бирлашмалар эркинлиги ва касаба уюшмаларига бирлашиш хуқуқини ҳимоя қилиш тўғрисидаги 87-сонли Конвенциясини ратификация қилиш ҳақида”ти Ўзбекистон Республикаси қонунларининг маъқулланиши муҳим ўзгаришларга олиб келди. “Касаба уюшмалари, уларнинг хуқуqlари ва фаолиятининг кафолатлари тўғрисида”ти Ўзбекистон Республикаси Қонунига ўзгартишлар киритиш ҳақида”ти Ўзбекистон Республикаси Қонунда касаба уюшмалари фаолиятини тартибга солувчи қонун ҳужжатларини янада такомиллаштириш, қонуннинг амалда қўлланиш амалиётини таҳлил қилиш натижасида аниқланган эскирган норма ва қоидаларни бартараф этиш, қонуннинг айrim нормаларини янги қабул қилинган қонунлар ва бошка норматив-хуқуқий ҳужжатларга мувофиқлаштиришга қаратилган ўзгартиш ва кўшимчалар ифодаланди.

Хусусан, қонунда касаба уюшмалари фаолиятининг ташкилий-хуқукий асослари такомиллаштирилди. Жумладан, ходимларнинг алоҳида тоифалари, жумладан, якка тартибдаги тадбиркорлар, хунармандалар ва бир марталик ишларда банд шахслар учун Ўзбекистон Республикаси Конституциясига мувофиқ бирлашиш эркинлиги кафолатлари мустаҳкамланди. Янги давр талабларини инобатта олган ҳолда якка тартибдаги тадбиркорлар ишлайдиган жойларда, шунингдек, тармоқлар ва ҳудудлар даражасида касаба уюшмалари ташкилотларини тузиш ва фаолиятини таъминлаш тартиби белгиланди. Якка тартибдаги тадбиркор томонидан ёлланган ходимларга ҳам касаба уюшмаларига бирлашиш хуқуқи берилиб, хусусий секторда меҳнат қилувчи шахсларнинг ижтимоий-иктисодий хуқуqlарини ҳимоя қилиш самарадорлиги оширилди.

Қонунга ўзгартишлар киритилиши натижасида касаба уюшмаларининг хуқуқий ҳимоя функцияларини ҳам кучайтирди. Хусусан, меҳнат низоларини кўриб чиқишининг соддалаштирилган ва самарали воситаси сифатида судга даъво аризасидан ташқари суд буйругини чиқариш тўғрисида ариза билан мурожаат қилиш хуқуқи киритилди. Иш берувчилар томонидан касаба уюшмаларининг меҳнат қонunchилиги талаблари бузилишини бартараф этиш тўғрисида киритган тақдимномасини кўриб чиқиш муддатлари қисқартирилди. Шу билан биргаликда

<sup>87</sup>Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерациисининг жорий архиви. 2017 йил 1-ярим йиллиги давомида амалга оширилган ишлар тўғрисида маълумотнома.-Б.2.

касаба уюшмаларининг ижтимоий ҳимоя функциялари ҳам кучайтирилиб, ходимларнинг меҳнат ва ижтимоий ҳуқуқларини ҳимоя қилишда касаба уюшмаларининг ролини оширишга қаратилган механизмлар мустаҳкамланди. Касаба уюшмаларининг иш берувчилар билан жамоа музокараларини ўтказишида устувор ҳуқуқдан фойдаланиш, иш берувчиларнинг меҳнат ва касаба уюшмалари тўғрисидаги қонунчиликни, шунингдек, жамоа шартномалари ва келишувлари талабларини бажаришини назорат қилиш ҳамда меҳнат низоларини кўриб чиқишида иштирок этиш ҳуқуқлари кафолатлари кучайтирилди. Албатта, бу янги ўзгаришлар фуқароларнинг меҳнат ва ижтимоий-иктисодий ҳуқуқлари ҳимоясини кучайтириш ҳамда ижтимоий-меҳнат соҳасида қонунийликни таъминлаш, муҳими касаба уюшмалари томонидан жамоатчилик назоратини кучайтиришга хизмат қила бошлади.

“Халқаро меҳнат ташкилотининг бирлашмалар эркинлиги ва касаба уюшмаларига бирлашиш ҳуқуқини ҳимоя қилиш тўғрисидаги 87-сонли Конвенциясини ратификация қилиш ҳақида”ти Ўзбекистон Республикаси қонунининг қабул қилиниши муҳим аҳамият касб этди. Мазкур Конвенция Халқаро меҳнат ташкилотининг 1948 йилги Баш Конференциясида қабул қилинган бўлиб, унда ходимлар ва иш берувчиларнинг ташкилотлар тузиш, шунингдек, бундай ташкилотларга аъзо бўлиш ҳуқуқи назарда тутилган. Конвенцияда ушбу ташкилотларнинг ўз уставлари ва маъмурий регламентларини ишлаб чиқиш, ўз фаолиятини ташкил этиш, ҳаракат дастурини тасдиқлаш ҳамда рўёбга чиқариш ҳуқуқлари назарда тутилган эди. Бирлашиш ҳуқуқини чекловчи ёки унинг қонунчилик йўли билан амалга оширилишига тўскинлик қилувчи давлат органлари аралашувидан ҳоли бўлиш кўзда тутилган ҳамда ходимлар ва иш берувчиларнинг бирлашиш бўйича ўз ҳуқуқини эркин амалга оширишини кафолатловчи чора-тадбирлар ҳамда бошқа ҳуқуқлар қайд этилган.

Хусусан, мамлакатимизда фуқароларнинг касаба уюшмаларига бирлашиш ҳуқуқлари Ўзбекистон Республикасининг 20 дан ортиқ норматив-ҳуқукий хужжатида, шу жумладан, “Касаба уюшмалари, уларнинг ҳуқуқлари ва фаолиятининг кафолатлари тўғрисида”ти Конунда ва Ўзбекистон Республикасининг Меҳнат кодексида мустаҳкамлаб қўйилган. Ҳозирги вақтда 14 та тармоқ, 14 та ҳудудий ва 37 мингдан ортиқ бошланғич касаба уюшмаси ташкилотини бирлаштирувчи Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерацияси 6,2 миллиондан зиёд ходимнинг манфаатларини ифодалайди. Шу нуқтаи назардан қараганда, мазкур Конвенциянинг ратификация қилиниши ҳар бир кишининг ўзгалар билан эркин уюшма тузиш ҳуқуқини, шу жумладан, касаба уюшмаларини тузиш ва ўз манфаатларини ҳимоя қилиш учун касаба уюшмаларига аъзо бўлиш ҳуқуқини кафолатловчи 1948 йилги Бутунжаҳон инсон ҳуқуқлари декларациясида акс этган инсон ҳуқуқларини ҳимоя қилишининг умуммэътироф этилган нормаларига Ўзбекистон содик эканлигининг ёрқин намунаси бўлди. Бу ҳолат мамлакат касаба уюшмаларини жамоат назоратини олиб бориши фаолиятини янада кенгайтириш ва чуқурлаштирушнинг асоси

бўлди<sup>88</sup>.

Касаба уюшмалари ҳуқуқий асосларини фуқаролик жамияти талаблари асосида такомиллаштирилиши, давлат ҳокимияти органлари ваколатлари ва функцияларини халққа хизмат қилишга қаратилган Президент фармонлари, “Ўзбекистон Республикасининг Маъмурий ислохотлар концепцияси”ни амалга жорий этиш асносида “Касаба уюшмалари, уларнинг ҳуқуқлари ва фаолиятининг кафолатлари тўғрисида”ги қонуннинг 11-моддасидаги куйидаги ваколатлар ва ҳуқуқларни амалга оширишга шарт-шароитлар туғилди:

“Касаба уюшмалари иш берувчи томонидан меҳнат ва касаба уюшмалари, уларнинг ҳуқуқлари ва фаолиятининг кафолатлари тўғрисида”ги қонун ҳужжатлари нормаларига риоя этилиши устидан жамоатчилик назоратини амалга оширади, аниқланган ҳукуқбузарликлар бартараф этилишини талаб қилишга ҳақли. Иш берувчи қонун ҳужжатлари бузилишларини бартараф этиш тўғрисидаги тақдимномаларни қўриб чиқиши ва қўриб чиқиши натижалари ҳақида касаба уюшмасига ўн беш кунлик муддат ичida хабар бериши шарт.

Касаба уюшмалари ходимларнинг меҳнат ҳуқуқларини ҳимоя қилиб судга даъво аризаси билан, шунингдек суд буйругини чиқариш тўғрисидаги ариза билан мурожаат қилишга ҳақли. Касаба уюшмалари ҳуқуқий ёрдам хизматларига ва бошқа зарур органларга эга бўлиши мумкин”<sup>89</sup>.

Мамлакатда давлат ҳокимияти органлари ва мансабдорлар устидан жамоатчилик назоратини амалга оширишда Ўзбекистон Республикасининг 2014 йил 5 майда қабул қилинган “Давлат ҳокимияти ва бошқаруви органлари фаолиятининг очиқлиги тўғрисида”ги қонуни муҳим аҳамият касб этди. Мазкур қонун давлат ҳокимияти органлари фаолиятини шаффофф кечиши устидан журналистлар, ўз ҳукуқини ҳимоя қилиш истагидаги тадбиркорлар, фуқаролар ва фуқаролик жамияти институтларининг жамоатчилик назоратини амалга оширишда муҳим илгари силжиш бўлди. Қонуннинг 4-моддасида давлат ҳокимияти ва бошқаруви органлари фаолияти очиқлигининг асосий принциплари сифатида қуйидагилар эълон қилинди:

улар томонидан тақдим этиладиган ахборотдан ҳамманинг фойдаланиши мумкинлиги, унинг ўз вақтида берилиши ва ишончлилиги;

улар фаолиятининг ошкоралиги ва шаффофлиги;

давлат ҳокимияти ва бошқаруви органларининг фаолияти тўғрисидаги ахборотни излаш, олиш ва тарқатиш эркинлиги;

давлат ҳокимияти ва бошқаруви органлари фаолияти тўғрисида ахборот тақдим этишда фуқароларнинг ўз шаъни ва қадр-қимматини тажовузлардан, ўз шахсий ҳаётига аралашувлардан ҳимоя қилишга бўлган ҳуқуқлари ва қонуний манфаатларига, шунингдек фуқаролар ва юридик шахсларнинг ўз ишchanлик обрўсини ҳимоя қилишга бўлган ҳуқуқларига риоя этиш<sup>90</sup>.

Шу билан бирга, қонуннинг 7-моддасида ахборотдан фойдаланувчи ва

<sup>88</sup>Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерацияси Кенгаши матбуот хизмати.25.10.2016//<https://kasaba.uz/kasaba-uyushma-lari -ularning-huquqlari-va-faoliyatining-kafolatlari-tugrisida-gi-uzbekiston-respublikasi-qonuniga-uzgartishlar-kiritish-haqida-gi-hamda-hmnning-birlashmalar-erkinligi-va-kasaba-uyushmal/>

<sup>89</sup>Касаба уюшмалари иш берувчи томонидан меҳнат ва касаба уюшмалари, уларнинг ҳуқуқлари ва фаолиятининг кафолатлари тўғрисида/Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2016 й., 48-сон, 546-модда.

<sup>90</sup>Ўзбекистон Республикасининг “Давлат ҳокимияти ва бошқаруви органлари фаолиятининг очиқлиги тўғрисида”ги қонуни. 5 май 2014 й.// [http://senat.gov.uz/uz/laws/urq-369\\_05.05.2014.html](http://senat.gov.uz/uz/laws/urq-369_05.05.2014.html).

унинг ҳуқуқларига доир қўйидаги қоидалар ўрнатилди:

Давлат ҳокимияти ва бошқаруви органларининг фаолияти тўғрисида ахборот излашни амалга ошираётган жисмоний ёки юридик шахс ахборотдан фойдаланувчидир.

Ахборотдан фойдаланувчи қўйидаги ҳуқуқларга эга:

давлат ҳокимияти ва бошқаруви органларининг фаолияти тўғрисидаги ишончли ахборотни олиш ва тарқатиш;

давлат ҳокимияти ва бошқаруви органларининг фаолияти тўғрисида ушбу Қонуннинг 5-моддасида назарда тутилган ахборотни олиш учун бевосита ёхуд ўз вакиллари орқали сўров билан мурожаат этиш;

давлат ҳокимияти ва бошқаруви органларининг фаолияти тўғрисида ахборот олишни рад этиш;

ахборотдан фойдаланувчи қонун ҳужжатларига мувофиқ бошқа ҳуқуқларга ҳам эга бўлиши мумкин<sup>91</sup>.

Албаттa, мазкур қонун мамлакатда жамоатчилик назоратини шакланиши ва фуқаролар ҳуқуқий маданиятини ривожланишида муҳим рол ўйнади. Мамлакатда ОАВ, тадбиркорлар, нодавлат нотижорат ташкилотлар фаоллари мазкур қонунга таянган ҳолда нафақат ўз ҳақ-ҳуқуқларини ҳимоя қилди, балки фуқаролик жамиятига хос бўлган демократик қадрияитлардан хабардор бўлди, уларнинг фуқаровийлик позициялари шаклана бошлади.

Ўзбекистон Республикасининг 22 апрель 2013 йилда қабул қилинган «Фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари тўғрисида»ги Қонуннинг янги таҳрирининг 16-моддасида маҳалла, шаҳарча ва овул фуқаролар йигинларига жамоатчилик назоратини амалга оширишга доир қўйидаги ваколатлар ва ҳуқуқлар берилди. Мазкур модда шундай ифодаланди:

“Жамоатчилик назорати фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари томонидан қўйидаги шаклларда амалга оширилади:

тегишли худудда қонунлар ва бошқа қонун ҳужжатларининг ижро этилиши ҳолатини ўрганиш;

тегишли чоралар кўрилиши учун давлат органларига мурожаат этиш; давлат органлари ваколатига кирувчи ва ижтимоий аҳамиятга молик масалалар бўйича сўровлар юбориш.

Жамоатчилик назорати қонун ҳужжатларига мувофиқ бошқа шаклларда ҳам амалга оширилиши мумкин.

Жамоатчилик назорати оммавий ахборот воситалари, нодавлат нотижорат ташкилотлар ва бошқа ташкилотлар билан ҳамкорликда амалга оширилиши мумкин.

Давлат органлари фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органларига жамоатчилик назоратини амалга оширишда қўмаклашиши ва қонун ҳужжатларига мувофиқ уларнинг мурожаатлари юзасидан ўз вақтида чора-тадбирлар кўриши шарт”<sup>92</sup>.

Шунингдек, қонуннинг янги таҳририга биноан давлат ҳокимияти органлари

<sup>91</sup>Уша жойда.

<sup>92</sup>Ўзбекистон Республикасининг “Фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари тўғрисида”ги Қонуни 22 апрель 2013 й.//http://www.senat.uz/uz/laws/urq\_22.04.2013.html.

фаолияти устидан жамоатчилик назоратининг ўрнатилиши фуқаролик жамияти барпо этишнинг энг муҳим шартларидан бири эканлигини эътиборга олиниб, фуқаролар йигинлари томонидан Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар, Тошкент шаҳар, туманлар ва шаҳарлар ижроия ҳокимияти раҳбарларининг турли соҳаларга оид масалалар юзасидан ҳисботларини эшитиш, фуқаролар йигинларининг мурожаатлари кўриб чиқилиши устидан назоратни амалга ошириш, атроф-муҳитни муҳофаза қилиш, ҳудуднинг санитария ҳолати, уни ободонлаштириш масалалари юзасидан ўз ваколати доирасида тегишли ҳудудда жойлашган корхона, муассаса ва ташкилотлар раҳбарларининг ҳисботларини эшитиш ҳамда уларнинг натижалари бўйича қарорлар қабул қилиш каби ваколатларга эга бўлиши ўзини ўзи бошқариш органларининг жамоатчилик назоратини амалга ошириш фаолиятини кучайтиришга қаратилди.

Мамлакатда фуқаролик жамияти шароитида табиат ва атроф-муҳитни ҳимоялаш соҳасидаги вазифалар янада долзарб аҳамият касб этади. Зеро, инсон ўзини табиат ва жамиятнинг бир унсури сифатида ҳис этиш унинг атроф табиатга бўлган муносабатларини ижобий аҳамият касб этишини тақозо этади. Мустақиллик йилларида мамлакатда экология соҳасида 120 дан ортиқ нодавлат нотижорат ташкилотлари ташкил топди. Уларнинг аксарияти мамлакатда экологик назоратни олиб боришда фаол иштирок этмоқда. Ўтган давр ичида мамлакатда атроф-муҳитни муҳофаза қилиш ҳамда экологик назоратни амалга оширишнинг қонунчилик асоси шакллантирилди.

Бу соҳада асосий ҳужжат - Ўзбекистон Республикасининг “Табиатни муҳофаза қилиш тўғрисида”ги Қонунида алоҳида “Экологик назорат” бўлими мавжуд. Унда экологик назоратнинг вазифалари, атроф табиий муҳит ҳолати мониторинги, давлат, шунингдек, идоравий, ишлаб чиқариш ҳамда жамоатчилик назоратининг моҳияти кўрсатиб ўтилган, мазкур назоратни олиб борадиган ваколатли органлар рўйхати белгиланган. Ўзбекистон Республикасининг “Сув ва сувдан фойдаланиш тўғрисида”ги, “Атмосфера ҳавосини муҳофаза қилиш тўғрисида”ги, “Чиқиндилар тўғрисида”ги, “Ўсимлик дунёсини муҳофаза қилиш ва ундан фойдаланиш тўғрисида”ги, “Ҳайвонот дунёсини муҳофаза қилиш ва ундан фойдаланиш тўғрисида”ги, “Ер ости бойликлари тўғрисида”ги қонунларида, шунингдек, Ўзбекистон Республикасининг Ер кодексида табиатни, унинг объектларини муҳофаза қилиш ва улардан тежамли фойдаланиш мақсадида давлат ва жамоатчилик назоратини амалга оширадиган ваколатли органлар ва фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари ҳамда нодавлат нотижорат ташкилотларининг жамоатчилик назоратини амалга оширдаги иштироклари белгилаб қўйилган.

Мамлакатда парламент томонидан 2013 йил 27 днкабрда “Экологик назорат тўғрисида”ги қонунни қабул қилиниши, унда миллий ва ривожланган мамлакатларнинг табиатни муҳофаза қилишни тартибга солиш қонунчилиги тажрибаси асосидаги хуқуқий асослар мужассамлашди. Қонуннинг 4-моддасида экологик назоратнинг асосий вазифалари сифатида қуйидагилар белгиланди:

атроф муҳитни муҳофаза қилиш ва табиий ресурслардан оқилона фойдаланиш соҳасидаги қонун ҳужжатлари талаблари бузилишининг олдини олиш, уни аниқлаш ва унга чек қўйиш;

атроф мухит ҳолатини кузатиб бориш, атроф мухитнинг ифлосланишига, табиий ресурслардан нооқилона фойдаланишига олиб келиши, фуқароларнинг ҳаёти ва соғлиғига таҳдид солиши мумкин бўлган вазиятларни аниқлаш;

мўлжалланаётган ёки амалга оширилаётган хўжалик фаолияти ва бошқа фаолиятнинг экологик талабларга мувофиқлигини аниқлаш;

юридик ва жисмоний шахсларнинг атроф мухитни муҳофаза қилиш ҳамда табиий ресурслардан оқилона фойдаланиш соҳасидаги хуқуқлари ва қонуний манфаатларига риоя этилишини, улар томонидан мажбуриятлар бажарилишини таъминлаш;

атроф мухитдаги ўзгаришлар, унинг прогноз қилинаётган ҳолати, табиий ресурслардан фойдаланиши ва кўрилаётган тегишли чора-тадбирлар тўғрисида давлат ташкилотлари ва бошқа ташкилотларни ҳамда фуқароларни хабардор қилиш;

табиатни муҳофаза қилиш фаолиятининг самарадорлигини ошириш ҳамда давлат экологик дастурлари ва бошқа экологик дастурларнинг амалга оширилишида фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари, нодавлат нотижорат ташкилотлари ва фуқароларнинг иштирокини таъминлаш<sup>93</sup>.

Шунингдек, қонунда экологик назоратнинг турлари — давлат, идоравий, ишлаб чиқариш жамоатчилик экологик назорати, уни амалга ошириш тартиби ва услуби, назорат натижасини расмийлаштириш ва амалга ошириш шакллари белгилаб берилган. Давлат органларининг, шунингдек, нодавлат нотижорат ташкилотларининг, фуқаролар ўзини ўзи бошқариш органлари ва фуқароларнинг хуқуқлари ҳамда мажбуриятлари ифодаланди.

Қонунда жамоатчилик экологик назоратининг субъектлари сифатида фуқаролик жамияти институтлари ҳамда фуқаролар белгилаб қўйилганлиги, жамоатчилик экологик назорати фаолиятини мувофиқлаштириш фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органларига юклатилганлиги унинг мухим жиҳатлариидир. Қонуннинг 15–моддасида фуқаролар ўзини ўзи бошқариш органларининг экологик назорат соҳасидаги ваколатлари қўйидагича белгиланди:

“Фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари:

атроф мухитни муҳофаза қилишни таъминлаш, табиий ресурслардан оқилона фойдаланиш масалалари бўйича қарорлар тайёрлашда ва қабул қилишда, шунингдек давлат экологик дастурлари ва бошқа экологик дастурларни ишлаб чиқиш ҳамда амалга оширишда иштирок этади;

тегишли ҳудудда жамоатчилик экологик назоратини амалга оширади;

атроф мухит ҳолатини ва атроф мухитнинг ифлосланишига ҳамда табиий ресурслардан нооқилона фойдаланишга олиб келиши, фуқароларнинг ҳаёти ва соғлиғига таҳдид солиши мумкин бўлган вазиятларни кузатиб боришни амалга оширади;

экологик назорат соҳасидаги норматив-хуқуқий ҳужжатларни ишлаб чиқишида иштирок этади;

маҳсус ваколатли давлат органларига, маҳаллий давлат хокимияти органларига, давлат ва хўжалик бошқаруви органларига, хўжалик юритувчи

<sup>93</sup>Ўзбекистон Республикасининг “Экологик назорат тўғрисида”ти конуни. 27 декабрь 2013 й. // Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2013 й., 52-сон, 688-модда.

субъектларга давлат, идоравий ва ишлаб чиқариш экологик назоратини амалга оширишда ўз вакилининг кузатувчи сифатида иштирок этиши тўғрисида таклифлар киритади;

атроф муҳитни муҳофаза қилиш ва табиий ресурслардан оқилона фойдаланиш соҳасидаги қонун ҳужжатлари бузилишининг ўзи томонидан аниқланган факти тўғрисида маҳсус ваколатли давлат органларини, маҳаллий давлат ҳокимияти органларини, давлат ва хўжалик бошқаруви органларини, хўжалик юритувчи субъектларни хабардор қиласди;

атроф муҳитни муҳофаза қилиш ва табиий ресурслардан оқилона фойдаланиш соҳасидаги қонун ҳужжатларининг талаблари бузилганлиги аниқланган фактлар юзасидан чоралар кўриш тўғрисида тегишли давлат органларига таклифлар киритади;

атроф муҳитнинг ҳолати, табиий ресурслардан оқилона фойдаланиш, мазкур соҳадаги қонун ҳужжатлари бузилиши юзасидан аниқланган фактни бартараф этиш бўйича кўрилаётган чора-тадбирлар тўғрисида тегишли давлат органларига мурожаат қиласди ва ахборот олади;

атроф муҳитни муҳофаза қилиш ва табиий ресурслардан оқилона фойдаланиш масалаларига доир жамоатчилик фикрини ўрганишни, жамоатчилик экологик экспертизасини ўтказади;

атроф муҳитни муҳофаза қилиш, ҳудуднинг санитария ҳолати, уни ободонлаштириш ҳамда кўкаламзорлаштириш масалалари юзасидан ўз ваколати доирасида тегишли ҳудудда жойлашган корхоналар, муассасалар ва ташкилотлар раҳбарларининг ҳисботларини эшитади ҳамда уларнинг натижалари бўйича қарорлар қабул қиласди;

атроф муҳитни муҳофаза қилишга кўмаклашади, экологик назоратнинг бошқа субъектлари ва оммавий ахборот воситалари билан жамоатчилик экологик назорати масалалари бўйича, шу жумладан экологик назоратнинг жамоатчи инспекторлари тизимини шакллантиришда ҳамкорлик қиласди;

ахолининг экологик маданиятини ошириш, экологик таълим ва тарбияни ривожлантиришга доир ишда кўмаклашади”<sup>94</sup>.

Қонунга биноан ўзини ўзи бошқариш органлари ўз ваколатлари доирасида тегишли ҳудудда атроф-муҳит муҳофазасига оид қонунчилик ижроси устидан назоратни амалга оширади, нодавлат нотижорат ташкилотларига атроф-муҳит ифлосланиши ва табиий ресурслардан нооқилона фойдаланишга олиб келиши мумкин бўлган, фуқароларнинг соғлиги ва ҳаётига хавф солувчи фавқулодда вазиятларни кузатиб бориш ва оддини олиш, аниқлашнинг самарали тизими яратилишида, шунингдек, жамоатчилик экологик назоратини ташкил этиш ва амалга оширишда, жамоатчи инспекторлар институтини шакллантириш ва уларнинг ўқувини ташкил этишда кўмаклашади. Фуқаролар йигинлари экологик назоратнинг бошқа турлари амалга оширилишида, экологик назорат соҳасидаги маҳсус ваколатли давлат органига таклифлар киритишида иштирок этадилар, ижро ҳокимияти органлари, тегишли ҳудудда жойлашган муассаса ва ташкилот раҳбарларининг атроф-муҳитни муҳофаза қилиш ва ҳудуднинг санитария

<sup>94</sup>Ўзбекистон Республикасининг “Экологик назорат тўғрисида”ги қонуни. 27 декабрь 2013 й. // Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2013 й., 52-сон, 688-модда.

ҳолати, уни ободонлаштириш ва қўкаламзорлаштириш масалалари юзасидан ҳисоботларини эшитади ҳамда уларнинг натижалари бўйича қарорлар қабул қиласди. Бу, шубҳасиз, фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари, нодавлат нотижорат ташкилотларининг роли ва аҳамиятини янада оширишга, жамоатчилик тузилмаларининг атроф-муҳит муҳофазасида ҳамда экологик вазиятни яхшилашдаги иштирокини фаоллаштиришга хизмат қиласди.

Албатта, 1991-2015 йилларда мамлакатда жамоатчилик назоратининг шаклланиши ва ривожланиши учун шарт-шароитлар яратилди. Жамоатчилик назорати фуқаролар ҳуқуқий маданиятининг бир унсури сифатида намоён бўла бошлади. Лекин, бу даврда давлат ҳокимияти органлари ва бошқарувининг жамият ҳаётини барча жабҳаларини бошқаришда устувор рол ўйнаши, ривожланган давлатларга ҳос қонунчилик асосларини яратилмаганлиги туфайли жамоатчилик назорати институти фаолияти ўз ресурсларини намоён қила олмади. Бу соҳадаги ислоҳотлар асосан 2017 йилдан – жамиятни ислоҳ этишдаги туб бурилиш даврининг бошланиши асносида ривожланди. Бунда давлат ҳокимияти ва бошқаруви тизимиға Президент Ш.М.Мирзиёев томонидан илгари сурилган “Халқ давлат идораларига эмас, давлат идоралари халқимизга хизмат қилиши керак” принципни қўллаш, шу асосда янги, фуқаролик жамиятини шаклланишига имкон яратидагиган ҳуқуқий асосларни яратилиши, давлат органларини модернизациялашнинг бошланиши муҳим рол ўйнади.

Мамлакат ижтимоий-сиёсий ҳаётида “2017-2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича **Ҳаракатлар стратегияси**”нинг қабул қилиниши ва ундаги мақсад-вазифаларни рўёбга чиқа бошлаши жамият ва давлат тараққиётининг туб бурилиш даврини бошлаб берди. **Ҳаракатлар стратегиясининг 1-йўналиши** - “Давлат ва жамият қурилиши тизимини такомиллаштиришнинг устувор йўналишлари”да қўйидаги фуқаролик жамияти ва ҳуқуқий давлатни ривожлантириш учун зарур бўлган чора-тадбирларни амалга ошириш белгиланди:

-давлат ҳокимияти тизимида Олий Мажлиснинг ролини ошириш, унинг мамлакат ички ва ташқи сиёсатига оид муҳим вазифаларни ҳал этиш ҳамда ижро ҳокимияти фаолияти устидан парламент назоратини амалга ошириш бўйича ваколатларини янада кенгайтириш;

-қабул қилинаётган қонунларнинг амалга оширилаётган ижтимоий-сиёсий, ижтимоий-иқтисодий ва суд-хуқуқ ислоҳотлари жараёнига таъсирини кучайтиришга йўналтирган ҳолда қонун ижодкорлиги фаолияти сифатини тубдан ошириш;

-сиёсий тизимни ривожлантириш, давлат ва жамият ҳаётида сиёсий партияларнинг ролини кучайтириш, улар ўртасида соглом рақобат муҳитини шакллантириш.

-давлат бошқарувини марказлаштиришдан чиқариш, давлат хизматчиларининг касбий тайёргарлик, моддий ва ижтимоий таъминот даражасини ошириш ҳамда иқтисодиётни тартибга солишда давлат иштирокини босқичма-босқич қисқартириш орқали давлат бошқаруви ва давлат хизмати тизимини ислоҳ қилиш;

-мамлакатни ижтимоий-сиёсий ва ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш бўйича вазифаларни амалга оширишда ўзаро манфаатли ҳамкорликнинг самарасини оширишга қаратилган давлат-хусусий шерикликнинг замонавий механизмларини жорий этиш;

-давлат ҳокимияти ва бошқаруви органлари фаолиятининг очиқлигини таъминлаш, жисмоний ва юридик шахсларнинг ҳукуқ ва эркинликлари ҳамда қонуний манфаатларига оид ахборотни тақдим қилишнинг замонавий шаклларини жорий этиш;

-“Электрон ҳукумат” тизимини такомиллаштириш, давлат хизматлари кўрсатишнинг самараси, сифатини юксалтириш ва бу хизматдан аҳоли ҳамда тадбиркорлик субъектлари томонидан фойдаланиш имкониятини ошириш.

Албатта, мазкур концептуал дастурда белгиланган мақсад ва вазифалар асосан давлат ҳокимияти органлари ва бошқарувини модернизациялаш, аксарият давлат хизмати кўрсатишга доир ваколатларни унинг қути органларига бериш, ҳокимиятнинг учга бўлиниш принципини туман, шаҳар ва вилоятларда ҳам жорий этиш, бошқарув ва давлат хизматини аҳолига яқинлаштириш ва унинг самарасини кескин ошириш, давлат бошқарувида фуқароларнинг фаол иштирок этишларига ҳар томонлама шарт-шароитлар ярптишга қаратилди. Чунки, бу омиллар давлат ҳокимияти органлари ва бошқарувини номарказлаштирган ҳолда уларни олдинги жамиятдаги устувор мақеини чеклайди, маҳаллий ижроия ҳокимияти тузилмалари фаолияти вакиллик органлари назоратида кечиши натижасида унга нисбатан жамият институтларининг таъсири қучаяди. Бу ҳолат ўзида айни фуқаролик жамияти ривожланиши учун зарур бўлган муҳитни ифодалайди. Бошқача айтганда, фуқароларнинг тўғридан-тўғри, ўзини ўзи бошқариш органлари, нодавлат ташкилотлар воситасида ўз манфаатларини қондиришлари учун имкониятлар туғилади, манфаатлар учун интилишлар фуқароларни давлат бошқаруви жараёнларида фаол иштирок этиш майларини ўйғотади.

Албатта, бу таҳлилларни фуқароларни давлат ҳокимияти органларига нисбатан таъсирини ошириш нуқтаи назаридан талқин этадиган бўлсак, Ҳаракатлар стратегияси ғояларини ҳаётда намоён бўлиши мамлакатда жамоатчилик назораоттини ҳақиқий тарзда – демократик қадриятлар асосида кечишини таъминлайди. Шундан келиб чиқиб, бу соҳада Ҳаракатлар стратегиясида **жамоатчилик бошқаруви тизимини такомиллаштиришга** куйидаги вазифалар кўйилди:

- халқ билан мулоқотнинг самарали механизмларини жорий этиш;
- жамоатчилик назоратини амалга оширишнинг замонавий шаклларини ривожлантириш, ижтимоий шерикликнинг самарасини ошириш;
- фуқаролик жамияти институтларини ривожлантириш, уларнинг ижтимоий ва сиёсий фаоллигини ошириш;
- маҳалла институтининг жамият бошқарувидаги ўрни ва фаолияти самарадорлигини ошириш;
- оммавий ахборот воситаларининг ролини кучайтириш, журналистларнинг

касбий фаолиятини ҳимоя қилиш<sup>95</sup>.

Ана шу концептуал мақсадларни ижросини таъминлаш учун аниқ ва равшан чора-тадбирлар белгиланди. Жумладан, давлат органлариға юқлатилган вазифаларни бажариш самарадорлигининг ошишига, улар томонидан инсон ҳуқуқлари, эркинликлари ва манфаатларига риоя этилишига, фуқароларнинг мурожаатларини, уларда кўтарилиган муаммоларни жойида ҳал этишда давлат органлари раҳбарлари томонидан қай даражада муносабат билдирилиши устидан жамоатчилик назоратини ўрнатишга имкон бериши кабилар амалиётга қўллаш мақсадида “Жамоатчилик назорати тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикаси қонуни лойиҳасини ишлаб чиқиши; жисмоний ва юридик шахсларнинг таклиф, ариза ва шикоятларини кўриб чиқиши, аҳоли билан доимий ва очик мулоқотни, уларнинг муаммоларини атрофлича ўрганиш ва ҳал этишни, шунингдек, аҳолининг давлатга бўлган ишончи ортишини таъминлаш мақсадида ҳар бир туман ва шаҳарда жисмоний ва юридик шахсларнинг мурожаатларини кўриб чиқиши бўйича “Халқ қабулхоналари”ни ташкил этишга қаратилган чора-тадбирларни амалга оширишнинг амалий чора-тадбирлар дастурини ишлаб чиқиши; давлат органлари фаолиятининг очиқлиги ва уларнинг фуқаролик жамияти институтлари билан ўзаро самарали ҳамкорлиги таъминлаш мақсадида қонун ҳужжатларига ҳуқуқни муҳофаза қилувчи ва давлат бошқаруви органлари хузурида ушбу органлар фаолияти самарадорлигини ошириш бўйича таклиф ва тавсияларни ишлаб чиқувчи ва амалга оширувчи жамоатчилик кенгашлари тузишни назарда тутувчи ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш; оммавий ахборот воситаларини давлат томонидан қўллаб-қувватлашнинг аниқ механизмлари; оммавий ахборот воситалари томонидан жамоатчилик назоратини (журналистик текширувини) амалга ошириш тартиби ва журналистнинг эркин фаолият юритиши учун қўшимча кафолатлар яратиш мақсадида “Оммавий ахборот воситалари тўғрисида”ги ва “Журналистнинг касбий фаолиятини ҳимоя қилиш тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикаси қонунларига ўзгартиш ва қўшимчалар киритишига доир қонунлар лойиҳаларини ишлаб чиқиши; “Маҳалла” жамғармаси тузилмаси ва фаолиятини янада такомиллаштириш, фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари ваколатларини амалга ошириш механизмларини тартибга солиш, фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари моддий-техника базасини яхшилаш мақсадида “2018-2020 йилларда фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари фаолияти самарадорлигини янада ошириш ва ривожлантириш Даствури” ва Ўзбекистон Республикаси Президенти Фармони лойиҳасини ишлаб чиқиши.

Мазкур вазифаларнинг қўлами, моҳияти, мақсад ва вазифалари қўрсатиб турибдики, уларнинг барчаси фуқаролик жамиятининг у ёки бу соҳасини шакллантириш ва ривожлантириш билан боғлиқ муаммоларни ҳал этишига қаратилган. Муҳими, уларни ижросини таъминлаш мамлакатда жамоатчилик назоратини амалга оширишнинг ривожланган давлатларга хос амалиётини шакллантиради.

Ҳаракатлар стратегиясини ҳаётда амалга оширишнинг бир йиллик

<sup>95</sup>“2017-2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегияси”//Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2017 й., 6-сон, 70-модда

якунларига эътибор берсак, қўйилган вазифаларни амалга ошириш учун зарур бўлган хукукий асосларнинг аксарияти 2017-2018 йилларда эълон қонунлар, Президент фармонлари, хукумат қарорларида ўз ифодасини топди. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2016 йил 5 октябрда қабул қилган “Тадбиркорлик фаолиятининг жадал ривожланишини таъминлашга, хусусий мулкни ҳар томонлама ҳимоя қилишга ва ишбилармонлик муҳитини сифат жиҳатидан яхшилашга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида” фармони мамлакатда “Халқ давлат идораларига эмас, давлат идоралари халқимизга хизмат қилиши керак” деган принципни амалга оширишнинг бошланиши сифатида намоён бўлди. Фармонда республикамиз ҳудудида «Халқ қабулхоналари»нинг ташкил қилиниши аҳоли билан тўғридан тўғри мулоқотни ташкил этиш, жисмоний ва юридик шахсларнинг хукуқ ва эркинликлари ҳамда қонуний манфаатларини тўлақонли ҳимоя қилишга қаратилган, жисмоний ва юридик шахсларнинг мурожаатлари билан ишлашнинг сифат жиҳатидан янги ва самарали тизими фаолиятини таъминлашга, фуқароларнинг олий давлат ҳокимияти органларига, суд, хукуқни муҳофаза қилувчи ва назорат органларига, маҳаллий давлат ҳокимияти органларига, бошқа давлат ташкилотларига ва хўжалик бошқаруви органларига мурожаат қилишга оид конституциявий хукуқларининг сўзсиз амалга оширилиши учун шароитлар яратишга қаратилди.

Ҳар бир туман ва шаҳарда ҳам “Халқ қабулхоналари” ташкил этилиши ва уларнинг тўлақонли фаолият кўрсатишини таъминлаш одамлар билан очиқ мулоқотда бўлиб, аҳолини ўйлантираётган масалалардан боҳабар бўлиш, фуқаролар максад ва манфаатларини рўёбга чиқаришда муҳим ўрин тутди. Қабулхоналарга фуқаролардан бир йил ичida 1,5 млн.дан ортиқ мурожаат келиб тушди. Агар бу соҳадаги жараёнга давлат бошқаруви очиқлиги ва уни фуқаролар томонидан назорат қилиш нуқтаи назаридан қарайдиган бўлсак, мамлакатдаги бу жараён ўзига хос жамоатчилик назоратининг бир шакли вазифасини бажарди. Қабулхонага мурожаат этган ҳар бир фуқаро даставвал ўзининг манфаатлари ва муаммоларини баён қилиш асносида ўзи яшаётган ёки ишлаётган ҳудудда ҳокимият органлари тузилмалари ёки мансабдорларнинг хукуқбузарлик фаолияtlари тўғрисида ахборотлар беради. Қабулхона хизматчиларининг текшируви натижасида фуқароларнинг аксарият ахборотлари ўз тасдифини топади. Демак, ўз ташвиши билан қабулхонага мурожаат этган фуқаро ўзининг муаммоларини ҳал бўлмаётганлиги далили сифатида хукуқбузарлик ёки коррупциявий ҳолатлар тўғрисида ахборотлар беради. Бу жараёнда ўзига хос жамоатчилик назорати рўй беради – маҳаллий мансабдор ёки ташкилотнинг ўз функцияси ёки ваколатларини амалга оширишдаги ҳатолари ва камчиликлари фош бўлади. Агар бу каби мурожаатларнинг миллионлаб хукуқбузарликлар тўғрисидаги ахборотлари таҳлил этилса, жамиятда илдиз отган бюрократик иллатлар ва коррупциявий ҳаракатларни фош этиш учун имкониятлар туғилади.

Бу соҳада Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 12 декабрда қабул қилган “Аҳолига давлат хизматлари кўрсатишининг миллий тизимини тубдан ислоҳ қилиш чора-тадбирлари тўғрисида”ги фармони муҳим аҳамият касб этди. Фармон Ҳаракатлар стратегияси ва Ўзбекистон Республикасида Маъмурий ислоҳотлар концепциясини амалга ошириш, шунингдек, аҳолига

давлат хизматлари кўрсатиш миллий тизимининг сифат жиҳатидан янги даражага ўтишини таъминлаш мақсадида қабул қилингани бўлиб, унда куйидагилар давлат хизматлари кўрсатиш миллий тизимини тубдан ислоҳ қилишининг энг муҳим йўналишлари деб ҳисобланди:

биринчидан, давлат хизматлари кўрсатиш соҳасида уларнинг сифати, тезкорлиги, шаффоғлиги ва фойдаланиш имкониятини тубдан ошириш орқали “Халқ давлат идораларига эмас, давлат идоралари халқимизга хизмат қилиши керак” деган улуғвор ғояни сўзсиз амалга ошириш;

иккинчидан, Тадбиркорлик субъектларига “ягона дарча” тамойили бўйича давлат хизматлари кўрсатиш ягона марказларини ҳам юридик, ҳам жисмоний шахсларга “ягона дарча” тамойили бўйича хизматларни тақдим қилувчи Давлат хизматлари марказларига ўзгартириш;

учинчидан, давлат хизматларининг ҳар бир тури бўйича “Фуқаролар эмас, хужжатлар ҳаракатланади” тамойилига кўра давлат хизматлари кўрсатиш механизмини, энг аввало, ортиқча тартиб-таомилларни бартараф этиш, ваколатли давлат органлари ва бошқа ташкилотлар зарур хужжатлар ва ахборотларни бошқа тузилмалардан мустақил равищда олиши ҳисобига соддалаштиришни назарда тутувчи маъмурий регламентларни тасдиқлаш;

тўртингчидан, давлат хизматлари кўрсатиш соҳасига инновацион ечимлар ва ахборот-коммуникация технологияларини жадал жорий этиш, давлат органлари ва бошқа ташкилотларнинг маълумотлар базаларини идоралараро электрон ҳамкорлик ягона тизимига интеграция қилиш, Ўзбекистон Республикаси Ягона интерактив давлат хизматлари портали орқали давлат хизматлари кўрсатиш амалиётини кенгайтириш;

бешинчидан, давлат хизматларини, шу жумладан олис жойларга чиқиши орқали (“мобиль давлат хизматлари”) кўрсатишнинг мақбул, қулай ва шаффоғ услубларидан, мазкур соҳада бюрократия ва коррупция юзага келишини бартараф этишга қаратилган навбатни бошқаришнинг автоматлаштирилган тизими ва ишларнинг узайтирилган графигидан фойдаланиш;

олтинчидан, давлат хизматлари кўрсатиш сифати ва тезкорлигини мониторинг қилиш ва баҳолашнинг илғор механизмларини жорий этиш, аҳоли билан қайта алоқанинг самарали тизимини, шу жумладан тезкор алоқаларни, расмий сайтлар, ижтимоий тармоқлар ва мобиль иловаларда он-лайн сўровларни ташкил қилиш;

еттингчидан, давлат хизматлари кўрсатиш соҳасида малакали кадрларни тизимли тайёрлаш ва қайта тайёрлашни, уларнинг малакасини, шу жумладан хорижий мамлакатларнинг етакчи ихтисослашган муассасаларида стажировка ўташ орқали тизимли равищда оширишни ташкил этиш<sup>96</sup>.

Президентнинг мазкур фармонига биноан давлат органлари аҳолига “фуқаролар эмас, хужжатлар ҳаракатланади” тамойили асосида хизмат кўрсатиб, уч йил ичидаги Давлат хизматлари марказлари 60 га яқин давлат хизматларини кўрсата бошлайди. Давлат хизмати соҳасидаги давлат сиёсатини амалга оширишга масъулият юклangan алоҳида давлат органи — Адлия вазирлиги

<sup>96</sup>Ўзбекистон Республикаси Президентнинг “Аҳолига давлат хизматлари кўрсатишнинг миллий тизимини тубдан ислоҳ қилиш чора-тадбирлари тўғрисида”ти Фармони 12.12.2017 й.// <http://www.press-service.uz/uz/lists/view/1336>.

хузурида Давлат хизматлари агентлиги ўзининг ҳудудий бўлинмалари билан ташкил этилди. Эндиликда «ягона дарча» тамойили нафақат тадбиркорлик субъектларига, балки бевосита фуқароларга ҳам хизмат қўрсатишида амал қиласди. Давлат хизматчилари билан бевосита мулоқот қилмасдан ҳамкорликни таъминлаш аҳоли учун давлат хизматларини коррупция хавфисиз тезкорлик билан қўрсатиш имконини беради, фуқароларнинг кундалик ҳаётини жиддий равишида енгиллаштиради, бюрократия ва сансалорлик ҳолатларини бартараф этади.

Давлат хизматлари қўрсатишида янги ўзига хос институт - Ўзбекистон Республикаси Президенти Халқ қабулхоналарининг фаол иштироки ўхшани бўлмаган энг муҳим янгиликлардан бири ҳисобланади. Давлат ҳокимиятининг аҳоли билан самарали мулоқотини ташкил этиш, фуқаролар мурожаатларини кўриб чиқишининг сифат жиҳатидан янги тизимини йўлга қўйишида муҳим роль ўйнайдиган мазкур институтлар ўз навбатида Халқ қабулхоналари ва Давлат хизматлари марказлари туман (шаҳар) миқёсида ягона яхлит фаолият олиб бориб, давлат хизматлари қўрсатишнинг самарали тизимини шакллантириш имконини берди.

Фармонга биноан давлат хизматлари қўрсатиш соҳасида, шу жумладан соғлиқни сақлаш, лицензиялаш, солик, божхона ва бошқа соҳаларда жадал сифат жиҳатидан яхшилашнинг муҳим механизмлари, шунингдек, давлат хизматлари бўйича мобиль иловаларни ишлаб чиқиши, хизматларни олис жойларга чиқсан ҳолда қўрсатиш, аҳоли билан тезкор алоқалар, расмий веб-сайтлардаги интернетботлар, ижтимоий тармоқлар ёрдамида қайта алоқанинг самарали тизимини ташкил этишни назарда тутувчи комплекс чора-тадбирлар тасдиқланди.

Мамлакатда жамоатчилик назоратини ривожлантиришдаги муҳим босқич 2018 йил 10 апрелда қабул қилинган Ўзбекистон Республикасининг “Жамоатчилик назорати тўғрисида”ги Конуни фуқаролик жамиятини ривожлантиришдаги муҳим воелик бўлди. Конуннинг 5-моддасида жамоатчилик назоратининг қуидаги асосий принциплари ифодаланди: фуқароларнинг ҳукуқи, эркинлиги ва қонуний манфаатларининг устунлиги; жамоатчилик назоратини амалга оширишдаги иштирокнинг ихтиёрийлиги; жамоатчилик назоратининг ошкоралиги ва очиқлиги; жамоатчилик назорати субъектларининг қонунийлиги; жамоатчилик назорати субъектларининг давлат органларидан мустақиллиги; жамоатчилик назорати субъектларининг объективлиги ва холислиги, жамоатчилик назорати натижаларининг ишончлилиги.

Конуннинг 3-моддасида қўрсатилган жамоатчилик назоратининг субъектларини “Ўзбекистон Республикаси фуқаролари, ўзини ўзи бошқариш органлари, нодавлат нотижорат ташкилотлар, оммавий ахборот воситалари”дан ҳолда белгиланиши жамоатчилик назоратининг тамомила ва тўлиқ ҳолда фуқаролик жамияти институти эканлигини далиллайди. Конунда “жамоатчилик назоратининг обьекти давлат органлари ва уларнинг мансабдор шахслари” сифатида белгиланиши унинг моҳиятини фуқаролик жамиятини давлат ҳокимияти устидан назорат олиб боришини ифодалайди. Бошқача айтганда, қонунга биноан, давлат мустақил институт сифатида эмас, балки жамиятнинг

сиёсий институти сифатида фаолият юритади, у жамият олдида ҳисобдордир.

Мазкур Қонуннинг б-моддасига биноан жамоатчилик назорати қуидаги шаклларда амалга оширилади: давлат органлари мурожаатлар ва сўровлар; давлат органларининг очик жамоавий мажлисларида иштирок этиш; жамоатчилик муҳокамаси; жамоатчилик эшитуви; жамоатчилик мониторинги; жамоатчилик экспертизаси; ижтимоий фикрни ўрганиш; фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органларининг ижроия ҳокимияти органлари ва бошқа ташкилотлар раҳбарлари ҳисботларини эшитиши.

Кўриниб турибдики, “Жамоатчилик назорати тўғрисида”ги Қонуни мамлакатда фуқаролик жамиятини ривожланишига шарт-шароитлар ва иимкониятлар яратиш учун давлат ҳокимияти органларини жамият олдида ҳисборлигини таъминлайди, фуқароларнинг мижоз сифатида самарали ва қулай давлат хизмати асосида ўз манфаатларини қондириш, муаммоларини ҳал этиш имкониятига эришади, қонун яратган ҳуқуқий эркинликлар фуқароларнинг фаоллашувига, уларнинг давлат бошқаруви жараёнида фаол иштирокм этишига замин яратади. Мухими, Президентнинг Ҳаракатлар стратегиясини амалга оширишга доир ислоҳотлари жараёни ҳалқ назоратида бўлади, бу йўлдаги оғишлар ёки четга чиқишлиар жамоатчилик назорати воситасида бартараф этиб борилади. Мамлакатда жамоатчилик назорати мақоми ва нуфузини юқори даражага қўтарилиши – бу давлатимизнинг ҳуқуқий давлат ва фуқаролик жамияти талабларига мослашиб бораётганлигини англатади.

#### **6.4. Ижтимоий шерикликнинг ривожланишининг назарий-ҳуқуқий асослар.**

Хозирги даврда мамлакатимиз ижтимоий-маънавий жиҳатдан юксак даражада ривожланган, илғор ва дунёвий демократик давлат, қонун устувор бўладиган фуқаролик жамияти куриш йўлидан бормоқда. Бу жараёнда жамиятнинг ҳар томонлама юксалиши, ҳуқуқий демократик тамойилларнинг барча соҳаларда амал қилиши давлат қарорларининг ҳалқчил бўлиши, жамият ҳаёти барқарорлигига самарали таъсири фуқароларнинг сиёсий жараёнлардаги иштироки ва фаоллигига боғлиқ. Мамлакатимизда илгари сурилаётган “Кучли давлатдан кучли фуқаролик жамияти сари” ғоясининг асосида айнан шу ҳақчил моҳият ётади. Кучли фуқаролик жамиятини шакллантириш, авваламбор, фуқароларнинг ўз ҳуқуқ ва эркинлигини тўғри англаб этиши билан боғлиқ ҳолда амалга ошади.

“Фуқаролик жамияти” тушунчаси асосида инсон эркинлиги, унинг барча кўриниш ва муносабатларда намоён бўлиш ғояси ётади. Албатта, эркин фикрлаш бор жойда фикрлар хилма-хил бўлади ва турли мафкуралар, сиёсий институтлар, ҳаракатлар пайдо бўлиши мумкин. Бу фуқаролик жамиятининг асосий мезонларидан биридир. Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 13-моддасига биноан: “Ўзбекистон Республикасида демократия умуминсоний принципларга асосланади, уларга кўра инсон, унинг ҳаёти, эркинлиги, шаъни, қадр-қиммати ва бошқа дахлсиз ҳуқуклари олий қадрият ҳисобланади. Демократик ҳуқуқ ва эркинликлар Конституция

ва қонунлар билан ҳимоя қилинади”<sup>97</sup>.

Илмий адабиётларда фуқаролик жамиятига нисбатан турлича таърифлар кўп, бу эса, ўз навбатида, мазкур тушунчанинг мазмуни ёритилишида умумий яқдиллик мавжуд эмаслигидан далолат беради. Бу табиий ҳол, албатта. Негаки, бу тушунча мураккаб характерга эга бўлиб, унга турлича таърифлар, ёндашувлар ҳам кўплаб учрамоқда. Бу ёндашувларда фуқаролик жамияти ҳар қанча мураккаб ижтимоий ҳодиса бўлмасин, айни пайтда, амалиётда унинг умумий параметрлари мавжудлиги ҳақида ҳам фикрлар билдирилмоқда.

Дарҳақиқат, Ўзбекистонда “фуқаролик жамияти” тушунчасининг мазмун-моҳияти ва ўзига хос хусусиятларини ўрганиш зарурати ҳам айни шу умумижтимоий воқелик билан узвий боғлиқ. Бу жараёнда фуқаролар ҳокимият билан бирга ички ва ташқи сиёсатнинг энг муҳим муаммоларини муҳокама қилиш, уларнинг ечимларини топиш, бу борадаги долзарб вазифаларни амалга оширишда ҳамкорлик қилишга қодир бўлишини ҳисобга олиш зарур. Акс ҳолда, ҳақиқий фуқаролик жамиятини ҳам, ижтимоий шерикликни ҳам, улар ҳақидаги объектив тадқиқотни ҳам тасаввур этиб бўлмайди.

Президентимиз Ш.М.Мирзиёев ташабbusи билан ишлаб чиқилган 2017-2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегиясида фуқаролик жамияти институтлари ривожланишига алоҳида эътибор қаратилган. Ушбу тарихий хужжатда Президентимиз раҳнамолигида амалга оширилаётган ислоҳотларнинг очиқ-ошкоралиги ва самарадорлигини таъминлаш, ахоли фаровонлигини оширишда жамият саъй-ҳаракатларини бирлаштириш, давлат ҳамда кенг ахоли эҳтиёжларини ифодалайдиган, турли жамоат ташкилотлари манфаатларига жавоб берадиган механизмларни яратиш кўзда тутилган.

Шу маънода, фуқаролик жамияти деганда, мазкур мамлакатнинг ҳар бир фуқаросига иқтисодий ва сиёсий турмушини ўз ихтиёри асосида қуришга тўла эркинликни кафолатловчи маълум ижтимоий тизим тушунилади.

Ўзбекистонда демократик ҳуқуқий давлат, кучли фуқаролик жамияти барпо этиш мақсади инсон ҳукуқлари ва манфаатларини, жамиятни ривожлантириш ва давлат қурилишининг энг устувор йўналиши этиб белгиланишига олиб келди. Айни шу маънода, фуқаролик жамияти ҳуқуқий давлат ривожланишининг юқорироқ босқичи десак, хато бўлмайди. Бу борада М.Қирғизбоев “Мамлакатда туб сиёсий ислоҳотларни, жумладан, жамият ҳаётини, шунингдек, ҳар томонлама эркинлаштиришни оғишмай амалга ошириш, қонун устуворлигига асосланган фуқаролик жамиятини барпо этиш асосий стратегик мақсадга айланади”<sup>98</sup> деган бўлса, Г.Ғ.Жамалова “Фуқаролик жамиятининг институтлари – сиёсий партиялар, ўзини ўзи бошқариш ва нодавлат, жамоат ташкилотлари ўзаро муносабатларининг мажмуасини ташкил қиласи”<sup>99</sup> деб таъкидлайди. Фикримизча, мазкур тадқиқотлардаги асосий эътибор фуқаролик жамиятининг сиёсий

<sup>97</sup> Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси. –Т.: Ўзбекистон, 2017. –Б.5.

<sup>98</sup> Қаранг: Қирғизбоев М. Ўзбекистонда фуқаролик жамияти институтларининг шаклланиши ва ривожланиши: дис. сиёсий фан. д-ри. –Т., 2007. –Б.342.

<sup>99</sup> Жамалова Г.Ғ. Ўзбекистонда фуқаролик жамияти қурилишининг сиёсий масалалари: дис. сиёсий фан. номзоди. –Т., 2006. –Б.181.

хусусиятларини очиб беришга қаратилган, бироқ унинг универсал ижтимоий-фалсафий асослари назардан четда қолган. Зеро, фуқаролик жамияти универсал ижтимоий-фалсафий тушунча ҳисобланади. Юқоридаги фикрлардан кўриниб турибдики, “фуқаролик жамияти” тушунчасини бир сўз билан ифодалаш ҳам мушқул.

Фуқаролик жамиятида ҳар қандай масала қонунлар, ҳуқуқий нормалар асосида адолатли йўл билан ҳал этилади. Қонун фуқаролик жамияти ҳаётидаги барча муносабатларни тартибга солиб туради. Яъни, фуқаролик жамиятининг негизи қонун ва қонунийликдир. Қонунийлик ва ҳуқуқтартибот тантана қилмаса, шахснинг ҳуқуқлари ва эркинликлари, қаттиқ интизом, ички уюшқоқлик ва масъулият устувор бўлмаса, қонунлар ва анъаналар хурмат қилинмаса, ҳуқуқий давлатни тасаввур этиб бўлмайди<sup>100</sup>. Шу нуқтаи назардан қараганда, мамлакатимизда эркин ва фаровон ҳаёт, кучли ҳуқуқий-демократик давлат, адолатли фуқаролик жамияти қуриш йўлида кенг кўламили ислоҳотлар амалга оширилмоқда. Бу эзгу мақсад замирида инсон ва унинг манфаатлари мужассам бўлиб, унинг самарадорлиги ҳалқимиз маънавий-руҳий қарашларида янгиланиш, жамиятимиз онгу тафаккуридаги юксалиш билан узвий боғлиқ. Шу маънода, мамлакатимиз фуқароларида тафаккур эркинлиги шаклланиб бормоқда. Мамлакатимизда мустақиллик туфайли янги демократик қадриятлар илдиз отишига, инсон ҳақ-хуқуқлари ва унинг эрки асосий бойлиги бўлган дунёвий-ҳуқуқий давлат ва фуқаролик жамиятига мос келадиган янги замонавий сиёсий, хўжалик ва жамоа тузилмалари қарор топишига имкон туғилди.

Фуқаролик жамиятини ривожлантиришда, Ф.Жўрақулов таъкидлаганидек, “Фуқаролар ўзини ўзи ҳақиқатан ҳам эркин намоён этишга интилган ҳолда, ислоҳотларнинг суръати, амалга оширилиши ва сифати учун ўз маънавий-ҳуқуқий масъулиягини кескин ҳис қилишлари лозим. Буни тушуниш бугунги ёшларга нафақат баркамол ривожланган шахс, балки эътиқодли ватанпарвар бўлишга ёрдам беради”<sup>101</sup>. Инсоннинг эркинликка, адолатга, меҳр-муҳаббатга, гўзалликка, камолотга интилиши, қобилиятларини намоён этишга, ижод этишга уриниши – унинг маънавий эҳтиёжи.

Демократик тамойилларга асосланган фуқаролик жамияти деганда, жамият аъзоларининг манфаатлари муштараклиги таъминланган, фуқароларнинг ҳуқуқлари ҳар томонлама кафолатланган, инсоннинг ҳар томонлама камол топиши учун шарт-шароитлар яратилган жамият назарда тутилади. Зеро, Т.Алимардонов таъкидлаганидек, “Фуқароларнинг жамиятдаги бошқарув жараёнларида иштирок этиш даражаси, кўп жиҳатдан уларнинг амалга оширилаётган сиёсий жараёнлар, давлат стратегияси мақсадлари ва унинг асосий йўналишларини қандай аниқ тасаввур этишларига бевосита боғлиқ бўлади. Шунда уларнинг фаолияти давлат ва умуммиллат манфаатлари билан уйғун ҳолда намоён бўлади, ҳар бир фуқаро,

<sup>100</sup> Қаранг: Каримов И.А. Бозор иқтисодига босқичма-босқич ўтиш – иқтисодий ислоҳотлар йўлининг негизи. Биздан озод ва обод Ватан қолсин. –Т.: Ўзбекистон, 1994. –Б.47.

<sup>101</sup> Жўрақулов Ф. Ҳокимият бўлинишининг ижтимоий-фалсафий асослари: хориж тажрибаси ва миллий амалиёт. –Т.: Нишон ношир, 2015. –Б.185.

ўз хукуқ ва эркинликларини мамлакат озодлиги, унинг истиқболи билан боғлаган ҳолда уйғун күради. Шунда фуқаронинг бурчи билан эркинлиги ўзаро уйғунлашади. Улар ўз ҳоҳишилари асосида бирорнинг тазиғида эмас, балки онгли ҳолда демократик жараёнларда иштирок этади”<sup>102</sup>.

Шу ўринда таъкидлаш керакки, фуқаролик жамиятининг умумий тан олинган тамойилларидан бири ижтимоий шериклик ҳисобланади. Дарҳақиқат, ушбу Ўкув услубий мажмуанинг обьекти сифатида олинган ижтимоий шериклик муаммосининг концептуал таҳлили шуни кўрсатадики, хорижий ва маҳаллий олимлар томонидан ижтимоий шерикликнинг шаклланишини назарий-методологик тушунишнинг генезиси ва ривожланиш қонуниятлари атрофлича тадқиқ этилган бўлса-да, бироқ ҳанузгача ижтимоий шерикликнинг мазмун-моҳиятининг ягона тушунчаси мавжуд эмас.

Ўз-ўзидан аёнки, ҳаётимиизда тобора кўпроқ ишлатилаётган «ижтимоий шериклик» тушунчасини янада чуқурроқ англаш, унинг мазмун-моҳиятидан бохабар бўлиш эҳтиёжи ҳам кучайиб бормоқда. Шу боис, мазкур тушунча ва унинг моҳияти хусусида тўхталиб ўтишни лозим топдик. Ижтимоий шерикликнинг муҳим хусусиятларидан бири –тарафларнинг хукуқ ва мажбуриятларга риоя қилиш ҳақидаги ўзаро келишувигина эмас, балки улар ўртасидаги юксак ахлоқий қоидалар мажмуи. Дарҳақиқат, ижтимоий шерикликка бозор иқтисодиётига асосланган маданиятли жамиятга хос бўлган ижтимоий муносабатларнинг бир тури сифатида қараш мумкин. Биринчидан, бу умумий манфаат ва қарашлар билан бирга, мутлақо фарқ қилувчи ижтимоий, иқтисодий ва сиёсий манфаатларга эга тарафлар ўртасидаги муносабатдир. Иккинчидан, ижтимоий шериклик тарафларнинг қарама-қаршилигига эмас, балки ижтимоий консенсус (келишув)га эришишга асосланади. Учинчидан, бу шундай муносабатлар турики, уни амалга оширишдан барча ижтимоий гурӯҳлар ҳамда давлат манфаатдор бўлади. Чунки айнан ижтимоий шериклик шароитида жамият ижтимоий барқарорлик ҳамда ижтимоий-иқтисодий ривожланишга эришади. Сиёсатшунос А.Мирзаевнинг фикрича, бу долзарб муаммони пухта ва мукаммал ҳолда оқилона ҳал этиш ҳар қандай давлатнинг, у қайси ижтимоий-сиёсий тизимда бўлишидан қатъи назар, энг зарурый ва масъулиятли вазифаларидан бирига айланиши объектив қонуниятдир<sup>103</sup>.

Ижтимоий шериклик ҳам ташкилот сифатида, ҳам мафкура сифатида, бир томондан, турли важларни белгилаб олиш, биргаликдаги фаолият давомида уларга қатъий риоя қилиш, иккинчи томондан, юзага келаётган вазиятларни ҳисобга олган ҳолда уларни ўзгартириш имконига муҳтож бўлади. Бу борада файласуф олим А.Бегматов таъкидлаганидек, ўз даврида “Ижтимоий шериклик мафкураси синфий зиддиятларни юмшатиш, манфаатлар уйғунлигини таъминлашга қаратилган мафкура эди”<sup>104</sup>.

Бизнингча, ижтимоий шериклик - бу давлат ҳокимияти органлари ва фуқаролик жамияти институтларининг ўзаро ҳамкорлиги ва манфаатларни

<sup>102</sup> Алимардонов Т. Эркинлик рұхи. –Т.: Нишон-Ношир, 2014. –Б.240.

<sup>103</sup> Мирзаев А. Ўзбекистонда демократик жамият қуриш назарияси ва амалиёти. –Т.: ТошДТУ, 2000. –Б.159.

<sup>104</sup> Бегматов А. Ижтимоий шериклик ва ижтимоий хавфсизлик // Жамият ва бошқарув. –Т.: 2014. №1. –Б.43.

үйғунлаштириш асосида жамиятда мавжуд бўлган муайян ижтимоий муаммоларни ҳал этишга қаратилган мулокот ҳамда консенсусга келиш тизимиdir.(Н.Э)

Фуқаролик жамиятида шериклик ҳар бири учун турлича вазифаларга мувофиқ тузилгани ва фаолият кўрсатгани туфайли, унинг бошқарув обьектлари ҳам, шакллари, усувлари, воситалари ҳам янги шароитлардаги фаолиятни ифодалаши ҳақида гапириш мумкин бўлади. Дарҳақиқат, шериклик субъектларининг тавсифи муносабатлар турини белгилайди ва шериклик фаолият кўрсатадиган барча босқичларда уни бошқаришга имкон беради. Чунки шериклик субъектлари ҳар хил суръатларда ҳаракат қиласиди. Бу жараёнда яна хронологик жиҳатдан хилма-хилликнинг бошқа миқёслари ҳам юзага келиши мумкин. Иккинчидан, ижтимоий шериклик тизими – шериклар томонидан тузиладиган органларнинг доим амал қиладиган йифиндиси; уларнинг ўзлари томонидан белгиланган ўзаро ҳамкорлиги ва ушбу органлар фаолият кўрсатишининг тартиби; ҳалқаро нормалар, миллий қонунлари асосида ижтимоий шериклар томонидан қабул қилинадиган биргаликдаги ҳужжатлар (битимлар, шартномалар)дан иборат.

Шунинг билан бир қаторда ижтимоий шериклик моҳиятини англаш ва турли субъектлар (давлат органлари, нодавлат нотижорат ташкилотлари ва фуқаролик жамиятининг бошқа институтлари) ўзаро ҳамкорлигининг янги шаклларини ривожлантиришга оид тадқиқотлар, уларнинг энг мақбул ҳамкорлик йўллари, умуман, жамиятнинг ижтимоий-иқтисодий ва сиёсий ривожланиши, ижтимоий-меҳнат муносабатлари ва бошқа жабҳалардаги долзарб муаммоларни ҳал этиш жамиятда эҳтимолли низоларни прогноз қилиш ва уларнинг олдини олишга хизмат қиласиди. Ана шу нуқтаи назардан, бугунги кунда ижтимоий шерикликни жамият ривожи ва давлат сиёсатининг устувор йўналиши сифатида тадқиқ этиш муҳим аҳамият касб этади.

Аксарият фалсафий ва ижтимоий-гуманитар соҳа адабиётларида “фуқаролик жамияти” тушунчаси турлича нуқтаи назардан таъриф ва тасниф этилади<sup>105</sup>. Шунинг билан бир қаторда кўп ҳолатларда мазкур тушунча олимларнинг ўзига хос нуқтаи назарларидан келиб чиқкан ҳолда, субъектив қабул қилинади. Масалан, Ф.Х.Рахимов “фуқаролик жамияти” тушунчаси фикрлар хилма-хиллиги ва сиёсий плюрализмнинг мавжудлиги, фуқароларнинг эркин ва фаровон яшашлари, сўз эркинлиги, ошкоралик ва ўзини ўзи бошқариш тизимининг йўлга қўйилганлиги каби бир қанча муҳим талабларни ўз ичига олишини эътироф этади<sup>106</sup>. К.Норматов ҳам “Фуқаролик жамияти – бу фуқароларнинг фикр эркинлиги, яъни фуқаролик жамияти институтларининг фаоллиги”<sup>107</sup>, деб ҳисоблайди. “Фуқаролик жамияти” тушунчаси фуқаро ва давлат, ҳуқуқ ҳамда мажбуриятлар уйғунлигига асосланган ҳуқуқий жамият тизимини қамраб олади. Айни шу маънода А.Х.Саидов ва У.Т.Таджихановлар “...фуқаролик жамияти – teng ҳуқуқли инсонларнинг, якка шахслар ёки жамоалар манфаатларини амалга оширишга

<sup>105</sup> Энциклопедия менеджмента. Справочник. Социальное партнерство. Социальное партнерство в социально-трудовой сфере как общественное явление // <http://besonus.narod.ru/partnership.htm>.2005.

<sup>106</sup> Рахимов Ф.Х. Конституциявий ҳуқуқларни таъминлашда давлат органларининг масъулияти. –Т.: Адолат, 2001. –Б.8.

<sup>107</sup> Норматов К. Фуқаролик жамияти ривожланишининг конституциявий асослари // Фуқаролик жамияти. –Т.: 2012. №4(4). –Б.9.

кўмаклашадиган жамоат институтларининг тизимиdir”<sup>108</sup>, деб таъкидлашган.

Юқорида қайд этилганидек, бугунги кунда “ижтимоий шериклик” тушунчасига турли қарашлар мавжуд. Ижтимоий шерикликнинг турли хил жиҳатларини тадқиқ этишга бағишлиланган монографик изланишлар таҳлили шуни кўрсатадики, фуқаролик жамияти институтлари фаолияти ривожланишида ижтимоий шерикликнинг ўрни масалаларини атрофлича ўрганиш муҳим аҳамиятга эга. Бу борада қуйидаги жиҳатни қайд этиш муҳим аҳамият касб этади: ижтимоий шериклик фуқаролик жамиятига хос, давлат ва фуқаролик жамияти институтларининг ўзаро ҳамкорлиги учун энг қулай мувозанатни таъминлайдиган ижтимоий муносабатларининг алоҳида тури ҳисобланади. Бундай муносабатларда ижтимоий шериклик – давлат ва фуқаролик жамияти институтлари ўртасидаги ўзига хос ижтимоий-сиёсий муносабатлар тизими бўлиб, унда манфаатлар қарама-қаршилиги ва уни ҳал этиш йўллари қўзда тутилади.

Шу ўринда таъкидлаш лозимки, ижтимоий шерикликнинг шакллари хилма-хил бўлиб, у кооперациянинг уюшма (альянс)лар, тармоқ структуралари, трансмиллий корпорациялар каби бошқа шаклларидан фарқли равишда, шериклик пойдеворига келишув ғояси қўйилган бўлганида, мақсад қўйиш ва унга эришиш эса ишонч бўлгандагина амалга ошади. Ижтимоий шериклик бошқа ижтимоий-сиёсий жараёнлар билан ҳам чамбарчас боғлиқ бўлиб, бунда ўзгаларнинг ўзига хос имкониятларидан фойдаланишга эҳтиёж уни мустаҳкамлайди, у, ўз навбатида, бундай муносабатлар низоли характерда эмас, балки мавжуд ривожланган ҳуқуқ ва ахлоқ институтлари назорати остида муроса характерида бўлиши керак. Зоро, М.Хажиева таъкидлаганидек, “Муроса қилиш деганда, мураккаб муаммони ҳал қилиш заруриятидан келиб чиқсан ҳолда манфаатдор томонларнинг ўзаро келишуви, бир-бирларига ён беришлари назарда тутилади”<sup>109</sup>. Буларнинг барчаси ижтимоий тартибининг органик, яъни ижтимоий субъектларнинг табиий, ихтиёрий бирдамлигини таъминлайди, бунда ижтимоий ҳамкорликнинг асосий турларидан бири сифатида шериклик намоён бўлади. Шунинг учун ҳам ижтимоий шерикликка оид муносабатлар давлат ва фуқаролик жамияти институтлари ўртасидаги ўзига хос ҳуқуқий муносабатларнинг бир тармоғи бўлиб ҳисобланади.

Маҳаллий ва хорижий олимлар олиб борган тадқиқотлардан келиб чиқсан ҳолда таъкидлаш мумкинки, ижтимоий шериклик кенг тушунча бўлиб, унинг мазмунини ҳам меҳнат муносабатлари, ҳам давлат ва фуқаролик жамияти институтларининг манфаатли алоқалари нуқтаи назаридан келиб чиқиб талқин қилиш мумкин. Тор маънода, ижтимоий шериклик меҳнат ёки давлат ва фуқаролик жамияти институтларининг аниқ муносабатлари шакли ҳисобланади. Кенг маънода, ижтимоий гуруҳларнинг ўзаро махсус шериклиги бўлиб, бундай муносабатларни олиб боришга қаратилган обьектнинг қандай бўлишидан қатъи назар, нафақат меҳнат муносабатлари, балки бошқа соҳаларда, жумладан, давлат ва фуқаролик жамияти

<sup>108</sup> Саидов А.Х., Таджиханов У.Т. Давлат ва ҳуқуқ назарияси. Т.1. –Т.: Адолат, 2001. –Б.238.

<sup>109</sup> Хажиева М. Ўзбекистонда толерантлик жараёни. –Т.: АВУ МАТВИОТ-КОНСАЛТ, 2008. –Б.57.

институтларининг ўзаро ҳамкорлигини мустаҳкамлашга қаратилган қонунчиликни такомиллаштириш, ижти-моий-иқтисодий дастурларни амалга ошириш кабилар ҳам бўлиши, шу билан бирга, давлат ва нодавлат ташкилотлари манфаатларининг ягона бир соҳадаги муштараклиги ҳам тушунилади. Янада аниқроқ қилиб айтганда, ижтимоий шериклик деганда, давлат органларининг нодавлат нотижорат ташкилотлари ва фуқаролик жамиятининг бошқа институтлари билан ижтимоий ҳаётнинг турли соҳаларидаги самарали ҳамкорлиги тушунилади.

Бошқа илмий-сиёсий адабиётларда ҳам «ижтимоий шериклик» тушунчасига турлича таъриф бериш ҳолатлари учраб туради. Айрим тадқиқотчилар ижтимоий шерикликни ижтимоий-меҳнат зиддиятларини бартараф этиш усули деб билса, бошқалари уни мураккаб, кўп тармоқли ижтимоий жараён деб тушунишади. Бундай ёндашибларнинг хилма-хиллигига қарамасдан, бир нарса аниқки, ижтимоий шериклик, аввало, одамлар орасидаги ўзаро муносабатлар мажмуасидир. Иккинчидан, ижтимоий-иқтисодий нуқтаи назардан бу муносабатларнинг уч асосий субъекти мавжуд: иш берувчи, ишчи ва давлат. Учинчидан, бундай муносабатлар обьектини меҳнат шароити, даромадлар даражаси, субъектларнинг ижтимоий аҳволи, уларнинг ишлаб чиқарилган маҳсулотни тақсимлашдаги ўрни, роли ва хуқуқлари ташкил этади. Ижтимоий шерикликнинг бош мақсади дея унинг асосий субъектларининг манфаатларини ҳисобга олиш ва мувофиқлаштиришни айтиш мумкин. Бугунги кунда “Бошқаларнинг хатти-ҳаракатларига боғлиқ, тобе бўлиб, уларни йўқ қилиш имконияти реал мавжуд шароитда гуманитар қарорлар қабул қилиш, янги нормалар ишлаб чиқиш зарур. Инсон феъл-авторининг умумий қоида ва тамойиллари конкрет тарихий шарт-шароитларда шаклланган ва ривожланган. Аммо тобора мураккаблашиб бораётган дунёда маданиятлар ва мафкураларнинг кенг спектрига мос келадиган умуминсоний қадриятларни топиш талаб қилинади”<sup>110</sup>.

Шунинг учун ижтимоий шериклик бугунги кунда жамиятда умуминсоний қадриятлар устуворлигини таъминлайдиган ижтимоий институтларнинг ўзаро келишув жараёнини, унда умумий ижтимоий-сиёсий ва иқтисодий мақсадларга эришишда тарафлар манфаатларининг уйғунлигини таъминлаб турувчи фуқаролик жамияти институтларнинг ишлаш механизмини ҳам ифодалаши лозим. “Ижтимоий шериклик тўғрисида”ги Конунда бу тушунчага қуйидагича таъриф берилган: “Ижтимоий шериклик давлат органларининг нодавлат нотижорат ташкилотлари ва фуқаролик жамиятининг бошқа институтлари билан мамлакатни ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш дастурларини, шу жумладан тармоқ, ҳудудий дастурларни, шунингдек, норматив-хуқуқий ҳужжатларни ҳамда фуқароларнинг хуқуқлари ва қонуний манфаатларига дахлдор бўлган бошқа қарорларни ишлаб чиқиш ҳамда амалга ошириш

<sup>110</sup> Сохранит ли человечество человечность? Доклад Независимой комиссии по международным гуманитарным вопросам. –М: Международные отношения, 1989. – 21 с.

борасидаги ҳамкорлигидир”<sup>111</sup>.

Бу таъриф шуни англатадики, ҳуқукий давлатни ижтимоий шерикликнинг тамойил ва қадриятларини амалга оширмасдан ҳам тасавур қилиб бўлмайди, чунки улар давлатга зарурый мафкуравий барқарорликни таъминлаб беради. “Ижтимоий шериклик” деганда, инсон ҳуқуқ ва эркинликлари, қадр-қиммати, ижтимоий адолат ва ўзаро бирдамлик тамойиллари тан олинувчи ҳар қандай муносабатларга айтилади. Ўзбекистон Республикасининг “Ижтимоий шериклик тўғрисида”ги Қонунида ижтимоий шерикликнинг асосий шакллари қўйидагилардан иборат қилиб белгилаб қўйилган: нодавлат нотижорат ташкилотлари ва фуқаролик жамияти бошқа институтларининг ижтимоий-иктисодий ривожлантириш дастурларини ишлаб чиқиш ҳамда амалга оширишда иштирок этиши; нодавлат нотижорат ташкилотлари ва фуқаролик жамияти бошқа институтларининг норматив-хуқукий ҳужжатлар ишлаб чиқиш ҳамда амалга оширишда иштирок этиши; нодавлат нотижорат ташкилотлари ва фуқаролик жамияти бошқа институтлари вакилларининг давлат органлари хузуридаги ишчи гуруҳлар, комиссиялар ва жамоатчилик-маслаҳат органлари фаолиятида иштирок этиши; ижтимоий шериклик субъектлари томонидан биргаликда тадбирлар, маслаҳатлашувлар ва музокаралар ўтказиш; ижтимоий шериклик субъектлари томонидан ижтимоий шериклик тўғрисида битимлар ва шартномалар тузиш, биргаликдаги лойиҳалар ва режаларни ишлаб чиқиш ҳамда амалга ошириш; ижтимоий шериклик субъектлари ўртасида ўзаро қўллаб-қувватлаш, ахборот алмашиш”<sup>112</sup>.

Ижтимоий шерикликнинг қайд этилган мазкур шакллари бир-бири билан узвий алоқадор ва ўзаро боғлиқлика намоён бўлади. Шу билан бир қаторда, ижтимоий шериклик, нафақат жамиятнинг иқтисодий чиқимларини камайтиради, балки инвестицияларнинг узоқ муддатли бўлишини, шунингдек, ижтимоий ҳамкорларнинг имкониятлари, тараққиёт йўналишлари ва бир-бирининг қизиқишилари ҳақидаги маълумотга эга бўлишини таъминлайди. Ўз навбатида, ижтимоий шериклик умумий маънавий-қадриятли жараён бўлиб, унинг воситасида фуқароларининг фаровонлиги учун қайғурадиган ва ижтимоий масъулият устувор бўлган тизимни янада ривожлантириш мумкин.

Шунинг учун ижтимоий шериклик институтлари ижтимоий-иктисодий маконда алоҳида субъектларнинг таъсири ва аҳамиятини оширади. Шу ўринда таъкидлаш лозимки, ижтимоий шериклик – жамиятнинг барча қатламлари қизиқишиларини объектив ҳисобга олиб жамият барқарорлиги таъминланишида давлат тузилмалари ва нотижорат ташкилотлари вакиллари ўртасидаги муносабатлар характеристи ва йўналишини бошқариб турувчи анъанавий ва маданий қадриятлар мажмуи, маънавий ва мафкуравий асосларидир.

Ижтимоий шериклик муносабатлари биз учун янгилик эмас. Негаки, мамлакатимизда давлат ҳокимияти органлари билан фуқаролик жамияти

<sup>111</sup> Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2014 й., 39-сон, 488-модда.

<sup>112</sup> Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2014 й., 39-сон, 488-модда.

институтлари ўртасида муайян масалаларни ҳал қилишда ўзаро ҳамкорликнинг ўзига хос тажрибаси шаклланган. Бу ҳамкорлик жаҳон амалиётидан қамрови кенглиги, фақатгина меҳнат муносабатлари билан чегараланиб қолмасдан, балки ижтимоий ҳаётнинг муҳим соҳаларини ўз ичига олиши, муҳими, аҳолининг кўплаб ижтимоий гурухларини жалб этиши билан яққол ажралиб туради<sup>113</sup>. “Ижтимоий шериклик тўғрисида”ги Қонунда белгилаб қўйилгандек, уни қўйидаги соҳаларда амалга ошириш мумкин: аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш, қўллаб-қувватлаш ва унинг ижтимоий фаоллигини ошириш; аҳолининг бандлигини таъминлаш, кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни, фермерликни ривожлантириш; атроф муҳитни, аҳолининг соғлигини муҳофаза қилиш ва соғлом турмуш тарзини қарор топтириш; ҳар томонлама баркамол ва соғлом ёш авлодни шакллантириш, ёшларга билим бериш, уларни маънавий-ахлоқий жиҳатдан тарбиялаш ва касбга йўналтириш; оналик ва болаликни, шунингдек, хотин-қизларнинг ҳукуқларини ҳимоя қилиш, уларнинг мамлакат ижтимоий-сиёсий, социал-иқтисодий, маданий ҳаётида тўлақонли иштирок этишини таъминлаш, соғлом оилани шакллантириш; фан, таълим, ахборотлаштириш, маданият ва спортни ривожлантириш; аҳолининг ҳукуқий билимлари, ҳукуқий онги ва ҳукуқий давлат асосларини мустаҳкамлаш; миллатлараро, маданиятлараро тотувлик ва фуқаролар тотувлиги гояларини мустаҳкамлаш, кўп асрлик, анъанавий маънавий-ахлоқий ҳамда тарихий-маданий қадриятларни тиклаш ва сақлаш; истеъмолчиларнинг ҳукуқларини ҳимоя қилиш. Ижтимоий шериклик қонун ҳужжатларига мувофиқ бошқа соҳаларда ҳам амалга оширилиши мумкин”<sup>114</sup>.

Таъкидлаш жоизки, ижтимоий шерикликнинг муҳим жиҳатларидан бири давлатнинг фуқаролар учун муносиб бўлган яшаш шароитини таъминлашда янгича фаолият юритиши билан белгиланади. Чунки, жаҳон иқтисодиётидаги берқарорлик туфайли турмуш сифатининг пасайиши сиёсий тизимнинг самарадорлиги ва фундаментига таҳдид солиши мумкин. Шунинг учун ҳам бугунги кунда бундай муаммоларнинг олдини олиш жамиятнинг турли қатламларига, хусусан, ижтимоий, диний ва этник гурухлар ҳамда сиёсий кучларнинг баробар шерикликдаги ҳаракатига боғлиқ бўлиб қолмоқда. Бундан маълум бўладики, фақатгина мазкур ижтимоий шериклик доирасидагина аҳолига муносиб яшашлари учун шароит яратиш мумкин.

Ижтимоий шериклик жамиятда эҳтимолли низоларни мақбул йўл билан ҳал этиш, жамиятда иқтисодий, ижтимоий ва сиёсий барқарорликни шакллантириш ва қўллаб-қувватлашни ҳам назарда тутади. Шунингдек, бозор иқтисодиётига йўналтирилган жамиятда ижтимоий-меҳнат муносабатларини тартибга солишининг уч устувор омили мавжуд бўлиб, улар ёлланма меҳнат ва капиталнинг шериклигини тан олишга асосланади: иқтисодий, ижтимоий ва сиёсий (меҳнатни ташкил қилиш шакллари, ёлланма ишчи ва иш берувчи муносабатларини ишлаб чиқариш жараёнида

<sup>113</sup> Ахмедшаева М., Нажимов М. Ижтимоий шериклик – демократик янгиланишларнинг муҳим омили // “Халқ сўзи”, 2014 йил 22 октябрь.

<sup>114</sup> Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2014 й., 39-сон, 488-модда.

ўзгартириш; жамиятда ижтимоий структурани такомиллаштириш; касаба ўюшмалари ташкил этиш; давлатда кучли ижтимоий сиёсат; жамият бошқарувида демократик тамойилларни ривожлантириш ва ҳ.к.).

Ижтимоий шериклик муносабатлари моҳият жиҳатдан давлат ва фуқаролик жамияти институтлари ҳамкорлигига оид ҳукуқий муносабатлардан иборат бўлиб, бу муносабатларнинг юзага келишида қонун ҳужжатларида назарда тутилган асослар етакчи ўринни эгаллайди, яъни ана шундай асослар мавжуд эмаслиги томонлар эрки-хоҳишидан қатъи назар, ижтимоий шерикликка оид ҳукуқий муносабатлар юзага келишига монелик қиласди. Ижтимоий шерикликка оид ҳукуқий муносабатлар – давлат ва фуқаролик жамияти институтлари ўртасида жамоа-шартномавий норматив актларни қабул қилиш юзасидан жамоа музокаралар олиб бориш, тузиш, қабул қилинган жамоа-шартномавий актларнинг ижросини таъминлаш юзасидан қонун ҳужжатларида назарда тутилган асослар ҳамда тартибларга мувофиқ равишда, тегишли юридик фактлар мавжуд бўлганида ижтимоий шерикликни амалга оширувчи органлар орасида вужудга келувчи қонунлар билан тартибга солинадиган ижтимоий муносабатлардан иборат.

Фуқаролик жамияти ва ижтимоий шериклик диалектикаси нимани англатади? – деган масала алоҳида диққатни талаб қиласди. Аввало, таъкидлаш жоизки, бу тушунчалар шахснинг, бир томондан, давлатга мансублигини билдирса, иккинчи томондан, шахснинг эркин жамият аъзоси эканлигидан далолат беради. Шунинг учун фуқаролик жамиятида ижтимоий шериклик асосини инсонларнинг мақсадга мувофиқ ўзаро самарали ҳамкорлиги ташкил этади, яъни бу жараёнда ўзаро ҳамкорларнинг ўз қизиқишилари муваффақиятга эришишиларининг юқори даражадаги кафолати таъминланади. М.Вебер давлат ва фуқаролар ўртасида ташкил этиладиган муносабат ўзаро мақсадли хатти-ҳаракатларнинг маҳсули эканлигини алоҳида таъкидлаб ўтади.<sup>115</sup> Ижтимоий шериклик шакллари, уларнинг жамиятда бажарадиган вазифалари, ҳукуқий бошқарув, ифодаланиш характери ва шартлари асосида ажратиб ўрганилади. Айни шу маънода, Г.И.Авицинова: “Ижтимоий шериклик – бу турли субъектларнинг, институтларнинг, тузилмаларнинг бевосита ёки билвосита, ички ёки ташки муносабатлар, алоқалар жараёни, бу объектларнинг, шунингдек, бутун жамиятнинг, давлат институтлари, бизнес ва фуқаролик жамияти институтларининг ўзаро ҳамкорлигини мустаҳкамлашга хизмат қиласди”<sup>116</sup>, деб таъкидлайди. Шу нуқтаи назардан қараганда, ижтимоий шериклик жамиятда барқарорликни таркиб топтириш учун керак, албатта. Чунки барча қатламларнинг асосий қизиқишиларини алоҳида ҳисобга олиш лозим. Шунинг учун ҳам ижтимоий-фалсафий моҳиятига кўра шериклик муносабатлари гурухли эгоизмга, сиёсий лоббизм ва либерал индивидуализмга қарама-қарши тушунча. У давлат органлари, ташкилотлари, фуқаролик жамияти ва унинг институтлари ўртасидаги диалог моделига асосланади. Шу маънода,

<sup>115</sup> Вебер М. Избранное: Образ общества. –М.: Центр гуманитарных инициатив. 2012. –767 с.

<sup>116</sup> Авицинова Г.И. Принципы трёхсекторного взаимодействия и тенденции его развития / Г.И.Авицинова // Государство, НКО и бизнес: процесс и взаимодействия: материалы межд.науч.-прак.конф. –М.: МГОФ «Знание», 2007. –320 с.

ижтимоий шериклик муайян тизим сифатида намоён бўлади, бу жараёнда у ўзида умумий қадриятлар, маънавий ва ғоявий асосларга таяниб, ўзаро ён бериш, шунингдек, жамоавий-келишув шартномаларини (иштирок этаётган барча ижтимоий субъектлар томонидан) акс эттиради<sup>117</sup>.

Хозирги даврда фуқаролик жамиятини ривожлантиришни ўз олдига мақсад қилиб олган давлатларда ижтимоий субъектларнинг ўзаро манфаатли ҳамкорлик, ижтимоий диалог, ҳуқуқ ва манфаатлари тенг, зиммага олинган мажбуриятлар сингари белгилар мавжуд бўлган ижтимоий шериклик шаклланмоқда. Шу нуқтаи назардан қараганда, фуқаролик жамиятида ижтимоий шериклик янги бошқарув усули, давлат ва фуқаролик жамияти институтларининг ўзаро муносабатларини янада мустаҳкамлашга қаратилган тамойилдир. Ушбу тамойил давлат ва фуқаролик жамияти институтлари муносабатларини замон руҳига мос равишда белгиланган шакл ва тамойилларга асосланган ҳолда яхшилашга қаратилгани билан муҳим аҳамият касб этади.

Айни пайтда таъкидлаш жоизки, ижтимоий шериклик ижтимоий субъектлар интеграцияси ва ижтимоий тизим яхлитлигини мустаҳкамловчи қурол сифатида намоён бўлади. Шу ўринда ижтимоий шерикликни меҳнат муносабатлари жабҳасини назорат қилиш билан боғлиқ бўлган индустрисал жамият шаклланиши босқичида юзага келган ҳамкорликнинг доимо функционал ва ижтимоий-позитив шакли сифатида тушуниш ноўринлигига тўхталиш лозим. Чунки ижтимоий феномен сифатидаги шериклик хронологик, соҳа ва деярли чегараланмаган мақсадли универсалликка эга ва ижтимоий субъектлар томонидан нафақат ижтимоий аҳамиятга молик мақсадларга, балки бундай мазмунга эга бўлмаган фаолиятдаги мақсадларга эришишни ҳам назарда тутади. Шу билан бир қаторда, ижтимоий шерикликнинг ўзига хос таснифи фақат унгагина тегишли бўлган жиҳатларни очиб беришга хизмат қилишини унутмаслик лозим.

Иқтисодий соҳадаги муносабатлар нуқтаи назаридан қараганда, фуқаролик жамияти ва ижтимоий шериклик диалектикасига ижобий таъсир этадиган тизимни ривожлантириш – меҳнат жабҳасида турлича намоён бўладиган ходимлар ва иш берувчиларнинг манфаатлари орасида нисбий мувозанатни, келишувни шериклик асосида вужудга келтиришга шароит яратади. Шунинг учун А.Бегматов меҳнат муносабатларида ижтимоий шериклик масаласига тўхталиб, “Ижтимоий шериклик назариясининг мақсади жамиятдаги меҳнат муносабатларида, антагонист синфлар манфаатлари ўртасида мавжуд бўлган зиддиятларни бартараф этиш ва консенсусни таъминлашга қаратилган эди”<sup>118</sup>, деб таъкидлайди. Дарҳақиқат, ижтимоий шериклик иқтисодий самарадорлик ва ижтимоийadolatnинг бирга акс этиши механизми бўлиб ҳисобланади.

Шу маънода, фуқаролик жамияти ва ижтимоий шериклик диалектикаси деганда, давлатнинг фаол иштирокида вужудга келадиган ижтимоий-меҳнат

<sup>117</sup> Грин Д.Дж. Возвращение в гражданское общество: социальное обеспечение без участия государства Пер.с англ. –М.: Новое изд-во, 2009. 220 с.

<sup>118</sup> Бегматов А. Ижтимоий шериклик ва ижтимоий ҳавфсизлик // “Жамият ва бошқарув”, 2014. №1. –Б.43.

соҳасида ходимлар ва иш берувчилар ўртасидаги муносабатлар ҳам тушунилади. Мехнат соҳасида ижтимоий шериклик фақат бозор иқтисодиётига хос бўлган ижтимоий-мехнат муносабатларининг алоҳида тизими бўлиб, у давлат, иш берувчилар ва ходимлар манфаатлари мувозанатини таъминлашга хизмат қиласи. Бундай шерикликни амалга ошириш механизми эса жамоа шартномалари ва келишувлари, қўшма қарорлар, локал ҳужжатлар, касаба уюшмалари билан келишиб қабул қилинадиган бошқа ҳужжатларни тузиш ва татбиқ этиш асосида амалга оширилади. Ҳалқаро меҳнат ташкилотининг ҳужжатларида бу тамойил “ижтимоий мулоқот” деб номланган бўлиб, трипартизм (яъни давлат, иш берувчилар ва ходимлар ўртасидаги уч тарафлами ҳамкорлик) асосида амалга оширилиши белгилаб қўйилган. Мамлакатимизда эса меҳнат соҳасидаги ижтимоий шериклик тўртта, яъни умуммиллий, тармоқ, ҳудудий ва локал миқёсларда амалга оширилади. Ҳар бир поғонадаги ижтимоий шерикликнинг ўзига хос ижтимоий шериклик ҳужжати мавжуд бўлиб, булар бош, тармоқ (тариф), ҳудудий (минтақавий) келишувлар ва жамоа шартномалари бўлиб ҳисобланади.

Фуқаролик жамияти ва ижтимоий шериклик диалектикасига кўра, аввало, давлат ва фуқаролик жамияти институтлари ўртасидаги муносабатлар ижтимоий шериклик соҳасидаги қонунчилик актлари билан тартибга солиниши, яъни қонун ҳужжатларининг «таъсир доираси» билан қопланиши лозим. Шундай қилиб, давлат ва фуқаролик жамияти институтлари, уларнинг вакиллик органлари алоҳида ҳолларда ўзаро манфаатларни инобатга олган ҳолда ижтимоий-сиёсий муносабатларни белгилаш, ижтимоий-иктисодий вазифаларни аниқлаш, улар ўртасидаги ижтимоий шериклик шаклларининг амалга оширилиши механизмларини тобора такомиллаштириб бориши фуқаролик жамияти ва ижтимоий шериклик диалектикаси таъсирини кучайтиришнинг муҳим шарти ҳисобланади.

Бу эса, фуқаролик жамияти институтлари ва давлат ҳокимияти органлари ўртасидаги ижтимоий шериклик муносабатлари жамоатчилик назорати институти билан бир қаторда, фуқароларнинг жамият ҳамда давлат ишларини бошқаришда иштирок этишини кафолатловчи ишончли воситалардир. Демократик тараққиёт йилларида жамиятнинг ҳукуқий онги ва маданияти юксалиши, ахолининг сиёсий-ҳукуқий ҳамда ижтимоий фаоллиги тобора ошиб бориши, нодавлат нотижорат ташкилотлари мустақиллиги таъминланиши натижасида давлат ҳокимияти органлари билан улар ўртасидаги ижтимоий шериклик муносабатларини янги сифат босқичига олиб чиқиши имконияти янада ортиб бормоқда<sup>119</sup>.

Хуллас, ижтимоий шерикликнинг шаклланиши ва генезиси ҳақида маълумот берувчи назарий манбаларни, шунингдек, бу соҳадаги фалсафий ғоялар ва қарашларни ўрганиб чиқиши, мазкур жараёнда ҳам ижобий, ҳам ижтимоий-иктисодий ва сиёсий ислоҳотларни амалга оширишга ҳалақит берувчи салбий ҳодисаларни аниқлашга имкон беради. Жаҳон амалиёти

<sup>119</sup> Ахмедшаева М., Нажимов М. Ижтимоий шериклик – демократик янгиланишларнинг муҳим омили // “Ҳалқ сўзи”. 2014 йил 22 октябрь.

шуни кўрсатадики, ижтимоий шериклик ўз ривожланиш ва такомиллашиш жараёнида ўзига хос хусусиятларга эга, бу тажриба барча ривожланган мамлакатларда турли ижтимоий муносабатларни назорат қилишда кўлланилиши мумкин. Ҳозирги кунда ижтимоий шериклик билан боғлиқ бўлган ва инсоният тараққиёти жараёнида шаклланган ғоялар жамият тараққиёти, ундаги сиёсий, иқтисодий ва ижтимоий барқарорликни сақлашда фаол қўлланимокда.

Ижтимоий шериклик хилма-хил субъектлар, турли ташкилотлар, институт ва индивидлар ёки ижтимоий гурухлар ҳамкорлиги асосида юзага келувчи келишмовчиликларни ҳал қилиш мақсадидаги фаолият сифатида иқтисодий, ижтимоий ва сиёсий барқарорликни қўллаб-қувватлашнинг тараққий топган усули ҳамдир. Бундай шериклик тизимининг асосий элементларига қуидагилар киради: ижтимоий ҳамкорликни амалга ошириш метод ва механизmlари; ижтимоий шериклик субъектлари; ижтимоий субъектларнинг ўзаро муносабатлари назоратини таъминловчи хуқукий-норматив база; ижтимоий шериклик жараёни, унинг имкониятлари ҳақида аҳолини ахборот билан таъминловчи; ижтимоий шерикликка нисбатан ижтимоий фикрни шакллантирувчи ахборот майдони ва х.к. Ижтимоий шерикликнинг субъектли тузилмасида, қоида бўйича, иш берувчилар ва ишчилар (уларнинг бирлашмалари) ажратилади. Ҳозирги кунда ижтимоий шериклик ижтимоий меҳнат чегарасидан чиқиб кетган, чунки ҳамкорликда иштирок этувчи ижтимоий субъектлар доираси ниҳоятда кенг бўлиб, улар синфий, демографик, этник, худудий ва ҳоказо субъектлар бўлиши ҳам мумкин, аммо ижтимоий шериклик потенциали тўғрисида субъектлар қизиқишилари ўзаро кесишгандагина фикр юритишимиз мумкин бўлади.

Мамлакатимизда фуқаролик жамияти ва ижтимоий шериклик диалектикаси самарасини таъминлайдиган иқтисодий, сиёсий ва маънавий муносабатларни шакллантириш ва ривожлантириш тизимига оид масалаларни ҳал этиш зарурати, ижтимоий шерикликнинг назарий ва амалий хусусиятлари етарлича ўрганилмагани бу соҳадаги тадқиқотларнинг энг муҳим жиҳатларидан биридир. Зоро, масалага ижтимоий-сиёсий ёндашув “ижтимоий шериклик” тушунчасининг кўп қиррали эканлиги, унга нисбатан хилма-хил қараш ва ёндашувлар мавжудлиги, бугунги кунда мазкур соҳадаги мавжуд тажрибада турли тадқиқотларда фойдаланиш имкониятлари ҳақида муайян таассуротни шакллантиришга ёрдам беради. Бу эса ҳар қандай илмий тадқиқотнинг энг асосий мақсад ва вазифаларидан бири ҳисобланади.

Ижтимоий шериклик субъектлари – келишув иштирокчилари улар ифодалаётган аҳоли қатламларининг хуқуqlари, эркинликлари ва қонуний манфаатларини ҳимоя қилиш билан боғлиқ масалаларнинг давлат ҳокимияти ва бошқаруви органларида кўриб чиқилишида истисно хуқуқидан фойдаланадилар. Шунинг учун ҳам 2014 йилда «Ижтимоий шериклик тўғрисида»ги Қонуннинг қабул қилиниши фуқаролик жамияти институтларини янада ривожлантиришда, мамлакатимизда амалга оширилаётган ислоҳотларнинг самарадорлигини таъминлашда,

фуқароларнинг ҳуқуқ ва эркинликлари ҳамда қонуний манфаатларини ҳимоялашда нодавлат нотижорат ташкилотларининг давлат ҳокимияти органлари билан ўзаро ҳамкорлиги ташкилий-хуқуқий механизмларини такомиллаштиришнинг муҳим хуқуқий таянчи бўлиб хизмат қиласди.

Нодавлат нотижорат ташкилотларни янада ривожлантиришга кўмаклашиш мақсадида Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2013 йил 12 декабрдаги “Фуқаролик жамияти институтларини ривожлантиришга кўмаклашиш борасидаги қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги Қарорига кўра, нодавлат нотижорат ташкилотларини рўйхатга олиш, уларнинг ҳисобот топшириш тартибларини соддалаштириш, давлат органлари ва нодавлат нотижорат ташкилотлари ўзаро муносабатларининг ташкилий-хуқуқий механизмларини такомиллаштириш бўйича чора-тадбирларни амалга ошириш назарда тутилган. Бундан ташқари, давлат божи ва нодавлат нотижорат ташкилотлар ва уларнинг рамзларини давлат рўйхатига олиш учун тўланадиган йиғмалар миқдори сезиларли даражада камайтирилди, давлат рўйхатига олиш бўйича мурожаатларнинг адлия органлари томонидан кўриб чиқиш муддати қисқартирилди.

Ижтимоий шерикликнинг асосий тамойилларига қонунга бўйсунишдан, тенг ҳуқуқлилик, очиқлик ва шаффофлик, ҳаммабоплик, мустақиллик, холислик, ўзаро ҳурмат, манфаатларнинг инобатга олиниши ва масъулият, мажбуриятлар қабул қилишнинг ихтиёрийлиги ва ҳисобдорлиги киради. Мазкур тамойиллар, аввало, аҳолини ижтимоий ҳимоя қилиш, қўллаб-кувватлаш, ижтимоий фаоллигини ошириш, бандликни таъминлаш, кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни, фермерликни ривожлантириш, атроф мухитни, одамлар соғлигини муҳофаза қилиш, соғлом турмуш тарзини қарор топтириш каби соҳаларда амалга оширилади. Бундан ташқари, фан, таълим, ахборотлаштириш, маданият, спортни ривожлантириш, аҳолининг ҳуқуқий маданиятини юксалтириш, миллатлараро тотувлик ва фуқаролар тотувлиги ғояларини мустаҳкамлаш, истеъмолчиларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш билан боғлиқ масалаларни ҳам қамраб олади.

Шу билан бир қаторда, нодавлат нотижорат ташкилотлари ва фуқаролик жамиятининг бошқа институтлари ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш дастурларини, норматив-хуқуқий ҳужжатларни ишлаб чиқиш ва уларнинг ижросини таъминлашда, давлат органлари ҳузуридаги ишчи гуруҳлар, комиссиялар фаолиятида, ижтимоий шериклик тўғрисида битим ёки шартномалар тузиш, мазкур шерикликнинг бошқа томон субъектлари билан биргалиқдаги лойиҳаларни ишлаб чиқиш ва амалга ошириш каби жараёнларда иштирок этади.

Давлат нодавлат нотижорат ташкилотлари ва фуқаролик жамияти бошқа институтларига ижтимоий шериклик жараёнида мулкий, ахборот, маслаҳат, ташкилий, ўқув-услубий жиҳатдан ёрдам беради. Масалан, ижтимоий шериклик соҳасидаги фаолиятни амалга оширувчи ушбу ташкилотларга қонунчиликда белгиланган тартибда шартнома асосида давлат мулки бепул ёки имтиёзли шартларда фақат кўзда тутилган мақсадда фойдаланишга вақтинча берилади. Ўз навбатида, нодавлат нотижорат ташкилотлари ва

фуқаролик жамиятининг бошқа институтлариға моддий ёрдам кўрсатаётган юридик ёки жисмоний шахсларга солиқлар ва бошқа мажбурий тўловларни тўлаш бўйича имтиёз тақдим этилади. Шунингдек, нодавлат нотижорат ташкилотлари ва фуқаролик жамиятининг бошқа институтлариға давлат субсидиялари, грантлари ва ижтимоий буюртмаларни бериш ҳамда ижтимоий шериклик борасидаги тадбирларни молиялантириш ҳам ижтимоий шерикликни ривожлантиришни давлат томонидан қўллаб-кувватлаш ҳисобланади.

Шу нуқтаи назардан қараганда, “Ижтимоий шериклик тўғрисида”ги Конунда Олий Мажлис ҳузуридаги Нодавлат нотижорат ташкилотлари ва фуқаролик жамиятининг бошқа институтларини қўллаб-кувватлаш жамоат фонди, ушбу фонд маблағларини бошқариш бўйича парламент комиссиясининг ваколатлари ҳақида алоҳида нормалар акс этган. Ўз навбатида, мазкур Конуннинг тегишли моддаларида нодавлат нотижорат ташкилотлари ва фуқаролик жамияти бошқа институтларининг ролини кучайтириш, уларнинг ташаббусларини ривожлантириш мақсадида Қорақалпоғистон Республикаси Жўқорғи Кенгеси, халқ депутатлари вилоятлар ва Тошкент шаҳар Кенгашлари томонидан жамоат фонdlари тузилиши ва жамоат комиссиялари ташкил этилиши ҳамда уларнинг вазифалари белгиланган.

Давлат органи билан нодавлат нотижорат ташкилотлари ва фуқаролик жамиятининг бошқа институти ўртасида шартнома тузиш йўли билан ижтимоий ва умум аҳамиятга эга лойиҳалар давлат ижтимоий буюртмаси асосида амалга оширилади. Буюртмада давлат органи фаолиятининг устувор йўналишлари, ишларни бажариш ёки тадбирларни ўтказишга доир топшириқнинг мақсад-вазифалари ҳамда шартлари кўрсатилади. Олий Мажлис ҳузуридаги Нодавлат нотижорат ташкилотларини ва фуқаролик жамиятининг бошқа институтларини қўллаб-кувватлаш жамоат фонди ёки жойлардаги жамоат фонdlари бундай буюртмаларни бериш бўйича танлов ташкил этади, тушган таклифларни умумлаштириб, Парламент комиссияси ёки жамоат комиссиялариға тақдим этади. “Ижтимоий шериклик тўғрисида”ги Конунда табиий равишда ижтимоий шериклик муносабатларининг иштирокчилари бўлган тегишли томонлар – давлат органлари, нодавлат нотижорат ташкилотлари ва фуқаролик жамияти бошқа институтлари-нинг ҳуқуқ ҳамда мажбуриятлари алоҳида нормаларда кўрсатилган.

“Ижтимоий шериклик тўғрисида”ги Конун мамлакатимизда амалга оширилаётган ислоҳотларнинг таркибий қисмларидан бири бўлган ижтимоий-иктисодий дастурларни тайёрлашда, тегишли қонунларни ишлаб чиқишида нодавлат нотижорат ташкилотлари ва фуқаролик жамияти бошқа институтларининг фаол иштирокини таъминлашга, бу жараёнда аҳоли кенг қатламларининг манфаатлари ҳар томонлама ҳисобга олинишига кўмаклашишга, ўзаро ҳамкорлик самарасини оширишга хизмат қиласи.

Ижтимоий маданият методологиясида ижтимоий шериклик индивидлар, гурухлар, жамият қатламлари ўртасидаги келишув муносабатларига эришиш

механизми сифатида муҳим аҳамият касб этади. Қатор олимлар фикрича, ижтимоий шериклик – жамият турли гуруҳларининг, барқарорликка эришиш мақсадида, ўз қизиқишлигини ўзаро мувоғиқлаштириш, ўзаро боғлиқлиги. Ижтимоий ҳодиса сифатида ижтимоий шериклик ҳукмни амалга ошириш билан боғлиқ. Айни пайтда, бундай конкретлаштириш замонавий жамиятдаги ижтимоий шерикликнинг назарий таҳлили ва амалиёти имкониятларини қисқартиради. Хуллас, иқтисодчилар учун ижтимоий шериклик ишчилар ва иш берувчилар ўртасида, давлат органлари ва маҳаллий ўз-ўзини бошқариш тизими ўртасида ўзаро муносабатлар тизими, ишчилар ва иш берувчилар қизиқишлигининг мослашувини таъминлашга қаратилади.

Ижтимоий шериклик муносабатларининг мазкур соҳада ривожланиш истиқболи катта. Бозор иқтисодиёти шароитида иш берувчи ва ходим ўртасидаги меҳнат муносабатлари ижтимоий шерикликни тақозо этади. Ижтимоий шериклик бозор иқтисодиётига хос бўлган ижтимоий меҳнат муносабатларининг алоҳида тури ҳисобланиб, у турли ижтимоий гуруҳлар, биринчи навбатда, иш берувчилар ва ходимлар асосий манфаатлари энг мақбул нисбатини таъминлашга йўналтирилган. Ижтимоий шериклик – ишлаб чиқариш жараёни иштирокчилари: ходимлар ва иш берувчиларнинг тенг ҳамкорлигига асосланган манфаатларнинг ўзаро келишуви ва механизmlари тизими.

Ижтимоий шериклик шаклларининг ривожланиши, маълум маънода, ҳозирги замон бозор иқтисодиётининг ижтимоий кучайиши билан бевосита боғлиқ. Ижтимоий ҳамкорлик тизимида ходимлар манфаати – касаба уюшмалари томонидан, иш берувчилар манфаати – ишлаб чиқарувчилар иттифоқлари томонидан ҳимоя қилинади. Бошқа жиҳатдан томонлар манфаатларини ўзаро келиштириш жараёнида давлат бевосита иштирокчи бўлади, шу билан бирга, қабул қилинган қарорлар бажарилишига кафил бўлиб ҳисобланади. Манфаатлар келишувига музокаралар орқали эришилади, музокаралар жараёнида томонлар, ходимларнинг меҳнат шароитлари, унга ҳақ тўлаш, ходимларнинг ижтимоий муҳофазаси ҳамда уларнинг корхона фаолиятидаги ўрни каби масалалар хусусида келишувга эришадилар. Ижтимоий шериклик ва меҳнат муносабатларини кенгайтириш ҳамда чуқурлаштириш бугунги кунда персонални бошқаришнинг энг муҳим вазифаларидан бирига айланмоқда. Бундай шерикликда алоҳида ижтимоий гуруҳларнинг турли ижтимоий манфаатларини ўзаро боғлиқлигини эътироф этиш ҳамда шу сабабли уларга иқтисодий жараёнларда, қарор қабул қилишда иштирок этиш ҳукуқлари берилиши ҳам назарда тутилади.

Ижтимоий шериклик тизими белгиланган органларнинг ташкил этилиши ва фаолият кўрсатиши, ижтимоий шериклик ғоя ҳамда тамойилларини амалга ошириш, ижтимоий-меҳнат ва меҳнатга оид иқтисодий муносабатларни ижтимоий консенсусга таянган ҳолда тартибга солиш каби аниқ белгиланган ижтимоий мақсадга эга. Умуман олганда, ижтимоий шериклик тизимининг мақсад ва вазифалари қуйидаги масалаларни ҳал этишда ўз аксини топади:

- бозор иқтисодий ислоҳотларни ишлаб чиқиш ва амалга оширилишини таъминлаш;
- жамоа меҳнат низоларининг олдини олиш ва улар ҳал этилишига кўмаклашиш;
- ижтимоий-меҳнат муносабатларини тартибга солувчи қонунчилик базасини белгиланган тартибда янада такомиллаштириш;
- аҳоли турмуш шароитини яхшилаш, жамиятда ижтимоий барқарорликка эришиш.

Ижтимоий шериклик иштирокчиларига ўз қизиқишилари ва умумқизиқиши йўлида бирлашишга шароит яратади. У бозор иқтисодиёти шароитида замонавий талабда малакали кадрлар тайёрлайди. Маданият соҳасида ижтимоий шериклик – муаммолар ечими учун ресурсларнинг қайта тақсимотигина эмас. Бунда ижтимоий муаммолар ижтимоий таҳлил учун долзарб бўлиб, уларнинг ечиш усули ҳам катта аҳамиятга эга.

Ижтимоий гуруҳларга ривожланган мамлакатларда мобиллик, бир гуруҳдан бошқасига ўтишдаги очиқлик каби белгилар хос. Турли ижтимоий-мутахассис гуруҳларнинг таълим ва маданият даражаси жиҳатидан яқинлашиши умумий ижтимоий маданий эҳтиёжларнинг шаклланишига олиб келади, шу билан бирга, ижтимоий гуруҳларнинг, уларнинг қадрият, хатти-харакат, мотивациясининг секин-аста интеграциялашувига шароит яратилади. Маданият замонавий жамиятда борган сари қўпроқ ижтимоий-иқтисодий ва сиёсий тараққиёт оқибати сифатида ифодаланаётгани ва тушунилаётгани йўқ, балки мана шу тараққиётнинг зарурӣ шарти, муҳим омили, шахс ва жамият ахлоқий камолот даражаси сифатида англанмоқда. Ижтимоий шериклик субъектлари (томонлари) ҳамкорликнинг барча иштирокчилари ҳисобланади, таҳмин қилинаётган ва аниқ мақсадли фаолиятнинг роли хатти-харакатларининг энг аҳамиятли моделларини амалга оширади. Ижтимоий шериклик обьекти ижтимоий-маданий соҳада субъектлар ўртасидаги амалдаги қонунчиликка асосланган, муносабатлар ҳисобланади. Улар, аввало, ижтимоий-маданий ва меҳнат соҳасидаги келишувга асосланган сиёsat ишлаб чиқиш, қабул қилиш ва амалга ошириш жараёнини ўз ичига олади. Бу ижтимоий шериклик тизимининг яхлит бўлиб пайдо бўлишида ҳал қилувчи шарт ҳисобланади.

Ижтимоий шериклик мутлақо аниқ ижтимоий талабдаги ижтимоий-маданий жиҳатга эга. Янада тўлиқроқ у маданият соҳасида ижтимоий муносабатларнинг ўзига хос тури сифатида намоён бўлади, шартнома ва келишувлар, ўзаро компромиссларга эришиш, ривожланиш бўйича долзарб муаммолар юзасидан ягона позицияни ишлаб чиқиш ва амалга ошириш йўли билан келишувга эришиш ва ишчилар ҳамда иш берувчилар, давлат органлари ва аҳолининг қизиқишилари учун цивилизацион курашишга асосланади. Айни вақтда кучли ва ҳаётга яроқлиликни сақлаб қолган ҳолда маданият ижтимоий организмга тез ўзгарувчи оламга адекват таъсирланишга имкон беради.

Хуласа қилиб айтганда, ижтимоий шериклик инновацион ривожланишни ташкил қилувчи асосий элементлардан биридир. Ижтимоий

масъулият ошиби бориши динамикасида хукуматнинг касаба уюшма ташкилотлари ҳамда маданият муассасалари билан шериклик муносабатларининг ривожи долзарблашади. Ижтимоий шерикликнинг ривожи таълим соҳасида тўғридан-тўғри ёки нисбий иштирок этувчи моддий, молиявий, барча субъектларнинг интеллектуал имконият-ларини бирлаштиришни талаб этади. Маданият соҳаси тараққиётида шаклланиб бўлган корпоратив маданиятни тўғри баҳолаш, айниқса, аҳамиятли. Шунингдек, икки эҳтимолий муқобил йўллардан бирини танлаш талаб этилади: эволюцион ва революцион (инқизорзли). Ички корпоратив ижтимоий шериклик аниқ ташкилот маданий ривожила-ниши жараёнида ҳам, социум маданий парадигмаси шаклланиши усул ва воситаларни танлашда ҳам роли тобора кучайиб бормоқда. Ижтимоий шериклик, ўз моҳиятига кўра, консенсус, жамиятда тинчлик, барқарорлик ҳамда турли ижтимоий гурухлар ўртасидаги муносабатлардаги тарангликни камайтиришга ёрдам беради.

### **Назорат соволлари.**

1. Ўзбекистонда фуқаролик жамиятини ривожлантириш концепциясининг қабул қилиниши ва ундаги устувор вазифалар.
2. Фуқаролик жамиятини ривожлантиришнинг кўрсаткичлари.
3. Инсон хақ-хуқуқларининг таъминланиши – фуқаролик жамиятини ривожлантириш омили.
4. Жамоатчилик назоратини такомиллаштириш – фуқаролик жамиятини ривожлантириш стратегиясининг асосий йўналиши.
5. Ижтимоий шериклик муносабатлари ривожланишининг назарий-хуқуқий асослари.

## **7-мавзу: “МИЛЛИЙ ТИКЛАНИШДАН МИЛЛИЙ ЮКСАЛИШГА” КОНЦЕПТУАЛ ФОЯСИ. ЎЗБЕКИСТОНДА 2021-2025 ЙИЛЛАРДА ФУҚАРОЛИК ЖАМИЯТИНИ РИВОЖЛАНТИРИШ КОНЦЕПЦИЯСИ.**

### **РЕЖА:**

- 7.1. Ўзбекистонда 2021-2025 йилларда фуқаролик жамиятини ривожлантириш концепциясининг қабул қилиниши, Концепцияда белгиланган устувор йўналишлар
- 7.2. Фуқаролик жамиятини ривожлантиришнинг мақсадли кўрсаткичлари.
- 7.3. Жамоатчилик палатасининг такомиллаштирилиши ва унинг асосий вазифалари.

### **7.1. Ўзбекистонда 2021-2025 йилларда фуқаролик жамиятини ривожлантириш концепциясининг қабул қилиниши, Концепцияда белгиланган устувор йўналишлар.**

2021 йил 4 марта “2021-2025 йилларда фуқаролик жамиятини ривожлантириш концепциясини тасдиқлаш тўғрисида” Ўзбекистон Республикаси Президентининг фармони қабул қилинди.

Сўнгги йилларда нодавлат нотижорат ташкилотлари ва фуқаролик жамиятининг бошқа институтларини қўллаб-қувватлаш, давлат органлари ва улар ўртасида ижтимоий шерикликни қучайтириш, таъсирчан жамоатчилик назоратини амалга ошириш, шунингдек, ушбу соҳани тартибга солувчи ҳуқуқий базани такомиллаштириш борасида изчил ишлар олиб борилди. Хусусан, охирги тўрт йилда нодавлат нотижорат ташкилотлари ва фуқаролик жамияти бошқа институтларининг **1 270 дан** ортиқ лойиҳаларини қўллаб-куватлаш мақсадида Давлат бюджетидан **117 миллиард** сўм миқдордаги маблағлар ажратилган.

Амалга оширилган чора-тадбирлар натижасида нодавлат нотижорат ташкилотларининг ҳуқуқий кафолатларини таъминлайдиган, замонавий демократик талабларга ва халқаро стандартларга жавоб берадиган норматив-ҳуқуқий база янада такомиллаштирилди. Бунинг натижасида **20 га** яқин қонун, Ўзбекистон Республикаси Президентининг ҳужжатлари ва Ҳукуматнинг қарорлари қабул қилинган.

Нодавлат нотижорат ташкилотлари манфаатларини ифода этиш, давлат билан улар ўртасидаги қўприк вазифасини бажаришга қаратилган Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Жамоатчилик палатаси ташкил қилиниши ва аҳоли билан очик мулоқот олиб боришнинг янги самарали воситаларини жорий этиш мақсадида давлат органлари ҳузурода **жамоатчилик кенгашлари** фаолияти йўлга қўйилган. Мамлакатимизда эркин фуқаролик жамиятини шакллантириш ва ривожлантириш, инсон

хуқуқларини, қонуний манфаатларини, демократик қадриятларни ҳимоя қилиш, аҳолининг сиёсий маданияти ва хуқуқий онгини оширишга муносаб ҳисса қўшган нодавлат нотижорат ташкилотлари вакилларини рағбатлантириш мақсадида “**Фуқаролик жамиятини ривожлантиришга қўшган ҳиссаси учун**” кўкрак нишони таъсис этилди ҳамда соҳанинг **126 нафар** фаоллари ушбу юксак мукофот билан тақдирланган.

Биргина сўнгги тўрт йилда фуқаролик жамиятининг энг асосий институти ҳисобланадиган нодавлат нотижорат ташкилотлари сони **20,7 фоизга** ошди, шу жумладан, **187 та** йирик республика нодавлат нотижорат ташкилотлари ўз фаолиятини бошлади. Шу билан бирга, ушбу ишларни сифат жиҳатидан янги босқичга кўтариш ҳамда мамлакатимизда фуқаролик жамиятини ривожлантиришнинг яқин ва ўрта муддатли истиқболларини белгилаб олишга концепцияда асосий эътибор қаратилди.

Фуқаролик жамиятини ривожлантиришнинг ташкилий-хуқуқий асосларини янада такомиллаштириш, нодавлат нотижорат ташкилотларининг роли ва аҳамиятини, ижтимоий фаоллиги ва фаолиятининг самарадорлигини ошириш, шунингдек, 2017-2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегиясини “Илм, маърифат ва рақамли иқтисодиётни ривожлантириш йили” ва “Ёшларни қўллаб-қувватлаш ва аҳоли саломатлигини мустаҳкамлаш йили”да амалга оширишга оид давлат дастурлари ижросини таъминлаш мақсадида: **2021-2025 йилларда фуқаролик жамиятини ривожлантириш концепциясида** қўйидаги устувор йўналишлар белгиланган:

- фуқаролик жамиятини ривожлантиришнинг хуқуқий асосларини изчил такомиллаштириш;
- фуқаролик жамияти институтларига қўмак бериш ҳамда уларни давлат томонидан қўллаб-қувватлаш механизмини янада такомиллаштириш;
- давлат ва жамият бошқарувида фуқаролик жамияти институтларининг фаол иштирок этиши учун зарур шарт-шароитлар яратиш;
- давлат ижтимоий лойиҳаларини амалга оширишда фуқаролик жамияти институтларининг иштирокини янада кенгайтириш;
- фуқаролик жамияти институтлари фаолиятининг очиқлигини таъминлаш.

**7.2. Фуқаролик жамиятини ривожлантиришнинг мақсадли кўрсаткичлари.** Концепцияда Мақсадли кўрсаткичлар этиб қўйидагилар белгиланган:

- ❖ нодавлат нотижорат ташкилотлари ва фуқаролик жамиятининг бошқа институтларини давлат томонидан субсидиялар, грантлар ва ижтимоий буюртмалар шаклларида қўллаб-қувватлаш ҳажмини 2021 йилда камида **1,2 бараварга**, 2025 йилда **1,8 бараварга** ошириш;
- ❖ Қорақалпоғистон Республикаси Жўқорғи Кенгеси, халқ депутатлари вилоятлар ва Тошкент шаҳар Кенгашлари ҳузуридаги нодавлат нотижорат

ташкилотларини ва фуқаролик жамиятининг бошқа институтларини кўллаб-кувватлаш жамоат фондларига 2021 йилда **16 миллиард** сўм, 2025 йилда **70 миллиард** сўм маблағлар ажратиш;

- ❖ Ўзбекистон нодавлат нотижорат ташкилотлари миллий ассоциацияси аъзолари сонини жами фаолият кўрсатаётган нодавлат нотижорат ташкилотлари сонига нисбатан 2021 йилда **10 фоизга**, 2025 йилда **30 фоизга** етказиш;
- ❖ ҳар бир давлат органи ҳузуридаги жамоатчилик кенгашлари фаолиятида фуқаролар ташаббуси билан ташкил этилган нодавлат нотижорат ташкилотлари вакилларининг сонини (жами жамоатчилик кенгашлари таркибларига киритилган нодавлат нотижорат ташкилотлари вакилларининг сонига нисбатан) 2021 йилда **5 фоизга**, 2025 йилда **25 фоизга** етказиш;
- ❖ нодавлат нотижорат ташкилотлари томонидан юқори турувчи ташкилотларга қонунчиликни такомиллаштириш юзасидан киритилган таклифларнинг умумий сонини 2021 йилда **1 000 тага**, 2025 йилда **5 000 тага** етказилишини таъминлаш;
- ❖ мамлакатимизда эълон қилинадиган йилга оид давлат дастурида иштирок этаётган нодавлат нотижорат ташкилотлари сонини 2021 йилда **30 тага**, 2025 йилдаги давлат дастурида – **50 тага** етказиш;
- ❖ амалдаги жараёнларни соддалаштириш ва профилактик чора-тадбирларни кучайтириш орқали нодавлат нотижорат ташкилотлари томонидан содир қилинаётган ҳуқуқбузарликларни (жами 2020 йилда содир қилинган ҳуқуқбузарликлар сонига нисбатан) 2021 йилда **3,8 фоизга**, 2025 йилда **19,2 фоизга** камайтириш;
- ❖ 2021 йилда **50 та**, 2025 йилда **250 та** нодавлат нотижорат ташкилотлари раҳбарларини Давлат бошқаруви академиясида қайта тайёрлаш ва уларнинг малакасини ошириш.
- ❖ 2021 йил 1 апрелдан бошлаб нодавлат нотижорат ташкилотлари фаолиятининг очиқлик индекси жорий қилинади ва унга қўра ҳар йил якунлари бўйича нодавлат нотижорат ташкилотлари томонидан амалга оширилган ишлар, ижтимоий шериклик даражаси, ажратилган субсидия, грант ва ижтимоий буюртмалар натижадорлиги ва бошқа муҳим фаолият кўрсаткичларига асосан уларнинг рейтинги тузилиши белгиланган. Бу борада муайян ишлар амалга оширилмоқда.

### **7.3. Жамоатчилик палатасининг такомиллаштирилиши ва унинг асосий вазифалари.**

Концепцияда нодавлат нотижорат ташкилотлари фаолиятининг очиқлик индексини аниқлқш учун Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Жамоатчилик палатаси, Ўзбекистон нодавлат нотижорат ташкилотлари миллий ассоциацияси ва Адлия вазирлиги томонидан белгиланган тартибда шакллантирилади ва индекс натижалари уларнинг

расмий веб-сайтларида эълон қилиниши белгиланди. Шунингдек, **Нодавлат нотижорат ташкилотлари фаолиятининг очиқлик индексини** ишлаб чиқиш ва тўлиқ амалиётга жорий қилиш адлия органларига юклатилди ва нодавлат нотижорат ташкилотларининг Олий Мажлис Қонунчилик палатаси ва унинг қўмиталари (комиссиялар) мажлисларида иштирок этувчи **доимий вакили институти** жорий этилди. Доимий вакилнинг **асосий вазифалари сифатида** қонун лойиҳалари ва қути палатанинг ваколатларига кирадиган масалалар бўйича муҳокамаларида, йигилишларда иштирок этиб **ижтимоий шериклик, таъсирчан жамоатчилик назорати механизmlарини** жорий қилиш ва уларни амалиётга тўғри қўллаш, нодавлат нотижорат ташкилотларининг ҳуқуқ ҳамда манфаатларини ифода қилиш бўйича ўз таклиф-мулоҳазаларини билдириш имконияти берилди. Шунингдек, доимий вакил фуқаролик жамияти ривожига ҳисса қўшган, фуқароларнинг ҳуқуқ ва эркинликларини химоя қилишда фаоллик кўрсатган, эл-юрт иззат-хурматига сазовор бўлган нодавлат нотижорат ташкилотлари ходимлари орасидан Жамоатчилик палатаси томонидан лавозимга тайинланиши ва лавозимидан озод қилиниш тартиби белгиланган.

Концепцияда давлат органлари ҳузуридаги жамоатчилик кенгашлари таркибининг камида **50 фоизини** нодавлат нотижорат ташкилотлари вакиллари ташкил этиши, жамоатчилик кенгашларининг таркиби **Жамоатчилик палатаси** билан келишилгандан сўнг давлат органи раҳбарининг қарори билан ҳар **2 йилда** тасдиқланиши, жамоатчилик кенгашларининг умумий аъзолари сони **15 нафардан** кам бўйласлиги тартиби жорий этилди.

**2021 йил 1 майдан** бошлаб ҳомийлик маблағларини марказлаштирилган ҳолда тўплаш ва тарқатиш, уларнинг мақсадли ҳамда манзилли йўналтирилишини мониторинг қилиш, ушбу жараёнларни тўлиқ автоматлаштириш ва ошкоралигини таъминлаш, шунингдек, хайрия этувчи ўз маблағининг ишлатилишини кузатиб бориш имконини берувчи **“Шаффоф хайрия” ягона интерактив портали** ишга туширилди.

2021 йилда Қорақалпоғистон Республикаси, Андижон, Қашқадарё, Наманган, Сурхондарё, Тошкент, Фарғона вилоятлари ва Тошкент шаҳрида **“Нодавлат нотижорат ташкилотлари уйлари”** ташкил этилаётганлиги фуқаролик жамиятини ривожлантиришга ўзига хос ёндашув сифатида қараш лозим.

## **IV. АМАЛИЙ МАШГУЛОТ МАТЕРИАЛЛАРИ. АМАЛИЙ МАШГУЛОТЛАРИНИ ЎТКАЗИШДА ҚЎЛЛАНИЛАДИГАН ИНТЕРФАОЛ ТАЪЛИМ ТЕХНОЛОГИЯЛАРИ.**

**I.1. “Тақдимот” методи** ўрганиладиган мавзу моҳиятини компьютер хизматидан фойдаланилган ҳолда слайдлар мажмуаси ёрдамида очиб борилишини таъминлайди. Методни қўллашда мавзунинг асосий ғоялари, таянч тушунчалар, муҳим хусусиятлари кичик матн, жадвал, тасвирсхема, расм ва диаграммалар асосида ёритилади. Ушбу метод талабаларни мавзу мазмунини образли, яхлит тарзда ўзлаштириш кўникмаларини шакллантиради.

**I.2. “Савол-жавоб” методи** мавзунинг талабалар томонидан қандай ўзлаштирганлик даражасисини аниқлаш учун хизмат қиласди. Бунда ўқитувчи

**I.3. “Менга сўз беринг” методи** талабаларда ўрганилаётган мавзу, муҳокама қилинаётган масала ёки тадқиқ етилаётган муаммо бўйича шахсий фикр-мулоҳазаларини билдириаш, фикрларини далиллар билан исботлаш, уларни ҳимоя қилиш, мантиқий хуносаларни илгари суриш кўникмаларини шакллантиришга хизмат қиласди. Метод ўқитувчи талабалар ўртасидаги таълимий ҳамкорликни қарор тортиришга ёрдам беради. Машғулот жараёнида ушбу методни қўллашда талабалар дарснинг ташкилий жиҳатлари, самарадорлиги хусусида ўз фикрларни баён қилиш имкониятига ега бўладилар.

**I.4. “Тушунчалар таҳлили” методи.**

**Методнинг мақсади:** мазкур метод талабалар ва ёки қатнашчиларни мавзу бўйича таянч тушунчаларни ўзлаштириш даражасини аниқлаш, ўз билимларини мустақил равишда текшириш, шунингдек, Янги мавзу бўйича дастлабки билимлар даражасини ташзис қилиш мақсадида қўлланилади.

**Методни амалга ошириш тартиби:**

- ❖ иштирокчилар машғулот қоидалари билан таништирилади;
- ❖ талабаларга мавзуга тегишли бўлган сўзлар, тушунчалар, номи туширилган тарқатмалар берилади (индивидуал ёки гурӯхли тартибда);
- ❖ талабалар мазкур тушунчалар қандай маъно англатиши, қачон, қандай ҳолатларда қўлланилиши ҳақида ёзма маълумот берадилар;
- ❖ белгиланган вақт якунига етгач ўқитувчи берилган тушунчаларнинг тўғри ва тўлиқ изоҳини ўқиб эшиттиради ёки слайд орқали намойиш етади;
- ❖ ҳар бир иштирокчи берилган тўғри жавоблар билан ўзининг шахсий муносабатини таққослайди, фарқларини аниқлайди ва ўз билим даражасини текшириб баҳолайди.

## **АМАЛИЙ МАШГУЛОТИ МАВЗУЛАРИ БЎЙИЧА УСЛУБИЙ ТАВСИЯЛАР**

Ўзбекистонни ривожлантириш стратегияси. Фуқаролик жамияти фани предмети, об’екти, мақсад ва вазифалари курсини ўқитишида фойдаланиладиган интерфаол таълим методлари

## СЕМИНАР МАШҒУЛОТИНИНГ ТЕХНОЛОГИК ХАРИТАСИ

Ишлаш босқичлари	Фаолият мазмуни	
	Үқитувчи	Талабалар
<b>1-босқич. Ўқув машғулотига кириш. 10дақықа.</b>	<p>1. Назарий машғулот мавзуси, мақсади ва режаси е'лон қилинади.</p> <p>2.Мазкур фаннинг ўрганиладиган мавзулари бўйича назарий ва амалий машғулотлар, уларнинг узвийлиги хақида қисқача маълумот беради. Асосий адабиётларнинг рўйхати билан таниширади.</p> <p>2. Семинар дарсининг мақсади ва ўқув фаолияти натижаларини айтади. Талабаларни ақлий хужумга тортиш учун жонлантирувчи саволлар беради.</p>	<p>1.Диққат билан тинглайдилар.</p> <p>2.Ўз фикрларини билдирадилар.</p>
<b>2-босқич. Асосий (информасион босқич). (60 қиқа)</b>	<p>1.Семинар режасининг барча саволлари бўйича визуал материални намойиш қиласди. Мавзунинг асосий жойларини ёзиб олишларини сўрайди.</p> <p>2.Талабаларни фаоллаштириш мақсадида“ажурли арра” интерактив редакторик усулидан фойдаланилади. Жавоблар таҳлил қилинади ва хulosаланади.</p> <p>3. Мавзу юзасиданберилган савол кўргазмали схемалар асосида баён етилади. Берилган жавоблар таҳлил қилинади ва хulosаланади.</p> <p>4. Ўртага савол мунозара учун ташланади “Фуқаролик жамияти тушунчаси ривожининг асосий доктриналари ва консесиялари” Мунозара жараёнини кузатиб</p>	<p>2.1.Талабалар маърузачи томонидан берилган маълумотларни диққат билан тинглаб, ўз нуқтаи назарларини еркин фикр орқали баён етади.</p> <p>2.2.Талабалар диққат билан тинглаб,ёзиб оладилар.Талабалар ҳар бир саволларга аниқ жавоб берадилар.</p> <p>2.3.Талабалар жуфт-жуфт бўлиб баҳс-мунозара қиласдилар.</p>

	йўналтириб боради. Якун ясайди.	
<b>3-босқич. якунловчи босқич. 10 дақиқа</b>	<p>Мавзу бўйича умумий хулоса қиласди.</p> <p>Фаол иштирок етган талабаларнинг билим ва кўникмаларини баҳолайди.</p> <p>Навбатдаги машғулотда кўриладиган масалани е’лон қиласди, ва мустақил тайёргарлик кўришларини сўрайди.</p> <p>4. Маъруза анжуман дарсининг докладлар мавзуси берилади.</p> <p>5. Келгуси мавзу е’лон қилинади ва семинарга тайёрланиб келишни айтади.</p> <p>6. Ўз-ўзини назорат юзасидан саволлар билан танишади.</p> <p>7. Адабиётлар рўйхати тавсия етилади.</p>	<p>1. Талабалар тинглайдилар, аниқлайдилар.</p> <p>2. Фаол талабалар баҳоланади</p> <p>3. Мустақил ишлаш учун торширикни ёзиб олади</p> <p>4. Уйга вазифани ёзиб оладилар.</p>

## V. ГЛОССАРИЙ

**Абилиционизм** – (лот. бекор қилиш) бирор қонунни бекор қилишга қаратилган оммавий ҳаракат. XVIII аср охири ва XIX асрнинг биринчи ярмида АҚШда негрларни қулликдан озод қилиш учун бошланган ҳаракат иштирокчилари – абилиционист деб аталган.

**Автономия** (юнон. autos+nomos-ўзи+қонун); 1.ягона Давлат миқёсида худудий-миллий тузилмаларга (вилоят, ўлка) ўзини ўзи бошқариш ваколатларини бериш; 2.Маъмурий-худудий бирлик; 3.Қандайдир органлар (хўжалик, давлат, партия ва бошқалар) фаолиятларидағи ўзини ўзи бошқариш хуқуқи.

**Автономия** (юнон. autos+nomos-ўзи+қонун); 1.ягона Давлат миқёсида худудий-миллий тузилмаларга (вилоят, ўлка) ўзини ўзи бошқариш ваколатларини бериш; 2.Маъмурий-худудий бирлик; 3.Қандайдир органлар (хўжалик, давлат, партия ва бошқалар) фаолиятларидағи ўзини ўзи бошқариш хуқуқи.

**Агрегация-** (лот.) нодавлат ва жамоат ташкилотлари айрим манфаатларни агрегация қилиш, яъни турли муносаралар ва муҳокамалар воситасида турли манфаатлар уйғунлаштирилади ва улар ўртасида муайян муносабатлар тизимини шакллантиради. Бу жараёнда асосий ва муҳим манфаатлар танлаб олинади уларни қондириш чора ва тадбирлари кўрилади.

**Адвокатура-хуқуқий** институт, адвокатлик фаолияти билан шугулланувчи шахсларнинг мустақил, кўнгилли, касбий бирлашмаларини ўз ичига олади. Ўзб.Рес. фуқаролари, ажнабий фуқаролар, фуқаролиги бўлмаган шахсларга, корхоналар, муассасалар, ташкилотларга юридик ёрдам кўрсатади. Ўзбекистон Республикасининг адвокатура тўғрисидаги қонуни 1996 йил 27 декабрда қабул қилинган.

**Адлия-**(араб.-адолат)-суд муассасаларининг бутун мажмуини, уларнинг одил судловни амалга ошириш фаолиятини, шунингдек, суд идорасини билдирувчи атама.

**Адолат** (араб. – одиллик, тўғрилик) – у ёки бу қадриятларнинг ўзаро умумий муносабатини ва уларнинг индивидлар ўртасида конкрет тақсимланишини ифодаловчи тушунча; инсоннинг моҳияти ва унинг ажralmas ҳуқуқларини ҳақидаги тасаввурларга мос бўлган жамоа тартиби.

**Актор** - (лот. “actor” - арбоб); муайян хатти-ҳаракатларни амалга оширувчи индивид, ижтимоий гурӯҳ, институт ёки бошқа субъект, зиддиятларда иштирок этувчи томонлар. Сиёsatшуносликда актор ва субъект тушунчалари синоним сифатида ишлатилади.

**Алармизм** – интеллектуал ва экспертларни бирлаштирувчи замонавий гоявий оқим. У хавф солаётган глобал муаммолар – яровий, экологик в.х. – борасида огохлантиради

**Амнистия-**жиноят содир этган шахсларни жиноий жавобгарликдан тўлиқ ёки қисман жазодан озод қилиш, шунингдек, илгари суд томонидан белгиланган жазони ўтаб бўлган шахслардан судланганликни олиб ташлаш.

Амнистия акти норматив хусусиятга эга, яъни амнистия акти билан белгиланган талабларга жавоб берадиган барча шахсларга нисбатан қўлланилади.

**Анахронизм** – (юон. ana-орқага,chromos-вақт, замон); янглиш ҳолда бир даврдаги воқеа ёки ҳодисаларни бошқасига алмаштириб қўйиш.

**Апатия** – (юон.) бутунлай бефарқлик ҳолати, лоқайдлик.

**Артикуляция** – (лот.) нодавлат ва жамоат ташкилотлари индивидлар ва ижтимоий гурӯҳларнинг тарқоқ қарашлари, ижтимоийруҳий кечинмалари ва умидларини аниқ ва маълумсиёсий мақсадлар ва талабларга айлантиришжараёнини англатади.

**Ахборот** – (“*informatio*” лотинчаданмаълумотлар, тушунтиришлар, баёнларни англатади) – бу маъмурий, ташкилий тадбирлар ўтказиш ҳақида қарорларни қабул қилиш учун, шунингдек таклиф ва тавсияларни тайёрлаш учун асос бўлиб хизмат қилувчи муҳим фактлар (шахслар, ҳаракатлар, ташкилотлар, воқеалар) тўғрисидаги маълумотдир. Фалсафий нуқтаи назардан ахборот бизнинг маълумот (белги) олиш натижасида ўрганилаётган ҳодисалар (жараёнлар) ҳақида тасаввурларимизнинг ноаниқлигини камайтириш ёки олиб ташлашни таъминлайди.

**Ахборот-** (информация) - лот. *informare*-тасвирламоқ, нимадир ҳақида тушунча тузиш; кимнидир фаолияти, нимадир фаолияти ёкиишининг аҳволи ҳақида ҳабар, ҳабардорлик.

**Ахборот маданияти** – жамиятнинг ахборот ресурслар ва ахборот-коммуникацион технологиялардан самарали фойдаланиш, шунингдек бу мақсадларда ахборотлаштириш воситалар ва ахборот технологияларни ривожлантириш соҳасида илғор ютукларни қўллаш қобилияти. Ахборот маданияти кишида ахборот муҳити билан ўзаро муносабатда билим, маҳорат, кўникум ва рефлексли кўрсатмалар мавжуд бўлиши билан ифодаланади. Кишининг ахборот маданиятининг энг муҳим элементларидан бири – ахборот ресурсларини билиш (улардан эркин фойдаланиш имконияти).

**Ахборот макони** – (Ахборот муҳити) ахборотни сақлаш, ишлаш ва узатиш бўйича техникавий ва дастурий воситалар, шунингдек ахборотлаштириш жараёнининг ижтимоий-иктисодий ва маданий шартшароитлари мажмуаси.

**Ахборот соҳасини либераллаштириш** – (*libera lis* лотинчадан эркинликка тааллуқли) ОАВ ҳуқуқ ва эркинликларини кенгайиш жараёни, шунингдек уларнинг фаолиятидаги чекловларини олиб ташлаш ва давлат назоратини сусайтириш.

**Ахборот эркинлиги**-фуқароларнинг конституциявий ҳуқуқларидан бири бўлиб, сўз, матбуот ва бошқа оммавий ахборотга эга бўлган ахборотни олиш ҳуқуқи ва қонуний асосда олинган ахборотларни тарқатиш ҳуқуқи ахборот эркинлиги ҳисобланади. Ўз.Рес. Конституциясига асосан, оммовий ахборот воситалари эркиндир ва қонунга мувофиқ ишлайди. Улар ахборотнинг тўғрилиги учун белгиланган тартибда жавобгардирлар, цензурага йўл қўйилмайди (67-модда).

**Ахборот-коммуникация технологиялари** – ахборот фойдаланувчилари манфаатида уни йиғиш, ишлаш, сақлаш, тарқатиш, акс этиш ва фойдаланиш мақсадида интеграллашган методлар, ишлаб чиқариш жараёнлар ва дастурий-техникавий воситалар мажмуйи. Бугунги кунда АТ тушунчасига микроэлектроника, компьютерлар ва дастурий таъминотни ишлаб чиқиши ва ишлаб чиқариш, алоқа ва телефония, мобил сервислар, Интернетдан фойдаланишини таъминлаш, Интернет ахборот ресурсларини таъминлаш киради.

**Бешта ташаббус -**

**Билл** – ингл. Буюк Британия, АҚШ ва бошқа давлатларда қонун чиқарувчи ташкилот эътиборига ҳавола қилинувчи қонун лойиҳаси.

**Бипартизм-ижтимоий шерикликнинг икки субъекти ўртасидаги келишув**

**Бозор** – ишлаб чиқарувчилар ва истеъмолчилар (сотувчилар ва харидорлар) ўртасида пул орқали айирбошлиш жараёнида бўладиган муносабатлар йифиндисидир.

**Бозор иқтисодиёти** – товар ишлаб чиқариш, айирбошлиш ва пул муомаласи қонун – қоидалари асосида ташкил этиладиган ва бошқариладиган иқтисодий тизимдир.

**Бозор механизми** – бозор иқтисодиётининг фаолият қилишини тартибга солишини ва иқтисодий жараёнларни уйғунлаштиришни таъминлайдиган дастак ва воситалардир.

**Бундесрат** – нем. ГФРда ерлар палатаси. Германия Ерлари ҳукуматларининг учдан бештагача вакилларидан иборат. Бундестаг – нем. ГФР парламенти. 1949 йилда ташкил этилган. Аralаш сайлов тизимида 4 йиллик муддатга сайланади.

**Бунёдкор ғоя** — жамиятни тараққиёт сари етакловчи, турли гурух ва қатламларни, миллатларни эзгу мақсад йўлида биргаликда ҳаракат қилишга ундовчи, амалга оширишнинг реал асослари бўлган ғоя.

**Бипартизм** – икки томонлама (ишчилар ва иш берувчилар) шериклик ёки ижтимоий шерикликнинг икки субъекти ўртасидаги келишув.

**Бозор иқтисодиёти** – товар ишлаб чиқариш, айирбошлиш ва пул муомаласи қонун-қоидалари асосида ташкил этиладиган ҳамда бошқариладиган иқтисодий тизим.

**Вайронкор (бузғунчи) ғоя** — ёвузлик ва жаҳолатга, айрим жинояткор қучларнинг ҳукмронлигини ўрнатишга хизмат қиласиган, инсонлар, миллатлар ва жамиятнинг мустақиллигига, эркинлигига, ижодкорлигига зид бўлган ғоялар мажмuinи ифодаловчи тушунча.

**Ватан** (арабча “Ватан” – она юрт) – кишиларнинг яшаб турган, уларни авлод ва аждодлари туғилиб ўсган жойи, худуди, ижтимоий муҳити, мамлакати. Ватан бир-бирини тақозо этувчи ташқи мухит ва ички кечинмалар ҳамда тушунчаларни ўз ичига олади. Ташқи мухит нуқтаи назаридан Ватан киши ёки авлодлар туғилиб ўсган ва камол топган жой,

**Ватан равнақи** – миллий истиқлол мафкурасининг Ислом Каримов томонидан асослаб берилган ғояларидан бири. Президентимиз Ватан равнақи

гоясини илгари сурар экан, унинг мазмунини ҳар бир кишининг манфаатларини юрт манфаатлари билан уйғуллаштирувчи, уни халқ баҳтсаодати йўлида хизмат қилишга ундовчи бунёдкор гоядир деб таърифлайди. Зеро, у миллий истиқлолнинг олий мақсади - Ўзбекистонда яшаётган барча фуқароларнинг эл-юрт камоли билан боғлик орзу-умидларини амалга оширишни ифодалайди.

**Ватанпарварлик** – Ватанининг озодлиги ва ободлиги, унинг сарҳадлари дахлсизлиги, мустақиллигининг ҳимояси йўлида фидойилик кўрсатиб яшаш, она халқининг ор-номуси, шон-шарафи, баҳту саодати учун куч-ғайрати, билим ва тажрибаси, бутун ҳаётини баҳш этишдек дунёдаги энг муқаддас ва олижаноб фаолиятни англатадиган инсоний ҳис-туйғудир. Ватанпарварлик - она-юртнинг, халқнинг тарихи ва тақдирига чукур ҳурмат билан қарайдиган, Ватан манфаатлари йўлида фидойилик намуналарини кўрсатишга қодир бўлган шахсларга хос фазилат.

**Вербал** – (лот.) оғзаки; бунда сиёсий иштирокни шахснинг субъектив жиҳатига боғлик эмаслигига ишорақилинмоқда.

**Вето** – (лот. тақиқлайман) давлат бошлиги ёки парламент олий палатасининг қонун чиқарувчи ташкилот қабул қилган қонунни кучга киришини бир муддатга тўхтатиб қўйиш ёки уни кучга киритмаслик ҳуқуки: мутлоқ вето, кечиктирувчи вето.

**Виждон эркинлиги** – ижтимои-фалсафий тушунча; ҳар кимнинг ўз эътиқодига кўра, мазкур жамиятда мавжуд ижтимоий меъёрларни бузмаган ҳолда виждони буоргани бўйича яшаш, ишлаш имконияти. Бунда динга муносабат масаланинг бир томони ҳисобланади.

**Виждон эркинлиги** – фуқароларнинг истаган динга эътиқод қилиш ёки ҳеч қандай динга эътиқод қилмаслик ҳуқуки.

**Генезис** - юнон. genesis- келиб чиқиши; пайдо бўлиш, ташкил топиш жараёни.

**Гильдия тизими** – (нем. корпорация) элиталарни шакллантириш тизимларидан бири. Унга 1) епиклик, юқори лавозимларга элитанинг қуий қатламларидан номзод танлаш, юқорига силжишнинг поғонавийлиги; 2) лавозимларни эгаллаш учун кўплаб расмий шартларнинг мавжудлиги; 3) танловни алоҳида имтиёзли кичик гурӯҳ амалга ошириши; 4) мавжуд етакчи типини тиклашга, яратишга, сақлаб қолишга ҳаракат қилиниши сигарилар хос.

**Гипотетик** – фараз қилинган, тахмин қилинган.

**Глобал** - фран. global-умумий); умуман олганда, бутун ер юзи бўйлаб.

**Глобал** - фран. global-умумий); умуман олганда, бутун ер юзи бўйлаб.

**Фоя** – инсон тафаккурида вужудга келадиган, ижтимоий характерга эга бўлган, руҳиятга қучли таъсир ўтказиб, жамият ва одамларни ҳаракатга чорлайдиган, мақсад-муддао сари етаклайдиган қучли, теран фикр

**Фоявий бўшлиқ** - деб, эски хукмрон мафкура ҳалокатга учраб, у билан боғлик тушунчаларнинг қадрсизланиши, бугунги ҳаёт, ўтмиш ва келажакка даҳлдор қадриятлар, тушунча ва тасаввурларни тўлиқ англаб етмаслиги оқибатида одамларнинг қалби ва онгидаги вужудга келадиган бўшлиқка айтилади.

**Гуманизм** (инсонпарварлик) – тенглик, адолат, ўзаро ҳурмат, инсон

қадрини ардоқлаш, одамлар фаровонлиги учун ғамхўрлик қилиш ғоялари сингдирилган дунёқарааш.

**Гурух** - манфаатлар, қарашлар, касбий, фаолият тарзи бўйича бирлик ва умумийлик касб этган шахслар йигиндиси, бирлашмаси.

**Давлат** – муайян ҳудудда жамият ва унинг сиёсий тизимини ташкил этиш усули, ҳокимиятнинг марказий институти, жамиятнинг сиёсий ташкилоти бўлиб, маълум бир ҳудуд ва унда яшовчи халқларни ўз ичига олади. Жамиятни бошқарувга тизим сифатида Давлат ички тизимга ўз ваколатларини амалга ошириш учун маҳсус органларга эга. Давлат одамлар ва жамоат гурӯҳларининг фаолияти ҳамда муносабатларини ташкил этади, уларни йўналтиради ва назорат қиласи.

**Давлат тассаруфидан чиқариш** - давлат мулки ҳисобидан бошқа нодавлат мулк шаклларининг вужудга келтирилиши.

**Даҳлдорлик ҳисси** – фуқароларнинг туғилган жойи, она Ватани, мустақилликни англаш, уни асраб-авайлаш, ҳимоя қилиш, уни янада ривожлантиришга чорлайдиган, шарт-шароит, омиллар мажмуи.

**Демократик институтлар** – бу, давлат ва жамиятда демократик тузумни шакллантирувчи демократик тамойилларни амалга оширишнинг ташкилий шакллари ҳисобланади.

**Демократик институтлар** - жамият ҳаётида демократик тамойилларни қарор топишга хизмат қиласидиган ташкилотлар ва тузилмалар мажмуаси.

**Демократик кучлар блоки** – парламентдаги қўпчиликни ташкил этиш мақсадида ўздастурӣ мақсадли вазифаларининг яқинлигидан ёки мослигидан келиб чиқсан ҳолдабир нечта сиёсий партиялар фракциялари ва Ўзбекистон экологик ҳаракатидан сайланган депутатлар ўз сайдараларини бирлаштириши.

**Демократия**(юонча, “демос” – халқ, “кратос” – ҳокимият) – халқ ҳокимияти маъносини англашиб, халқни ҳокимият манбаи, деб билувчи сиёсий тизимни шакли. Демократия инсонни ҳар томонлама баркамол ривожланиши учун берилган имкон бўлиб, давлат конституциясида озвиликнинг қўпчиликка бўйсуниши тамойили расмий эълон қилинди, ҳамда фуқароларнинг эркинлиги тенг ҳуқуқлиги эътироф этилди. Демократия ҳар бир даврнинг ижтимоий – иқтисодий шароитларига мос шаклланиб, ривожланиб борувчи чегарасиз табиий – тарихий жараёндир.

**Децентрализация** - номарказлаштириш; марказий ҳокимият органлари ваколатларининг бир қисмини маҳаллий ҳокимият органлари, ўзини ўзи бошқариш органлари ва нодавлат ташкилотларга бериш; марказлашувнибўшаштириш ёки бекор қилиш, тугатиш.

**Диаспора** – юн. diaspora -тарқалиш маъносида бўлиб, маълум бир давлат ҳудудида яшовчи, аммо бошқа бир давлатда ўз давлат тузилмасига эга, маълум бир халқ миллат вакилларининг йигиндиси (масалан Ўзбекистонда яшовчи рус, украин миллатининг диаспораси).

**Диверсификация** – лот. diversification – ўзгариш, турли-туманлик, фаолиятни ҳар томонламава турли-туман йўналишларда ривожлантиришга стратегик мўлжал олиш. Масалан, капитални диверсификациялаш –

иқтисодий таваккалчиликнинг хавфли оқибатини камайтириш мақсадида капитал маблағларни турли объектлар ўртасида бўлиб-бўлиб жойлашириш.

**Диний бағрикенглик** - бизнинг дунёмиздаги турли бой маданиятларни, ўзини ифодалашнинг ва инсоннинг алоҳидалигини намоён қилишининг хилма-хил усулларини ҳурмат қилиш ва тўғри тушунишни англатади. Уни билим, самимият, очик мулоқот ҳамда хурфикар, виждан ва эътиқод вужудга келтиради.

**Дискурс** - ингл. discourse < лат. discursus – сухбат, монолог, диалог.

**Дифференциация** – (лот. differentia-фарқлаш, ҳар хиллик); тақсимланиш, ниманидир алоҳида турли хил унсурларга жаражалиши, бўлакларга бўлиниш.

**Дуализм** – (лот.) икки тарафламалик (шунигдек, фалсафадаги дунё асосида иккита мустақил бош сабаб – рух ва модда, идеаллик ва моддийлик мавжуд деган қарашлар ҳақидаги таълимот).

**Давлат субсидияси** – социал ва ижтимоий аҳамиятга молик фаолиятни амалга ошираётган нодавлат нотижорат ташкилотлари ва фуқаролик жамиятининг бошқа институтларини қўллаб-қувватлаш учун Ўзбекистон Республикасининг Давлат бюджети, давлат мақсадли жамғармалари маблағлари ҳисобидан бериладиган ҳамда аниқ лойиҳалар билан боғлиқ бўлмаган молиявий ёки бошқа моддий қўмак. Давлат субсидияларидан фақат нодавлат нотижорат ташкилотлари ва фуқаролик жамияти бошқа институтларининг уставида белгиланган мақсад ва вазифаларни бажариш, моддий-техника базасини мустаҳкамлаш ҳамда ижтимоий фойдалари мақсадларга эришиш учунгина фойдаланилади.

**Давлат гранти** – ижтимоий фойдали мақсадларга эришишга қаратилган лойиҳаларни амалга ошириш учун Ўзбекистон Республика-сининг Давлат бюджети маблағлари, шунигдек, жамоат фондларининг маблағлари ҳисобидан нодавлат нотижорат ташкилотлари ва фуқаролик жамиятининг бошқа институтларига уларнинг буюртмалари бўйича танлов асосида бериладиган пул маблағлари ва моддий ресурслар. Давлат грантларини ажратиш Олий Мажлис ҳузуридаги Нодавлат нотижорат ташкилотларини ва фуқаролик жамиятининг бошқа институтларини қўллаб-қувватлаш жамоат фонди, шунигдек, Қорақалпоғистон Республикаси Жўқорғи Кенгеси, халқ депутатлари вилоятлар ва Тошкент шаҳар Кенгашлари ҳузуридаги нодавлат нотижорат ташкилотларини ва фуқаролик жамиятининг бошқа институтларини қўллаб-қувватлаш жамоат фондлари орқали амалга оширилади.

**Давлат-хусусий шериклиги** – инвестиция, инновация, инфратузилма ва бошқа лойиҳа ҳамда муҳим бўлган давлат, ижтимоий, иқтисодий, илмий-техникавий аҳамиятга эга дастурларни кўзда тутувчи чора-тадбирлар мажмуи. Бунда давлат бошқаруви, худудий ҳукумат органлари ва Вазирлар Маҳкамаси томонидан ваколатланган бошқа давлат ташкилотлари давлат шериги бўла олади.

Хусусий шерик – Ўзбекистондаги юридик ёки жисмоний шахс, хорижий юридик ёки жисмоний шахс, давлат-хусусий шериклигини тузган ёки тузиш истагида бўлган халқаро ташкилот. Улар фаолиятининг асосий мақсади фойда олишdir. Давлат-хусусий шериклиги қўйидаги соҳаларда амалга оширилади: фан, техника ва инновациялар, тиббиёт; таълим, маданият ва ижтимоий хизматлар; телекоммуникация; транспорт хизматлари; йўл сектори; уй-жой ва коммунал хизматлар; курилиш материаллари ишлаб чиқариш; ёқилғи-энергетика ва кимё саноати; энергиянинг қайта тикланувчи манбалари; механик муҳандислик; металлургия; қишлоқ ва сув хўжалиги; табиатни муҳофаза қилиш.

**Демократик институтлар** – жамият ҳаётида демократик тамойилларни қарор топтиришга хизмат қиласиган ташкилот ва тузилмалар мажмуаси, давлат ва жамиятда демократик тузумни шакллантирувчи демократик тамойилларни амалга оширишнинг ташкилий шакллари.

**Европоцентризм** - Фарбий Европа маданияти бутун инсоният учун наъмуна, деб қаровчи концепция. Унга кўра Фарбий Европа – жаҳон тараққиёти марказидир.

**Жазо** – хукуқбузарлик содир этишда айбланган шахсларга нисбатан қўлланадиган маънавий, моддий ёки жисмоний чеклашлар билан боғлиқ бўлган мажбурлов чораси.

**Жамият** – инсонлар муносабати ва ижтимоий алоқалар йифиндиси. Жамият тарихий, моддий-маънавий ҳаёт тарзидан келиб чиқсан ҳолда умумий орзу-мақсадлари билан бирлашган инсонлар уюшмасининг алоҳида шакли. Жамият доимо ўзгариш ва ривожланишда бўлиб, унинг асосини доимо инсонлар ташкил этади.

**Жамоа манфаати** – кишилар гурухи, корхона ва фирмаларга тегишли манфаатлар мажмуудир.

**Жамоат бирлашмалари** – фуқароларнинг қонунда белгиланган тартибда рўйхатдан ўтказилган бирлашмалари. Уларга касаба уюшмалари, сиёсий партиялар, олимларнинг жамиятлари, фахрийлар ва ёшларнинг ташкилотлари, ижодий уюшмалар ва фуқароларнинг бошқа бирлашмалари киради.

**Жараён** – муайян вақт оралиғида бўлиб ўтган ўзгаришлар, воқеа ва ҳодисаларнинг давомийлиги. Ж.лар узлукли ва узлуксиз, табиий ва сунъий, такрорланувчи ва бетакрор, бошқарилувчи ва бошқарилмас бўлиши мумкин.

**Жиноят** – қонунданазарда тутилган ижтимоий хавфли қилмиш.

**Жамоат бирлашмалари** – фуқароларнинг қонунда белги-ланган тартибда рўйхатдан ўтказилган бирлашмалари. Уларга касаба уюшмалари, сиёсий партиялар, олимлар жамиятлари, фахрийлар ва ёшлар ташкилотлари, ижодий уюшмалар ва фуқароларнинг бошқа бирлашмалари киради. Ж.б. – маънавий ёки бошқа номоддий эҳтиёж-ларни қондириш учун ўз манфаатларининг муштараклиги асосида қонунда белгиланган тартибда бирлашган фуқаролар ихтиёрий бирлашмаси.

Жамоат бирлашмаси қатнашчилари мазкур бирлашмага мулк қилиб берган мол-мулкларига, шу жумладан, аъзолик бадалларига бўлган

хуқуқларини сақлаб қолмайдилар. Улар аъзо сифатида қатнашаётган жамоат бирлашмасининг мажбуриятлари бўйича жавоб бермайдилар, мазкур бирлашма эса ўз аъзолари мажбуриятлари бўйича жавоб бермайди.

**Жамоат фонди** – жисмоний ва (ёки) юридик шахслар томонидан ихтиёрий мулкий бадаллар қўшиш асосида ташкил этилган, хайрия, ижтимоий, маданий, маърифий ёки бошқа ижтимоий фойдали мақсадларни кўзлайдиган, аъзолиги бўлмаган нодавлат нотижорат ташкилоти.

**Идентификация** – (лот. ўҳшатмоқ, тенглаштирумок, бараварламок) монандлик. Сиёсий идентификация - у ёки бу сиёсий гурухга ўзини бошқалардан ажратиш имконини берувчи барқарор белгилар, хусусиятлар бирлиги.

**Ижтимоий адолат** – барча ижтимоий тоифаларнинг жамиятда ўз ўрни мавжудлигини ва қонун олдида уларнинг ўзаро тенг хуқуқларга эга эканлигини эътироф этиш.

**Ижтимоий манфаат** – бу барча жамият аъзоларининг биргаликда рўёбга чиқадиган манфаатларири.

**Ижтимоий уюшмалар** – фуқаролар манфаатлари умумийлиги ва ихтиёрийлик асосида вужудга келувчи, лекин ўз фаолияти натижасида даромад олишни кўзламайдиган ташкилотлар (сиёсий партиялар, оммавий ҳаракатлар, касаба уюшмалари, аёллар, кексалар, ногиронлар, ёшлар, болалар ташкилотлари, илмий техник, маданий-маърифий, спорт ва бошқа кўнгилли жамиятлар, жамғармалар, ассоциациялар, бошқа тузилмалар). Демак, фуқароларнинг ҳар қандай кўнгилли уюшмаси – ижтимоий уюшмадир. Мавжуд сиёсий ҳаётни ўзгартиришга ёки унга таъсир этишга уринувчи ижтимоий уюшмалар сиёсий, деб қаралади.

**Ижтимоий ҳамкорлик** – турлимиллат, ирқ ва динга мансуб кишилар ва гурухларнинг умумий мақсад йўлидаги ҳамжиҳатлиги.

**Ижтимоий шериклик** - давлат органларининг нодавлат нотижорат ташкилотлари ва фуқаролик жамиятининг бошқа институтлари билан мамлакатни ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш дастурларини, шу жумладан тармоқ, ҳудудий дастурларни, шунингдек норматив-ҳуқуқий ҳужжатларни ҳамда фуқароларнинг ҳуқуқлари ва қонуний манфаатларига дахлдор бўлган бошқа қарорларни ишлаб чиқиш ҳамда амалга ошириш борасидаги ҳамкорлигидир

**Ижтимоий-иқтисодий муносабатлар** - бу кишилар учун зарур бўлган ҳаётий неъматларни ишлаб чиқариш, тақсимлаш, айирбошлаш ва исъемол қилиш жараёнида вужудга келадиган муносабатлар.

**Иқтисодий мустақиллик** –муайян бир мамлакатнинг шу мамлакатда мавжуд ишлаб чиқариш кучлари ва ишлаб чиқариш воситаларига, табиий ва маънавий бойликларга ва шу бойликлар туфайли яратилган маҳсулотдан тушган миллий даромадга ва уни тақсимлашга ягона эгалик қилиши.

**Иқтисодий ресурслар** – маълум даврда маълум бир мамлакат ихтиёрида тўплangan ва мавжуд бўлган ишлаб чиқариш, хизмат кўрсатиш, уларни истеъмолчиларга етказиб бериш ва истеъмол жараёнларида қўлланилиши мумкин бўлган воситалар, қўр-қутлар, имкониятлар ва

манбалардир

**Индивид** - лот. *individuum*-бўлинмас, алоҳида; инсон зотининг алоҳида олинган намунаси, унинг вакилларидан бири; ҳар бири алоҳида, мустақил мавжуд бўлган тирик организм; шахс эса у ёки бу инсон сифатида намоён бўлиб, у маълум ва бетакрор индивидуалликка эга бўлади.

**Инсон омили** – инсон моҳиятига хос бўлган энг муҳим хусусиятларни – инсондаги жисмоний – руҳий томонларнинг бирлиги.

**Инсон хуқуқлари**- унга тор маънода фақат давлат ҳимоя қиласиган ва кафолат берадиган хуқуқлар кириб, бу хуқуқларга барча фуқароларнинг қонун олдида тенглиги, яшаш ва жисмоний дахлсизлик хуқуқи, инсон қадр-қимматини хурмат қилиш, ўзбошимчалик ва ноқонуний ушлаш ёки қамаш, виждан ва дин эркинлиги, ота-оналарнинг ўз болаларини тарбия қилиш хуқуклари киради. Кенг маънодаги инсон хуқуқлари эса ўзида шахс эркинлиги ва хуқуқларининг кенг мажмуаси ва турларини ифодалайди

**Инсонпарвар демократик хуқуқий давлатнинг ўзига хос белгилари** - биринчидан, жамоат ва давлат турмушининг барча соҳаларида хуқуқ ва қонуннинг устуворлиги, қонун талабларининг давлат ҳокимияти ва барча органлари, ўзини ўзи бошқариш органлари, мансабдор шахслар ва фуқаролар томонидан ижро этилиши; иккинчидан, шахс хуқуқлари ва эркинликларининг реаллиги, уни эркин камол топтириш таъминланиши, давлат билан шахснинг ўзаро масъуллиги; учинчидан, давлат ҳокимиятини қонунчилик, ижрочилик ва судҳокимиятига бўлиш асосида амалга ошириш.

**Институт** - лот. *institutum*-маҳкама, идора, муассаса; тизимлаштирилган, ҳаммага танилган, амалда қўлланилаётган ва эътироф этилган (ҳар қачон ҳам ўз расмий тасдифини топавермайдиган), у ёки бу тарзда мустаҳкамланган қоидалар ва меъёрларга мувофиқ ўзаро хатти ҳаракат қилиш учун қўллаб-куватланаётган кўрсатмаларга эга бўлган ижтимоий агентларнинг ўзаро хатти ҳаракатлари шакллари киради.

**Интеграция** - лот. *integratio*-тикланиш, бажариш; *integer*-бир бутун; қандайдир қисмларнинг бир бутунликка бирлашиши.

**Интерактив давлат хизматлари** – идоралар томонидан жисмоний ва юридик шахсларга идораларнинг ахборот тизимлари воситасида телекоммуникация тармоқлари орқали кўрсатиладиган хизматлар. Бизнинг мамлакатимизда бу хизматлар 2013 йил 1 июлдан ҳаракат қилувчи ҳамда давлат органларининг аҳоли ва хўжалик юритувчи субъектлар билан ўзаро ҳамкорлигининг қулай ва самарали воситаси сифатида хизмат қилувчи [my.gov.uz](http://my.gov.uz) Интерфаол Давлат хизматлари ягона портали орқали кўрсатилади.

**Интернет** – ахборот билан алмасиш учун ҳам компьютер тармоқлари фойдаланувчиларни, ҳам шахсий компьютерларни ўзаро боғловчи бутун дунё ахборот компьютер тармоғи.

**Интернет журналистика** – бу интернет маконида ахборот шакллар долзарблигини шакллантириш ва тақдим қилиш бўйича фаолиятни касб этувчи сифат жиҳатидан янги ва цивилизацияли феномендир, бунда бундай шакллар ташувчисига нафақат сўз, балки расм, фотосурат, кино, видео,

товуш, веб-саҳифа – кенг маънода ахборот ёки матн ташувчиси сифатида намоён бўлишга қодир ҳар қайси объект айланиши мумкин.

**Интерpellация** - фр. interpellation < лат. interpellatio < interpellare – муносабат, алоқа, сұхбат ва бошқа шу кабиларни бўлиб қўйиш, қарши чиқиш.

**Интерфаол мулоқот** – реал вақт режимида турли ОАВ (асосан Интернет) воситасида “жонли” мулоқот қилиш. Шартли равишда бундай мулоқотнинг бир неча шаклини белгилаш мумкин:

**Информация** – лот. informatio – хабардор қилиш, тушунтириш, баён қилиш маъноларини беради. Шунингдек, лот. informare- шакл бериш қабилида ҳам ишлатилади.

**Иrrационал** – (лот.irrationalis) билишнинг асосий воситаси сифатида ҳисстайғу, инстинкт ва эътиқодни тан олувчи фалсафий қарааш.

**Ишлаб чиқариш усули** - ишлаб чиқарувчи кучлар ва ишлаб чиқариш муносабатлари бирлиги ҳамда ўзаро таъсири.

**Ишлаб чиқарувчи кучлар** - ишлаб чиқаришнинг шахсий ва моддий омиллари, яъни ишчи кучи билан ишлаб чиқариш воситалари бирлиги.

**Ижтимоий ҳамкорлик** – турли миллат, ирқ ва динга мансуб кишилар ҳамда гуруҳларнинг умумий мақсад йўлидаги ҳамжиҳатлиги. Шунингдек, жамият барча аъзолари ва ижтимоий гуруҳларнинг умумий мақсад йўлида биргаликда фаолият олиб бориши, уларнинг ўзаро ҳамжиҳатлигини ифода этади. У жамиятнинг бош стратегик мақсади, ривожланиш ғояси ва мақсади билан чамбарчас боғлиқ бўлиб, унинг туб манфаатлари йўлида аҳоли ҳамда ижтимоий гуруҳларнинг тараққиётини таъминлаш учун кенг миқёсда олиб бориладиган биргаликдаги фаолият.

**Ижтимоий шериклик** – фуқаролар, ижтимоий субъектлар ва муассасалар жамият ҳаётининг муайян бир соҳасидаги ўзаро биргаликдаги ҳаракатлари мажмуи. *И.и.* фуқаролик жамиятига хос, давлат ва фуқаролик жамияти институтларининг ўзаро ҳамкорлиги учун энг қулай мувозанатни таъминлайдиган ижтимоий муносабатларнинг алоҳида тури ҳисобланади. Бундай муносабатларда ижтимоий шериклик – давлат ва фуқаролик жамияти институтлари ўртасидаги ўзига хос ижтимоий-сиёсий муносабатлар тизими бўлиб, унда манфаатлар қарама-қаршилиги ва уни ҳал этиш йўллари кўзда тутилади. Ижтимоий шериклик бошқа ижтимоий-сиёсий жараёнлар билан ҳам чамбарчас боғлиқ.

**Ижтимоий шерикчилик** – ижтимоий ҳамкорликни амалга оширишнинг муҳим механизми бўлиб, бу давлат органлари, жамоат ташкилотлари ҳамда бизнес вакилларининг ижтимоий ҳамкорлик асосидаги тармоқлараро, соҳалараро, идоралараро фаолияти.

**Ижтимоий шериклик** – давлат органларининг нодавлат нотижорат ташкилотлари ва фуқаролик жамиятининг бошқа институтлари билан мамлакатни ижтимоий-иктисодий ривожлантириш дастурларини, шу жумладан, тармоқ, худудий дастурларни, шунингдек, норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар ҳамда фуқароларнинг ҳуқуқлари ва қонуний манфаатларига дахлдор бўлган бошқа қарорлар ишлаб чиқиш ҳамда амалга ошириш борасидаги ҳамкорлиги.

**Ижтимоий шериклик субъектлари** – давлат органлари, нодавлат нотижорат ташкилотлари ва фуқаролик жамиятининг бошқа институтлари.

**Ижтимоий шерикликнинг асосий принциплари** – қонунга бўйсунниш; тенг ҳуқуқлилик; очиқлик ва шаффофлик; ҳаммабоплик; мустақиллик; холислик; ўзаро ҳурмат, манфаатларнинг инобатга олиниши ва масъулият; мажбуриятлар қабул қилишнинг ихтиёрийлиги.

**Ижтимоий шериклик соҳалари** – бу қўйидаги соҳалар-да амалга оширилиши мумкин:

ахолини ижтимоий муҳофаза қилиш, қўллаб-кувватлаш ва унинг ижтимоий фаоллигини ошириш;

ахоли бандлигини таъминлаш, кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик, фермерликни ривожлантириш;

атроф муҳитни, ахоли соғлигини муҳофаза қилиш ва соғлом турмуш тарзини қарор топтириш;

ҳар томонлама баркамол ва соғлом ёш авлодни шакллантириш, ёшларга билим бериш, уларни маънавий-ахлоқий жиҳатдан тарбиялаш ва касбга йўналтириш;

оналик ва болаликни, шунингдек, хотин-қизлар ҳуқуқларини ҳимоя қилиш, уларнинг мамлакат ижтимоий-сиёсий, социал-иқтисодий, маданий ҳаётида тўлақонли иштирок этишини таъминлаш, соғлом оилани шакллантириш;

фан, таълим, ахборотлаштириш, маданият ва спортни ривожлантириш;

ахолининг ҳуқуқий билими, ҳуқуқий онги ва ҳуқуқий маданиятини юксалтириш, фуқаролик жамияти ва демократик ҳуқуқий давлат асосларини мустаҳкамлаш;

миллатлараро, маданиятлараро тотувлик ва фуқаролар тотувлиги ғояларини мустаҳкамлаш, кўп асрлик, анъанавий маънавий-ахлоқий ҳамда тарихий-маданий қадриятларни тиклаш ва сақлаш;

истеъмолчиларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш.

**Ижтимоий шерикликнинг асосий шакллари** – бу қўйидагилардан иборат:

нодавлат нотижорат ташкилотлари ва фуқаролик жамияти бошқа институтларининг мамлакатни ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш дастурларини ишлаб чиқиш ҳамда амалга оширишда иштирок этиши;

нодавлат нотижорат ташкилотлари ва фуқаролик жамияти бошқа институтларининг норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар ишлаб чиқиш ҳамда амалга оширишда иштирок этиши;

нодавлат нотижорат ташкилотлари ва фуқаролик жамияти бошқа институтлари вакилларининг давлат органлари хузуридаги ишчи гуруҳлар, комиссиялар ва жамоатчилик-маслаҳат органлари фаолиятида иштирок этиши;

ижтимоий шериклик субъектлари томонидан биргаликда тадбирлар, маслаҳатлашув ва музокаралар ўтказиш;

ижтимоий шериклик субъектлари томонидан ижтимоий шериклик тўғрисида битим ва шартномалар тузиш, биргаликда лойиҳа ва режалар

ишлиб чиқиш ҳамда амалга ошириш;

ижтимоий шериклик субъектлари ўртасида ўзаро қўллаб-куватлаш, ахборот алмашиш.

**Ижтимоий адолат** – барча ижтимоий тоифаларнинг жамият-да ўз ўрни мавжудлиги ва қонун олдида уларнинг ўзаро тенг хуқуqlарга эга эканлигини эътироф этиш.

**Ихтилоф** (араб. қарама-қаршилик, келишмовчилик, зиддият, низо) – одамларнинг биргаликда ҳаракат қилиш усули бўлиб, бунда қарама-қаршилик, ғанимлик, эришилган яқдиллик, келишув ва ҳамкорликни бузиш тамойиллари устун туради.

**Касаба уюшмалари** – корхона, муассаса, ўқув юрти ва бошқа меҳнат жамоаларида ишлаётган ишчи ва ходимларнинг ижтимоий манфаатларини ҳимоя қилиш, иш берувчилар билан ишчиларнинг ижтимоий шерикчилигини ташкил этиш мақсадида фаолият юритадиган нодавлат нотижорат ташкилоти.

**Консенсус** (лот. consensus – уйғунлик, яқдиллик, келишув) – қарор қабул қилиш, низоларни ҳал этиш усули. Ушбу тушунча фикр, мулоҳазалар бирлиги, ўзаро келишув, овоз берувчилар барчасининг розилиги олинган ҳолдагина кучга кирувчи қарор қабул қилиш маъноларини ҳам беради. Кенг маънода, бирор-бир масала юзасидан эътиroz йўқлиги асосий масалалар бўйича умумий келишув бўлади. Кўп фикр асосидаги овоз. Халқаро шартномалар тузища парламент ёки кенгашларда тегишли қарор қабул қилиш; бунда расман эътиroz билдирилмаса, иштирокчиларнинг умумий розилиги асосида расмий равишда овоз берилмайди. К. усули, шунингдек, БМТ органларида тан олинган бўлиб, шу ташкилот доирасида ўтказиладиган ҳалқаро конференция ва кенгашларда қўлланилади.

**Компромисс** – (лот.) турли фикр, йўналиш, қараш, ҳаракатлар келишуви.

**Кучли давлатдан – кучли жамият сари** – ушбу концепциянинг моҳияти одамларнинг сиёсий онги, сиёсий маданияти ва фаоллиги юксалиб боргани сари давлат вазифаларининг нодавлат тузилмалари ва фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органларига босқичма-босқич ўтиши, маҳаллалар нуфузи ва мавқеининг ошиши.

**Кучли фуқаролик жамияти** – инсон манфаатлари устуворлиги ва фуқаролик жамияти институтлари орқали уларнинг давлат ҳамда жамият бошқарувида фаол иштирок этиши таъминланган, қонун устувор бўлган жамият.

**Кадрлар тайёрлашнинг миллий модели тизими** – Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси томонидан 1997 йилнинг 29 августа “Кадрлартайёрлашмиллий дастури тўғрисида” қарор қабул қилинди. Ушбу дастурда (З-банди) кадрлар тайёрлашнинг миллий модели қўйидаги таркибий қисмлардан иборатлиги белгилаб қўйилган:

1. Шахс – кадрлар тайёрлаш тизимининг бош субъекти ва обьекти, таълим соҳасидаги хизматларнинг истеъмолчиси ва уларни амалга оширувчиси.

2. Давлат ва жамият – таълим ва кадрлар тайёрлаш тизимининг

фаолиятини тартибга солиш ва назорат қилишни амалга оширувчи кадрлар тайёрлаш ва уларни қабул қилиб олишнинг кафиллари.

3. Узлуксиз таълим – малакали рақобатбардош кадрлар тайёрлашнинг асоси бўлиб, таълимнинг барча турларини, давлат таълим стандартларини, кадрлар тайёрлаш тизими ва унинг фаолият кўрсатиш муҳитини ўз ичига олади.

4. Кадрлар тайёрлаш тизимида – фан юкори малакали мутахассислар тайёрловчи ва улардан фойдаланувчи, илғор педагогик ва ахборот технологияларини ишлаб чиқувчи.

5. Кадрлар тайёрлаш тизимида ишлаб чиқариш – кадрларга бўлган эҳтиёжини, шунингдек, уларнинг тайёргарлик сифати ва савиясига нисбатан қўйиладиган талабларни белгиловчи асосий буюртмачи, кадрлар тайёрлаш тизимини молия ва моддий-техник жиҳатидан таъминлаш жараёнининг қатнашчиси (“Баркамол авлод–Ўзбекистон тараққиётининг пойдевори”, Т., 2008., 41-53 б.).

**Касаба ўюшмалари** -корхона, муассаса, ўқув юрти ва бошқа меҳнат жамоларида ишлаётган ишчи ва ходимларни ижтимоӣ манфатларини ҳимоя қилиш, иш берувчилар билан ишловчиларнинг ижтимоӣ шерикчилигини ташкил этиш мақсадида фаолият юритадиган нодавлат нотижорат ташкилоти;

**Квази...** – лот. турли сўзлар бошига қўйилувчи ва «гўё», «соҳта» маъноларини берувчи қўшимча. Масалан, квазидемократия.

**Квинтэссенция** – (лот. бешинчи асос) бирор нарсанинг асос, моҳияти; энг муҳим, энг асосий.

**Компетент** – (лот. competents- лойиклик, мутаносиблиқ); ўз билими ёки ваколати билан бирон-бир қарорни қабул қилиш, масалани ечиш ёки улар юзасидан ҳукм чиқариш учун зарур бўлган илмга ёки қобилиятга эга бўлишни англатади.

**Конфессия** -лат. confessio динлар ва унинг шаҳобчалари, тармоқлари, мазҳаб, оқим ва йўналишларини ифодаловчи умумий тушунча.

**Концепция** - лот. conceptio-идрок қилиш, идрок, ўзлаштириш; у ёки бу ҳодисаларга нисбатан қарашлар тизими; қандайдир ҳодисаларни кўриб чиқиш, ниманидир англаш усули.

**Конъюнктура** – лот. conjunctura - боғлаш, қўшиш. Бозорконъюнктураси – талаб ва таклиф, баҳолар даражалари, моллар захиралари, шунингдек, иқтисодий цикллар ўзгаришлар даври – кўтарилиш ёки таназзул кабилар ўзаро тегишли нисбати натижасида эркин бозордаузага келган иқтисодий вазиятлар. Конъюнктуранинг биринчи белгиси унинг тез ўзгарувчанлиги, доимий эмаслиги ва аксарият ҳолларда тебраниб туриши ҳисобланади.

**Кооперация**- лот. cooperatio-ҳамкорлик; кўпчилик кишиларнинг биргаликда битта ёки ўзаро бир-бирларига боғлик ўлган бир неча фаолиятлардаги иштироки, меҳнатни ташкил этиш шаклларидан бири; ишлаб чиқариш ва маҳсулот айирбошлаш соҳасидаги жамоавий бирлашма.

**Космополитизм** - (юнон. kosmopolites — дунё фуқароси) — дунё фуқаролигини даъво қилиш, шунингдек, миллий ва давлат суверенитетини рад этиш, турли миллий анъана, маданият ҳамда ватанпарварлик туйғусидан воз кечиш ғоясини илгари

сурадиган қараш. Космополитизм- яъни, қаерда яхши ҳаёт бўлса ўша ерни ватан деб билиш. Бу тамойил инсонда ватан ҳиссини йўқотади, ғуурни ўлдиради. Бу эса ҳар бир жамият учун ҳалокатлидир.

**Кўппартиявийлик**—мамлакат парламентида кўпчилик ўринни олиш учун тенг имкониятга эга бир неча сиёсий партиялар мавжуд бўлган сиёсий тизим.

**Кучли давлат** –омма фаолиятига асосланган қучли бошқарув тизимида, ривожланган иқтисодиёт, юксак маънавиятга эгабўлган давлат. Бундай давлат мустаҳкам иқтисодий, ҳуқуқий ва маънавий асосга эга бўлади. Унингқудрати фуқаролар ҳамжиҳатлиги, жамиятдаги дўстлик ва бағрикенглик, ҳар бир фуқаронинг онглилик даражаси, давлат бошқарувидаги фаол иштирокига асосланади.

**Кучли давлатдан-кучли жамият сари** – ушбу концепциянинг моҳияти одамларнинг сиёсий онги, сиёсий маданияти ва фаоллиги юксалиб боргани сари давлат вазифаларининг нодавлат тузилмалари ва фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органларига босқичма-босқич ўтиши, маҳаллаларнинг нуфузи ва мавқеининг ошиши демакдир.

**Кучли жамият**-мустаҳкам негизнинг барқаролиги таъминланган, давлатнинг бошқарувчилик фаолияти қисқариб, жамоат ташкилотларининг роли кучайган, фуқароларнинг қонун асосида, уларнинг ҳуқуқ ва эркинликлари олий қадриятларга айланган жамият.

**Кучли фуқаролик жамияти** – инсон манфаатлари устуворлиги ва фуқаролик жамияти институтлари орқали уларнинг давлат ва жамият бошқарувида фаол иштирок этиши таъминланган, қонун устувор бўлган жамият.

**Қонун** – қонунчилик ҳокимиятининг фуқаролар, жамият ва давлат ҳаётига тааллуқли муносабатларда муайян тартиб жорий этиш борасидаги иродасининг намоён бўлиши.

**Қонун устуворлиги** – ушбу тамойилнинг мазмuni шуни англатадики, қонун ижтимоий ҳаётнинг барча соҳаларида қатъий ҳукмрон бўлади. Яъни, ҳеч ким, ҳеч бир давлат органи, мансабдор шахс, тадбиркор ёки бошқа бир фуқаро қонунга бўйсуниши, ижтимоий, иқтисодий ва сиёсий муносабатлар фақат қонун билан тартибга солинади, унинг барча иштирокчилари эса, ҳеч бир истисносиз, ҳуқуқ нормаларини бузганлиги учун жавобгарликка тортилиши керак. Ҳуқуқий нормаларни тадбиқ этишда конституция ва қонунларнинг нормалари бошқа ҳуқуқий нормалардан устун туради.

**Легитимлик** – (лот. қонуний) муайян давлат ҳокимиятининг қонунийлигини а) фуқаролар томонидан; б) халқаро ҳамжамият томонидан эътироф этилишини англатувчи қадриятий тушунча. Тарихан анъанавий, харизматик, оқилона-қонуний шаклларда номоён бўлади.

**Либерализм** – (лот. эркинлик) мафкура, ижтимоий-сиёсий ҳаракат. У ижтимоий имтиёзлар ва авлоддан-авлодга ўтувчи ҳокимиятга қарши чиқиб буржуа қатламларининг қарашларини ўзида мужассам этади. Асосий тамойиллари: индивидуализм, эркинлик, бозор ва ракобатнинг мутлоқлиги, давлатни чеклаш зарурлиги (асосчилари И.Бентам, Ж.Милл, А.Смит,

Г.Спенсер).

**Либераллаштириш** – ижтимоий ҳаётнинг барча соҳаларида эркинлик устувор бўлишини, жамиятнинг эволюцион ривожланиш йўлини эътироф этувчи ва асословчи назария, амалиёт.

**Лига-** лот. *ligare*-боғламоқ; ижтимоий-сиёсий бирлашма; давлатлар, ташкилотлар, алоҳида шахслар иттифоқи.

**Лобби** - лот. *lobyyu*-кулуар; жамиятдаги маълум бир сиёсий доиралар, кучли иқтисодий тизилмалар манфаатларини ифодаловчи, ана шу манфаатларни амалга ошириш парламент ва мансабдоршахсларга босим ўтказишга интилаётган гурухлар.

**Маданият** – кишиларнинг табиатни, борликни ўзлаштириш ва ўзгартириш жараёнида яратган моддий, маънавий бойликлар ҳамда бу бойликларни қайта тиклаш ва бунёд этиш йўллари ва услублари мажмуи.

**Маданиятли одам** – ўқимишли, замон талаблари асосида кийиниш ва муомала меъёрларига амал қилувчи, аҳлоқ нормаларига тўла амал қиласидиган, илфор фалсафий ғояларга эга бўлган, жаҳон маданияти дурдоналаридан хабардор бўлган шахсга айтилади.

**Манфаат** – индивид ва ижтимоий гурухлар фаолиятнинг асосий сабаби.

**Манфаатлар** - лот. *interest* аҳамият касб этиш, муҳим; объектив равища аҳамият касб этган, инсон, жамоа, миллат, жамият кабилар учун зарур бўлган зарурий эҳтиёжлар; кимгадир фаровонлик бағишлайдиган, кимгадир фойда келтирадиган нарсалар.

**Манфаатлар гурухлари** - унга аъзо бўлган кишиларнинг манфаатларини бошқа гурухлар ва сиёсий институтларнинг ўзаро муносабатларида, шунингдек, ўз гурухи ичida ифода қилиш учун тузилган ихтиёрий ташкилотлар.

**Маргинал** – (фр. “*marginal*”) иккинчи даражали, охирги, четда турувчи; сиёсатшуносликда – олдинги ижтимоий алоқаларини йўқотган, янги ҳаёт шартшароитларига ҳали мослаша олмаган, қандайдир ижтимоий гурухлар орасида ёки энг чеккасида турган ижтимоий одам, жамиятнинг сиртида қолган: люмпен, мискин ва ҳоказо.

**Маҳаллий (ёки муниципал) бошқарув** - маъмурий-худудий бирликлардаги аҳолининг манфаатларини ифодалайдиган ва сайлаб қўйиладиган органлар ҳамда уларнинг маъмурий аппарати томонидан амалга ошириладиган маҳаллий аҳамиятга молик ишларни бошқариш.

**Маънавий баркамол инсон** – комил инсон тушунчаси билан ҳамоҳангидир. Айни вақтда маънавий баркамол инсон тушунчаси соғлом авлод тушунчаси билан ҳам боғланиб кетади. Илмий адабиётларда бу тушунчалар алоҳида-алоҳида ишлатилса-да, моҳиятан уларнинг ҳаммаси инсон ахлоқи ва одобини, уларда шаклланган барча ижобий хислатларни, уларнинг инсонларга, жамиятга ва Ватанга бўлган муносабатларидан тортиб, токи оиласа, ота-онага ва бошқаларга муносабатларининг барча қирраларини қамраб олади.

**Маънавий жасорат** – ер юзида барча ўлмас обидаларни, инсоният ҳаётини тубдан ўзгартириб юборган жамики улуг кашфиёт ва ихтиrolарни, мумтоз санъат ва адабиёт дурдоналари ҳамда мардлик ва қаҳрамонлик

намуналарини кўрсатган инсонларнинг мислсиз ақл-заковати ваюксак маънавий салоҳиятини ифодалайди.

**Маънавий таҳдид** – тили, дини, эътиқодидан қатъи назар, ҳар қайси одамнинг том маънодаги эркин инсон бўлиб яшашига қарши қаратилган, унинг айнан руҳий дунёсини издан чиқариш мақсадини кўзда тутадиган мафкуравий, ғоявий ва информацион ҳуружларни назарда тутади.

**Маънавият** – инсонни руҳан покланиш, қалбан улғайишга чорлайдиган, одамнинг ички дунёси, иродасини бақувват, имон-эътиқодини бутун қиласидиган, виждонини уйғотадиган бекиёс куч, унинг барча қарашларининг мезонидир.

**Маънавиятга таҳдид** – инсон қалби ва имон эътиқодини сусайтиришга қаратилган ҳамда инсоннинг ўзлигидан бегоналаштириб, келажагидан маҳрум этишга йўналтирилган ёт ва бегона ғоялар.

**Маънавиятни шакллантирадиган мезонлар** – инсон онгига таъсир кўрсатадиган, унинг дунёқарashi тафаккур тарзини муайян йўналишга соладиган, ўзгартирадиган, жамият, миллатга хос маънавий, маданий ва моддий асослар, анъаналар, қадриятлар, мерос, турмуш тарзи, ғоялар ва қарашларни умумлаштирувчи тушунча.

**Маърифат** – таълим тарбия, иқтисодий, сиёсий, фалсафий, диний ва маънавий бойликларнинг, уларни янада қўпайтириб ҳамда такомиллаштириб бориши усулларининг мажмуи.

**Мафкуравий иммунитет** - лотинча *Immunitatis* сўзидан олинган бўлиб – бирор нарсадан озод этиш маъносини англатади. Шахс, ижтимоий гурух, миллат, жамиятни турли заарли ғоявий таъсирлардан химоялашга хизмат қилувчи тизим. У мафкуравий эътиқод билан узвий боғлиқ бўлиб, “маънавий баркамол, иродаси бақувват, иймони бутун шахсни тарбиялашда, ҳар қандай реакцион, бузғунчи характердаги ғоявий тасирларга бардош бера оладиган ёшларни тарбиялашда қўл келади»<sup>120</sup>. Маълумки, ҳар қандай касалликнинг олдини олиш учун, аввало, киши организмида унга қарши иммунитет ҳосил қилинади. Биз ҳам фарзандларимиз юрагида она Ватанга, бой тарихимизга, ота-боболаримизнинг муқаддас динига соғлом муносабатни қарор топтиришимиз, таъбир жоиз бўлса, уларнинг мафкуравий иммунитетини кучайтиришимиз зарур.

**Менталитет** - фран.mentalite; лот mentalis-ақлий, руҳий, маънавий, ақл йўналиши ақл бичими, ақлий етуклик, заковат; маълум шахс, ижтимоий гурух (кичик, катта, миллий) учун характерли бўлган дунёқараш, дунёни англаш, атроф воқеликни қабул усули; фикрлаш тарзи.

**Механизм** - юнон. mechane-қурол, иншоот; ҳаракат ва тезликни амалга ошириш ёки узатиш қурилмаси. Сиёсатда маъжозий маънода бирон-бир режа, дастур, мақсадни амалга ошириш йўл-йўриқларини ва воситаларига нисбатан қўлланилади.

**Миллат** — тил, маънавият, миллий ўзликни ангаш руҳияти, урф-одатлар, анъаналар ва қадриятлар ягоналиги асосида муайян ҳудудда яшовчи иқтисодий

<sup>120</sup> Фалсафа: қомусий луғат. -Т.: Шарқ, 2004. 160-бет.

алоқалар билан боғланган мустақил субъект сифатида ўзига хос моддий ва маънавий бойликларни яратувчи кишиларнингт尼克 бирлигидир.

**Миллатлараро муносабатлар** — бирга ёки айри тарзда яшайдиган ҳар хил миллатлар ўртасида амалга ошадиган турли-туман шакллардаги алоқаларни англатувчи тушунчадир.

**Миллатлараро тотувлик ғояси** - миллий истиқбол мафкурасининг асосий ғояларидан бири бўлиб, мамлакатимизда истиқомат қилиб келаётган барча этник вакиллари билан, авваламбор, ўзбек миллати ва шу билан бирга ўзларининг ўртасида кўп йилларга мўлжалланган эзгулик, ишончлилик, дўстоналиқ, яқдиллик, қариндошлиқ, маънавий-ахлоқий ва мафкуравий яқинлик ва бирдамлик, муросалилик ва бошқа инсонийлик муносабатлари мавжудлигини ва келажакда ҳам у янада камол топишини ифодалайди.

**Миллатчилик** бу - миллат айриш, бир миллатни ҳар томонлама улуғлаб, бошқаларининг хуқуқ, эҳтиёж ва манфаатларини назар-писанд қиласлиқ, уларни ерга уришдан иборат бўлган нодемократик мафкура.

**Миллий ғоя** – аждодлардан авлодларга ўтиб, асрлар давомида эъзозлаб келинаётган, шу юртда яшаётган ҳар бир инсон ва бутун халқнинг қалбида чуқур илдиз отиб, унинг маънавий эҳтиёжи ва ҳаёт талабига айланиб кетган, таъбир жоиз бўлса, ҳар қайси миллатнинг энг эзгу орзу-интилиш ва умид-мақсадлари йигиндиси.

**Миллий ғоя негизлари** – аждодлардан авлодларга ўтиб келаётган, халқнинг ўзига хос миллий хусусиятларини ифодалаган миллий маънавий мерос қадриятлари ҳамда дунё халқлари томонидан эътироф этилган демократиянинг умуминсоний принциплар мажмуидир.

**Миллий қадрият** – миллат учун муҳим аҳамиятга эга бўлган этник жиҳат ва хусусиятлар билан боғлиқ бўлган қадрият шакли.

**Миллий мафкура** – миллатнинг этноижтимоий бирлик сифатида мавжуд бўлиши ва ривожланишини, эркин ва озод тараққиётини ғоявий асослаш, таъминлашга қаратилган қарашлар тизими

**Модель-** фран. modèle-намуна, тарх, ниманидир тасвири тавсифи.

**Модернизациялаш-** фран. modernizer-замонавий; замонавийлаштириш, ҳозирги давр талаблари, тарзи ва дидига мутаносиб равишдаги ўзгаришларни амалга ошириш.

**Мулк обьектлари** - мулкка айланган барча бойлик турлари. Мулк субъектлари - мулк обьектини ўзлаштиришда қатнашувчилар, мулкий муносабатлар иштирокчилари.

**Мулқдан фойдаланиш** - мол-мулкнинг Иқтисодий фаолиятда ишлатилиши ёки ижтимоий ҳаётда қўлланилиши, яъни унинг нафли жиҳатларининг бевосита истеъмол қилиниши.

**Мулкни тасарруф этиш** - мол-мулк тақдирини мустақил ҳал қилиш. Мулкка эгалик қилиш - мулкдорлик хуқуқининг унинг эгаси қўлида сақланиб туриши ва яратилган моддий бойликларни ўзлаштиришнинг ижтимоий шакли.

**Мулкчилик муносабатлари** - мулкка эгалик қилиш, ундан фойдаланиш, уни ўзлаштириш ва тасарруф этиш жараённида вужудга

келадиган муносабатлар.

**Муниципал бошқарув** - ингл. municipal ўзини ўзи бошқариш; бу бошқарувнинг нисбатан номарказлашган шаклидир. Шу билан бир вақтнинг ўзида у фуқаролик жамиятининг институти ҳисобланади. Бундай бошқарув органларининг асосий белгилари, - уларнинг сайланишлиги ва ўз ҳудудидаги аҳоли манфаатлари асосида маҳаллий аҳамиятга эга бўлган ишларга раҳбарлик қилишдаги нисбатан мустақиллик.

**Муниципалитет**- фран.municipalite-шаҳар ўзини ўзи бошқариш органи; кўпчилик мамлакатлардаги ўзини ўзи бошқариш органлари.

**Мустақил босма ОАВ лари** – давлат бошқарувидан ҳоли бўлган, ўзининг фикр ва сўз эркинлигини рўёбга чиқарувчи, лекин бунда ўз фаолиятини амалдаги қонунчилик доирасидагина олиб борувчи оммавий ахборот воситаларидир.

**Модернизациялаш** – (фран. Modernizer – замонавий) замонавийлаштириш, ҳозирги давр талаблари, тарзи ва дидига мутаносиб равишда ўзгаришларни амалга ошириш.

**Нодавлат нотижорат ташкилоти** – жисмоний ёки юридик шахслар томонидан ихтиёрийлик асосида ташкил этилган, даромад (фойда) олишни ўз фаолиятининг асосий мақсади қилиб олмаган ҳамда олинган даромад (фойда) ўз қатнашчилари (аъзолари) ўртасида тақсимламайдиган ўзини ўзи бошқариш ташкилоти.

Нодавлат нотижорат ташкилоти жисмоний ва юридик шахсларнинг ҳуқуқлари ва қонуний манфаатларини, бошка демократик қадриятларни ҳимоя қилиш, ижтимоий, маданий ва маърифий мақсадларга эришиш, маънавий ва бошка номоддий эҳтиёжларни қондириш, хайрия фаолиятини амалга ошириш ҳамда бошка ижтимоий фойдали мақсадларда тузилади.

**Низом-** муайян давлат ёки жамоат тузилмаларини ташкил этиш тартибини, тузилиши, вазифаси, функциялари ва ваколатларини белгиловчи кодекслаштирилган норматив ҳужжат ҳисобланади.

**Нодавлат нотижорат ташкилоти (ННТ)** - жисмоний ва (ёки) юридик шахслар томонидан ихтиёрийлик асосида ташкил этилган, даромад (фойда) олишни ўз фаолиятининг асосий мақсади қилиб олмаган ҳамда олинган даромадларни (фойдани) ўз қатнашчилари (аъзолари) ўртасида тақсимламайдиган ўзини ўзи бошқариш ташкилотидир.

**Нодавлат электрон оммавий ахборот воситалари** – ўз олдида Интернет тармоғида оммавий ахборот воситаси (ОАВ) функцияларини бажариш вазифасини қўювчи нодавлат тусдаги рўйхатга олинган вебсайтлари.

**Оккультизм,** - фр. occultisme, нем. Okkultismus < лат. occultus – сирли, яширин, дунёнинг яширин, гайришуурый, илмий тафаккурга сифмайдиган, аммо “танланган”, “таким этилган”ларгагина насиб этувчи құдрати ҳақида нотабиий қараш.

**Оммавий ахборот воситалари** – кенг кўламда ахборотни йиғиши, ишлаш ва тарқатишни таъминловчи ижтимоий институтлар ва каналлар (матбуот, китоб нашриётлари, матбуот агентликлари, радио, телевидение ва

х.к.). Оммавий ахборотни даврий тарқатишнинг доимий номга эга бўлган ҳамда босма тарзда (газеталар, журналлар, ахборотномалар, бюллетенлар ва бошқалар) ва (ёки) электрон тарзда (теле-, радио-, видео, кинохроникал дастурлар, умумфойдаланишдаги телекоммуникация тармоқларидағи веб сайtlар) олти ойда камида бир марта нашр этиладиган ёки эфирга бериладиган шакли ҳамда оммавий ахборотни даврий тарқатишнинг бошқа шакллари оммавий ахборот воситасидир. «Оммавий ахборот воситалари тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси қонунига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш ҳақида.(Ўзбекистон Республикаси қонун хужжатлари тўплами, 2007 й., 3-сон, 20-модда)

**Парламент** - ингл. parliament, франц. parlement пурмоқ ва сўзламоқ; парламент олий қонун чиқарувчи вакиллик органи ҳисобланади.

**Парламентдаги кўпчилик** – Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Қонунчилик палатасида кўпчилик ўринни эгаллаган сиёсий партия фракцияси.

**Парламентдаги мухолифат** – янгитданшакллантирилган ҳукуматнинг тутган йўли ва дастурига ёки унинг айrim йўналишларига қўшилмайдиган сиёсий партиялар фракциялари, шунингдек Ўзбекистон экологик ҳаракатидан сайланган депутатлар гурӯҳи.

**Партиципация** – (ингл) иштирок этмоқ; фуқаролар томонидан давлат ва жамият ишларини бошқариш жараёнида у ёки бу функцияларни бажаришини шарт қилиб қўядигандемократиянинг моделига доир нисбат.

**Партия** - лот. pars (partis)-қисм, гурӯҳ; қандайдир ижтимоий қатлам ёки гурӯхманфаатларини ифодаловчи, қандайдир сиёсий мақсадларни кўзловчи ташкилот.

**Пассив сайлов ҳукуқи** - фуқароларнинг сайланадиган давлат органлари ва маҳаллий ўзини ўзи бошқариш органларига сайланиш ҳукуқи.

**Плюрализм** - лот. pluralis-турлича, турли туман; турли ижтимоий қатламлар манфаатларини ифодаловчи турли туман ижтимоий-сиёсий кучлар мавжуд бўлган сиёсий тизим.

**Плюрализм** - лот. pluralis-турлича, турли туман; турли ижтимоий қатламлар

**Полиэтник** – кўпмиллатли, моноэтник – якка, ягона ёки бир миллатли.

**Президент** – лот. praesidens (praesidentis) – олдинда ўтирувчи, раислик қилувчи, бошда турувчи сўзларидан олинган бўлиб, кўпчилик Президентлик ва парламент республикалари жорий этилган мамлакатларда маълум бир муддатга сайланган давлат бошлиғи.

**Пресса** - фран. presse; оммавий ахборот воситалари; оммавий жорий матбуот.

**Принцип** - лот. principium-асос, дастлабки, бошланғич; асос бўладиган пойдевор ғоялар; хулқ, фаолият ва ҳатти-ҳаракатнинг асосий қоидаси.

**Пропорционал** (- от. proportionalis-мутаносиб; сайловларда номзодлар учун бериладиган овозлар рўйхатлар бўйича бериладиган, ҳар бир рўйхат учун берилган овозларга мутаносиб равишда жой эгалланадиган сайлов ҳукуки тизими.

**Профицит** – бюджетта нисбатан қўлланилганида бюджетнинг даромад қисмини унинг харажат қисмига нисбатан ортиқ бўлганлигини ифодалайди.

**Рационал** – (лот. rationalis-оқилона); мақсадга мувофиқ, асосланган, далилланган (энг тўғри йўл маъносида ҳам ишлатилади).

**Режим-** фран. régime; давлат тузуми, идора этиш образи.

**Сайлов** – аҳолининг расмий мансабни эгаллаш учун бирор шахсни танлаши жараёнидир.

**Сайлов ҳуқуқи** – давлат бошлиғи, вакиллик органлари ва бошқани сайлаш тартибини белгилаб берувчи ҳуқуқий нормалар йифиндиси. Сайлов ҳуқуқи, одатда, конституция ва сайлов тўғрисидаги маҳсус қонунлар билан белгиланади.

**Секторлараро назария-** ижтимоий шерикликнинг уч сектор: давлат органлари, бизнес вакиллари ва фуқаролик жамиятининг институтлари ўртасидаги муносабатларни тартибга солиши тўғрисидаги назария

**Сенат** - лот. senatus-эски, қария; кўпчилик мамлакатлар парламентининг юкори палатаси.

**Сиёсат субъекти** – сиёсий муносабатларда иштирок этаётган кучлар, социал гуруҳлар, қатламлар, ташкилотлар сиёсий фаолиятнинг ташувчилари, сиёсатнинг субъекти ҳисобланади.

**Сиёсий жараёнлар** – турли сиёсий институтлар, ижтимоий гуруҳлар, ташкилотлар индивидлар муносабати сифатида намоён бўлади.

**Сиёсий қарашлар** – сиёсий қарашларнинг шаклланиши ва қарор топишида ўзига хос анъаналар мавжуд бўлиб, сиёсий ҳодисалар турли хил талқин этилган.

**Сиёсий маданият** - инсоннинг сиёсий ҳодисаларга доир қадриятларга оид тасаввурлари ва унинг амалиётда намоён бўладиган хулқи кодекси ёки унинг сиёсий ҳокимият субъекти сифатидаги фаолият услуби. Шу маънода, сиёсий маданият фуқаронинг умуминсоний аҳамиятга молик бўлган сиёсий фаолият намуналарини қай даражада эгаллаганлигини намойиш қиласи.

**Сиёсий онг** – турли ижтимоий гуруҳларнинг давлат ҳокимиятига, сиёсий ташкилотлар, уларнинг жамият ҳаётидаги ролига, бошқа давлат ва миллатлар билан муносабатига оид қарашларнинг бир тизимга солинган назарий ифодаси.

**Сиёсий партиялар** – ижтимоий гуруҳлар манфаатларини ифодаловчи, уларнинг энг фаол вакилларини бирлаштирувчи сиёсий ташкилотлар. Сиёсий партиялар жамият сиёсий тизимининг муҳим қисми, улар давлатнинг сиёсий йўналишини белгилашда иштирок этади, ҳукуматнинг вакиллик ва ижро этувчи муассасаларини шакллантиради.

**Сиёсий ташкилотлар** – сиёсий партиялар, турли ижтимоий қатлам ва гурухларнинг манфаатлари, мақсадларини ифода этади.

**Сиёсий тизим** жамиятда давлат ҳокимияти ва бошқарувни шакллантириш ва амалга ошириш билан боғлиқ муносабатлар ҳаракатларида ўз ифодасини топади.

**Социал** – лот. socialis – ижтимоий, жамоатчилик; жамият ва ижтимоий муносабатлар билан боғланган.

**Социум** - лот. *socium*-умумий, биргаликдаги; инсонлар ҳаёт фаолияти шарт-шароитларини бирлигини характерловчи ижтимоий умумийлик, бирлик.

**Страта** – (лот.*stratum*)-қатlam.

**Структура** (лотинча “*structura*” –“тузилма”, “тузилиш”) – объектнинг бир бутунлигини ва унинг ўзига ўзи айнанлигини, яъни турли ички ва ташки ўзгаришларда ўзининг асосий хусусиятларини сақлай олишини таъминловчи барқарор алоқалар йиғиндисидир.

**Субординация** – (лот.) тартибга келтириш; хизмат интизоми қоидаларига тегишли ҳолда мартаба даражалари бўйича кичик мансабдорларни катта мансабдорларга бўйсунишига қатъий амал қилиш.

**Суверен** – фран. *souverain*-олий сўзидан олинган бўлиб, олий, суверенитетга эга бўлиш, мустақил, қарам бўлмаган маъноларини беради.

**Суверенитет** – (фран. “*souveränität*”) давлатнинг ички ишлар ва ташки муносабатларда хорижий аралашувларга йўл қўймаган ҳолдаги мустақиллиги ва муҳторияти.

**Сўз эркинлигини таъминлаш** – инсоннинг фундаментал ва табиий ҳуқуқларидан бири – ўз фикрини (ҳаёлини) ошкора (оғзаки, ёзма равища ва/ёки оммавий ахборот воситалардан фойдаланган ҳолда) ифода этиш ҳуқуқини амалга ошириш учун комплексли шарт-шароитларни яратиш.

**Сўз эркинлигини таъминлаш** – инсоннинг фундаментал ва табиий ҳуқуқларидан бири – ўз фикрини (ҳаёлини) ошкора (оғзаки, ёзма равища ва/ёки оммавий ахборот воситалардан фойдаланган ҳолда) ифода этиш ҳуқуқини амалга ошириш учун комплексли шарт-шароитларни яратиш.

**Табака** (қатlam) - ўхшаш касб-хунар, машғулот, ҳолати ва аҳволи билан манфатлар умумийлиги асосида бирлашган шахсларнинг йирик гурухи.

**Тараққиёт** – жамият ривожланишининг оддийдан мураккабга, Ю қўйидан юқорига йўналган, бир сифат босқичидан янги сифат босқичига ўтиши жараёни.

**Тараққиётнинг “Ўзбек модели”** - истиқлолнинг дастлабки йилларида Биринчи Президентимиз И.А.Каримов раҳбарлигига ишлаб чиқилган ислоҳотлар стратегия бўлиб, тараққий топган мамлакатларнинг бозор муносабатларига ўтиш тажрибаси, мамлакатимиз бошидан кечирган тарихий синовлар ва уларнинг сабоқлари, ҳалқимизнинг турмуш ва тафаккур тарзи асос қилиб олинди. Шу тариқа юртбошимиз томонидан жамиятни ислоҳ этишнинг чуқур илмий асосланган қўйидаги беш тамойили вужудга келди: Биринчи тамойил: иқтисодиётнинг сиёsatдан устунлиги; Иккинчи тамойил: давлат – бош ислоҳотчи; Учинчи тамойил: жамият ҳаётининг барча соҳаларида қонуннинг устуворлиги; Тўртинчи тамойил: аҳолининг демографик таркибини ҳисобга олган ҳолда, кучли ижтимоий сиёsat юритиш; Бешинчи тамойил: бозор иқтисодиётига объектив иқтисодий қонунларнинг талабларини ҳисобга олган ҳолда, тадрижий асосда, пухта ўйлаб, босқичма-босқич ўтиш.

**Ташаббус-** лот. инициатива *initiative-tashabbus*; қандайдир ишни бошлашга ундаш, ишбилармонлик; муҳокама қилиш учун таклифлар бериш.

**Технотроника** -ингл. technetronic;. Электроникадан фойдаланиб жамиятга таъсир этувчи техника воситалари.

**Тинчлик** – инсоннинг ҳаётий эҳтиёжи, эмин-эркин яшashi ва камол топишининг энг зарур омили.

**Толерантлик** - фр. tolérant (лат. Tolerāns-tolerantis) ҳозирги ўзбек тилида луғавий таржима қилганда чидамлилик, сабрлилик, бардошлилик, тоқатлилик маъноларини англатади. Антик давр ва ўрта асрларга қадар асосан табобат соҳасида кенг истифода этилган мазкур тушунча хайвонлар ва инсонлар организмларининг турли-туман касалликлар, жароҳатлар ва умуман, ҳаёт учун курашиш жараёнларига доир иммун қобилиятини ўрганиш масалаларига алоқадор бўлган. Кейинчалик бошқа фанлар доирасида ҳам эътиборли асрлар яратган машхур табобат олимлари ва аксинча, табобат борасида ҳам дикқатга сазовор фикрлар билдирган бошқа соҳа олимлари мазкур тушунчани кенгроқ маънода қўллай бошлаганлар (Эпименид, Горгий, Аристотел, Эпиктет, Ибн Сино). XX асрга қадар толерантлик тушунчасининг айниқса дин билан боғлиқ мурувват маъносидаги талқинларига кўп дуч келиш мумкин. Лекин мазкур аср бошларидан техника тараққиёти ва унинг асосида меҳнатни ташкил этиш муносабатларининг жадал ривожланиши натижасида толерантлик тушунчаси давлат ва халқ муносабатларида, айниқса хукуқий муносабатлар тизимида кенг мазмун касб этади. Энди тушунча чидам, сабр-тоқат маъноларини йўқотмаган ҳолда кўпроқ бағрикенглиқ, ҳамжиҳатлик, ҳамкорлик каби мазмунда талқин этила бошланди.

**Тоталитар** - лот. totalis-бутун, тўла, бир бутун); давлат ҳокимияти органлари томонидан жамият ҳаётининг ҳамма соҳаларини назорат қиласиган давлат шакли, амалда конституцион хукуқ ва эркинликларни тугатилиши; бу режимда давлат ҳокимияти бирон-бир гурӯх (сиёсий партия) қўлида тўпланиб, мамлакатда демократик эркинликлар ва сиёсий муҳодифатни амал қилиши учун имкониятлар бўлмайди.

**Транзакция** - ингл. bank transaction, от лот. transactio - келишув, шартнома; транзакция – бу сотиб олишга доир шарномани тузиш/молиявий воситаларни сотишга доир шартнома. Банк транзакцияси, деганда бир банк ҳисоб рақамидан иккинчисига ёки банк ичидаги бир ҳисоб рақамидан иккинчисига пул маблағларини ўтказиш тушунилади.

**Трансформация** - лот. transformatio – ўзгариш; тузилмаларни, шаклларни ва усувларни ўзгартириш, фаролиятнинг мақсадли йўналишини ўзгартириш.

**Тред-юнионистик** назария- ижтимоий шерикликнинг мҳнат муносабатларини тартибга солиши тўғрисидаги назария

**Трипартизм**-ижтимоий шерикликнинг давлат органлари, бизнес вакиллари ва нодавлат нотижорат ташкилотлари ҳамда фуқаролик жамиятининг бошқа институтлари ўртасидаги келишув.

**Трипартизм** – ижтимоий шерикликнинг давлат органлари, бизнес вакиллари ва нодавлат нотижорат ташкилотлари ҳамда фуқаролик жамиятининг бошқа институтлари ўртасидаги келишув.

**Учинчи сектор** – дунёдаги барча мамлакатларда нотижорат ва хайрия мақсадларида ташаббус кўрсатаётган ва кенг фаолият юритаётган нодавлат

нотижорат ташкилотларига (ННТ) нисбатан қўлланилади (биринчи сектор – давлат, иккинчи сектор – тижорат сектори ёки шахсий сектор дейилади).

**Уклад** - тартиб, тарз; маълум ижтимоий-иқтисодий тузумнинг асосий хўжалик шакли.

**Умумбашарий қадрият** – дунё халқларининг кўпчилиги томонидан тан олинган, ҳуқуқий меъёрлар таркибига киритилган ёки қадрият, анъана ва масъулиятига айланган, воқеълик ваёхуд муносабатлар тизимиға нисбатан қўлланиладиган тушунча.

**Умуминсоний қадриятлар** – бутун инсониятнинг тажрибасини ифодаловчи ва маълум фарқланишлар бўлишидан қатъи назар, барча одамлар учун муштарак бўлган дунёқарашнинг идеаллари ёки ахлоқий нормалар.

**Универсал** – (лот. universalis –умумий); ҳар томонлама, кенг қамровли, кўплаб мақсадлар учун яроқли, турли вазифаларни ва функцияларни бажара оладиган.

**Учинчи сектор** - дунёдаги барча мамлакатларда нотижорат ва хайрия мақсадларида ташаббус кўрсатаётган ва кенг фаолият юритаётган нодавлат нотижорат ташкилотларга (ННТ) нисбатан қўлланилади (биринчи сектор - давлат, иккинчи сектор - тижорат сектори ёки шахсий сектор дейилади).

**Фаол (актив) сайлов ҳуқуқи** - фуқаронинг сайланадиган давлат органлари ва маҳаллий ўзини ўзи бошқариш органларига сайлаш ҳуқуқи.

**Феминизм-** лот. femina-аёл; эркаклар билан аёллар ҳуқуқларини тенглаштириш учун фаолият юритадиган аёллар ҳаракати.

**Феминизм-** лот. femina-аёл; эркаклар билан аёллар ҳуқуқларини тенглаштириш учун фаолият юритадиган аёллар ҳаракати.

**Фикр эркинлиги**– бу жамият аъзоси бўлган ҳар бир шахс табиий ва ижтимоий жараёнларга, фуқаролар билан сиёсий ташкилотларга ва миллий, ирқий, диний, синфий муносабатларга эга бўлган мустақил фикрларини ҳуқуқий, сиёсий диний ва бошқа муассасалар томонидан бўлиши мумкин бўлган турли тазийклардан муҳофаза қиласидиган ижтимоий мухит.

**Фискалъ** - ингл. fiscal policy; лот. fiscus - сават; касса, казна, молия, солик-бюджет сиёсати ҳукумат сиёсати, яъин истиқболда барқарор иқтисодий тизимни таъминлаш ва бизнес-цикларни тебранишини камайтириш мақсадида давлатнинг иқтисодиётга аралашув усусларидан бири; фискалъ сиёсатининг асосий қуроли давлат бюджетининг даромадлари ва ҳаражатлари, яъни: соликлар, трансферлар ва давлат сотиб олган товарлар ва хизматлар.

**Форум-** лот. forum; вакиллар мажлиси, қурултойи, конгресси; қадимги Римда халқ мажлиси ўтказилган майдон.

**Фракция** - лот. fractio-бузиш, синиш, дарз кетиш; парламент аъзолигига ёки бошқа вакиллик органларига сайланган депутатлар бирлашмаси.

**Фуқаролар ўзини ўзи бошқариш органларининг ҳудудий асоси** - фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органларини тузиш, бирлаштириш, тугатиш ҳамда уларнинг чегараларининг ўрнатиш ва ўзгартириш тартиб-коидаларини белгилаб берувчи ҳуқуқий нормаларнинг муштарак тизимиdir.

**Фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариши** - Ўзбекистон Республикаси Конституцияси ва Конунлари билан кафолатланадиган уларнинг ўз манфаатларидан, ривожланишнинг тарихий хусусиятларидан, шунингдек

миллий ва маънавий қадриятлардан, маҳаллий урф-одатлар ва анъаналардан келиб чиқсан ҳолда маҳаллий аҳамиятга молик масалаларни ҳал қилиш борасидаги мустақил фаолиятидир.

**Фуқароларнинг ўзини ўзи бошқаришнинг ташкилий асоси** - ўзини ўзи бошқаришҳуқуқининг институти сифатида ўзини ўзи бошқариш органларининг тузилиши, фаолият тартиби, шакли ва принципларини, фаолият доирасини белгилаб берувчи хуқукий нормаларнинг муштарак тизимиdir.

**Фуқароларнинг ўзини ўзибошқариш органлари фаолиятининг молиявий асоси** - фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органларининг ўз маблағларидан, ушбу органларга ҳалқ депутатлари туман ва шаҳар кенгашлари белгиланган тартибда ажратган бюджет маблағларидан, юридик ва жисмоний шахсларнинг ихтиёрий ҳайр-эҳсонларидан, шунингдек, қонун хужжатларида назарда тутилган бошқа маблағлардан ташкил топади.

**Фуқаролик** – инсонларни муайян давлат, давлатчилик билан боғлиқ хуқукий ҳолатларини, муносабатларини ифода этувчи тушунчадир.

**Фуқаролик жамияти** – фуқароларнинг давлат ва жамият бошқарувида тегишли фуқаролик институтлари орқали фаол иштирок этиши таъминланган ижтимоий макондир.

**Фуқаролик жамияти институтлари** – фуқароларнинг давлат ва жамият бошқарувида иштирок этишига хизмат қиласиган нодавлат, нотижорат ташкилотлари, жамият бирлашмалари, оила, маҳалла, ижтимоий ҳаракатлар ва бошқа тузилмалар мажмуидир.

**Фуқаролик масъулияти** – қонун устиворлигини тан олиш ва ҳар бир шахснинг ижтимоий ҳаётни такомиллаштириш жараёнида иштирок этиш вазифасини теран ҳис қилиш.

**Функция** - лот. functio-фаолият, ўташ, бажариш; фаолият, мажбурият, иш, тайинлаш, бурч, вазифа, топшириқ.

**Функция** - лот. functio-фаолият, ўташ, бажариш; фаолият, мажбурият, иш, тайинлаш, бурч, вазифа, топшириқ.

**Фуқаролик жамияти институтлари** – фуқароларнинг давлат ва жамият бошқарувида иштирок этишига хизмат қиласиган нодавлат, нотижорат ташкилотлари, жамият бирлашмалари, оила, маҳалла, ижтимоий ҳаракатлар ва бошқа тузилмалар мажмуи.

**Халқаро меҳнат ташкилоти (ХМТ)** – Бирлашган Миллатлар Ташкилоти тизимининг ихтисослашган муассасаси бўлиб, у ижтимоий адолат тамойилларини, халқаро тан олинган инсон хукуқлари ва меҳнат соҳасидаги хукуқларни илгари суришни ўз олдига мақсад қилиб қўйган. 1919 йилда ташкил топган ХМТ 1946 йилда БМТ тизимига кирган биринчи ихтисослашган муассаса бўлган.

**Халқ** - (араб. яратилган жонзот, одамлар) – кенг маънода, муайян мамлакатнинг барча аҳолиси, тор маънода, тарихий-этноижтимоий бирликларнинг турли шакллари, чунончи, миллат, элат, этник бирлик, уруғ ва бошқаларни ифода этувчи тушунчадир. Халқ - биринчи марта халқаро хуқуқ субъекти сифатида 1945 йили БМТ Уставида "Халқларнинг тенглиги ва ўз тақдирини ўзи белгилаш" тамойилининг

мустаҳкамланиши натижасида тан олинган.

**Халқ фаровонлиги** – миллий истиқлол мафқурасининг асосий ғояларидан бири. Халқ фаровонлиги ҳарбир шахс ва оила фаровонлиги билан боғлиқдир. Бунда инсоннинг шахсий манфаатлари жамият манфаатлари билан уйғунлашиб кетади ва ҳар бир фуқаронинг фаровонлиги бутун жамият фаровонлигидир, деган тамойил амалга ошади.

**Хартия** – (юн. қоғоз, ёрлик) ўрта асрларда оммавий ҳуқуқий сиёсий характердаги хужжат бўлган. Ҳозирги халқаро ҳуқуқда декларациянинг синоними. У – мажбурий кучга эга бўлмаган, умумий тамойиллар ва мақсадларни ифода этувчи хужжат.

**Ҳаракатлар стратегияси** - унинг мақсади олиб борилаётган ислоҳотлар самарадорлигини тубдан оширишдан, давлат ва жамиятнинг ҳар томонлама ва жадал ривожланишини таъминлаш учун шарт-шароитлар яратишдан, мамлакатни модернизациялаш ва ҳаётнинг барча соҳаларини эркинлаштиришдан иборатдир. Ҳусусан, мамлакатни ривожлантиришнинг қуидаги 5 та устувор йўналиши белгиланган: 1. Давлат ва жамият қурилишини такомиллаштириш; 2. Қонун устуворлигини таъминлаш ва суд-хуқуқ тизимини янада ислоҳ қилиш; 3. Иқтисодиётни янада ривожлантириш ва либераллаштириш; 4. Ижтимоий соҳани ривожлантириш; 5. Ҳавфсизлик, миллатлараро тотувлик ва диний бағрикенгликни таъминлаш, чуқур ўйланган, ўзаро манфаатли ва амалий руҳдаги ташқи сиёсат юритиш. Ҳаракатлар стратегиясини беш босқичда амалга ошириш назарда тутилмоқда, бунда йилларга бериладиган номларга мувофиқ ҳар йили уни амалга ошириш бўйича Давлат дастури тасдиқланади

**Ҳусусийлаштириш** - мулкка эгалик ҳуқуқининг давлатдан хусусий шахсларга ўтиши.

**Ҳамкорлик сиёсати** – халқаро сиёсат субъектларининг биргаликдаги сиёсий ҳаракатларда вужудга келадиган масалалар юзасидан ягона нуқтаи назарларни ишлаб чиқишида ифодаланувчи муносабат турларидан бири. Унга кўра томонлар ўз фаолиятининг асосий йўналишларида мустақилликни сақлаб қолгани ҳолда қарашлар мос тушувчи амалий масалаларда биргаликда фаолият кўрсатадилар. Масалан, гитлерчи Германиясига қарши давлатлар ҳамкорлиги.

**Ҳуқуқ** - давлат қонунлари билан бериладиган эркинлик, ҳаракат қилиш имконияти, ниманидир амалга ошириш ёки нимадандир фойдаланиш, нимагадир эгалик қилиш; жамиятдаги муносабатларни, кишилар ва уларнинг ҳаракати ва хулқини мувофиқлаштириш, давлат ва жамият органларини яшашини таъминлашга имконият бериш мақсадларида давлат томонидан ўрнатилган ва ҳимоя қилинадиган умум мажбурий ижтимоий меъёрлар ва қоидалар.

**Ҳуқуқий давлат** - ҳуқуқ, Конституция ва Қонун ҳукмронлик қиладиган давлатдир. Давлат ва унинг институтлари, мансабдор шахслар жамият ва фуқаро олдидаги ўз маъсулиятларини ҳис қилишлари, ўз навбатида жамият ва фуқаро, унинг ташкилотлари давлат олдидаги маъсулиятларини ҳис қилишлари керак. Бу маъсулиятни ошириш орқали ҳуқуқий демократик

давлат шакллантирилади ва ривожлантирилади ҳамда бу жараён узқ муддатни талаб этади.

**Хуқуқий маданият** – умумий маданиятнинг муҳим қисми. Хуқуқий маданият тарихан аста – секин шаклланган ижтимоий воқеа бўлиб, ҳозирги даврда илғор ҳуқуқий давлатларнинг ва уларнинг фуқароларининг зарурый хислати ва тараққиёт омилига айланган.

**Шок терапияси** (иқтисодиётда) – иқтисодиётни соғломлаштиришга йўналтирилган қатор салбий оқибатларни (нархларнинг ўсиши, инфляция, бандликнинг пасайиши ва шунга ўхшаш бошқа ҳолатлар) ўз ичига оловчи радикал чора-тадбирлар мажмуаси.

**Эволюция** (лотин тилидан таржимаси – бошлаш, вужудга келиш) – тизимнинг ривожланиш жараёнини англатадиган тушунча бўлиб, биринчи галда жамиятга хосдир. Унга қўра, жамиятда аста-секин юз берадиган ўзгаришлар тизимга, унинг тузилмалари ташкил қилиниши ва функциялари сифатли ўзгаришига олиб келади.

**Эгалитаризм-** фран. *egalite*-тенглик; умумий тенглаштиришни жамиятни ташкил этишнинг принципи ғоясига асосланган ижтимоий-сиёсий фикр йўналишларидан бири.

**Элат** - бир тилда сўзлашувчи, ўзига хос маданияти мавжуд бўлган ва маълум худудда яшайдиган ҳамда муайян мақсад асосида бирлашган ва ўз тузилмасига эга бўлган ижтимоий-тарихий бирлик тушунилади. Элат— кишиларнингтил, худуд, иқтисодий ва маданий жиҳатдан тарихан таркиб топган бирлиги.

**Электорат** – сайловларда маълум сиёсий партияга (сиёсий лидер)га овоз берувчи сайловчилар давраси; маълум бир сайлов округи ёки мамлакат сайловчилари мажмуи.

**Электрон ҳуқумат** – (англ. e-Government) – бу фуқаролар, бизнес, давлат ҳокимиятининг бошқа тармоқлари ва давлат хизматчиларига ахборотни тақдим қилиш ва шаклланиб бўлган давлат хизматларининг тўпламини қўрсатиш усулидир, бунда давлат ва аризачи ўртасидаги ўзаро шахсий алоқа минималлаштирилган ва имкон борича максимал равища ахборот технологиялардан фойдаланилади. Электрон ҳуқумат – мамлакат миқёсида бошқарув жараёнларнинг бутун мажмуасини автоматлаштиришга асосланган ҳамда давлат бошқарувининг самарадорлигини сезиларли даражада ошириш ва жамиятнинг ҳар бир аъзоси учун ижтимоий коммуникациялар ҳаражатларини камайтириш мақсадига хизмат қилувчи давлат бошқаруви электрон ҳужжат алмашини тизими. Электрон ҳуқуматни яратиш ҳужжатларни ва уларни ишлаш жараёнларини бошқариш билан боғлиқ вазифаларнинг тўлиқ кўламини ҳал этишни амалга оширувчи ижтимоий бошқарувининг умумдавлат тақсимлаш тизими қурилишини назарда тутади.

**Эмиссия** - фр. *émission* – чиқариш; пул эмиссияси - муомалага янгии пулларни чиқариш, муамаладаги пул ҳажмини кўпайтириш. Эмиссия нақд ёки нақд пулсиз бўлиши мумкин.

**Эмпиризм** - юон. *emperiea*-тажриба; тажрибани билишнинг бирдан-бир воситаси, деб тан оловчи таълимот.

**Эркинлаштириш** - мамлакатнинг демократикжамиятга ўтиш ва ислоҳотлар ўtkазиш жараёни дамавжуд бўладиган турли тўсиқлар, чеклашлар ва ёнберишга мажбур этадиган омиллардан қутилишга қаратилган амалий фаолиятдир. У демократик жараёнларнинг самарали ривожигаянгикуч, кувват ва илҳом бағишлиш имкониятини яратади.

**Этнос** – юн. ethnos - халқ, қабила, тўда, кишилар грухи, ирқ маъноларни англатади.

**Юксак маънавият** – инсон маънавиятининг энг юқори даражаси бўлиб, у инсонларни энг эзгу ва улуғ мақсадларга йўналтиришга хизмат қиладиган она Ватан бахти иқболи йўлида буюк жасоратга чорлайдиган енгилмас кучdir.

**Юрт тинчлиги** – миллий истиқлол мафкурасининг асосий ғояларидан бири, мамлакат барқарор тараққиётининг асосийшарти.

**Ўзини ўзи бошқариш** (ингл. municipal ўзини ўзи бошқариш); у ёки бу маъмурий-худудий бирликлардаги аҳолининг ваколатларини ифодаловчи сайланган органлар ва уларнинг маъмурий аппарати томонидан амалга ошириладиган маҳаллий аҳамиятга эга бўлган ишларни бошқаришга айтилади. Ўзбекистонда ўзини ўзи бошқариш органлари таркибига маҳалла, қишлоқ, овул ва шаҳарча фуқаролар йигинлари киради.

**Ўзини ўзи бошқаришнинг асосий принциплари** - Ўзбекистон Республикасининг Конституциясида ва қонунларида мустаҳкамланган ўзини ўзи бошқариш органларининг табиати билан боғлиқ бўлган мустақил фаолиятни амалга оширишни ташкил қилувчи раҳбарий ғоялар ийфиндисидир.

**Ўнг** - сиёсий кучлар жойлашувида жамиятнинг ижтимоий-сиёсий тузилишини сақланишини мақсад қилиб олган консерватив сиёсий оқим.

**ISESCO** - Ислом Конференцияси ташкилотининг Таълим, фан ва маданият масалалари бўйича муассаси.

**Uz домен зонаси** – маълум даражадаги “Uz” доменига кирувчи домен номларининг мажмуаси; барча рўйхатга олинган “Uz” домен номли сайтларни бирлаштирувчи ва шу тарзда мазкур домен билан ягона Интернет-маконини ташкил этувчи веб-зона. Ўзбекистон Республикасининг мамлакат кодини ифодаловчи, маҳсус ваколатли ташкилот томонидан бошқариладиган ва мувофиқлаштирилаладиган ҳамда Ўзбекистон Республикасининг юрисдикцияси остидаги ўз ичига кейинги даража домен номларини олувчи юқори даража домен. «UZ» доменидаги домен номларини рўйхатдан ўтказиш ва улардан фойдаланиш тартиби тўғрисидаги низомни тасдиқлаш ҳақида. (Ўзбекистон Республикаси қонун хужжатлари тўплами, 2008 й., 26-27-сон, 255-модда; 2015 й., 5-сон, 61-модда).

**ZiyoNet – ZiyoNET жамоат ахборот таълим тармоғи.** Ўзбекистон Республикаси Биринчи Президенти И.А.Каримовнинг 2005 йил 28 сентябрдаги ПҚ191-сонли “Ўзбекистон Республикасининг жамоат таълим ахборот тармоғини ташкил этиш тўғрисида”ги Қарорига мувофиқ ташкил топган. ZiyoNET тармоғининг асосий мақсади, республика ёшлари ҳамда таълим олувчилари учун таълим олиш тизимида кенг кўламли ахборот-

коммуникация хизматларини жорий этишдан иборат. ZijoNET Ўзбекистон Республикасига тааллуқли бўлган турли ресурслар типларидан ахборот ахборот таълим тармоғи: дарсликлар, ўқув ва методик қўлланмалар, лекциялар конспектлари, рефератлар, тақдимотлар, маълумотномалар ва луғатлар, бакалаврларнинг битирув ишлари, магистрларнинг диссертациялари, номзодлик ва докторлик диссертацияларнинг авторефератлари ва яна бошқалар.

## VI. АДАБИЁТЛАР РЎЙХАТИ

### I. Ўзбекистон Республикаси Президентининг асарлари

22. Мирзиёев Ш.М. Буюк келажагимизни мард ва олижаноб халқимиз билан бирга қурамиз. – Т.: “Ўзбекистон”, 2017. – 488 б.
23. Мирзиёев Ш.М. Миллий тараққиёт йўлимизни қатъият билан давом эттириб, янги босқичга кўтарамиз. 1-жилд. – Т.: “Ўзбекистон”, 2017. – 592 б.
24. Мирзиёев Ш.М. Халқимизнинг розилиги бизнинг фаолиятимизга берилган энг олий баҳодир. 2-жилд. Т.: “Ўзбекистон”, 2018. – 507 б.
25. Мирзиёев Ш.М. Нияти улуғ халқнинг иши ҳам улуғ, ҳаёти ёруғ ва келажаги фаровон бўлади. 3-жилд.– Т.: “Ўзбекистон”, 2019. – 400 б.
26. Мирзиёев Ш.М. Миллий тикланишдан – миллий юксалиш сари. 4-жилд.– Т.: “Ўзбекистон”, 2020. – 400 б.

### II. Норматив-хуқуқий ҳужжатлар

27. Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси. – Т.: Ўзбекистон, 2018.

28. Ўзбекистон Республикасининг 2020 йил 23 сентябрда қабул қилинган “Таълим тўғрисида”ги ЎРҚ-637-сонли Конуни.

29. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2015 йил 12 июнь “Олий таълим муасасаларининг раҳбар ва педагог кадрларини қайта тайёрлаш ва малакасини ошириш тизимини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПФ-4732-сонли Фармони.

30. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февраль “Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида”ги 4947-сонли Фармони.

31. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 20 апрель “Олий таълим тизимини янада ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПК-2909-сонли Қарори.

32. Ўзбекистон Республикасининг 2035 йилгача ривожланиш Стратегиясининг концепцияси.2018 йил 27 июн. Тараққиёт стратегияси маркази. [www.strategy.uz](http://www.strategy.uz)

33. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 21 сентябрь “2019-2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини инновацион ривожлантириш стратегиясини тасдиқлаш тўғрисида”ги ПФ-5544-сонли Фармони.

34. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 27 май “Ўзбекистон Республикасида коррупцияга қарши курашиш тизимини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПФ-5729-сон Фармони.

35. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 17 июнь “2019-2023 йилларда Мирзо Улугбек номидаги Ўзбекистон Миллий университетида талаб юқори бўлган малакали кадрлар тайёрлаш тизимини тубдан такомиллаштириш ва илмий салоҳиятини ривожлантири чора-

тадбирлари тўғрисида”ги ПҚ-4358-сонли Қарори.

36. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 27 август “Олий таълим муассасалари раҳбар ва педагог кадрларининг узлуксиз малакасини ошириш тизимини жорий этиш тўғрисида”ги ПФ-5789-сонли Фармони.

37. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2019 йил 23 сентябрь “Олий таълим муассасалари раҳбар ва педагог кадрларининг малакасини ошириш тизимини янада такомиллаштириш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги 797-сонли Қарори.

38. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 8 октябрь “Ўзбекистон Республикаси олий таълим тизимини 2030 йилгача ривожлантириш концепциясини тасдиқлаш тўғрисида”ги ПФ-5847-сонли Фармони.

39. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2020 йил 29 октябрь “Илм-фанни 2030 йилгача ривожлантириш концепциясини тасдиқлаш тўғрисида”ги ПФ-6097-сонли Фармони.

40. Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг 2020 йил 25 январдаги Олий Мажлисга Мурожаатномаси.

41. Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг 2020 йил 29 декабрдаги Олий Мажлисга Мурожаатномаси.

42. 2021-2025 йилларда Фуқаролик жамиятини ривожлантириш концепциясини тасдиқлаш тўғрисида Ўзбекистон Республикаси Президентининг фармони Тошкент, 2021 йил 4 март.

43. Маънавий-маърифий ишлар тизимини тубдан такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида Ўзбекистон Республикаси Президентининг қарори Тошкент, 2021 йил 26 март.

### **Ш. Махсус адабиётлар**

30. Мохаммад Хотами Ислам, диалог и гражданское общество. – М.: “РОССПЭН”. 2001. – 242 с.

31. Джон Кин Демократия и гражданское общество. – М.: “Прогресс - Традиция”, 2001. – 400 с.

32. Шарифхўжаев М. Ўзбекистонда очик фуқаролик жамиятининг шаклланиши. –Т.: Шарқ, 2003.

33. Д.Дж.Грин Возвращение в гражданское общество: социальное обеспечение без участия государства. – М.: “Новое издательство”. 2008, – 220 с.

34. Қирғизбоев М. Фуқаролик жамияти: генезиси, шаклланиши ва ривожланиши. – Т.: Ўзбекистон, 2010

35. Джим Л. Коэн, Эндрю Арато Гражданское общество и политическая теория. – М.: “Весь мир”, 2011. – 784 с.

36. Жалилов А. ва бошқ. Фуқаролик жамияти асослари. – Т.: Baktriya press, 2015.

37. Р.Хасанов, А.Утамуродов Фуқаролик жамияти: назария ва амалиёт

(Услубий қўлланма) – Т.: 2016. 14 б.т.

38. А.Утамурадов ва бошқ. Фуқаролик жамияти фанидан тушунча ва атамалар лугати. Лотин ёзувиди. – Т.: “Турон-Замин-Зиё”. 2017. 23 б.т.
39. М.Бекмуродов ва бошқ. Харакатлар стратегияси асосида жадал тараққиёт ва янгиланиш сари, – Т.: “Фофор Ғулом НМИУ”. 2017, - 236 б.
40. Ж.Мавлонов Коммуникативные основы деятельности институтов гражданского общества: тенденции и инновации (Монография) - Т.: “Адабиёт учқунлари”, 2018. 12 б.т.
41. А.Утамурадов Фуқаролик жамияти ғоялари эволюцияси Т.: “Адабиёт учқунлари” 2018. 12 б.т.
42. A.Utamuradov va boshq. Fuqarolik jamiyati (O'quv qo'llanma) – Т.: “Mumtoz so'z”, 2018. 24,75 b.t.
43. А.Утамурадов ва бошқ. Фуқаролик жамияти: Ғоялар эволюцияси (Шарқ ва Farb мутафаккирлари талқинида). Лотин ёзувиди. – Т.: “Адабиёт учқунлари”, 2018. 6 б.т.
44. Муаллифлар жамоаси. А.Утамурадов таҳририда Ўзбекистонни ривожлантириш стратегияси. Фуқаролик жамияти (Услубий қўлланма) – Т.: “Info Capital Group”, 2019. – 432 б.
45. Олий таълим тизимини рақамли авлодга мослаштириш концепцияси. Европа Иттифоқи Эрасмус+ дастурининг кўмагида. [https://hiedtec.ecs.uni-ruse.bg/pimages/34/3\\_UZBEKISTAN-CONCEPT-UZ.pdf](https://hiedtec.ecs.uni-ruse.bg/pimages/34/3_UZBEKISTAN-CONCEPT-UZ.pdf)
46. Усмонов Б.Ш., Ҳабибуллаев Р.А. Олий ўқув юртларида ўқув жараёнини кредит-модуль тизимида ташкил қилиш.–Т.: “ТКТИ” нашриёти, 2019.
47. Ҳакимов Н.Х., Садиков А.К. Стратегия развития страны. Гражданское общество (Учебное пособие) - Т.: “Иқтисодиёт”, 2020. - 252 с.
48. A.Utamuradov va boshqalar O'zbekistonni rivojlantirish strategiyasi. Fuqarolik jamiyati: Darslik – Т.: O'zbekiston Respublikasi Milliy gvardiyasi Harbiy-texnik instituti, 2020. 24.5 b.t.
49. Ҳаракатлар стратегияси билан З йил: Кутилган натижалар, юқори самарадорлик ва юксак мэрралар Тошкент 2020 “Тараққиёт стратегияси маркази” 185 бет.

#### **IV. Интернет сайтлар**

50. Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта маҳсус таълим вазирлиги: [www.edu.uz](http://www.edu.uz).
51. Бош илмий-методик марказ: [www.bimm.uz](http://www.bimm.uz)
52. [www.Ziyonet.Uz](http://www.Ziyonet.Uz)
53. Открытое образование. <https://openedu.ru/>
54. <https://foxford.ru/wiki/obschestvoznanie/grazhdanskoe-obschestvo>
55. <https://www.linguee.com/russian-english/translation>
56. [https://enc.for.uz/w/index.php?title=Fuqarolik\\_jamiyati&variant=uz-cyril](https://enc.for.uz/w/index.php?title=Fuqarolik_jamiyati&variant=uz-cyril)
57. <http://www.uzbekembassy.ir/Development.aspx>
58. <https://icscentre.org/tag/civil-society/>